

Dunyo
adabiyoti
kutubxonasi

Шарль ЛОРАН

НАПОЛЕОНЗОДА



Т а р и х и й р о м а н

Шарль ЛОРАН

НАПОЛЕОНЗОДА



Т а р и х и й р о м а н



Т о ш к е н т 2 0 1 6

УЎК: 821.133.1-3II.6

КБК: 84(4Фр)

Л – 77

Лоран, Шарль

Наполеонзода: тарихий роман. Шарль Лоран / Рус тилидан
Рустамжон Умматов таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди,
2016. – 240 б.

ISBN 978-9943-27-800-4

Француз адиби Шарль Лоран қаламига мансуб «Наполеонзода» романи ўз ичига XIX асрнинг бошлари – Наполеон Францияси даврини олган «Наполеоннинг жосуси» асарининг мантиқий давомидир. Асарда баён қилинган асосий воқеалар бош қаҳрамон – Рим қироли герцог Рейхштадтский атрофида айланади. Герцог Рейхштадтский асли буюк француз саркардаси Наполеон Бонапартнинг ўғли – Жозеф Француа Шарль Бонапарт. Отасининг аянчли тақдири ўғилнинг ҳаётига ҳам соя солдики, онасидан айро яшаган, ўз бобоси қўлида тутқун бўлган Наполеонзода 21 ёшида сил касаллигидан вафот этади...

Китобхон романни мутолаа қилар экан, XIX аср бошларидаги икки қироллик олий насаб кишилар, туғишганлар ўртасидаги адоват, шахсий гаразлар буюк инсонлар ҳаётининг қанчалар аянчли бўлганига гувоҳ бўлади.

Асар кенг китобхон оммасига мўлжалланган.

УЎК: 821.133.1-3II.6

КБК: 84(4Фр)

Рус тилидан
Рустамжон Умматов
таржимаси

ISBN 978-9943-27-800-4

© Шарль Лоран, «Наполеонзода». «Янги аср авлоди», 2016 йил.

ЖУВОНМАРГ ВАЛИАҲД ФОЖИАСИ

Икки юз йилдан ошибдики, Наполеон Бонапарт ҳақидаги баҳсу мунозаралар ҳамон тугамайди. Италиядаги «Наполеон даврини тадқиқ қилиш миллий қўмитаси», Франциядаги «Буюк француз инқилоби тарихини ўрганиш халқаро комиссияси» каби муассасалар мунтазам фаолият кўрсатмоқда.

Наполеон Биринчи тўғрисида кимлар ёзмаган, уни кимлар мадҳ этмаган дейсиз: Байрон, Мицкевич, Стендаль, Беранже, Гейне, Бальзак, Лермонтов, Дюма, Толстой, Бенцони... Бонапартнинг зафарли юришларига бағишлаб Бетховен (!) «Ғалаба симфонияси»ни яратди. Театр томошалари, кино санъати айна мавзуга фаол ёндашмоқни одат қилди...

Сўнгроқ Наполеон таваллудининг икки юз йиллиги (1969) нишонланди. Шу муносабат билан конгресслар, конференциялар, учрашувлар, хуллас, жуда кўп тадбирлар ўтказилди. Наполеон Бонапарт корсикалик матбуот оламининг, телевидение ва радионинг бош қаҳрамонларидан бирига айланди: сон-саноқсиз мақолалар, альбомлар, китоблар, бадий ва ҳужжатли фильмлар...

Аммо мунозаралар, саволлар ҳамон ўша-ўша: Наполеон ўзи ким эди? Унга берилган сифатларни кўринг: босқинчи ва халоскор, инқилоб аскар ва инқилоб душмани, республика императори ва республика

кушандаси, буюк саркарда ва мақтанчоқ генерал, оташқалб ошиқ ва бевафо эр, золим ва одил, корсикалик ваҳший, башариятнинг ғаними...

Бунчалар эҳтиром ва бунчалар маломатларнинг қай бири ҳақ, қай бири ноҳақ? Минг-минг сўровнинг мужассаами бўлмиш шу ягона саволга ҳақ жавоб топишдан кўра осмондаги ҳамма юлдузни санаб чиқиш осонроқ бўлса керак.

Аксарият деярли яқдиллик билан маъқуллаган ва нисбатан ҳаққоний таърифни эслайлик: Наполеон Бонапарт жаҳон тарихига таъсир кўрсата олган йирик арбоб, буюк саркарда ва чин маънодаги ШАХС эди. Чинакам тарихий шахслар эса ҳар куни, ҳар йили туғилавермайди...

Наполеон Бонапарт 1769 йил 15 августда Ўрта Ер денгизидаги Корсика оролининг Аяччо шаҳрида дунёга келган, оиладаги саккиз фарзанднинг иккинчиси эди. У 24 ёшида бригада генерали, 26 ёшида дивизия генерали ва Париж гарнизонининг қўмондони бўлди.

Акаси Жозеф ва Наполеон 1795 йилнинг кўкламида марселлик тужжор Этьен Кларининг қизлари билан танишдилар. Уларнинг каттаси Жюлига Жозеф уйланди, келинболанинг синглиси Дезире Клари эса Наполеонга унаштирилди. Ёшларнинг аҳду паймони қаттиқ бўлиб, «умр бўйи сеникиман» деб хат ёзарди Наполеон.

Кейин... кейин эса марселлик қиз куйиб-ёниб, йиғлаб-сиқтаб қолаверди. Воқеаларни олдинлаштириб айтамызки, йиғлаб қолган Дезиренинг пешонаси шўр эмас, ҳатто ярақлаган бўлиб чиқди. Уни генерал Жан Батист Бернадотга узатишди, куёв Наполеоннинг саркардаларидан бўлиб, 1804 йили маршал унво-

нини олди. У Голландиядаги минг-минглаб швед ҳарбий асирларининг халоскори, валинеъмати, гамхўри бўлдики, Бернадот номи Швецияда шон-шарафга бурканди. Швеция риксдаги 1810 йилнинг август ойида уни шаҳзодалик мақоми билан сийлаб, қирол Карл XIII нинг валиаҳди деб эълон қилди. Хулласи калом, Франция маршали Бернадот 1818 йили Карл XIV Юхан номи билан тахтга чиқди, унинг ёнида қиролича Дезире ҳам Швеция тожини кийди. Тақдирнинг ўйини-да: Наполеон енгилди, қувилди, охири сургунда ўлиб кетди, ёшлигида алданган қиз эса давру даврон сурди, ўғиллари, неваралари, то эвараларигача ҳукмдорлик қилишди. Кези келганда таъкидлаймизки, Дезире хоним Бернадотлар сулоласининг бошловчи онаси эди, Швеция тахти XXI асрда ҳам унинг авлодлари тасарруфида...

Ким билсин: Жозефина Бонапартни сеҳрлаб қўйганмиди ё унга Наполеон ўзи чин қалби билан боғланиб қолган эдимиз? Зинҳор онасидан бемаслаҳат иш тутмайдиган Бонапарт айна масалада унинг қаршилигига қарагани йўқ. У 1796 йил 8 март куни Жозефина Богарне билан никоҳдан ўтди ва II мартда Италиядаги ўз қўшинлари сари йўлга тушди. Урушда ҳам у Жозефинанинг хатларини ёнидан қўймасди, уларни такрор ва такрор ўқишдан лаззатланарди. «Мен уни телбаларча севаман», – дерди Наполеон қуролдошларига.

Бонапарт ҳаётида муҳим ўрин тутадиган бу аёлнинг тўлиқ исми – Мари Жозефина Таше де ла Пажера, марҳум эрининг фамилиясига кўра – Богарне. Унинг келиб чиқиши креоллардан¹ бўлиб, Мартини-

¹ Креоллар – европалик истилочиларнинг Америкадаги мустамлакаларида туғилган авлодлари. (Таржимон изоҳи.)

када (Кариб денгиздаги орол) 1763 йили туғилган, Наполеондан олти ёш катта. Жозефина 1779 йили (16 ёшида) Александр Богарне билан турмуш қуриб, бир ўғил, бир қиз кўрган: Эжен (Евгений) ва Гортензия. Генерал Богарне хоинликда айбланиб, инқилобий трибунал ҳукмига биноан 1794 йил қатл этилган.

Наполеоннинг Жозефинага муҳаббати ҳақида муаррихлар кўп шаҳодат беришади...

Миср ва Сурия юриши Бонапартнинг таржимаи ҳолидаги қора саҳифалардан бири. Унинг қўшини Сурия саҳросида боши берк кўчага кириб қолади: ана шу ерда Наполеон Жозефинанинг хиёнатидан воқиф бўлдики, унинг ҳар томонлама хароб ҳолини тасвирлашга тил ожиз...

Франция олисларда қолган, боришга ҳеч чора йўқ. Алам ўтида қовурилиб турган ўша аччиқ дамларда унинг ҳаётига Полина Фуре кириб келди ва Наполеон шу аёл воситасида гўё Жозефинадан қасос олди. Озгин ва нозиккина бу жувон вафо азмини маҳкам тутиб, ҳарбийча мундир кийган ва ҳаммани гафлатда қўйиб, лейтенант эрининг этагига осилганича урушга отланган. Бироқ унинг «вафо қўрғони» бўш тобгинан экан: Наполеон 62 кеча-кундуз қамал қилиб, Сен-Жан д'Акр қалъасини ололмаса-да, бу ёқда тўлиқ «зафар қозонди». Душман билан жанг қилиб, аскарлар тутдай тўкилаётган генерал ўз лейтенанти билан уруш бошлармиди? Осонгина чораси топилди: бош қўмондон номидан республика аҳамиятига молик топшириқ ташкил этилди-да, лейтенант ими-жимиди Парижга жўнатилди.

Ўрта Ер денгизидан французларнинг ҳатто қайиғини ҳам ўтказмаётган инглизлар кемани дарҳол қўлга олишди. Англия разведкаси ўзининг зўрлиги-

ни, ер тагида илон қимирласа билажагини яна бир бор исботлади. Яъни, француз кемасидаги ҳамма йўловчилар ҳибсга олингани ҳолда, биргина маъшуканинг эрига озодлик бағишланди. Бугинамас, инглизлар лейтенантни ортиқ уринтирмасдан Қоҳирагача олиб бориб қўйдилар ва у йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, Наполеон қароргоҳига қайтиб борди.

Ойни этак билан ёпиб бўлармиди? Лейтенант шўрлик бош қўмондонни дуэлга чақиролмаса! Алданган эр хотини билан ажрашди ва шу билан муаммо ҳал бўлди-қолди. Лекин умри қисқа бу қисса узоқ давом этгани йўқ. Наполеон Полина Фурени «миттигина тентагим» дердики, тентак бари бир тентак-да...

Наполеон Миср ва Сурия юришидан салкам бир ярим йилда қайтди, қўшинини ташлаб, Францияга бир ўзи келганди. Ҳукумат олдида боши эгик, ҳаёти ҳам хавф остида тургани ҳолда, Жозефинанинг бевафолигини овоза қила олмасди. Бу билан ёнмаган гулханга лампамой қуярди, холос. Инчунин, алданган Наполеоннинг дағдағаси Шантерен кўчасидаги қасридан ташқарига чиққани йўқ. Икковининг муҳаббатини англаш қийин...

Улар кейинроқ ажрашдилар... Жозефина 1814 йилнинг 29 май куни оламдан ўтди, 51 ёшда эди. Докторлар унинг дардига ташхис қўя олмадилар. Ўша пайтлари Наполеон Эльба оролида бўлиб, Жозефинанинг даволовчи врачлари Оро аёлнинг Мальмезон қасрида кўз юмганини айтди. Бонапарт собиқ рафиқаси нимадан ўлганини суриштирди.

– Сизни деб, сизнинг гамингизда, сиз учун куйиб ўлди, – деган экан доктор унга жавобан...

Россия ва Пруссияга қарши уруш бошлаган император 1806 йил декабрь ойида Варшавада эди. Унинг

содиқ аъёнларидан бўлмиш генерал Дюрок ниҳоятда соҳибжамол, зарринсоч бир қизни ўз каретасида олиб келди. Наполеон от алмаштириш учун почта станциясида тўхтаган эди.

– Қадамларингизга ҳасанот, – деди ҳалиги гўзал соф француз тилида, – мамлакатимизга хуш келибсиз. Бошимиз кўкка етгани ва қайнаб-жўшган қувончимиз изҳорига муносиб сўз топиш қийин. Сизнинг ташрифингизга мунтазир эдик.

У Наполеоннинг юрагини жизиллатиб қўйди. Польшанинг катталари ҳам ўртага тушишди ва у 19 яшар Мария Валевская, қариб-қартайган граф Анастас Валевскийнинг хотини экани аниқ бўлди. Император Наполеон уни «польшалик рафиқам» дерди.

Уруш французларнинг ғалабаси ва Тильзит сулҳи билан хотималанди. Лекин Мария иштирокидаги муҳаббатноманинг муқаддимаси Польшада ёзилган эса-да, хотимаси бошқа юртга тақдир қилинган экан... 1809 йили Бонапарт Австрияни тиз чўктирди: сулҳ музокаралари Пресбург (Братислава) шаҳрида бўлса-да, Наполеон Вена яқинидаги Шенбрун саройида ётиб олиб, ўз дипломатларининг ишини бошқариб турди. Кузнинг илк кунларида Варшавадан саломнома келди.

– Агар чақирсангиз, етиб борардим, – деб ёзибди Мария Валевская.

Наполеон дарров чақирди: у етиб келди. Кунлар, ойлар ўтди.

– Ҳомиладорман, ажабмаски, ўғил бўлса, – суюнчилади Мария.

Валиаҳд! Ҳалигача бефарзанд императорнинг шодлиги чексиз! Лекин... французлар императорининг тож-тахт вориси польшалик хотиндан туғилладими?

Бундай валиаҳдни Франция халқи қандай қабул қиларкин? Ана шу саволлар қаршисида лол қолган Бонапарт Марияни кузатиб юборди, аммо ҳеч нарса ваъда қилмади, истиқболдан оғиз очмади. Иккови қайта кўришмадилар.

Хўш, поляк санамининг кейинги тақдири қандай кечди? Варшавага қайтиб борган Мария Валевская 1810 йилнинг 4 май куни ўғил кўрди, у Наполеон Бонапартнинг тўнғич фарзанди эди. Чақалоққа Александр Флориан-Жозеф-Колона деб исм қўйилди, кейинчалик у граф Александр Валевский номи билан тарихга кирди. Ёш граф 1830–1831 йиллари Пруссияга қарши халқ қўзғолонида иштирок этди, қўзғолончилар енгилгач, Парижга кетди. Иккинчи империя даврида (1852–1870) Франция ташқи ишлар вазири бўлди, ўша йиллари Қрим урушига чек қўйган Париж тинчлик конгрессига раислик қилди. Наполеон Учинчи Александр Валевскийни Флоренция, Неаполь, Мадрид ва Лондонга элчилик вазифасига тайинлади. Кейинроқ у давлат котиби, қонунчилик корпусининг раиси лавозимларида ишлади. Бироқ Наполеон Учинчи ундан хавфсирарди, чунки давлат арбоби сифатида жуда бообрўлиги устига, кимсан Наполеоннинг зурриёди эди-да! Шу боис уни саройдан узоқлаштирди. Граф Александр Валевский 1868 йил сентябрь ойида оламдан ўтган...

Бари бир Наполеонга тахт вориси керак эди. Лоақал туғишганларининг оғзини ёпиш учун ҳам зарур. Дарҳақиқат, уларнинг иддао ва хархашалари куракда турмасди. Аввало, акаси Жозеф: оилада тўнғич бўлгани боис Франция тахтида Наполеон эмас, Жозеф ўтириши керак экан. Тождор ука унга олдин Неополитания, кейин Испания қироллиги тожини бериб,

генерал мундирини ҳам кийдирди. Баднафсликнинг чегараси йўқ, афтидан, тантиқликда ҳам меъёр йўқ шекилли: Жозеф бир йўла генералиссимус бўлиш орзусида эди, устига-устак ўзи валиаҳд деб расман эълон қилинмагани туфайли умр бўйи укасидан норози бўлиб ўтди.

Лекин императорнинг туғишган жигарлари битта эмасди-да: Европа ҳудуди гўё Бонапартларнинг хусусий чорбоғи бўлди ва оила аъзоларига расамади билан тақсимланаверди. (Фақат укаси Люсьен қуруқ қолди, бунга ҳам ўша боланинг қайсарлиги айбдор.) Чунончи, Жером – Вестфалия, Луи – Голландия қироллари, Анна-Элиза – Италия қироличаси рутбасини олишди. Полина – кимсан генерал Леклеркнинг завжаси, Каролина – маршал Мюратга зўр тўю томошалар билан узатилди. Роса сийланса-да, куёв Мюрат Польша тахтини бермаган қайноғасидан хафа.

Императорнинг волидаси Летиция – пошшоона, у кишига ҳазрати олиялари деб мурожаат қилиш жорий этилган, Летициянинг бошига олтин тож кийдирилди. Алоҳида ҳашами зўр кошона, ой сайин катта маош, ясан-тусан, пардоз-андозлар ҳаминқадар, фрейленалар, камергерлар, извошлар, соқчию посбонлар хизматга қойим. Лекин ҳазрати олиялари беоқибат Наполеондан оғриниб қолган: бу бола туғишганларини, ҳатто онаизорини ҳам дурустроқ сийлагани йўқ. Топиб олгани – Жозефина, ўша афсунгарнинг ёнидан бир зум жилмайди, ундан сўроқсиз қадам босмайди. Ой чиқса ҳам, кун чиқса ҳам ана шу хотиннинг кетидан эргашиб келган болаларга чиқади.

Бу гап мутлақо тўғри эди. Ҳамма-ҳаммани сийлаган Наполеон Бонапарт асранди ўғли ва қизини ҳам ранжитгани йўқ. Эжен (Евгений) Богарне (1781–1824)

жасур, бардошли, абжир ва садоқатли зобит эди, армияда садоқат билан хизмат қилди. Шунинг учун Наполеон генерал унвонини бериб, Бавария қироли Максимилианнинг қизига уйлантирди. Гортензия Богарнени эса укаси Луи Бонапартга олиб берди. (Иккови ажрашиб кетган бўлса-да, кейинчалик уларнинг ўғли Наполеон Учинчи номи билан Франция императори бўлди.)

Хуллас, Наполеон энди валиаҳд ҳақида жиддий ўйлай бошлади: ҳам империянинг эртанги тақдиридан кўнглини хотиржам қилади, ҳам оилавий можаролардан қутулади.

Бунинг учун бўлгуси рафиқаси тагли-тугли ҳукмдорлар сулоласидан бўлиши лозим. Наполеон дастлаб Россия императорининг синглисига оғиз солди. Александр Биринчи совчига рўйхушлик бермади, қолаверса, Мария Фёдоровна ҳазрати олиялари Наполеонни куёв қилишга икки дунёда рози бўлмасди...

Муаммо Габсбурглар билан бир кўришишдаёқ иш битди-қолди. Бир оғиз сўзгаёқ «хўп» деганлари устига, тўйни тезлаштириш ташаббуси ҳам австрияликларнинг ўзидан чиқди. Император Франц қизининг олдидан ўтишни лозим кўрмади, Мария-Луизанинг кўнглини биров сўрагани ҳам йўқ.

Таассуфки, энг катта муаммо бошқа ёқда: Жозефина Богарне зоти олиялари ҳали куёв бўлмишнинг никоҳида турибди-ку! Лекин аёлнинг иложи қанча? Французлар императорига меросхўр туғиб беролмагач, тақдирнинг йўриғига кўнди. Жозефинанинг ҳазрати олиялари (Франциянинг бош бекаси) мақоми умрбод сақланиб, Мальмезон саройи ва боғи батамом унинг маҳрига ўтди...

1810 йилнинг 1–2 апрель кунлари аввал Сен-Клуда, сўнгра Лувр қасрида ҳашамдор тўй бўлиб, французлар

императори 18 яшар Австрия маликасига уйланди. Мария-Луиза ҳазрати олиялари Сен-Клу, Фонтенбло ва Тюильри кўшкларининг қонуний бош бекасига айланди.

Бироқ зоти олияларининг бир эмас, иккита бўлиши ҳеч замонда мумкинми? Ҳали Летиция ҳазрати олиялари ҳам борки, у – учинчиси. Бу энди қандоқ бўлди? Бу каби мулоҳазалар қулоғига тушган Бонапарт илгари ҳам кўп таъкидлаган иборасини такрорлади:

– Мен учун мумкин бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ!

Тўйдан сўнг икки ой ўтиб-ўтмадики, катта мужданинг илк хушxabари келди: Мария-Луиза ҳазрати олиялари оғироёқ... Ҳафталар ўтди, куз ва қиш ҳам ўтиб, баҳор келди: Франция маликасининг ой-куни яқин. Наполеон Бонапартнинг дунёга келажак зурриёди истиқболига замбараклар шай, тўпчилар пешвоз чиқадилар.

1811 йилнинг 20 март куни қирқ икки ёшли императорнинг алғов-далғов ҳаётидаги энг улуғ айёмлардан бири бўлиб қолди. Замбараклар наъра тортаверди: ҳамма хабардорки, қиз туғилса 21 марта тўп отилади, агар ўғил туғилса...

21-гумбурдан сўнг ваҳима солган қуроллар жиндай нафас ростлагандай бўлди ёки тўпчилар пойтахт аҳлининг сабрини имтиҳон қилдилар.

Йўқ, замбараклар чарчамаган экан: устма-уст айюҳаннос солаверди ва олов пуркаган ҳайқириқнинг ҳисоби бир юзу бирга етгачгина тўхтади. Тўпчилар қарсак чалишди, бутун Париж олқишларди...

Муҳтарам китобхон! Сиз қўлингизга олиб, ўқи-моққа чоғланаётган романнинг бош қаҳрамони бўлмиш бахтиқароликка маҳкум шаҳзоданинг туғилиши ана шундай дабдабали нишонланди. Наполеон ўғлига Жозеф Франсуа Шарль Бонапарт исмини қўйди ва

ўша куниёқ чақалоққа Рим тахтини ҳадя этиб, қирол деб эълон қилди.

Аммо бу дунёда тожу тахт ҳеч кимга вафо қилган эмас.

Францияга қарши коалицияга уюшган иттифоқчилар қўшини Парижни эгаллагач, 1814 йил 6 апрель куни Наполеон тахтидан воз кечди ва императорни Эльба оролига олиб бориб ташлашди. Голиблар сафида Франция пойтахтига кирган Франц Биринчи бадкор кўевидан қутулганига шукур қилиб, қизи ва уч яшар набирасини Венага олиб кетди.

Бироқ Наполеон 1815 йилнинг 1 март куни Эльбани тарк этди ва одамлари билан Франция соҳилига қадам қўйди. Кейин жуда-жуда ғаройиб ишлар, ақл бовар қилмайдиган «жанглар» бошланди. Париждан юборилган қўмондонлар унинг додини беришни унутдилар-да, император қошида тиз чўкиб, байроғи остида саф тортдилар. Ишониб бўлмаса-да, на чора, ҳақиқат шу эди, Наполеон Бонапарт бирор дона ўқ отгани йўқ, бирор кишининг қони тўкилмади ва атиги уч ҳафтада Франция тахтини қўлга олди.

Наполеон Россия, Англия, Австрия, Пруссия – ҳамма Европа ҳукмдорларига сулҳ тилаги билан мурожаат қилиб, ҳеч кимга ҳеч қандай даъвода эмаслигини, тинчликдан бошқа тилаги йўқлигини баён этди. Бошқалардан кўра Австрияга – қайнотаси томонга умид билан кўз тутди: император Франц қизи ва набирасига қайишади деб ўйларди. Аммо уни ноумид қилишди: Мария-Луиза ўзини Нейперг деган кимсага бағишлади, унга Наполеоннинг кераги йўқ. Император ўғлидан ҳам умидини узаверсин: француз шаҳзодаси энди йўқ, у герцог Рейхштадтскийга айлантирилди ва Францияга ёв қилиб тарбияланади.

Омади кетган императордан зафар батамом юз ўгирганди: 1815 йилдаги салтанати юз кундан ошгани

йўқ, Ватерлоодаги мағлубият билан империя кунпаякун бўлди. Мағлуб ҳукмдор ноилож эди, тахтдан ўглининг фойдасига воз кечиб, тўрт яшар ворисини Наполеон Иккинчи деб эълон қилди.

Аmmo ўзи қаёққа берсин: Австрия, Пруссия, Италия, Россия, Америка Қўшма Штатлари? Францияда қолай деса, бурбонлар чангалига тушади! Наполеон узоқ ўйлагани йўқ, тақдирини ўз ихтиёри билан хундор душмани Англиянинг қўлига топширди. 1815 йил 15 июль – шанба субҳидамида инглизларнинг «Беллерфонт» ҳарбий кемаси Муқаддас Елена ороли сари сузиб кетди. Ўрта Ер денгизидаги Эльба француз соҳилларидан қўл чўзса етгудай масофада эди. Атлантиканинг жанубидаги Муқаддас Елена эса Франциядан ўнг минг километр олисда жойлашган.

Собиқ император ўзидан абадий қолаётган қирғоқдан кўз узолмайди: мовий осмон остидаги замин, шу тупроқдан баҳра олган дарахту гиёҳлар, мўрилардан буриқсаётган тутун, бу – Франция, Франция – Наполеон Бонапартнинг ҳаёти, борлиғи. У ўз Франциясини қайта кўролмайди энди!..

Тож-тахт валиаҳд – «Наполеон Иккинчи»га ҳеч қачон насиб этмайди. Болакай падарига ашаддий душман бўлмиш бобосининг «ғамхўрлиги» остида Венадан бир қадам нарига чиқарилмайди. У Австрия императори саройида ва панжараси аъло сифатли пўлатдан тўқилган Шенбрун қасрида улғайиб, «Шунқорча» номи билан шуҳрат топди. Уни яхши кўрадиганлар, армонли қисматига ачиниб қарайдиганлар, ёрдам беришни истовчи хайрихоҳлар етарли ва йигитнинг сиймосида ашаддий душманни кўриб, ваҳимада юрганлар ҳам анчагина. Наполеоннинг валиаҳди 1832 йил 22 июль куни 21 ёшида сил касалидан вафот этди...

1940 йилнинг ёзида Францияни босиб олган гитлерчилар маҳаллий аҳолининг кўнглига йўл топиш ва хайрихоҳлигини оширишга ҳам уриниб кўришди. Шу баҳонада Жанна д'Аркнинг кўхна ҳайкалига оҳор берилиб, бошдан-оёғигача тилла суви билан бўялди. Жумладан, фашистлар герцог Рейхштадтский, яъни Наполеонзоданинг хоки туробини Венадан Парижга кўчириб, суякларини Ногиронлар қасрига – отасининг ёнига зўр дабдабалар билан дафн этишди... Наполеон Бонапарт эса ундан роса бир аср бурун олис оролдаги қабридан кавлаб олиниб, 1840 йили худди шу хобгоҳга қайта кўмилганди.

«Наполеонзода» романи айна мавзудаги сара бадий асарлардан бўлиб, ширали тилда равон ва қизиқарли ёзилган. Шарль Лоран валиаҳд шаҳзоданинг мунгли қисматини қаламга оларкан, ўқувчини ишонтиришга уринган ва мақсадига эришган. Муаллиф мураккаб тарих юзидаги синоат пардасини очиб, китобхонга шундай хулосани сингдирмоқни истайди:

Наполеон кимларгадир ёмон бўлса бўлгандир. Аммо шуни деб бегуноҳ шаҳзодага зулм қилиш, йигит умрини маҳбусликда барбод этиш ўта шафқатсизлик ва бориб турган жиноятдан бошқа нарса эмас! Инсоннинг ҳаёти, у ким бўлишидан қатъи назар, фақат шахснинг ўзи томонидан тасарруф этилади, бу ҳаёт муқаддасдирки, унга дахл қилиш ҳуқуқи ҳеч қачон, ҳеч кимга берилмаган!

БИРИНЧИ ҚИСМ

МАХФИЙ ҲУЖЖАТЛАР

1. «Олтин қайчи»

Милан шаҳрининг Дель-Орсо кўчаси. Француз ичкийимлари сотиладиган «Олтин қайчи» дўкони. 1830 йил 25 июль, кечки соат етти.

Кичкинагина дўконда париваш дўндиқчалар ва пўрим бойваччалар гужғон ўйнашмоқда. Бу даргоҳнинг бекаси Лолив хоним ҳали ҳозир ўз тенгини тополганича йўқ. (Қариқиз дегимиз келмади.) У баланд конторка¹ ортида гўё ҳеч ким билан иши йўқдай, фақат каштадўзлиги билангина оворадай кўринарди. Аслида шошиб қолган сотувчи қизларга қўл ишораси билан йўл кўрсатиб, у ёки бу харидорнинг хизмати-га жалб этарди. Жияни Шарлотта дилбар, жонсарак, навқирон, олтинсоч қиз бўлиб, мижоз хонимларнинг кўнглини овлаш учун ҳамманинг енгидан кириб, ёқасидан чиқаётганди. Сўраганларга Парижнинг янги модалари тўғрисида муфассал маълумот ҳам беради.

Милан киборлари кейинги пайтларда Корсо бўйлаб кечки сайрдан қайтгач, оқшом чоғи шу дўконда тўпланишни одат қилишган: ҳам ўзларини кўрсатишади, ҳам ўзгаларни кўришади, шунингдек, олди-қочди гаплардан хабар топишади. Дўкон пештахталари ва столларда қалашиб ётган газмоллар, кашталар, гулдор ёқалар устида муҳаббатнинг не-не қиссалари бошланиб авжига чиққан ва саодатли ечимини

¹ Конторка – тик туриб ишлашга, ёзишга, назорат қилишга ўнғай, ихоталанган алоҳида бўлма. Конторка йирик савдо шоҳобчаларига, хизмат залларига хос: иш жараёнини кузатиш, ҳужжат ҳозирлаш, мижозларни кутиб олиш, кузатиш учун қулай. (*Таржимон изоҳи.*)

топган. Қариқиз амма севишганларни қаттиқ кузатар ва дўконининг висолгоҳга айланишини сира маъқул кўрмасди. Шарлотта эса аммаси кўнглидаги дўконининг шаънини сақлаш қайғусига бепарво бўлиб, у бурчакдан бу бурчакка учиб-қўниб, кулиб-қувнаб хизмат қилар, тинимсиз бидирлар, ширин тили билан мижозлар дилини топар эди. У зоҳиран қақилдоқ ва сертабассум эса-да, борлиғи ва кўзлари унинг чуқур ўйлашга, жондан ортиқ севишга қодирлигини яққол кўрсатиб турарди.

Биз ҳикоя қилаётган куни «Олтин қайчи»га жамланган жамоат ҳар қачонгидан сара ва серфайз эди.

Кутилмаганда остонада ливрея кийган хизматкор пайдо бўлди ва баланд овозда арзи ҳол қилди:

– Княгиня Сариа айтиб юбордилар, эртага Венага жўнаб кетаркан, бугун эса келиб, буюртмаларини кўрмоқчилар.

– Яхши, – жавоб берди Шарлотта. – Ҳаммаси тайёр, учта картон қутига тахлаб қўйдик.

Ўша ондаёқ жамоат княгиня Сариянинг муҳокама-сига саъй қилди.

– Наҳотки, офатижон Сариа бизни жамолидан жудо қилмоқчи? – деди кимдир ва ҳар тарафдан луқмалар ёғилаверди: миланлик киборларнинг юлдузи бўлмиш бу хонимнинг бўлғуси сафари хусусида гумонлар, мулоҳазалар, тахминлар кўп эди.

Княгиня Полина Сариа ёш, бадавлат бойвуччалардан бири. Уч йил бурун бева қолиб, туғилган шаҳрига қайтиб келганди. Негаки, венгриялик йирик мулкдорлардан бўлмиш марҳум эри Австрия тахтига қарши фитнага аралашиб қолган экан. Шу боис, унга тегишли катта ер-мулклар давлат фойдасига мусодара қилинди, шунинг учун Полинанинг Венада яшаши

тақиқланди. Княгиня нечоғли мафтункор, одобли ва илтифотли бўлса, шунчалик мағрур аёл ҳам эди. Бу феълидан унга Венадаги таманнолар муҳити талтайтирган хоним ўз шахрининг одми даврасидан жирканади деб маломат қилардилар. Аслида эса бировнинг айби учун пойтахтдан қувилган княгиня Сариа сермулоҳаза ва оқила аёл эди, ўз дардини ўзгаларга дастурхон қилгани йўқ, фақат Миланда ўзи хоҳлаганича яшарди, холос. У ўзи маъқул кўрган кишиларникида меҳмон бўлар ё ўзи меҳмонга чақирарди, нодон ва бетаъсир кимсаларни яқинига йўлатмасди. Лекин бекорчи киборларнинг гийбатлари унинг шаънига заррача доғ туширолмасди, у жанжалларга аралашган ҳам эмас. Княгиня Сариа князь Меттерних ва эрцгерцогиня София билан муттасил хат ёзишиб турса-да, айна чоғда Вена саройидаги расмий доиралар ҳақида эмин-эркин, ошкора гапираверарди. Бунинг учун уни иккиюзламачиликда гумон қилишарди. Аммо княгиня бундай учуриқларга мутлақо бепарво бўлиб, киборлар даврасига кириб бориши билан ҳамма тилини тишлаб қоларди. Негаки, у бошқалардан ўз латофати, ширин тиллиги ва гапга чечанлиги билан устун-да. Унинг чарос кўзлари юлдуз мисоли чарақлаб турарди. Уч йилдан буён княгиняга беҳуда ошиқ бўлиб юрган граф Бальдининг ўзи иқрор бўлган: «Полинанинг нурафшон нигоҳлари башарамнинг бедаволигини йўқотмоқда».

Бинобарин, шундай хонимнинг Миландан кетаётгани шаҳар киборларини безовта қилган экан, бу ажабланарли эмас-да.

«Олтин қайчи»нинг мижозларидан бўлмиш бир хоним луқма ташлади:

– Айтишларича, император уни кечирган эмиш.

– Ие, у императорнинг газабига учраган эдими? – сўради бошқа аёл.

– Унинг ўтмишидан мутлақо беҳабарман, – деди бошқаси.

Хонимлар бири қўйиб, бири олишарди:

– Турмушга чиқяпти деган гаплар бор.

– Куёв князь Меттерних-да: княгинянинг бахтига унинг хотини ўлиб қолган.

– Унақа такаббур жиблажибонлар жонимга теккан, – димоғида гапирди графиня Скатти. – Қаранг, сиз билан гаплашгани ҳам гўё сиз учун мурувват!

Маркиза Руга киноя қилди:

– Шунинг учун ҳам граф Бальди билан дон олишиб юради-да.

– Бу туҳмат! – ҳамма кутилмаган луқма отилган тарафга ўгирилди.

У ёш, камсуқум йигит бўлиб, ҳалитдан бери кекса бир хонимнинг ҳашамдор юбкаси панасида деярли кўринмаётганди.

– Асканио! – деди хоним танбеҳ оҳангида, лекин афтидан йигит аксариятнинг кўнглидаги гапни айтганди.

– Княгиня Сариа беҳад ақлли ва олийжаноб аёлки, маънисиз гап-сўзлар билан иши йўқ, – деди Луиджио Порта. – Агар чиндан ҳам Венага қайтса, ҳали кўрасиз, унинг номи бутун дунё оғзига тушади.

– Бай-бай, тилингиздан бол томади-я! – жавради маркиза Герарди ранжиган кўйи. – Мен кетмасам бўлмайди, Луиджио, аммо сиз ўша княгинянгизни кутиб турасиз-да, шунақами?

– Асло. Ижозатингиз билан сизни кузатиб қўяман.

Иккови чиқиб кетишди. Аста-секин одам сийраклашиб, дўконда икки-учтагина харидор қолди, холос. Аммо янги мижоз ҳам кириб келди, у патер эди.

2. Паспорт

Аббат Галотти рисоладаги патерлардан бўлиб, бар-васта, эт қўйган, тилёғлама киши эди. Агар уст-бошини демаса, сиёқ-сумбатада руҳонийликдан нишона йўқ. Француз империяси кунпаякун этилиб, австрияликлар Миланга яна қайтиб келгач, аксарият руҳонийлар Австрия ҳукуматининг олғир агентларига айланишганди. Галотти ҳам ўша олғирларнинг биттаси. Аслида ажнабийларнинг на унисини ва на бунисини кўрарга кўзи бор: лекин унга французлар билан ош-қатиқ бўлиб, балога қолгандан кўра, австрияликларга хизмат қилиб, қандини ургани маъкул эди. Галоттининг мундайроқ бўлса-да, ҳар ҳолда расмий амали бор – музофот кенгаши котиби. Бироқ у ана шу арзимас лавозимда ҳам лўлининг эшагини суғориб, пулини олишни дўндирадди. Аббат ҳар ерда ҳозир, танимаган кишиси йўқ. Ўткир ва устомон бу зот калон арбобларга керакли гапларни ташишга (яъни, чақимчиликка) нечоғли моҳир эса, йўқсил-бечоралардан «солиқ» ундиришга ўшанча устаси фаранг. Лекин ҳалимона ва ойимсупурги муомала билан ими-жимидида иш битириб, ҳеч ҳидини чиқармасди...

У «Олтин қайчи»га кирган маҳали харидор хонимлардан ҳеч ким қолмаганди. Шарлоттага юзланган патер савол устига савол ёғдирди:

– Сиз маъмуриятдан паспорт сўровдингизми? Австрияга тижорат иши билан борасизми ё оилавий масала юзасиданми? Ёлғиз жўнааяпсизми ёки шерингиз борми? У ёқда қанча турасиз? Қайси йўлдан кетмоқчисиз? Қай шаҳарларда тўхтаб ўтасиз?

Аввалига андиша қилган ойимқиз кейин кулги аралаш деди:

– Ахир шунча саволингизга қандай жавоб қайтарайин? Қачон жўнашим ҳали аниқмас. Ҳар эҳтимолга қарши олдиндан ғамимни еб, паспорт олиб қўймоқчийдим.

Аббат таажубланди, ҳатто ранжигандай бўлиб, шундай таъкидлади:

– Таассуфки, хабарингиз бўлмаган экан-да: император ҳукумати муваққат паспорт беролмайди. Албатта, бу хилдаги ҳужжат жуда ўнғай, бироқ сўнгги пайтларда анчагина паспортлар йўқолгани устига, бегона кишилар қўлига ўтиб кетмоқда. Бинобарин, вице-қирол жаноби олийларининг буйруқларига мувофиқ, сафар мақсади аниқ ҳамда тайинли (ишонса бўладиган) шахсларгагина паспорт берилади, бошқаларга йўқ.

Шарлотта яна истиҳолага борди:

– Аммо тушунолмаяпманки, чевару чечан Лолив хоним номига паспорт берилса, бунинг нимаси қоидага хилоф?

– Балки шунақадир, ҳар ҳолда сиз паспорт олишингиз мумкин, фақат шарти шуки, сиз ундан фойдаланиш муддатини аниқ кўрсатишингиз лозим.

Ойимқизнинг лаблари қимтилди, бир дам фикрлаб олгач, шундай деди:

– Ҳай майли, мен етти кун ичида жўнаб кетишимнинг ғамини ейман-да. Энди билсам, паспорт йўловчиларгамас, аксинча, йўловчилар паспортга хизмат қиладиганга ўхшаб қолди.

Патер маъноли илжайди:

– Бундай тартиб ажнабийларга малол келишини биламан. Янглишмасам, сиз францияликсиз, а?

– Парижликман.

– Яшанг! Бизга аёнки, Париж модасини Ломбардияда ёйишга оилангиз кўпдан бери уриниб ётибди.

Хўш, Венада нима қилмоқчисиз? Дўконингизнинг шуъбасини очасизми?

– Бу ҳам мумкин. Аммо аввало янги мижоз-хонимларни топишга уринаман, кейин ўйлаб кўраман-да.

– Демак, сафарингиз хизмат юзасидан экан, хўш, ёлғиз кетасизми?

– Йўқ, сотувчи қизларимдан бирортаси ҳамроҳ бўлади.

– У ёқда қанча турасиз?

– Бир ёки бир ярим ойча.

– Маъқул. Энди имкон топиб, идорага кирасиз, алоҳида белгиларингизни ёзиб берасиз ва пулини тўлаганингиздан кейин паспорт беришлари мумкин бўлар. Дарвоқе, қариндошлар ё хизматкорлардан бирортаси, хуллас, эркак киши сиз билан кетаётгани йўқми?

– Мутлақо! Лекин буни нега сўраяпсиз?

– Нега? Нега? Ахир бу сиёсатга дахлдор-ку.

– Сиёсатга дахлдор?

– Ҳа-да. Лаънати фитначилар биҳиштмонанд Италиямизда муттасил тартиббузарлик билан машғул. Либераллар, бонапартчилар, карбонарийлар – бу бадкорларнинг бари исёндан бўлак нарсани ўйлаган эмас, губернатор уларнинг қочиб кетишига йўл қўймасликка қарор қилди... Ие, беҳуда жаврашимни кўринг, вақтим ҳам кетяпти. Хуллас, хоним, таъзимимни қабул қилинг ва энди менга ижозат.

Паспорт Шарлоттага сув билан ҳаводай зарур, иложи борича тезроқ олиши керак. Модомики, шундай экан, қалтисроқ бўлса-да, дадил ҳаракат қилиши шарт. У узоқ ўйлагани йўқ, сотувчи қизлардан бирига баланд овозда буюрди:

– Элиза, энг сара ёқадан беш жуфтини ўранг-да, патер жанобларининг уйига жўнатиб юборинг. Монсеньёр Дель-Сонцо оларди-ку, ўшанақасидан...

Шарлотта шундай деркан, хижолат тортгани йўқ. Лекин аббатнинг юз ифодаси ҳам ўзгармади ва «ҳожати йўқ» дебгина қўйди. Лекин буни шундай оҳангда айтдики, порани олишга розилиги аниқ сезилди.

– Ўранг, ўрайверинг, – таъкидлади ойимқиз, – ҳали қараб туринг эди, бизнинг маҳсулотимизни таққач, бошқа ёқаларни қўлингизгаям олмай қўясиз. Мен эса илтифотли ташрифингизга шу билан миннатдорчилик билдириб, бошим кўкка етади.

– Қўймадингиз-қўймадингиз-да, – гулдиради патер. – Ҳа-я, эсимдан чиқибди: тайёр паспорт бланкалари доимо киссамда бўларди. Губернатор менга шундай ишонадики, ўзим яхши билган шахсларга паспорт беришимга ижозат этган. Сиёҳ борми?

– Ҳаммаси топилади.

– Келинг, зарур маълумотларни ёзиб бера қоламан.

У чўнтагидан тайёр бланкани олиб, стулга ўтирди ва унга керакли қайдларни битиб, Шарлоттага узатди:

– Марҳамат, тайёр бўлди. Уч дукат берсангиз кифоя.

Аббат пул билан ўралган ёқани ҳам қўлига олди:

– Овора бўлманг, ўзим олиб кета қоламан.

У мезбонга назокат билан таъзим қилиб, дўкондан чиқаркан, виждони беғубор эди, шунинг учун ҳам патер ва музофот кенгашига мунший бўлган-да!

3. Амма

Патер остонадан ўтар-ўтмас Шарлоттанинг аммаси конторкадан чиқиб келди. У сочларига оқ оралаган, пастаккина, бақалоқ аёл бўлиб, эгнига бўзранг шоҳи кўйлак, бошига эса урфдан қолган узунбоғичли қалпоқча кийиб олганди. Қаншарида олтин гардишли кўзойнак, бўйнида қулф-калитли тилла занжир, қошиқдайгина туфлидаги жажжи оёқларига зеб бериб

турган харир чулки... Хуллас, буларнинг бари шунга далилки, у ўзига тўқ, пулдор табақага мансуб ва ҳали-бери қариликни бўйнига олган эмас.

Амма суриштиргани тушди:

– Анави ярамас патер сенга қанақа қоғоз берди, Шарлотта?

– Паспорт.

– Ўзинггами?

– Ҳа.

– Кетасанми? Қаёқларга? Нима учун олдинроқ айтмовдинг? – сўз оҳангидан амманинг ҳайронлиги, норозилиги, ранжигани сезилиб турарди. Жияни тарафидан ўзига нисбатан ишончсизликни у ҳақорат деб билаётганди.

– Фаолиятимни кенгайтиришни хоҳлайман, ўша ёққа бориш фикри бехосдан хаёлимга келиб қолди. Аслида бу ҳали хом гап.

– Майли-ю, Шарлотта, аммо билиб қўйгин, мен шунисига афсусдаман: сен ўзгаларнинг қалтис ишига тумшуғингни суқмоқчисан. Модомики, мана шу меҳмондўст мамлакат қучоғини очган экан, биздек ажнабийларнинг бу ердаги сиёсий можароларга аралашуви номаъқул. Қаллиғинг менга жуда ёққан эди: қатъиятли ва бамаъни йигит. Бироқ унинг хатарли гояларга муккасидан кетгани мени ваҳимага солади. У ашаддий исёнкор ва махфий жамоатлар аъзоси экан. Нечоғли олийжаноб ва покдомон бўлмасин, ўзи бурч деб билган аъмол йўлида унақалар хотин, бола-чақасидан бемалол воз кеча олади. Аниқроғи шуки, у Миланни, бутун Италияни Австрияга қарши оёқлантириш қутқусида юрибди. Сен эса бу ишда унга кўмак бермоқчисан, негаки, уни севасан, унга қойил қоласан. Манави паспортни ҳам ўшани деб олгансан ва зарур бўлса, уни қочириб юборасан.

– Агар муродим шу бўлса, демак, янглишибман-да, – жавоб берди Шарлотта. – Ахир паспортда аёл кишининг номи ёзилган-ку.

– Кекса аммангни хом фаҳлама. Хотин кишининг паспортини эр зоти ишлатолмас эканми?.. Йўқ, яхшиси, гапимга қулоқ сол. Карбонарийлар ва жан-дармларнинг ишига аралашиш француз аёлига муносиб эмас. Модомики, Фабио ватани озодлигини хотинининг ҳаловатидан афзал кўраркан, сен унга тегмагин. Гап шу!

– Агар бу Италияга тааллуқли бўлмаса-чи? – хитоб қилди Шарлотта. – Ўша сиз гўрига гишт қалаётган кишилар бир францияликни – бахтиқаро француз шаҳзодасини кутқаришни истасалар-чи? Уни қайтадан...

– Кимни айтяпсан ўзи? Наполеоннинг ўғлими? Герцог Рейхштадтский эмасми?

– Худди ўша!

– Улғайиб эр етгандир. Ҳозир йигирма ёшга кирдиёв. Париждаги уни чўқинтириш тантаналари кўз олдимга келди. Ўша маросим шарафига пойтахт аҳли унга аломат бир бешик ҳадя этувдики!.. Мана, гап ким ҳақида экан! Бироқ сираям ақлим етмаяпти, Римнинг қиролини Францияга қайтариш учун жонини гаровга қўйиш нима зарур? Аслида иккимизга сиёсатдан кўра, шарффурушлик қилиш яхши-ку.

– Бўпти, аммажон, шарфларимизни сотаверайлик-да, ҳаётини баҳодирона шон-шарафга бахш этган шунқорларга терс боқайлик.

– Бечора қизгинам-а! – деди амма ва жиянига зеҳн солиб, қизчанинг қалби ва тафаккурида беқиёс маънавий улғайиш содир бўлганини ҳис этди. – Демак, фикру зикринг фақат шу билан банд экан. Австрия

полицияси қандайлиги ўзинга аён: ер тагида илон қимирлаганини билади, башарти, билолмай қолса, тўқиб-чатиб айбингни қоғозга туширади. Қолаверса, Моравияда Шпильберг қўрғони бор. Бу турма даҳшатнинг ўзгинаси, фитначиларнинг бари ана шу ерга қамалади. Ўзингниям, меням хароб қилма, жон қизим! Дейликки, шўрлик бир маҳбус йигитнинг жонига ҳуррият бағишлаш чинакам олийжаноблик. Мен Фабиони чин қалбимдан ҳурматлайман, лекин қўлимиздан бирор иш келадими? Қариндошларинг айнан сиёсий найранглардан безибгина Парижни тарк этиб, шу ерга келиб қолишган. Сен эса бизни яна ўша гирдобга гирифтор қилмоқчисан. Ақлингни ишлат, ҳалиям кеч эмас, қизим.

Ана шу дақиқада ташқаридан қандайдир шовқин эшитилиб, тобора яқинлашиб келаверди. Дам ўтгани сайин шу атрофда тартибсизлик бўлаётгани яққол сезила бошлади.

Қўққисдан дўконнинг кўча эшиги қарс очилди-да, сотувчи қиз Элиза чинқирганича кириб келди:

– Шаҳарда қўзғолон! Кўчаларда ҳарбийлар юрибди. Ла-Скала театри ёнида кимларнидир ҳибсга олишибди. Ҳамма дўконига қулф уряпти. Биз ҳам ёпайлик. Қўшнилари шуни маслаҳат беришди.

Элиза бу гапларни тугатиб улгурмасидан эшик тагин очилди-да, бу сафар Фабио эҳтиёткорона ва бегалва кириб келди.

Бироқ шу топда у Шарлотта севган босиқ ва беозор йигитга сира ўхшамасди. Уст-боши йиртилган, сим-сиёҳ сочлари ҳурпайган: бу сиёқ-сумбатидан катта бир хатарга чап бергани аён.

– Дўконингизга қочиб кирганим учун маъзур тутасиз, – ўтинди у юраги ёрилаётган хонимларга

қараб, – аммо полиция агентлари ортимдан қувиб юришибди.

– Дўконимизга кириб жуда яхши қилибсиз, – деди амма ва ўзи олға ўтиб, Шарлоттани четга нуқиди. – Бироқ биз иккитагина заифа аёл бўлсак, сизга нима ёрдам қилардик?

– Илтимос, уйингиз ичидан ўтиб кетишимга ва орқа эшикдан тор кўчага чиқиб, таъқибдан қутулишимга ижозат берсангиз девдим.

Полив хоним йўл кўрсатмоқчи эди, у тўхтатиб қолди:

– Йўқ, йўқ! Уларнинг кўзига зинҳор мен билан бирга кўриниб юрманг, бошингиз балога қолади! Сизга раҳмат. Хайр.

У изидан бораётган Шарлоттанинг қўлидан ўпди ва гойиб бўлди.

Шарлотта қичқирди:

– Ўзингизни эҳтиёт қилинг ва бу ерда бир дўстингиз қолгани билинг.

– Иккита дўстингиз, – қўшиб қўйди амма.

Иккала аёл дўконга кирар-кирмас кўчада извошнинг гилдираклари тарақлади.

Салдан сўнг эшик очилиб, княгиня Сариа кириб келди, граф Бальди ҳам у билан бирга эди.

– Умрим адо бўлгунчаям етиб келолмасман дегандим... Саломларим сизга, – деди княгиня.

4. Княгиня Сариа

Улар унча-мунча миждозлардан бўлмаган бу аслзода хонимнинг ташриф буюришини буткул унутиб қўйгандиларки, энди унинг хизматига саъй қилсалар-да, кўнгиллари хира. Шу топда газмоллардан гапиришлари лозим эди. Лекин икковининг эс-ҳуши кўчада: эҳтимол, икки одимгина нарида мудҳиш кори ҳол содир бўлаётгандир!

– Сизга ташаккур, граф, – деди княгиня, шу аснода у мутлақо ўзини босиб олганди. – Агар, сиз бўлмаганингизда анави полициячилар оломони орасидан ўтолмасдим. Лолив хоним билан харир тўр ва жиғалар хусусида маслаҳатлашиб олмасам бўлмайди. Негаки, эртага Венага жўнаб турибман.

– Бундан чиқди, княгиня, кетишингиз рост эканда? – афсусланиб сўради Бальди.

– Албатта рост! Аммо илтимос, дарров диққатингиз ошмай турсин. Жуда олийжаноб инсонсиз, сизнинг ва бошқа бир неча дилкаш йигитларнинг шарофати билан Миландаги кунларим кўнгилли ўтди, сизга минг-минг раҳмат. Бироқ санъат ва ишқу вафонинг доимий ширин мубоҳасалари билангина қорин тўймайди-да. Модомики, ҳали қаримаган, ҳамма хунук ҳисобламайдиган ва беақл бўлмаган бир бева-нинг боши очиқ экан, гўзал ва малоҳатли кўринишни хоҳлаши табиий.

Граф Бальди жавоб ўрнига бошини сарак-сарак қиларди. У италян киборлари даврасига мансуб олифталардан бўлиб, ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари аёллар билан дилхушлик, маълум ва машҳур сонетларни ифодали айтиш, Леонардо ё Бельтрафионинг суратларини бир қарашдаёқ пайқашдан нарига ўтолмасди. Миланнинг энг таманно ва ҳеч кимга қиё боқмайдиган гўзали княгиня Сариа қаерга борса, уни қўлтиқлаб олардики, бундан граф хийла талтайиб кетганди.

Хонимнинг Миланни тарк этиши унинг ҳаёт тарзидаги ана шу дилхоҳ ҳузурга рахна солишидан ранжирди.

– Адолат юзасидан айтмоғим зарурки, – давом этди княгиня, – сиз бошқалардан камроқ худбинсиз. Ўзингиз ёқтирган аёлга хиёнатни билмайсиз, кўнг-

лини топишга интиласиз, илтифот билан хизматига қойимсиз-да, аммо эвазига деярли ҳеч нарса талаб этмайсиз. Қаранг, фазилатларингизни назмга солиб, ҳатто мадригал¹ тўқидим. Аммо энди хайрлашамиз. Сизни cavalier serrante сифатида юксак қадрласам-да, машшоталикни бари бир эплломайсиз. Мен эса шу тобда кийиниб кўраманки, оқсочнинг хизмати зарур.

– Йўқ, йўқ! – рад қилди Бальди. – Сизни сираям ташлаб кетолмайман. Шаҳар жуда нотинч, уйингиз-гача кузатиб қўяман.

– Лекин айтинг-чи, нима бўляпти ўзи? – хитоб қилди княгиня. – Ўқтин-ўқтин шаҳримиз шўрликни алғов-далғов қилувчи бачкана инқилобчилар мени қизиқтириб қолган. Ҳамма ёқда тинтув, қама-қама, сабаби борми?

Бальди шаҳардаги тўс-тўполон, қаерлар тинтилгани, кимларни ҳибсга олишгани, қуюшқондан чиққан ёшларнинг попугини пасайтириш учун кўрилган чоралар хусусида княгиняга изоҳ берди. У шивирлаб сўзларкан, амма ва жияннинг қулоғи ташқарида эди: шовқин-сурон энди кўчадангина эмас, торгина йўлакдан ҳам эшитила бошлаганди. Ҳеч қанча ўтмасдан Фабио яна дўконда пайдо бўлди ва Шарлоттанинг ёнига борди:

– Уйни чор тарафдан қуршаб олишибди.

– Демак, қутулишнинг иложи йўқми? – сўради ойимқиз.

– Йўқ. Жин кўчанинг охирида аскарлар турибди, ҳамма уйларнинг эшик-деразалари берк. Уларнинг

¹ Мадригал (ўзаги: mater – она) – Уйғониш даврига хос она тилидаги (лотинча эмас) шеърий-муסיқий жанр. Унинг тарихий илдизи халқ оғзаки ижодига, италиялик чўпонларнинг кўҳна меҳнат қўшиқларига тақалади. XVI асрда 5-6 хонанда жўровозлигида мусиқасиз мадригал куйлаш ҳам урф бўлган. Мадригаллар ишқий мазмунда бўлиб, асосан аёл гўзаллиги мадҳ этилган. (*Таржимон изоҳи.*)

домига илинишдан кўрқмайман, лекин кўлимдаги қоғозлар анчагина дўстларимга зомин бўлиши мумкин. Майли, мени Шпильбергга қамасинлар, фақат манави ҳужжатлар уларнинг чангалига тушмаса бўлди. Шарлотта, буларни... сиз яшира олармикансиз?

Шарлоттанинг ранги яна ҳам бўзариб кетди, аммо ишонч билан жавоб бераркан, ҳаяжоннинг зўридан кўзлари оловланди:

– Секинроқ, бегоналар бор.

У оҳиста бош ирғаб, ҳамон гудурлашаётган княгиня Сариа билан граф Бальди тарафга имо қилди ва давом этди:

– Кўрқаманки, бизнинг уйниям кўшниларимизники каби тинтиб кўришади. Лекин, Фабио, сизни севаман ва рафиқангиз бўлишга розилик билдирган эканман, бошингизга иш тушган дамда ташлаб қўя олмайман. Ҳозир манави картон қутини очаман, қоғозингизни унга соласиз. У ёғи менга ҳавола.

Шарлотта княгиняга тегишли учта қути турган столга яқинлашиб, биттасининг қопқоғини салгина кўтарди: Фабио кўлидаги сурғучли хатжилдни нафис шарф остига яширди.

Княгиня Сариянинг қулоғи граф Бальдида бўлса-да, Фабио кирганидан буён иккала ёшни синчковлик билан кузатардики, кўзига иссиқ кўринган йигитнинг бу ҳаракати ҳам унинг назаридан четда қолгани йўқ.

– Айтганларингиз бари жудаям қизиқ, оғайни, – деди у графнинг сўзини бўлиб. – Аммо янги губернаторимиз оқил инсон бўла туриб, фитна-фасодларга наmunча ёпишиб олмаса? Ахир бу ғалвалар ёш-ялангларнинг тўқликка шўхлигидан бошқа нарса эмас-ку. Ўлай агар, беш-олтита довдир болани тутишга ал-

лақанча аскару полициячини овора қилиш бехуда машама, холос. Қўйиб берса, ўшалар ўзи бошлаган томошани ахийри ўзи тугатарди, – у Шарлоттанинг ёнига келиб, қутичалардан бирини очаркан, ундан сўради: – Ё мен нотўғри гапирдимми?

Саволнинг жавобига Фабио уннай қолди: у княгинянинг диққатини қутичалардан чалғитиб, хатни яшириш учун Шарлоттага фурсат бермоқчи эди. Қолаверса, ватан озодлиги учун курашаётган дўстларининг манави кеккайган ойимпошша томонидан мунофиққа чиқарилиши унга ҳақоратдай ботиб кетди.

– Янглишмасам, княгиня Сариа Италия фарзанди бўлсалар керак, – деди у тагдор оҳангда. – Наҳотки, у киши Италиянинг истиқлоли йўлида жонини тиккан ўз ватандошларининг ўлимига кулиб қараб тура олсалар?

Хоним кесатиқни ўзига юқтиргани йўқ, хижолат ҳам чекмади:

– Княгиня Сариа хоҳлаганича қарайди, хоҳлаган ишини қилади.

У йигит ҳақ эканига чин қалбидан иқрор эди. Зотан, унинг эри ҳам инқилобчилардан бири эди, шу сабаб ватанпарварлар устидан кулиш, вице-қирол саройидаги расмий хонимлар қўшиғига жўр бўлиш, уларнинг чирмандасига йўрғалаш княгиняга ярашмасди. (Ахир у ўзини ўша оқбилак ойимлардан юқори кўярди-ку!)

Княгиня Сариа овозига мутлақо ўзгача тус бериб, Шарлоттага мурожаат қилди:

– Менинг буюртмам шу қутилардами?

Бу орада ойимқиз қопқоғини ёпмаган эса-да, қимматбаҳо қоғоз қўйилган қутини четлатишга улгурганди.

– Ҳа, княгиня, – жавоб қайтарди Шарлотта, у шунчалар хавф ва ҳадикда эдики, мижозлар билан муома-

ла чоғи омихта этиладиган одатий табассум ҳам эсига келгани йўқ.

– Бальди, қаранг-чи, кўчада нималар бўляпти ўзи? – деди княгиня. – Тўғриси, бу шовқин-сурон жонимга тегиб кетди.

Чиндан ҳам ташқарида ғалва авжига чиққан эди, Бальди нохуш хабар билан қайтиб кирди:

– Таассуфки, княгиня, давлат одамлари хизмат бурчини бажараркан, монелик қилиб бўлмайти-да. Улар қўни-қўшниларни тинтиб бўлишибди, энди ғал мана шу дўконга келибди.

Дўкон соҳибаси олдинга ўтди. Тил-жағли қариқиз хонимни таниб бўлмасди. Рангпар юзида қатъият зуҳур қилиб, кўзлари ёнарди.

– Менинг дўконимда номатлуб одамнинг изи ҳам йўқ, – деди у тап тортмасдан, овози ҳам титрамади...

– Қани аввал киришсин-чи, – деди княгиня кулим-сираб, – полициянинг беозор кишиларга қандай озор беришини кўриб қўямиз-да...

Шарлоттанинг киши билмас имоси билан Фабио ўзини қоронғи бурчакка олди. Бирор дақиқадан сўнг жандармлар кириб, икки томонга саф тортишди. Улардан сўнг зобит пайдо бўлди: у қўлини учбурчак қалпоғига тегизди ва конторкага яқинлашди.

– Бегона одам киргани йўқми?

– Бу ерга кўп одамлар киради, чиқади, – сўз бошлади граф, лекин Фабио олға ўтиб, шартта унинг гапини кесди:

– Мен шу ердаман.

Даҳшат босган Шарлотта ларзага келди, княгинянинг эса ранги пахтадай оқариб кетганди.

– Кимсиз ўзи? – сўради зобит.

– Фабио Гальдони, Милан фуқаросиман, касбим – адвокатлик.

Зобит қўлидаги қоғозга қараб олди-да, ним овозда минғирлади:

– Худди ўша! Ашаддий жиноятчи! Исённинг раҳнамоларидан бири.

Кейин овозини баландлатди:

– Бу ерда нима қияпсиз?

– Кўчада кетаётган эдим, – деди Фабио, – қарасам жанжал-сурон бўляпти, шу дўконга кира қолдим. Бу хонимларни сал-пал танийман, холос.

У амма ва жиянга маънодор қараб олди.

– Биз эса, Фабио, – хитоб қилди Шарлотта, – сизни яхши таниймиз ва жуда ҳурмат қиламиз.

Йигит қизарди. Амма бош ирғаб маъқуллади. Княгиня Сариа эса ойимқизнинг елкасига қўл ташлаб, оҳиста пичирлади:

– Олийжаноб ва мусаффо ҳисларингизга ортиқча берилаверманг. Унутманг, тил югуриги бошга калтак бўлади...

– Ахир у менинг қаллигим-ку, – жавоб қайтарди Шарлотта мағрур қиёфада.

– Полициячиларга бунинг тирноқча қизиғи йўқ-да!

Бироқ Шарлоттанинг бояги сўзлари зобитнинг миясига михланиб қолганди: «Модомики, Фабио Гальдони бу даргоҳда шунчалар тайинлик аттор экан, бу хонимлар унинг режаларидан ҳам огоҳ бўлишса керак. Демак, эҳтиёткор бўлиш зарур».

– Майли, – деди у Фабиога. – Сизни тергов қилиш топширилган кишини кутамиз энди. Хўш, анави хонимлар ким?

– Княгиня Сариянинг лоақал номини эшитгандирсиз, – таништирди Бальди. – Булар эса шу дўконнинг соҳибаси Лолив хоним ва у кишининг жияни – ҳаммаларига кафил бўла оламан.

– Маъқул. Ўзлари-чи, ўзлари ким бўладилар?
– Ие, мени танитайсизми? Вице-қирол ҳазратларининг фахрий камергери¹ Цезарь Бальдиман.

– Маъзур тутинг, жаноби олийлари, мен бу ерлик эмасман, Комо йўлида отряд командири эдим. Бугун бизни шаҳардаги тартиббузарларни қамоққа олиш учун чақиришган.

Чигал вазиятдан чиқишга ва манави калон зотлар олдида ўзини қандай тутишга боши қотган полициячи у ёқ бу ёққа юраркан, айна чоғда кимнидир бетоқат кутаётгани ҳам кўриниб турарди. У эшик олдидаги жандарм унтер-зобитига ёрилди:

– Аммо Галлони хаамири ачимаган одам экан-да.

– Кечирасиз, зобит жаноблари, – ташвишланди Фабио, – Галлони дегандай бўлдингизми?

– Ҳа. Сизни ўша одам сўроқ қилади. Афтидан, бугунги қама-қамалар масъуллиги унга топширилган шекилли.

Йигитнинг ранги ўчди. Унга энди ҳаммаси аён: Галлони айғоқчи бўлган! Уни ва дўстларини шу кимса чақиб берган. Бу жирканч нусха махфий жамоага ватанпарвар қиёфасида сукулиб кириб олган-да, ҳамма хуфиёна режаларни полицияга оқизмай-томизмай етказган. Коалиция² асир мақомида ушлаб турган герцог Рейхштадтскийни озод қилиш режаси тузилганидан Галлони хабардор эди. Герцог Франция ҳудудига ўтгач, асоратдаги халқларнинг озодлик ҳаракатига сигнал беражагини ҳам жосус билиб бўлганди. Бироқ

¹ Камергер – Гарбий Европадаги монархия давлатларида сарой мулозимларига бериладиган расмий унвонлардан бири. Даставвал ўрта асрларда Испанияда, кейинчалик Олмонияда (XVI аср), Россияда (XVIII аср) ва бошқа мамлакатларда жорий этилган. (*Таржимон изоҳи.*)

² Коалиция – Австрия ва Англиянинг Наполеон Франциясига қарши ҳарбий-сиёсий иттифоқи. Бешинчи аксилфранция коалицияси номи билан ҳам юритилади. (*Таржимон изоҳи.*)

не бахтки, ўша муҳим ҳужжат айнан Фабиода экани айғоқчига аниқ маълум эмас. «Энди ўлдим!» – кўнглидан ўтказди йигит. Лекин жонидан ҳам кўра ҳаёт-мамонт йўлидаги дадил режанинг барбод бўлиши уни қаттиқ изтиробга солаётганди.

Шарлотта унга ғамбода боқди: «Фабиога нима бўлди ўзи? Анави исм намунча юрагини ёрмаса?!»

Шу пайт у эшик тарафга қаради-да, бир титраб олди ва остона ҳатлаган бегона кишини кўриб, беихтиёр гулдуради:

– Илондай совуқ одам экан!

5. Галлони

Рост, Галлони ҳатто ташқи қиёфасиданоқ жирканч кўринарди.

У ўрта бўй, озгин, қотма одам бўлиб, юзининг заҳиллиги билан ажралиб турардики, унда йиртқичларча шафқатсизлик ва ҳайвоний феъл яққол намоён. Башарти, тулкилиги, мунофиқлиги, доғули феъли акс этмаганда, чақнаб турган шаҳло кўзларини ҳатто чиройли деса бўларди. У бошдан-оёқ қора либос кийганди, узун бўйинини қисиб, бошини тиклаган бўйинбоғи ҳам қора.

– Зўр-ку, поручик, – деди у, – қушчани қўлга туширибсиз-да. Ҳа, ўша, худди ўзи. Ҳа-а, сен оғайни, бизни кўп ҳалак қилдинг. Кел-чи, энди жавоб берасан.

Фабио айғоқчининг саволига парво қилмасдан зобитга юзланди:

– Қачондан буён ҳамтовоқ ўз шеригини сўроқ қиладиган бўлиб қолди? Австрия ҳукуматини ёмон кўришимга, у ҳақда ножоиз гапларни гапирганимга иқрорман. Лекин манави кимса постда турган якка-ёлғиз соқчиларни ўлдиришга даъват қиларди,

ахир. Эҳтимол, биз нодон одамлардирмиз, аммо у аблаҳ одам!

Чоғи зобит ҳам Фабионинг сўзларига қалбан хайрихоҳ эдики, Галлони тарафга ижирганиб қараб қўйди.

– Қаллигингиз азамат экан-ку, ойимқиз, – шивирлади княгиня.

Чақимчиликда айбланаётган Галлонига андиша туйғуси бегона эдики, беҳижолат давом этди:

– Бу сўзлар мен ўз ролимни қотириб қўйганимни исботлайди, холос. Бу – менинг ҳунарим, сизлар эса тилини тия олмайдиган лақма экансизлар. Аммо айтиб қўяйки, аслида сизлар бошлаган можаро аввалги машмашаларга нисбатан жиддийроқ ва асослироқ эди. Фақат сир сақлашни унутиб қўйдиларинг-да. Дарвоқе, жосус ёлғиз ўзим эмасдим. Бундан ҳайратга тушиб қолдингми, Фабио? Қани, каллангни ишлатиб, нариги айғоқчи кимлигини топгин-чи... иннайкейин, унинг ёнидан чиққан ҳужжатлар қани? – у сўнгги жумлани айтиб, зобитга қаради.

– Қанақа ҳужжатлар?

– Ие, ҳали тинтиб кўрмадиларингми!? Ҳой сизлар, бу ёққа келинглар!

Галлонига эргашиб кирган икки полиция югурдаги Фабионинг ёнига келиб, қўлларини қайирди.

– Сен Венага олиб борадиган қоғозлар қани? – сўради изқувар. – Айта қол, тинтиб овора бўлмайин. Хўш, индамайсанми? Бўпти...

Фабио жирканиб кетди, оғиз очгани йўқ. Галлони эса жавраб-жавраб тинтий бошлади:

– Бу одам эмас, ўғринча ҳужжатларнинг қайнар булоғи. Бонапарт хонадони вакилларининг Шенбрундаги «шунқор»га аталган қучоқ-қучоқ дийдиёла-

ри, яна менга ноаён қоғоз-поғозлар мана шу зотдан чиқади. Аммо ҳамма битикларнинг дарди ягона: Римнинг қиролини қутқариш!

Княгина Сариа Шарлоттага синчков назар солди ва қулоғига пичирларкан, қутиларга маънодор кўз ташлади:

– Энди тушундим.

Бу орада Галлони Фабионинг чўнтаklarини ағдар-тўнтар қилиб, товонидан сочининг учигача пайпаслаб кўрди ва хуноби ошди:

– Жин урсин сени! Шунча қоғозни қаёққа яширдинг, ахир улар бир қучоқ бўлиши керак-ку? Қани, азаматлар, этигини ечларинг-чи!

Фабиони стол устига чиқариб, пойабзалини ечишди, сўнг шляпасининг авра-астарини йиртишди.

– Ҳечвақо йўқ-ку! – гингшиди Галлони. – Бироқ сен тўппа-тўғри уйдан келдинг, мен буюрган полициячилар изингдан қолмаган, уйингни ўзим тинтиб, бирон нима тополмадим. Бунчалик муҳим ҳужжатларни кўчага улоқтириш мумкинмас, демак, қоғозлар мана шу ерда! Бунинг қўлларини боғланг-да, дўконни тинтиб чиқинг!

Бальди княгиняга ўтинди:

– Кета қолайлик, вазият қалтис тус олдики, энди бу ерда ортиқ қолиш сизга эп келмайди.

Хоним бош чайқади:

– Менга парво қилманг, граф, бу ажаб ҳангома-ларнинг хотимасини ҳам кўрмоқчиман-да. Хоҳласангиз, майли, ўзингизга ижозат.

– Йўқ, мен сизни ташлаб кетмайман!

Полициячилар эса тинтувни бошлаб юборишди. Биттаси ҳамма қутиларни очди. Бошқаси савдо тушуми сақланадиган темирсандиққа зобит назорати

остида калит солди. (Уни дўкон бекаси ўз ихтиёри билан топширганди.)

Галлони яна зобитга тирғилди:

– Сиз манави аёлларни сўроқ қилдингизми?

– Уларга граф Бальди кафил бўлди.

– Мен граф жанобларини ва княгиня хонимни та-
нирдим, манави иккала аёл чеварлардан бўлса керак.
Аммо маъзур тутасизлар-да, – деди Галлони беорлик
билан ишшайиб, – чўнтакларингизни титкилаб кўр-
масам иложи йўқ. Негаки, шеригингиз ҳужжатлар
қайдалигини айтмаяпти.

– Аблаҳ! – тутоқиб кетди Фабио. – Сотқинликдай
тубанлигинг камлик қилгандай энди заифа аёлларга-
ям қўл кўтарасанми?

У шундай шиддит билан олға отилдики, қўлидан
ушлаб турган жандармлар зўрға тутиб қолишди.

– Яқинлаша кўрма! – нидо қилди ранги бўзар-
ган Шарлотта ва катта қайчини қўлига олди. – Агар
бир қадам жилгудай бўлсангиз, қайчини кўксимга
санчаман!

Лолив хоним эса аксинча йўл тутиб, изқуварга
яқин келди ва қўлини кўтарди:

– Ҳар ишни ёши катталар бошлайдики, марҳамат,
аввал мени тинтий қолинг.

Оққўнгил кампиршонинг ана шу сўзлари княгиня
Полина Сарианинг юрагини ўртаб юборди. У Фабио
олийжаноб ва фидойи йигит эканини, чеварларнинг
самимиятини, полициячи эса пасткаш хоинлигини
англаса-да, кўз олдидаги можарога ҳанузгача мутлақо
лоқайд эди. Қолаверса, бетамиз болакайларнинг бе-
тайин фитнаси билан унинг неча пуллик иши бор?
Иннайкейин, тожу тахт даъвосидаги ўша нодон тир-
ранча шу топда Шенбрун гулбоғида бамайлихотир

айшини сураётгандир. Аммо энди изкувар беҳад жирканч, чеварлар бениҳоя мазлума кўриниб кетдики, Полина Сариа бу номатлуб кори ҳолга ортиқ бефарқ бўлолмасди.

– Граф, айтсангиз-чи ахир – хитоб қилди чидолмасдан, – синьор Фабио биз шу ерда турганимизда ва жандармлардан бир дақиқагина олдин кирдики, ҳеч кимга ҳеч нима беришга улгурмасдиям-да.

– Тўғри гап, – тасдиқлади граф.

– Майли, – деди Галлони, – аммо у қайси эшикдан кирди?

Бальди жин кўчага чиқиладиган эшикни кўрсатди:

– Анави ёқдан.

– Агентларимнинг айтишича, у кўчадан, фақат кўча тарафдангина кириши мумкин экан. Ҳа-а, энди тушундим: Фабио чиндан ҳам ўша ёқдан кирган ва тор йўлакдан қочиб қолишга уннаган. Лекин аскарларни кўргач, яна дўконга қайтган ва бу ерга икковингиз кириб тургансиз, – у бир зум ўйга чўмди ва деди: – Бошқа жойдан ахтаришнинг ҳожати йўқ, ҳужжатлар шу ерда бўлиши керак.

Галлони княгиня ёнидаги картон қутиларга ишора қилди.

– Кечирадилар, хоним афандим, – деди у княгиня Сариага яқин бориб, – мен сизни безовта этсам-да, мана шу қутиларни бир кўздан кечиришим зарур.

Княгиня фалокатга нишон бўлаётган қутиларнинг бирига оҳиста қўлини қўйди. У аниқ билардики, хат-жилд айнан шунда эмас, Шарлотта уни бошқасига яширган.

– Булар бари мен берган буюртмалар, – деди у. – Бинобарин, уларни титкилаш уйимни титкилаш деган сўз. Жаноби полициячи, княгиня Сариянинг

уйида тинтув ўтказиш учун расмий рухсатномангиз борми?

– Кечирадилар, хоним афандим, – жавоб берди Галлони ясама ҳурмат билан кесатиб. – Ушбу даргоҳдаги борлиқ буюмлар дўкон соҳибасининг қонуний мулки ҳисобланади. Башарти, буларни харид қилганингизни ёхуд ушбу дўконни ижарага олганингизни тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатсангиз, ана унда бошқа гап бўларди.

– Такрор айтаманки, бу нарсалар менинг мулким ва уларга қўлингизни тегиздирмайман. Қани бир зўравонлик қилиб кўринг-чи!

– Хоним афандим, модомики, мени зўравонликда айблаш ниятида экансиз, келинг, бармоғим қўлқопингизга дахл қилсин...

Граф Бальди орага тушмоққа чоғланувди, княгиня унга қўли билан ишора қилди.

– Ҳожати йўқ, граф, бу одам чиндан ҳам хизмат вазифасини бажараётгандир. Ҳаммамиз император зоти олийларига итоаткор фуқаролармизки, мен ҳам ўз бурчимни бажара қолайин. Полициячининг талабига бўйсунушга розиман: бироқ ўзимгина фойдаланадиган буюмларга ўзга кимнингдир дахл қилишига розимасман. Ўйлайманки, мен шунга ҳақли бўлсам керак...

У қутиларнинг биринчисини очиб, қопқоғини хатжилд солинган қутининг устига қўйди. Сўнгра ичидан харир тўрларни олди-да, бақрайиб турган изқуварга кўрсатиб, яширилиши зарур хавfli қутининг тепасига латта-путтани уйиб ташлайверди. Ҳеч нарса қолмагач, бўм-бўш қутини Галлонига намойиш қилди.

– Мана, батамом бўшаганига ишонгандирсиз, энди кейингисига ўтамиз.

Ундаги буюмлар олингач, бояги тахлам икки ҳисса йириклашди. Аммо у шартта қайчини қўлига олиб таҳдид қилди:

– Ортиқ тоб-тоқатим қолмади. Бу ердан қорангни ўчир, аблаҳ! Княгиня Сариа сендақалар билан ади-бади қилишга ўрганган эмас! Тезроқ йўқол, билъакс, хонинона қўлингни столга парчинлаб қўяман!

– Майли, хоним, – деди Галлони, унинг овозида ҳам ранж, ҳам таҳдид оҳанги бор эди, – кетсам кетавераман. Бўпти, сиз олиймақом бир арбоб ҳимоясида-сиз-да... Аммо мен губернаторга учраб, қонун талабини ижро этаётган амалдорлар қандай азият чекишини очиқ айтиб бераман.

У гулдураб-гулдураб нарироққа кетди:

– Мени алдашяпти. Кўздан кечиролганим йўқ.

Фабио ўз кўзларига ишонмасди: не мўъжизаки, картондаги ҳужжатларга лочинкўз изкуварнинг назари тушмаслиги мумкин? Ҳозиргина ўзи ёқтирмай турган кибор хоним эса кутилмаганда олийжаноб ва қўрқмас қаҳрамонга айланиб қолса-я!

Шарлотта эса ўзи билан борми-йўқ: оҳиста эгилиб, княгинянинг қўлларини ўпар ва шивирлаб дуо қиларди:

– Худо ёрлақасин, худо ёрлақасин!

– Мендаям юрак борлигига қаллигинг мана энди ишонса ажабмас, – кулиб жавоб қайтарди княгиня ва ҳамма ўзи билан ўзи оворалигидан фойдаланиб, тахламлар тагидан сирли хатжилдни шартта олди-да, корсажи остига яширди...

Галлони билан зобит қилган ишлари муҳокамасига киришгандилар. Зобит норози:

– Гарчи, бошқа қўзғолончиларни қўлга олишимиз зарур бўлса-да, манави дўконда вақтдан ютқаздик, хо-

лос. Хўш, ўша қоғозлар кимга керак, нимагаям керак бўлсин? Ўзингиз айтиб турибсизки, энди у ҳужжатлар ўз манзилига етолмаслиги аниқ экан.

– Лекин ўша нарса топилмаса, манави одамнинг авахтага солинишини қандай асослайман? – жавоб қайтарди Галлони.

– Менимча, маҳбусни ҳозир турмага жўнатаверасиз-да, кейин бу ерда жиддий тинтув ўтказганингиз маъқулроқ.

– Яхши. Сиз дўконга соқчи қўйиб кетинг, эртага уддабуро ходимлар билан келиб, остин-устун қилиб ташлаймиз.

Галлони кетишга чоғланаркан, полициячиларга қараб, Фабиони турмага ҳайдашга имо қилди.

Фабио остонага борганда ортига ўгирилди ва ўзидан кўз узмай турган учала аёлга қараб қичқирди:

– Сизларга мингдан-минг раҳмат. Мени қутқаргандан ҳам зиёда иш қилдингизки, сизларни ташвишга қўйганим учун кечирасизлар. Турмадаям дуойи жонингизда бўламан ва Парвардигордан сўрайманки, менсиз ҳам адолат тантанаси тўхтаб қолмасин, юзага чиқсин!..

– Кўп валақлайверма! – ўшқирди Галлони. – Олдимга туш! Сиз эса, поручик, буюринг: токи мен келгунимча ҳеч нарсага тегмасинлар!

Зобит чеварларни кўрсатиб сўради:

– Бу аёллар энди озодми?

Галлони княгиняга ёмон кўзи билан қараб олди ва жавоб берди:

– Озод, фақат вақтинча, – остона ҳатлаётиб қўшиб қўйди: – майли, учинчисиям озод.

6. Сафар зарурати

Зобит соқчиларни жойлаштириб, уларга йўл-йўриқ кўрсатгунича Шарлотта ўзини тутиб турганди, лекин у чиқиб кетиши биланоқ ўкраб юборди:

– Шўрлик Фабио! Қанийди жонингга оро кира олсам!

Лолив хоним йиғламаса-да, Шарлоттанинг бошини меҳр билан силаб-сийпаларкан, ҳамдард овозда сўз бошлади:

– Сенга таъна қилмайман, қизим, аммо бояги гапларим тўғрилигини ўзинг кўриб турибсан. Бунда мениям айбим бор, негаки, уйимдаги синоатларни аввалроқ пайқашим зарур эди. Ана унда икковингга гапим кор қилиб, манави кулфат содир бўлмасмиди дейман-да. Энди эса сенга йиғлашдан бўлак чора йўқ, қизалоғим, йиғла, йиғлайвер!

Княгиня Сариа муштипар аёлларга қараб, беихтиёр хаёлга берилди: «Икковлон тинчгина яшаб, ҳурматга сазовор бўлишганди. Осойишта меҳнат қилиб, шу билан бахтиёр эдилар. Энди эса қора қуюн ўша саодатни барбод этди. Хўш, уларнинг айби нима эди? Ҳеч нима! Анави қиз севиб қолган: хатарли бўлса-да, эзгу ишга ўзини бахш этган бир азаматни севади. Тубан бир хоин уни сотди, бечора турмага тикилди. Мана сенга Миланнинг аҳволи! Қайси хонадонда ақл-идрокли, тафаккур қила оладиган йигит бўлса, эртага унинг боши ҳам ҳозирги воқеадек балога гирифтор этилиши ҳеч гапмас! Ие, нега эртага? Ахир сон-саноксиз полиция ва ҳарбийлар бугун танҳо Фабио учун кўтарилибдими? Эҳтимол, унинг ёнидаги зиндонбанд йигитлар бугуннинг ўзидаёқ беҳисобдир ва ўшаларнинг волидалари, опа-сингиллари, қал-

лиқлари, келинчаклари кўз ёшига ғарқ бўлиб ётишгандир... Лекин уларнинг менга нима дахли бор? Эртага беҳаловат Миланни тарк этиб, Венага бораман, у ерда қудрати қиёссиз ва ҳар ишга қодир Меттернихни топаман. Эримнинг хатга тушган ер-мулкларини қайтариб олишим учун у йўл-йўриқ кўрсатарди... Бироқ мен фақат ўзимни ўйласам, манави аёл бояқишларнинг ҳоли не кечади? Уларга ёрдамим тегмасмикан?»

– Нималарни ўйлаяпсиз, княгиня? Аҳволингиз яхшими? Асабингиз бузилиб, хийла ранжиб қолдингиз шекилли, а?

Полина шеригини унутаёзган экан, бирданига уйқудан уйғонгандай бўлди.

– Ундай эмас, граф. Нима учун ранжийман? Битта исёнкор боланинг ҳибсга олинишига асабийлашавериш ақлданмас. Келинг, манави хонимлар энди дамларини олишсин. Қаранг-чи, извошим қаерда экан, агар иложи бўлса, унга айтинг, берироқ олиб келсин.

Граф таъзим билан чиқиб кетди. Полина Шарлоттага яқин бориб, елкасига қўлини қўйди:

– Эрталаб Венага жўнаб кетаман. Агарда, «хўп» десангиз, орага тушиб, қаллигингизни афв этишларини сўраб кўрадим.

– Марҳаматингиз учун ташаккур. Лекин у хоҳлайдими-йўқми, билмайман-да. Ўзидан беижозат афв сўраш тўғри бўлармикан, хоним?

Жажжигина сотувчи қизнинг шунчалик чуқур ва мантиқий мулоҳазага қодирлиги графиняни тонг қолдирганди.

– Аминманки, – эътироз билдирди у, – қаллигингиз сиз туфайли турмадан қутулса, умрбод дуойи жонингизда бўлиши аниқ.

– Йўқ, – бош чайқади Шарлотта, – ишонаманки, Фабио озодлик учун ўз маслагидан кечадиганлардан эмас.

– Лекин қамоқда гояларига хизмат қилолмайди-ку.

– Тўғри, бироқ у гояларини сотмайди-да!

Полина бирданига тушуниб қолдики, бош муаммо бахтиқаро йигитга ҳомийликда эмас, унга шерик, ҳамкор бўлиш устида. Графиня дарҳол бир қарорга келди-да, куйиб-пишиб гапга тушди:

– Қулоқ солинг, Фабиога қарши ҳеч қандай ашёвий далил йўқ: ҳаммаси менинг қўлимда. Алҳосил, уни чақимчининг туҳмати билан қамашганини тап тортмай тасдиқлай оламан. Ўша аблахларнинг ўзи гўр ёшларни қасддан қўзғолонга гиж-гижлашини, илинтириб олгач эса беорларча бўҳтон уюштиришиниям фош этаман.

Ҳалитдан бери индамай турган амма бирданига суҳбатга қўшилди:

– Сизнингча, ўша арзингизни эшитувчилар бу ердаги мудҳиш қилмишлардан беҳабармикан?

– Балки хабариям бордир, лекин олисдан туриб буйруқ бериш бошқа, бу буйруқлар оқибатидаги хижолат бошқа-да. Онт ичиб айтаманки, Фабиони маслакдошлари олдида сираям уялтирмасдан афв қилдира оламан. Келинг, жиянингиз мен билан бирга кетсин, икковлашиб йигитга озодлик ҳадя этардик.

Ҳали ҳаммаси барбод бўлмаганини, аксинча, суйган йигити билан бахтиёр ҳаёт қурмоғига умид борлигини туйган Шарлотта бидирлай кетди:

– Княгиня хонимнинг таклифини эшитяпсизми, аммажон? – лекин Лолив хоним оғиз очмасиданоқ Шарлоттанинг яшнаган чеҳрасига ғам-ғусса кўланка-

си ёйилди: – Қоғозлар-чи? Қоғозларни нима қиламиз, княгиня?

– Ўзингиз биласиз, – жавоб қайтарди Полина. – У ёққа бораверайлик, Шарлотта, ҳужжатларни қаллигингиз озод бўлгач, қўлига топширасиз.

Гапнинг индаллосини айтганда, княгиня ғамга ғарқ аёлларга ёрдам беришни ҳарчанд истаса-да, герцог Рейхштадтскийнинг фойдасини кўзловчи кўзголон қатнашчиси бўлишни сира хоҳламасди. Инчунин, беихтиёр қўлига ўтиб қолган қоғоз-поғозларнинг тақдири ҳам унга қизиқ эмас. Ўзига қолса, исёнкор йигит қамоқдан чиққач, қайтариб беради ва ақл юзасидан дарҳол ёқиб юборишни маслаҳат кўради, холос.

Шу аснода Шарлотта пичирлаб, аммасига бир нималарни уқтиргандай бўлди. Лолив хоним эса баралла жавоб қилди:

– Қаллигингни қутқариш қайғусида княгиня билан Венага борганинг маъқул, албатта. Аммо ёлғиз ўзим нима қиламан, болам? Боз устига бир неча кунга дўконимизни ёпиб қўйишса керак. Сизлар билан кетаверсам-чи? Дўконни вақтинча катта сотувчи Элизага топширамиз. Иннайкейин, Шарлотта, паспортингга ёрдамчи аёл бирга бориши қайд этилган, ўша ёрдамчинг ўзим бўла қоламан-да.

Шарлотта княгиняга савол назари билан қаради: ўз олийжаноблигининг бундай суиистеъмол қилинишига хоним нима деркин?

Лекин шу вазият устига Бальди кириб келди:

– Извош тайёр, княгиня, – деди у.

– Бўпти, дўстим, бизн кузатиб қўйинг, – деди Полина. – Мен Венага икковлариниям олиб кетаман.

Амма-жиян олға отилиб, унинг қўлларини ўпишди.

– Сиз ҳали шу аёлларниям олиб кетмоқчимисиз? Ахир бу жудаям мушкул! – хитоб қилди ҳайратидан ёқа ушлаган граф.

– Айни муддао-ку, мушкулотларга шунақаям ишқибозманки... Сиз мени сираям яхши билмайсиз. Тагин севгидан лоф уриб, ҳолу жонимга қўймайсиз: қани, яхши кўришингизни амалда исботланг-чи, арзимасгина хизмат, холос. Мана ҳозир иккови энг керакли буюмларини олишади-да, полиция назоратидаги уйда эмас, бошқа жойда тунайдилар. Сиз эса ўша буюмларни жандармлар кўзидан ўтказасиз, токи эртага буларни ҳужжатларни ўғирлаган деб айбдор қилишмасин. Ана ундан сўнг бизни менинг уйимга-ча кузатиб борасиз ва кечки хўракни сиз билан баҳам кўриш шарафига каминани мушарраф айлағайсиз. Хўпми, азизим граф?

– Хўп, – бош ирғади Бальди.

– Эрталаб биз Вена қайдасан деб йўлга тушамиз. Сиз эса губернаторга учраб, бор ҳақиқатни – иккала аёл ойимқизнинг қамоқдаги қаллиғига Меттернихдан афв сўраш умидида сафарга кетишганини айтиб берасиз.

– Албатта, бу хизматни уддалайман. Бироқ сиз бундай қалтис можарога аралашиб, бошингизни ба-лога қўйишдан қўрқмайсизми?

– Йўқ, дўстим, мен ҳеч нимадан қўрқмайман. Ҳа-миша кўнглим буюрган, ҳатто тантиқлигим тусаган ишни қилишга одатланганман. Кетдик, қорин очди...

Ҳаммаси княгиня хоҳлагандай бўлди: саноқли дақиқалар ўтиб, жандармлар бўм-бўш «Олтин қай-чи»ни қўриқлаганча қолдилар.

ИККИНЧИ ҚИСМ

ТУТҚУН

1. Герцог ва боғбон

Шенбрун истироҳатгоҳининг боғбони Франц Шуллер белкурагига суяниб турибди. Унинг синчков нигоҳи ботаётган июль қуёшидан нурафшон қасрнинг гарбий тарафига қадалган. Бу ёғду пиллапоярнинг кунгурадор тош панжараларида, мрамар ҳайкалларда, Версалдаги кўҳна ҳашаматларни эслатувчи император қароргоҳининг қия деразаларида – ҳамма ёқда бирдай жилваланади. Кўшк атрофи асосан атиргулдан иборат катта бир чаман, Мария-Терезия замони андозасида бежирим шакл берилган азим толлар сўқмоқларга ажабтовур соя соларди.

Аммо Франц Шуллер аслида ҳам ана шу дилхож жаннатга мафтун боқардими? Наҳотки, юзи офтобсўхта қишлоқ одами, меҳнатдан қўллари серқадоқ оддий бир ишчи артист мисоли хаёлпараст бўлса? Йўқ! У кўзларни қувнатувчи биҳиштмонанд манзарага термилмас эди. Боғбоннинг ақл-хуши йўлкалардан бирида элас-элас кўриниб, оҳиста одимлаётган озғин кишининг тахлитида.

Гапнинг нафсиламрини айтганда, Франц Шуллер унча-мунча боғбонлардан эмасди. У қўп йиллар Баден боғларида хизмат қилгач, император боғига оладиган бўлишди. Ўшанда у марҳум боғбон ўзига кўёв эканини айтгандики, унинг ўрнини эгаллаши табиий ҳол эди. Синглисининг тўйи Наполеон Мария-Луизага ўйланган 1810 йили бўлиб ўтганди. Лекин боғбоннинг хотини австриялик эмас, эльзацлик француз эканини

бирова билгани йўқ-да. Алқисса, Франц Австрия императорининг содиқ хизматкори бўлса-да, қалбан Наполеоннинг садоқатли аскарлари ҳолида қолганди. У 1822 йили Гитцингга синглизини кўргани борганича ўша ерда ўрнашиб қолди. Эр-хотин қазо қилишгач, уларнинг ягона қизини ўз тарбиясига олди ва Шенбрун боғбонига айланди.

Бироқ у Австрия императорига меҳнатини бағишлаганди, холос. Ботинида французлигича, Австрия устидан голиб чиққан Наполеон жангчисининг руҳияти билан яшарди. Воқеан, ўша дилкушо июль оқшомида унинг қасргамас ёки ҳайкаллари гулзор-чаманзорга эмас, хиёбондаги йигитга энтикиб боқмоғида ҳам теран маъно бор: ахир йигитча ҳамма учун герцог Рейхштадтский бўлса-да, Франц Шуллерга Римнинг қироли – Наполеонзода эди.

Боғбондан бир неча одимгина наридаги қартайган дарахтлар кўланкасида тош ўриндиқ ва тош стол борки, бу сангин буюмлар қалтис бир тарихнинг тилсиз шоҳиди бўлган. Еслинг сари бошланажак ҳужум арафасида Наполеон иттифоқо отдан йиқилди ва огир жароҳатланди.¹ Уни рамақижон ҳолда олиб келиб,

¹ Бу кўнгилсиз воқеанинг тарихи шундай: 1812 йил 24 июнь тонг чоғи Наполеон кўшинининг авангарди Россия ҳудудига қадам кўйдди. Неманга учта понтон кўприк қурилиб, ярим миллион чоғли даҳшатли кўшиннинг дарёдан ўтиши муттасил уч кеча-кундуз давом этди. Ундан кейинги ем-хашак, озиқ-овқат, қурол-аслаҳа колонналари яна бир ҳафтача тўхтамади.

Ҳужумдан бир кун бурун – 23 июнь чошгоҳ маҳали Наполеон соҳилни кузатиб, афтидан, дарёнинг кенглигини чамалаб юрганди. Хийла орқароқда аъёнлар эргашиб келаётган бўлиб, ҳозиргина эгарда мустаҳкам ўтирган император уларнинг кўз олдида тўсатдан отдан ағдарилиб тушди. Лекин шикастланмаган, жароҳати йўқ. Туёқлари остидан кўеннинг бехос чопиб ўтиши отни қаттиқ ҳурқитган ва устидаги чавандозни улоқтириб юборган.

Аслида бу на эслашга ва на ёзишга арзийдиган шунчаки тасодиф эди. Бироқ Наполеон бу нохуш ҳодисани ёмонликка йўйди, маршаллар ҳам иримнинг этагига ёпишиб олишди. Уларнинг қай бири

худди мана шу тош ўриндиққа ётқизишди. Императорга асов отни рўпара қилган шталмейстер де Каниве қўрқув ва алам хуружида ўзини отиб қўйишига бир бахя қолганди. Доктор Ларей императорни ҳушига келтириш учун жону жаҳди билан саъй қилардики, бари беҳуда. Маршал Ланн ва бош штаб зобитлари бу фожиани бегона кўзлардан яшириш учун атрофни тўсиб туришарди. Истироҳатгоҳда саноқли соқчилар бўлиб, уларга ҳам кори ҳол ҳақида оғиз очмаслик буюрилган. Зотан, император ҳалок бўлган тақдирда тегишли чораларни кўриш учун саркардалар вақтдан ютмоқчи эдилар. Ўша инсонларнинг қалбидаги ватан туйғуси шунчалар пойдор эдики, беҳуш Наполеон Шенбрун боғида ажал билан соатлаб олишиб ётганини на Францияда, на хорижда бирорта инсон билди. Бу сир орадан неча йиллар ўтгачгина очилди: мемуарнавис маршаллар оғизларидан гуллаб қўйишди, ваҳоланки, унга қадар оддий аскарларнинг ҳеч бири тишини ёрмаганди. Ўша саноқли содиқ посбонлар сафида Франц ҳам бор эди...

Қизиқ, қачонлардир чалажон отасини кўрган жойда энди унинг ўғлига қараб турибди: шу топда Франц аскарча жайдари тасаввурида бу икки ҳолатдан ўзаро боғлиқлик топмоқчи бўларди. У дилидан кечирди: «Ким билсин, кунлардан бир куни мана шу бояқиш йигитча падари хастаҳол ётган Шенбрундан отланиб чиқиб, отасидай фотиҳ бўла олармикан? Балки, авлиё

ҳатто хитоб қилди: «Бу кори ҳолдан башорат берувчи аломат бўлди! Римликлар бундай ҳолларда дарёдан ўтишни тўхтатардилар!» Иримчи корсикаликнинг руҳи тушиб, кун бўйи оғиз очгани йўқ, саволларга ҳам жавоб қайтармади. У Россиядан енгилиб қайтгач, буни эслаб турарди...

Муаллиф ушбу воқеани бошқа жўғрофий нуқтага кўчириш билан Наполеонга садоқатни таъсирчан ифодаламақчи бўлган деб ўйлаймиз. (*Таржимон изоҳи.*)

Стефан ибодатхонасидан парвоз қилган навқирон бургут Париждаги Нотр-Дам черковига тўш урмоғи мумкинди».

Франц Шуллер ўзи томон яқинлашиб келаётган йигитга ҳавас ва орзиқиш билан назар солди. Дарҳақиқат, ҳам ақлан, ҳам қалбан дилхоҳ ва олийжаноб фазилатлар соҳиби бўлмиш Жозеф Франсуа Шарль Бонапарт – герцог Рейхштадтский хушсурат, хушбичим йигит эди. Унинг бўйи баланд, қадди шамшоддай бўлиб, юзининг буғдойранглиги, нафис ва тўғри қирғийбурни, одамга тик боқиши, кенг пешанаси отасидан ўтганди. Аммо кўзлари мовий, сочлари тилларанг. Хуллас, қиёфасида икки миллатнинг аломатлари намоёнки, гоҳо француз шаҳзодаси, гоҳида Австрия эрцгерцоги бўлиши ҳам шундан-да.

Бу азаматни яхши кўрадиган ёлғизгина Франц Шуллер эмасди. Уни ҳеч ким ошкора Наполеоннинг ўғли дейишга ботинолмаса-да, бир қатор дипломатлар енгил-елпи тахтларни (Юнонистон ёхуд Бельгияни) унинг тожи учун мўлжаллаб қўйишганди. Билмайдиларки, Меттерних шаҳзоданинг тақдирини аллақачон ҳал қилиб бўлган. Фақат соддадил Франц Шуллергина унинг Францияга қайтишидан умидворки, ҳар оқшом олис Франция тўғрисида пинҳона сўзлаб берарди...

Бу хуфиёна суҳбатларнинг аввали тасодифан бошланган. Франц у кунлари истироҳат боғида янги одам бўлиб, шаҳзода уни танимасди. Иттифоқо, иккови йўлакда рўпара келиб қолишди, Франц қаддини ғоз тутиб, қалпоғини олди ва имо қилиб, гапи борлигини билдирди. Герцог ҳайратангиз ҳолда тўхтади, лекин кулиб турарди.

– Ҳазрати олийлари, француз эканимни сизга айтмоқчийдим, – деди Франц хижолатомуз довдираб,

– лекин буни бошқа биров билмайди. Марҳум падарингиз қўлида хизмат қилганман ва барча жангчилардек уни беҳад яхши кўрардим. Башарти, дадангиз ҳақида билишни истагудай бўлсангиз, бармоғингиз кимирласа бас: Франц Шуллер хизматга ҳозир. Мен фитначилардан эмасман, жангчи эдим, энди боғбон бўлдим...

Айтарини айтиб бўлган Франц йигитга зимдан назар солиб, жавоб кутганича қолди. У эса бир сўз демасди-да, жадал йўлга тушди. Қария не деб ўйлашни ҳам билмасди: наҳотки, герцог уни айғоқчи деган хаёлда бўлса? У тун бўйи кўз юмолмади. Эртаси куни худди ўша соатда яна кечаги жойга борди ва кутаверди.

Герцог Рейхштадтский яна ёнгинасидан ўтди, тўхтамай кетаётиб, шундай деди:

– Сенга айтиб қўяй, қаҳрамон дўстим, мен ҳам францияликман, дадамнинг даврида ватаним хизматида бўлганларни бошимга кўтаргим бор-да!

Мўйсафид жангчининг кўзларида қувонч ва алам ёшлари гилтиллади.

Герцог жилмайиб, бармоғини лабига қулф қилди ва йўлида давом этаверди...

Ўша-ўша имкон туғилди дегунча, йигитча мураббийи граф Дитрихштейн ё унинг ўрнида қолган ёрдамчисининг кўзини шамғалат қиларди-да, тош ўриндиқ томонга етиб келарди. Бу жойда шаҳзодани Франц кутиб оларди ва иккови хавотирланиб бўлса-да, бир дамгина Франция ва Наполеон тўғрисида эмин-эркин дардлашиб олардилар. Сўнги йилларда, аниқроғи, мураббияси де Монтескье хоним кетганидан бери шаҳзода на ватани ва на дадаси ҳақида биров билан суҳбатлашолган эди. Шу боис, у Наполеоннинг юришлари тўғрисидаги Францнинг ҳикоя-

ларини жон қулоғи билан тингларди. Ваҳоланки, ўша юришларнинг бош қаҳрамонини унинг ўз ўғлига мутлақо бадхулқ деб уқтириб келишганди. Йигитча 1830 йилнинг июль ойида граф Прокеш-Остеннинг 1815 йил воқеалари хусусидаги асарини ўқишга муяссар бўлди. (Муаллиф Наполеоннинг саркардалик иқтидори ҳақида Олмониядаги сохта қарашларни инкор этади.) Айни китобни мутолаа қилгач, йигит қалбида Прокеш-Остенга нисбатан самимий бир ихлос уйғондики, император бобоси саройида иттифоқо бу олийжаноб тарихчи билан учрашган чоғи унинг бағрига отилишдан ўзини тия олгани йўқ. Ана шу қучоқлашув «кори ҳоли»дан сўнг Прокеш номи Меттернихнинг қора дафтарига тиркалди. Инчунин, у қанчалар истеъдодли бўлмасин, олис мамлакатларга ихрож қилинаверди. Фақат йигирма йилдан сўнггина «гуноҳи» нутилди ва юксак мартабаларга муносиб топишди...

Франц эса йигитга на стратегик режаларни, на дипломатик назарияларни тиқиштиришга уринди, фақат жанговар хотираларини, кўрган-билганларини айтиб берарди, холос.

Биз қаламга олган оқшомда герцог Рейхштадтский ҳар қачонгидан хафагазак кўринардикки, Франц буни дарҳол фаҳмлади:

- Сизга нима бўлди, зоти олийлари?
- Юрагим сиқилиб қолди-да, Франц.
- Ие, бирор киши озор бердимиз?
- Унақамас, ҳечқиси йўқ. Билганим фақат шуки, Парижда бетимсол, улуғ ишлар бўлиб ўтибди.
- Парижда-я?
- Икки кун бурун Карл Ўнинчи тахтдан ағдарилибди.
- Наҳотки?

– Тасодифан бобомнинг саройида эшитиб қолдим. Канцлернинг мирзаларидан бири айтиб берди: «Ҳазрати олийлари, Бурбонларни қувиб солишибди-ку.» Унга жавобан: «Ҳа, шунақа гаплар бор,» – деган бўлсам-да, аслида тайинли бирон нимани билмайман. Шунга кўнглим очилмай турибди шекилли. Франц, ўша урушларда энг охириги кўрганларингни айтиб бер. Отам Фонтенеблога келгач, нима бўлгани хусусида ҳалигача оғиз очганинг йўқ.

Кекса хизматкорга империянинг сўнгги кунларини тилга олиш азоб ва изтироб эдики, у ўшандан қочиб, ҳикоясининг аввалини жўрттага қудуқнинг ипидай чўзарди. Наполеон эришган зафарларнинг миридан-сиригача тўхталиб, жанггоҳлар манзарасини эринмай тасвирларди, император издошларининг афт-ангори, сиёқ-сумбати ҳам, бошқа майда-чуйда тафсилотлар ҳам қолмасди. Ахийри, муваффақиятсизликларнинг гали келарди ва Франц бунинг ҳам нурли жиҳатларини топиб, ўкинч билан тилга оларди. Ва ниҳоят, Фонтенебло... буни эслашга қарияда журъат қани? На чора, қалтис, лекин айтиш керак, бари бир унутиб бўлмайди-да.

– Қарангки, зоти олийлари, жанггу жадаллар маршалларнинг меъдасига урди, улар энди қартайган ва бойиб кетишган эди. Аксарияти уйланган, бола-чақаси бор, лекин ҳеч қачон оила бахтига тўйган эмас, негаки, йигирма йил мобайнида Европани қадамлаб кезарди. Боз устига император ҳамиша, ҳатто айб ўзида бўлсаям уларга дағал муомала қиларди.

– Франц! – танбеҳ бермоқчи бўлди герцог.

– Йўқ, сиз ҳақ гапнинг ҳаммасини эшитинг-да. Эҳ-ҳе, дадангизга хизмат қилиш осон эмасди. Лаби кимирлагандаёқ тушуниш, ҳеч қачон янглишмаслик,

ҳамиша зафар қозониш шарт, билъакс, ҳолингизга вой! Устига-устак кулфатлардан ўзи сертажанг, яна генераллариям унга аввалгидай ишонмай қўйишган. Фақат биз – оддий аскарларгина илгаригидай астойдил ишонардик.

– Айт, айтавер, содиқ дўстим! – ўтинди фарзандлик туйғусидан масрур герцог ифтихорга тўлиб.

– Айтсам – тилим, айтмасам – дилим куяди, зоти олийлари. Париж билан Фонтенебло ўртасига уч юз минг душман қўр тўкканди. Биз эса эллик мингмиз холос, ҳамма чарчагани устига, қурол-аслаҳаям чатоқ. Эссонга ўрнашган Мармон¹ энг олдинги маррада бўлиб, қўлида ўн-ўн икки минг аскари бор. Менинг ротам ҳам унинг қўшини таркибига кирарди... Маршал ўзи ёв қўлидаги Парижга жўнаб кетди: унинг буйруғига биноан ёрдамчилари бизни олға бошлаб, икки сафга тизилган австрияликлар орасидан олиб ўтишди. Бу таслим бўлишга ўхшарди, аммо маршалармас, биз – оддий солдатлар ёнимиздаги душманни пора-пора қилишдан базўр тийилиб борардик. Таассуфки, ҳарбиймиз-да: катталарнинг буйруғига бўйсуниб ўрганганмиз.

Маршал Мармоннинг хиёнатини эсларкан, довюрак жангчи уятдан бошини эгиб қолди.

Атрофга ола-зарак боқиб сўзлаётган Францнинг эзгин ҳикояси ана шу нуқтага етганда, ўриндиқда жон қулоғи билан тинглаётган герцог сапчиб турди-да, унинг қўлидан тутди.

¹Огюст Фредерик Луи Виес де Мармон (1774–1852) – 1790 йилдан ҳарбий хизматда, Наполеоннинг адъютанти (1796–1798), бригада генерали (1798), дивизия генерали (1800), Франция маршали (1809). Парижда таслим шартномасига қўл қўйган (1814). Бурбонлар тарафига ўтган ва тахтдан ағдарилган Карл X билан (1830) хорижга қочган. (*Таржимон изоҳи.*)

– Йўқ, йўқ, – хитоб қилди Франц, – биров кўриб қолмасин. Ўтиринг, ўтириб олинг, мен буталар ортида гапиравераман.

– Бўпти, кейин-чи, кейин нима бўлди?

– Ўшанда Фонтенеблога саркардаларнинг бари йиғилишганди: Ней¹, Макдональд², Коленкур³ – ҳаммасини айтиб адо қилолмайман. Улар императорни орага олиб, уқтира кетишди: силласи қуриган Франция энди урушга ярамайди, иш қўлдан кетди, таслим бўлишдан ўзга чора йўқ! Наполеон эса ҳали урушмоқчи эди: ҳамма юз ўгиргач, у ҳатто заҳар ичмоқчи бўлганди.

– Ё Парвардигорим! – ингранди герцог.

– Эртаси кун у Эльба оролига йўл олди: император бизнинг иштирокимизда фатҳ этган буюк империядан ана шу бир парчагина оролни унинг ихтиёрида қолдиришди. Аммо уни бари бир алдашганди. Ваъдаларга биноан онангиз сизни кўтариб, ортидан бориши лозим эди. Бироқ уни оролга қамашгач, бу-

¹ Ней, Макдональд, Коленкур – Наполеон империясининг арбоблари, маршаллари. Мишель Ней (1769–1815) – бочкасоз оиласида туғилган, 1788 йилдан ҳарбий хизматда, бригада генерали (1796), дивизион генерали (1799), Франция маршали (1804), Москва князи (1812). У Наполеоннинг ҳамма юришларида иштирок этган, довурак, солдатлар меҳрини қозонган саркарда эди. Наполеон тор-мор этилгач, яширинган, лекин қўлга тушиб, ҳарбий трибунал ҳукмига биноан 1815 йил 7 декабрь куни Парижда отилган.

² Жак Этъенн Жозеф Александр Макдональд (1765–1840) – асли шотландиялик, 1784 йилдан француз армиясида, бригада генерали (1793), дивизион генерали (1796), 1799 йили Требий дарёси соҳилидаги жангда Суворовдан мағлуб бўлган, Франция маршали (1809). Наполеондан сўнг Людовик XVIII хизматига кириб, Франция пэри унвонини олган.

³ Арман Огюстен Луи Коленкур (1773–1827) – маркиз, давлат арбоби, Франциянинг Россиядаги элчиси (1807–1811), Наполеоннинг 1815 йилги ҳукмронлигида («Юз кун» даврида) ташқи ишлар вазири. Наполеонни кўқларга кўтарувчи, аммо қимматли тарихий материалларга бой «Мемуарлар» муаллифи. (Таржимон изоҳи.)

тун Франциянинг қонини ичгандай сизни ҳам гўё мусодара қилишди-да.

– Онам-чи? У ўша оролга бормоқчи бўлганмиди?

– Онангиз? У бу орада йўқ эди.

– Айтишларича, онам отамнинг олдига боришга уринган экан-ку.

– Эҳтимол урингандир, – деди Франц, у айти ма-салада ҳақиқатни очгиси келмади.

– Кейин, – ҳовлиқди герцог, – ҳаммаси барбод бўлмаган-ку, тўғрими?

– Албатта. Орадан ўн ой ўтиб, император кўшини Жуан қўлтиғига тушгани ҳақида хушхабар тарқалди.

– У қаерда?

– Эльба рўпарасидаги Франция соҳилларида.

– Хўш-хўш?

– Ана шунда бутун Франция уйғонди. Қанийди, ўша кунларни кўрсангиз! Шодликдан ҳамманинг эси оғиб қолганди. Қирол аҳмоқ бўлиб, императорни қўлга олиш учун лашкар жўнатди: қўлга олиш қаёқда – улар Наполеонни олқишлар билан кутиб олдилар. Ней унга қарши қўшин тортиб бораётганди, лекин императорни кўрган ондаёқ оёғига йиқилди. Мармонга ўхшаган хоинларгина қиролнинг пинжида қолишди, бошқа ҳамма императорга кучоқ очиб пешвоз чиқди. Ўша дамларда на чарчашга ва на гинахонликка ўрин қолганди. Барча империяга ва императорга иштиёқманд!

– Хўш, отам ўз ватандошларига осойишта ҳаётни таъминлашга астойдил ҳаракат қилдимми?

– У шунга эришса керак эди, лекин фурсат ўтиб бўлганди. Меттерних энди сираям Наполеонни хоҳламасдики, Европа шу одам, ҳа, фақат шу одам раҳнамолигида тагин бизга қарши тил бириктирди.

Биз эса қачонлардир Аркол ва Маренгода, Ваграм ва Шампоберда, Аустирлицда гумбурлаган милтиқларимизни қайтадан қўлга олдик.

– Бай-бай! Бу қанча давом этди, Франц?

– Бир юз ўн кун! Барчасини Ватерлоо остонасида бой бердик. Зоти олийлари, ёлвораман, шу хусусда айтишга мажбур қилманг. Юзлаб зафарлар қўлимизда эди, лекин ўша мағлубият билан ҳаммаси барбод бўлди. Душман снарядлари остида бутун-бутун полклар қирилиб кетди, ўн етти яшар болагина аскарлар ўлимнинг кўзига тик боқиб, увол бўлдиларки, йиллаб қон кечган кекса ҳарбийлардан кам эмасдилар. Қизил либосли ёв сари от солган чавандозлар тутдай тўкилиб тугади. Жанговар байроқни жондай сақлаган гренадёрлар сочма ўқ ёмғири остида мангу кўз юмиб, нондай тахланиб ётишарди. Гўё снаряд ва қўрғошин кўкдаги булутдай ёғди. Нарироқдаги дўнгтепа устида эгнига бўзранг сюртук, бошига сим-сиёҳ учбурчак қалпоқ кийган оқ отли бир ўғлон турарди, у...

– Менинг дадам! – оҳ чекди герцог, унинг иккала кўзидан ёш дувиллади.

– Бизлар ҳеч қачон бундай жанг қилган эмасдик, – давом этди Франц. – Ней... Нейнинг шиддатига отлар дош бера олмасди, остида бешинчи от ҳам ўққа учгач, охири пиёда қолди. Зарпопук погонини ёв шамшири бурдалаб ташлаган, кўксидаги Фахрий Легион орденини қўрғошин тешиб ўтган ялангбош маршал бизни сўнгги... йўқ, энг сўнгги жангга бошлади. От устидаги Друэ д'Эрлон ёнидан ўтаркан, маршал наъра тортди: «Бу нимаси, шу бугун тинчгина ўлишимгаям қўймайсанми?!»

– Во дариг! – оғир ингради герцог, ҳар бир сўзни қалбига жо қилиш учун у ҳатто нафас олмасди.

– Эссизгина! Саркарда бояқиш душманларни доғда қолдирди, аммо кўксини на инглиз ва на немис мергани нишонга ололди. У кейинроқ франциялик ўн икки аскарнинг ўқидан ҳалок бўлди: баҳодирлар баҳодирини Франция қироли оттириб ташлади!

– Ўша қирол ҳам француз эдими?

– Ҳа.

– Ёлғон!

– Империянинг офтоби сўнди. Падарингиз инглизларга таслим бўларкан, аёли ва ўғилчаси билан қолган умрини тинчгина ўтказишга имкон беришларини сўради – бу унинг ягона ўтинчи эди. Англияликлар эса ёлғиз ўзини кемага ўтқизиб, хилватдаги олис ва кимсасиз оролга олиб бориб ташлашди. Император олти йил қон ютди ва ғарибликда шамдай ёниб битди: дунёдаги охирги умиди, биргина илинжи сиз, фақат сиз эдингиз, зоти олийлари!

Герцог нидо қилди:

– Ва ниҳоят, ҳақиқатнинг ниқоби очилди, мана энди бор гапни билдим!..

Ана шу хотиралар асносида кун ботди. Қасрда чироқлар ёнди. Хиёбонлар оралаб қадам товушлари эшитила бошлади.

Франц дарахтзор қўйнига сингиб кетди. Тарих илмидан у берган сабоқ ниҳоясига етиб, ҳар қачонгидан ҳам ранги синиққан талаба эса хосхонасига йўл олди. Қачонлардир музаффар дадаси ғалаба лаззатида тўйиб ухлаган хона: ғариб шаҳзода мағлуб падари ҳақида эзгин ўйларга ботиб, тонгга қадар кўз юмгани йўқ.

2. Меттернихнинг маҳкамасида

– Айтинг-чи, жаноб Зибер, агар идорада бўлмай қолсам, ё қаёққадир кетсам, менинг бўш ўрнимга ўтириб олишингиз мумкинми? Каминага келган шахсий мактубларни очасизми, ё менинг унвонимни ўзлаштириб оласизми? Асло бундай қилмайсиз-а, тўғрими? Инчунин, Людовик-Филиппнинг ҳам қирол вақтинча йўқлигини рўқач қилишга, шу баҳона Карл Ўнинчининг тахтини эгаллашга сираям ҳақи йўқ эди-да!

– Бироқ, Генц жаноблари, мен бор-йўғи бир муншийман, холос. Сиз эса махфий маслаҳатчи ва кимсан князь Меттернихнинг ўнг қўлисиз-да.

– Аммо бари бир қирол эмасман-ку! Борингки, ўнг қўли бўлганимда ҳам, князнинг ўрнини боса олармидим? Герцог Орлеанский эса қонуний ҳукмдорнинг ўнг қўлимас, нари борса, чап қўлигина эди. Аслида Франциянинг тож-тахтига аввало герцог Ангулемский, қолаверса, граф Шамбор ҳақли бўларди.

– Аммо французлар сизга ҳамфикр эмаслар шекилли-да.

– Бунинг қизиғи йўқ. Улар ҳар йили ёзда инқилоб бошламаса туролмайди: июль ойида ҳамма дала ҳовлисида салқинлагани кетади, французлар эса Бастилия томон ҳужумга ташланадилар. Жонга тегиб бўлишди-да!..

Бу гаплар 1830 йилнинг 6 август куни бўлмоқда. Австрия империясининг канцлери князь Меттернихнинг икки хонадан иборат маҳкамаси: канцлернинг бош ёрдамчиси ва котиби қабулхонада ана шу ўзаро суҳбат билан андармон эдилар. Ўттиз уч йил мобайнида, яъни 1815 йилдан то 1848 йилга қадар Европа

сийёсати мазкур хонадан дастуриламал олди. Канцлернинг маҳкамасидаги иккита хона маълум ва машҳур. Ичкари хосхона: расмий услубда мебеллар жойланган бу даргоҳда князь давлат аҳамиятига молик қоғозларга кўмилиб, дипломатик ёзишмалари билан шуғулланади. Қабулхонада у расмий меҳмонларининг арзини тинглайди ва котибларидан бири ҳамиша хизматга қойим туради.

Жимжимадор мебеллар билан жиҳозланган бу хайҳотдай зал ўз маҳобатига кўра дабдабали меҳмонхона ҳам эди. Унинг учта эшиги бор: биринчисидан канцлернинг хонасига кирилади, иккинчиси император ҳарами ва охиргиси асосий пиллапоя тарафда. Тўртинчи томондаги девордан боққа қаратиб бир жуфт йирик дераза очилган. Ўртадаги стол шунчалар улканки, атрофига Европа конгрессининг ҳамма аъзолари бемалол жойлашарди. Шу топда эса унинг устида котиб ҳозиргина муҳрини бузган расмий шошинчномалар турибди. Девор бўйлаб ҳашамати зўр оромкурсилар териб қўйилган. Кауницнинг бюсти икки дераза орасидаги ўзига хос зийнат эди, ҳайкал гўё тилга кириб, меҳмонларга уқтираётгандай: «Бугунги кеккайган канцлер ўтмишдаги амалдошларидан забардаст эканига шунчалар ишонадики, ҳатто портретим рўпарасида тикилиб туришидан бир зарра қўрқмайди-я.» Ва ниҳоят, пиллапояга чиқиладиган эшик қаршисидаги асосий деворда баҳайбат портрет: унда император Францнинг бор бўйи билан тик турган рангин сиймоси...

Ўттиз йил давомида Меттернихнинг дўсти ва яқин кўмакчиси бўлган Фридрих фон Генц котиб Зибер билан ана шу расмий қабулхонада суҳбатлашиб ўтирарди. Фон Генцнинг французларни кўрарга кўзи йўқ

эдики, уларга нисбатан бояги ҳовуридан тушиб, мун-шийга савол берди:

– Бугун канцлеримиз Луи Филипп жанобларининг фавқулодда сафирини¹ қабул қиларди. Ким экан у ўзи?

– Генерал Бельяр, Наполеондан қолган қирчанғилардан бири.

– Қаранг, янги қирол собиқ империя ва мархум император армиясининг сарқитларини атрофига тўпламоқда.

– У бундан баттар йўл тутишям мумкин эди. Ҳар нима бўлгандаям, Наполеоннинг биргина маршалини ўз саройига чақиролмайди-да.

– Кимни?

– Мармонни. У шу ерда.

– Шу ерда? Қанақасига?

– Шунақасига. У июль воқеаларида қўзғолончилар устига отланган қирол қўшинларининг қўмондониди эди. Бироқ мағлуб бўлди ва қирол қочиб кетгач, бу ҳам Францияни тарк этган. Бугун канцлер ҳузурига кирмоқчи.

– Мармон, яъни герцог Рагузскийми? – деди фон Генц ранжиган кўйи. – Ҳай, унинг интиҳоси ибтидосидан дурустроқ бўлибди-да. Қабулга кирувчилар белгиланганмиди?

Зибер столдаги рўйхатни олди:

– Эрцгерцог Карл, Англия ва Пруссия элчилари, бир неча хонимлар ва яна париждик бир журналист – «Journal des Debats»нинг ходими Пьер Лефран.

– У ҳам инқилобчи-ку! – хитоб қилди аччиғи келган Генц норози товушда. – Молэ тоифасидаги салла деса, калла олувчилардан биттаси-да. Венада унга пишириб қўйибдимиди?

¹ Сафир – элчи. (Таржимон изоҳи.)

– Сиз, махфий маслаҳатчи жаноблари, ҳамма нарсага қора кўзойнак билан қарашга ўрганиб қолибсиз-да, – деди Зибер. – Хайрият, княгинямиз келиб қолдилар. У кишининг шарофати билан олам кўзингизга гўзалроқ кўринса ажаб эмас.

Дарҳақиқат, шунинг устига Гермина – Меттернихнинг қизи ташриф буюрди. У ўн тўрт ёшда бўлиб, бундан ортиқ ҳурилиқони тасаввур қилиш мутлақо мушкул. Бўйчан ва сарвқомат қизалоқнинг мовий ва маъсума кўзларида ақл-идрок намоён, олтинранг сочларига оро берилган. Эгнидаги оқиш харир кўйлаги ва бошидаги кенг соябонли похол шляпаси билан ҳали ёш болага ўхшаса-да, балоғат бўйи уфуриб турарди.

– Салом, олийжаноб Генц, – деди у махфий маслаҳатчи томон талпиниб, – бугун сизни йўқлабгина саройга келдим, дадам шу ерда эканингизни айтган эди. Италияга яхши бориб келдингизми? Саломатмисиз, жаноби Зибер?

– Миннатдорман, княгиня, менга ҳамиша боилтифотсиз, – деди Генц. – Сизга Италиянинг аъло навли газмолларидан олиб келдим.

– Ажойиб инсонсиз-да! Қаерларга бордингиз?

– Оз-оз бўлса-да, анча шаҳарларни кўролдим: Неаполь, Флоренция, Лука, Венеция...

– Венецияни жуда-жуда кўргим келаверади. Айтишларича, бениҳоя гўзал шаҳар экан.

– Рост, менинг денгизга тоб-тоқатим бўлмаса-да, зўр шаҳар. Ростини айтсам, бири-бирига ўхшаш қасрлардан, майдону черковлардан ҳам кўра, ажабтовур дўконлар тўла тору танг жин кўчалар менга кўпроқ ёқади.

Гермина кулиб юборишдан базўр тийилди: ахир Венеция гўзаллигини мўйқаламда мадҳ этган машҳур

мусаввирлар янглишса-да, шаҳарнинг асл гўзаллиги аллақандай махфий маслаҳатчи томонидангина кашф этилиши кулгили эмасми?

Қизалоқ Зибердан сўради:

– Айтинг-чи, бугун эрталаб отамнинг ишлари жуда кўпми?

– Кам эмас, – деди котиб, – ҳозир полиция бошлиғи Зедельницкий билан бир масалани ҳал қиляпти. Сўнгра беш-олтита расмий шошилинчномалар кутиб турибди, кейин қабулга ёзилган бир талай кишиларнинг гали келади.

– Уф-ф, намунча кўп! – диққат бўлди қизалоқ. – Жудаям муҳим хабарлар келганми?

– Сиз учун қандайлигини билмайман-да, – жавоб қайтарди Генц жилмайиб, – менимча, сиз сиёсатга сираям қизиқмайсиз, Дрезденда, Флоренция ёки Парижда нималар бўлаётганига бефарқ қарайсиз.

– Жудаям янглишяпсиз. Сиз сафарда юрган чоғингиз ҳар кунги почтани дадамга ўзим ўқиб берардим. Натижада унинг кўзлари зўриқмасди, менга эса ўша хатлар тарих ва жуғрофиядан сабоқ бўларди. Ҳар ҳолда отамни шунга ишонтирардим. Дарвоқе, герцог Рейхштадтский яқин орада Венадан кетармиш, хабарингиз бўлдимми?

Княгинянинг иккала мусоҳиби бир-бирларига ҳайратангиз қараб қолишди.

– Хўш, сабаби бор эканми? – сўради Генц.

– Сабаби оддий: француз киролининг Париждаги тахти бўшаб қолгач, ёш императорни ўша ерга чақиришган. Ахир у ҳозир император-ку!

Шу жумла унинг оғзидан чиқар-чиқмас канцлер хосхонасининг эшиги очилиб, остонада Меттерних пайдо бўлди.

– Кимни айтяпсан, Гермина? – сўради у, ортидан граф Зедельницкий ҳам кўринди.

Князь Клементий Меттерних замондошлари орасида чақмоқдай чақнаган, ўзига зеб берган энг олиф-та арбобларнинг бири эди. Оддий вазир ёки элчи бўлган кезлари ҳам (масалан, Парижда) ўз назокати, бежирим сиёқ-сумбати, чексиз ақл-идроки, беҳад билимдонлиги ва аслзодаларга хос боилтифотлиги билан ҳаммани тонг қолдирарди. Европада Австриянинг мавқеи қандайлигидан, яъни ошиғи олчи ёки пукка эканидан қатъи назар, ўзини ҳамиша мулойим ва босиқ тута биларди. Мамлакати омадсиз қора кунларда қолган кезлари у ҳатто янада хушнуд кўрина оларди.

У бўйчан, қадди расо киши бўлиб, хуш сурати билан ажралиб турса-да, сира кибру ҳавога берилмасди. Аксарият қартайиб, сўлгин фаслга кирадиган ёшдан аллақачон ўтганди, лекин унинг ҳамиша қиртишланган тиниқ чеҳрасида ёшлик унсурлари яққол намоён. Ўткир кўзлари юлдуз каби чақноқ, жиндайгина қирғийсифат ва йирик бурни юзига шижоат бағишлаб турарди. Лаб-даҳанининг ҳаракатчан ва бежирим сиёқи унинг гапдонлиги ва нозиктаъблигидан, хуштавозелигидан нишона.

Князь эллик етти ёшда бўлса-да, қуюқ ва ихчам тарошланган сочларига энди-энди оқ оралай бошлаганди. У ҳамон хипчабел ва серҳаракат. Анъанавий урфга амал қилиб, доимо қотирма ёқали фрак, калта панталон ва узун шоҳи пайпоқ киярди. Хуллас, Меттерних йигит мисоли қирчиллаб кўринардикки, унинг учинчи бор уйланмоқчи экани ҳеч кимни ҳайратга солмасди.

Гермина – унинг кўз очиб кўрган аёлидан туғилган қизи. (Аввалги канцлер Кауниц Меттернихга қайнота бўларди.) Иккинчи хотинидан (қизлик фамилияси ба-

ронесса Лейкам) эса бир ярим яшар ўгли бор. Гамхўр падар, оилапарвар Меттерних ҳамма-ҳамманинг иззат-ҳурмати қозонганди. Дипломатик иқтидори ё Наполеондай даҳони енга олган сиёсий зукколиги билангина эмас, шахсий ҳимматлари ва эзгу аъмоли билан ҳам қалбларни забт этган. Шунчалар қудратли арбобнинг ягона камчилиги бор, бу барчага беш қўлдай аён. У ўзига бениҳоя қаттиқ ишониб кетган: фаолияти ҳақида тариқдай танқид мумкин эмас – буни ўз шахсига ҳақорат деб қабул қилади. Унинг сиёсати жабрдийдаларига кўрсатилган илтифот – канцлернинг бенуқсон даҳосига иштибоҳнинг ўзгинаси. Нимаики қилса – фақат аъло, нимаики қурибди – фақат мукамал. Ақли ва қўллари яратган барча-барча ижодга заррача шубҳа тақиқланади! Унинг ҳамиша ҳақлигини зафарлар исботлаган. Канцлерга бутун Европа бўйсунадик, у ҳаммага, ҳатто ўз мамлакатига ҳам ҳокими мутлақ бўлиб олган. Унинг қудрати ва ҳокимиятидан зорланишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Европа уники эди, яна не замонлар ўзиники бўлиб қолади. Канцлернинг ўзи – хон, кўланкаси – майдон: келажак тош отсин-отмасин, уни қизиқтирган эмас.

Қабулхонага худди ана шу инсон кириб, қизидан сўрарди:

– Кимни айтяпсан, Гермина?

– Княгиня герцог Рейхштадтский нечун ота мерос тахтини олмаслигига қизиқяпти, – жавоб қайтарди Генц.

– Кўриб қўйинг, граф, худди айтганим, – деди Меттерних полиция бошлигига. – Ҳатто менинг уйимдаям шу гап. Европанинг бир талай ёш-яланглари айни дақиқада ана шу васваса билан касалланган. Давлатнинг одами эканман, бу хавфли дард ҳаммага юқмасидан бурун илдизини қуритиш бурчимдир.

– Дада! – хитоб қилди қизча қиқирлаб. – Мени ҳибсга олмоқчи бўляпсизми?

– Йўқ. Ганимларимга хайрихоҳ бўлсанг-да, сен тентак қизни қамаб бўлармиди?

– Ганимларингизга? Наҳотки? Шунчалар қудратли вазир бўла туриб, сиёҳбахт шаҳзодаларни душманим деб юрибсизми?

– Бу гапингдан жуда талтайиб кетаман, қизалоғим. Бироқ императоримизга набира бўлиб, эъзозу эҳтиромга мушарраф йигитни сиёҳбахт деб бўлмайди-да.

– Тирик онасига ўғил бўлолмасдан, фақат бобосига мажбуран набира бўлиб юравериш кулфат эмасми? – Герминанинг сўзларида чуқур ҳамдардлик ва армон бор эди.

– Буни тушунмайсан, билиб-билмай гапирмагин, – шартта кесди канцлер. – Уйга бориб тур, бирга тушлик қиламиз.

Гермина ҳаммага таъзим қилди ва отасини ўпиб, ташқарига йўл олди.

3. Европа ҳукмдори

Меттерних ўз котибиятига энг сара мирзаларни чертиб-чертиб олганди. У барча уддабурон вазирлар сингари фақат алоҳида муҳим юмушларнигина ўзига олиб, қолган ҳамма вазифаларни ёрдамчиларининг зиммасига юклаб қўйган. Уларнинг пешқадами Фридрих фон Генц бўлиб, ўта мураккаб ва узундан-узоқ дипломатик ҳужжатлар мазмунини ҳам икки оғиз сўз билан ифодалашда ундан ўзга устаси фаранг йўқ дейиш мумкин...

Қизи чиқиб кетгач, Меттерних полиция бошлиғига юзланди:

– Шошмай туринг-чи, граф, ҳозир махфий маслаҳатчи жаноблари ахборот беришича, дипломатик почтадан бизга фойдали бирон-бир йўл-йўриқ чиқиб қолиши мумкин. Илтимос, Генц, қисқароқ, иложи борича мухтасар айтиб беринг, негаки, француз қиролининг вакили мени кутиб турибди.

Генц стол устидан хатларни олиб, бир сидра кўз югуртиргач, ахборот бера бошлади:

– Константинополдан келган хабар: французларнинг Жазоирга киришига турк султони рози бўлибди. Петербургдан...

– Уни қўя туринг! – қўл силтади Меттерних. – Карлсбадда Нессельроде билан кўришганимга бир ҳафтагина бўлди. Сиздаги нома менга ҳеч қандай янгилик беролмаслиги турган гап.

– Саксонияда Париж инқилоби акс садо берибди, – давом этди Генц. – Лейпциг ва Дрезденда тўполонлар бўлган. Граф Коллорадо вазиятни қалтис деб, ваҳимали гапларни ёзмоқда. Афтидан, Саксония қиролининг мияси айниб қолибди шекилли.

– Нима? – сўради Меттерних.

– Зоти олийлари саросимага тушиб, исёнчиларга қарши қаттиқ чора кўриш ё кўрмасликка боши қотган.

– Уларга шундай руҳда шошилинонома берингки, Саксония ҳукумати ўз зиммасидаги вазифанинг масъулиятини тўлиқ англаб олсин. Саксония бизнинг фарбдаги қалқонимизки, башарти, у ёқда ёвлар ғивирлаб қолишса, биз ҳам тегишли чораларни ишга сола-миз-да. Коллорадога хабар қилинг, Пруссия вакили билан маслаҳатлашиб иш тутсин.

Канцлернинг фикрларини Зибер тез-тез ёзиб олди. Генц бошқа номалар баёнига ўтди:

– Италиядаги яширин жамиятлар фаолияти авж олмоқда. Чамаси Людовик Наполеоннинг ўғиллари бу ҳаракатга кўмак беради. Ўша ворислардан Луи Наполеон Венага келмоқчи эмиш: унинг муддаоси шуки, амакиваччаси герцог Рейхштадтскийни озод этишга сиздан рухсат олиб, алалоқибат, уни Франция тахтига ўтқизармиш.

– Маҳбуснигина озод этилади, – таъкидлади Меттерних, – герцог Рейхштадтский зоти олийлари эса ҳибсда эмас.

– Мен Луи Наполеоннинг сўзини такрорладим.

– Бари бир бу жумла мантиқсиз экан.

– Коловрат Италиядан ғалати бир хабар йўллабди. Миландан икки аёл йўлга чиққан: уларнинг қўлида герцог Рейхштадтскийга топшириладиган муҳим ҳужжатлар бўлиб, уларга герцогни қочириб юбориш режаси ёзилганмиш. Бу янгича сиёсий сайёҳлар полиция агентларини чалғитиш ғаразида Швейцария орқали келмоқда.

– Бундан хабарингиз бормиди? – сўради Меттерних полиция бошлигидан.

– Анча бўлди. Бу мен учун янгилик эмас. Кейинги йилларда герцогни озод қилиш қутқусидаги ақлидан адашган жаноблар ё хонимлар чиқиб қолади. Лекин ҳаммаси уч пулга қиммат.

– Аммо буниси жиддийга ўхшайди-да, граф.

– Хавотир олманг, князь, – жавоб берди полиция бошлиғи, – зарур қарши чораларни ишга соламан. Аслида, герцог Рейхштадтский бунақа даъватларни парвосигаям келтирмайди. Башарти, шунақанги махфий хат олган тақдирда ҳам зудлик билан императорга ё сизга келтириб берарди.

– Тўғри айтасиз, герцог ҳозиргача итоатгўй ва ювошгина бир йигит эди. Бироқ сўнги пайтларда феъли бузилаётган кўринади.

– Кўрармиз, – деди Зедельницкий ва сўради: – Энди менга рухсатми?

– Албатта, марҳаматли граф, – деди канцлер ва бир зум ўйлаб турди-да қўшиб қўйди: – кўрган яхши, лекин олдиндан кўра билиш ундан ҳам яхшироқ-да.

Полиция бошлигини кузатгач, канцлер сўради:

– Генерал Бельяр шу ердами?

– Шу ерда, – деди Зибер.

– Кирсин, аммо билиб қўйингки, биз янги қиролни расман тан олганимиз йўқ, бинобарин, мен француз қиролининг эмас, Луи-Филипп юборган шахсий вакилни қабул қиламан. Шунга муносиб иш тутинг. Генерал ёлғизми?

– Швებель исмли ҳамроҳиям бор.

– Унақа бўлса, шу ерда бўлиб, тилга олиниш эҳти-моли бўлган расмий гапларни ёзиб турасиз...

Генерал намоёиш мундирида бўлиб, орденларининг барини тақиб олганди. Олтмиш уч ёшга кириб, сочлари оқарганига ва жангларда ўттиз марта яранганига қарамай бардам кўринарди.

Меттерних уни хонанинг ўртасида кутиб олди:

– Генерал, келтирган номангизни Австрия империясининг канцлерига топшириш имконига эга бўлдингиз. Марҳамат, кулогим сизда.

– Князь, – деди Бельяр мезбон каби совуқ ва расмий оҳангда, – Франция қироли Луи-Филипп Биринчи зоти олийлари сизнинг императорингиз ва қиролингиз ҳазрати олийларига мактуб йўллаб, тахт соҳиби бўлганини расмий равишда билдириб қўймоғимни менга топширди. Қиролимиз каминага шуни

ҳам буюрганки, хат мазмунига илова тарзида қуйидагиларни оғзаки баён қилишга бурчлиман: у киши император Францга энг дўстона туйғуларини изҳор этади ва унинг мамлакати билан бағоят самимий муносабатлар барқарор бўлмоғини тилайди, – генерал ортига ўгирилиб, Швобелдан ҳужжатни олди ва канцлерга узатди: – Қиролимиз зоти олийларининг номасидан кўчирма нусхани сизга ҳавола этмоқдаман.

Меттерних уни олмагани устига бепарволик билан шундай деди:

– Аввало, императорга ташрифингиз хабарини етказиб, фикрини билишим керак. Ўзим шахсан шуни айтишим мумкинки, айни нохуш, ҳатто тутуруқсиз вазиятда ҳам худо ёрлақан ҳукмдорим шахсий туйғуларига берилмайди. Зоти олийлари сизнинг ички ишларингизга аралашмайди, лекин Европа учун сўнги 15 йил давомида давлат ҳуқуқининг дастуриламали бўлиб хизмат қилиб келган трактатлар¹ ижроси бўйича чоралар белгилайди.

Бельяр дипломатик ўйинлардан беҳабар одамки, беписанд қабул маросими, боз устига 1815 йилги трактатнинг эслатилиши унга ёмон таъсир қилди. Бироқ устомон канцлер ўша ондаёқ сўз оҳангини ўзгартириб, ўта назокат ва хушчеҳралик билан қўшиб қўйди:

– Шу билан, генерал, расмий мулоқотимизга яқун ясаймиз, аммо князь Меттерних эски қадрдонининг қўлини қисиб, у билан дилдан суҳбатлаша олса, беҳад бахтиёр бўлур эди.

У илтифотли жилмайди ва ҳайронликдаги генерални оромкурсига таклиф этди. Иккови ёнма-ён ўтириб, норасмий суҳбатга киришгач, котиблар ўзларини четга олишди.

¹ Трактат – халқаро битим, шартнома. (Таржимон изоҳи.)

– Генерал, ростини айтинг-чи, – деди Меттерних, – галамисларнинг танобини тортишга ва ташқи аксилтарғиботга барҳам беришга янги қиролнинг қудрати етадими-йўқми?

– Бу ишда ҳаммамиз ҳамжиҳатлик билан унга ёрдам берамиз-да, – жавоб қайтарди Бельяр.

– Шунақа деб ўйлайсизми? Мен аксинча хаёлдаман: французлар доимо оғмаликка гирифторки, қандайдир омадли генерал ёки бир маҳмадона воиз, ё олғир журналист майдонга чиққудай бўлса, бутун Франция ўшанга эргашиб кетаверади. Мамлакатингизни ёмонлаш гаразидан олисман, лекин канцлер лавозимида 18 йилдан буён ишлаётган бўлсам, ҳеч бир давлат Франциянгизчалик бошимни оғритган эмас-да.

– Европа мамлакатимни ўз ҳолига қўймагани ва тазйиқ ўтказавергани туфайли шунақа бўлаётган-да.

– Шунақамикан? Лоақал битта масалада бизнинг қадримизга етмайсизлар: ахир Наполеон Иккинчи муаммосида сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмай турибмиз-ку.

– Бу билан нима демоқчилигингиз...

– Ишонаверингки, айни хусусда французлар биздан миннатдор бўлмоқлари лозим. Мабодо, биз йўл қўйиб берсак-да, герцог Рейхштадтский Францияга кириб борса, ана унда Орлеанскийларнинг қисмати не кечарди? Қачонлардирки, одамлар унга Бельгия ёхуд Юнонистон тахтини тайин қилиб бўлишганди. Энди эса Наполеонлар оиласининг ишончи комилки, герцог чегарадан ўтсаёқ Франция кучоқ очиб, империя қайтадан тикланар эмиш. Ака-ука Иосиф ва Иероним Бонапартлар, Ашиль Мюрат, қиролича Гортензия ва унинг тиниб-тинчимайдиган ўғиллари ана шу

фитна тегирмонига сув қуймоқдалар. Нафсиламрини айта қолсам, иш шу даражага етдики, Европада тинчлик барқарор бўлиши учун энди ана шу серғалва оилани Францияга киритиб юборамиз шекилли.

– Бу гапларингиз, князь, – деди Бельяр оғринган ва мардона қиёфада, – пўписадай жаранглапти, мен қиролнинг вакилиман, буни унутмаслигингизни сўрайман.

– Маъзур тутадилар, – деди Меттерних бегубор илжайиб, – сиз Франциянинг вакили эмассиз ва мен ҳам канцлер эмасман. Икки эски қадрдон ўзаро гурунглашяпмиз, холос. Ҳай, герцог Рейхштадтский муаммосидан хавотир олманг: унга нафақат Франция ҳукмдорлиги, ҳатто Австрия ҳудудидан чиқиш ҳам насиб этмайди – бу императорнинг қатъий қарори! Биз ниманики эъвозлаган бўлсак, барини хатарга мубтало этган зотнинг¹ вориси, йўқ, ғариб валиаҳди шу ерда: биз яратган шоҳона шароит ва ёлғизликда умрини охир қилиши тайин. Уни интизор кутаётган қондошлари ниятига етолмайди... Ие, сизга нима бўлди, генерал?

Авзойи бузилиб, ўрнидан туриб олган Бельярнинг ранги пахтадай оқариб кетганди: мавҳум нигоҳи ҳавода муаллақ қотиб қолганки, кўзига гўё арвоҳ кўринганга ўхшарди.

– Кечирадилар, князь, – ўтинди у ана шу ҳолида анчагина туриб қолгач, – мени дипломатик ваколат билан жўнатган бўлсалар-да, аслида оддийгина жангчиман, холос. Сиз эслаган йигитча императоримизнинг зурриёди эди: падари еру кўкка ишонмаган шаҳзодани биз ҳарбийлар ҳам севардик. Болакайнинг отаси, унинг дилга яқин сиймоси кўз олдимида намоён

¹ Наполеон назарда тутилмоқда. (Таржимон изоҳи.)

бўлди-да. Энди эса шаҳзодам ўз ватанидан абадий айрилиб, бобосининг қўлидаги тутқунга айланди. Ана шу аламли ўй юрагимни қонга тўлдириб юбордики, узр, князь.

– Хижолат чекманг, генерал, – деди канцлер ва салимийят билан тасалли бера бошлади: – Сизни ишонтириб айтаманки, бу ҳаяжон сиздаги меҳр ва садоқат нишонаси. Кўнглингиз тўқ бўлсин, тезда императордан ижобий жавоб оласиз.

4. 1830 йилдаги интервью

– Жуздонимни ҳозирланг, – буюрди канцлер генерал Бельяр чиқиб кетгач, – салдан сўнг император ҳузурига кираман. Аммо ҳозирча «Journal des Debats»-нинг ходими кутиб турувди: Пьер Лефранни бу ёққа таклиф этинг.

Меттерних императорнинг имзосига тақдим қилинадиган ҳужжатларни бир сидра кўриб чиқди.

Шу пайт хонага Пьер Лефран кириб келди. У шинам, аммо одми кийинган бўлиб, ўзини тутишига қараганда дунёни зириллатаётган зарби зўр арбобларни биринчи бор учратиши эмас.

– Сизни кўришдан беҳад хурсандман, дилхоҳ касбдошим, – деди канцлер синовчан жилмайиб.

– Касбдошим? – ҳайрон бўлди Лефран. – Янглишяпсиз, тақсири олам, мен оддий бир журналистман-ку.

– Йўқ, жиддий айтяпман, – деди Меттерних янада ёйилиб куларкан, – иккови ҳамкасбгина эмас, ҳатто ҳамкормиз. Мен яқин-яқингачаям деярли ҳар ҳафта муҳаррирингизга мақола жўнатиб турардим, қарийб ҳаммаси босилиб чиқарди. Дарвоқе, муаллифнинг асл исмини у киши ҳалигача билмаса керак. У ҳолда

сиримни очиб юрманг. Хўш, Парижда нима янгиликлар? Сал тинчиб қолдими?

– Бу ҳақда генерал Бельяр айтиб бермадими?

– Айтди, лекин Тюльери ва ратушадагиларнинг гапини айтди-да. Қани, газетачилар нима дейишяпти?

– Ғалабага эришгач, ҳордиқ чиқаряпмиз ва кутиб ётибмиз-да, – жавоб қайтарди Лефран мағрур овозда.

– Тўғри, – деди Меттерних жиддий қиёфада, – дарҳақиқат, сиз ғалаба деган жараёнда матбуотнинг ҳиссаси катта. Сиз, жаноби французлар, жуда зўр кашшофсиз-да. Сиз шундай янги кучни яратиб қўйдингизки, у билан ҳисоблашишга ҳали бизнинг болалар ҳам мажбур бўлишади. Матбуот – ҳукуматга қарши қудратли қурол ва айни чоғда ҳукуматнинг қўлидаги дудама ханжарки, иккала тарафийм кесаверади.

Лефран эътироз билдирди:

– Агар матбуот ўзини чинакамига ҳурмат қилса, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳукуматга на дўст, на душман бўлади. Газетачи маълумотларни тўплайди, тафаккурдан ўтказди, аммо мутлақо нафрат уруғини экиш билан шуғулланмайди ва ҳеч кимга муқом қилмайди.

– Майли, ҳар нима бўлгандаям, сиз то Венадан кетгунингизча, ушбу янги кучни нақадар қадрлашимни амалда исботлайман. Камсонлигина оилам бор: бир илтифот қилиб, хонадонимизга ташриф буюринг, бажонудил кутиб оламан. Икки тоифа кучнинг икки вакили бошни бошга қўйиб обдан гаплашардик-да.

– Бу марҳаматингиздан бошим кўкка етди, – деди Лефран унга жавобан. – Албатта, дилхоҳ таклифингиздан фойдаланаман.

– Айни муддао-да. Ижозатингиз билан таништираман: бу киши Генц, мен уйда эканимда сизга хабар қилади. Унгача ўзи сизнинг хизматингизда бў-

либ, Венани томоша қилдиради, диққатга сазовор жойларнинг барини кўрсатади. У ҳам сизга ҳамкасб, аммо бўйнига олмайди. Генц, Венамиз маънавиятига ошно бўлмоғида Лефран жанобларига кўмаклашинг, бўптими?

– Жаноби олийлари, биласизки, сизнинг амрингиз мен учун ҳамиша вожиб, – дея жавоб қайтарди реакциянинг¹ муғомбир вакили, аммо аслида франциялик либерал² журналист билан ош-қатиқ бўлиш унга икки дунёда ёқмасди.

– Энди хайрлашамиз, – деди канцлер, – кетиб қолишимдан ранжиманг, ахир ҳазрати олийлари менга қараб турганди...

«Жа-а гаплашадиган инсон экан, – ўйларди Лефран, – агар унинг айтганларини мақола қилсам, росаям оғизга тушиб кетардим».

5. Икки маршал

Генц ҳар хил қасрлардаги рангтасвир коллекцияларини кўздан кечириши учун янги шеригига рухсатномалар жўнатишни ваъда қилди. У мухбир билан хайрлашаётгани устига хонага икки киши кириб келди. Янги меҳмонлар фуқароча кийинган бўлишса-да, сиёқ-сумбати ва ўзини тутишидан ҳарбийлар экани сезилиб турарди. Иккови деярли тенгқур бўлиб, бўй-баста ҳам баробар эди.

– Безовта бўлманг, жаноблар, – деди улардан бири, – маршал Мармон иккимиз князнинг қайтишини кутиб ўтира турамыз.

¹ Реакция – эскиликни ёқлаб, янгиликка қарши турувчи ижтимоий-сиёсий оқим.

² Либерал – буржуазия тарафдори бўлиб, келишувчилик ва муросасозликни ёқловчи оқим. (Таржимон изоҳи.)

Шляпаси қўш жиғали ва маршал мундиридаги Мармонни Лефран яқингинада Карл Ўнинчининг аъёнлари орасида кўрганди. Аммо шу топда қотирма ёқали узун сюртук кийиб олгани учун зўрға таниди. Изтироблар, мағлубият алами, қувғин унинг сўлғин ва озгин юзида ўчмас асорат қолдирганди.

Лекин у билан етаклашиб, канцлер қабулхонасига бетакаллуф кирган киши ким бўлди? Шубҳасизки, унинг мардона ва хушбичим сиймоси кўнгилда эҳтиром уйғотарди. Ундан матонатгина эмас, олийжаноблик ва самимият уфуриб турибди. Овози жанговар бурғу мисоли гулдураса-да, дилга яқин, мулойим ва нозик оҳангни илғаб олиш мумкин. У долчинранг узун сюртук кийиб олганди.

– Императорнинг иниси, – шивирлади Генц чиқиб кетаётган Лефранга, – фельдмаршал эрцгерцог Карл¹.

– Атоқли саркарда, – деди француз ва кўнглидан кечирди: «Энг муҳими, покдомон инсон».

Эрцгерцог унинг ортидан қараб, Мармонга юзланди:

– Гаров боғлашаманки, азизим, шу одам сизнинг ватандошингиз, албатта. Бироқ жин урсин, у Генц билан нимани гаплашди экан? Ахир жаноби Генцнинг французларга тоб-тоқати йўқ-да. Тўғримасми, махфий маслаҳатчи жаноблари?

¹ Карл Иоганн Австрийский (1771–1847) – австриялик саркарда, ҳарбий назариётчи, фельдмаршал, эрцгерцог, император Леопольд Иккинчининг учинчи ўғли. Рейнда Австрия армиясига кўмондон бўлиб (1796–1799), француз кўшинлари устидан бир неча бор ғолиб чиққан. У ҳарбий вазир бўлган даврда Австрия армияси қайтадан қуроллантирилди, ташкил этилди. У 1809 йили бош кўмондон бўлиб, Регенсбург жангида (19–23 апрель) французлардан енгилди, кейинроқ (21–22 май) Асперн ва Эсслингда ғалаба қозонганди, бироқ Ваграмдаги ҳал қилувчи жангда Австрия армияси тор-мор этилди. (Таржимон изоҳи.)

– Ҳар ҳолда Францияга сизчалик зиён етказган эмасман, зоти олийлари, – жавоб қайтарди почтани тахлаётган Генц.

– Бу хом гап. Қалам қиличдан ҳам кўпроқ қон тўка оладиган хавфли яроқ!

– Бари бир, ҳазрати олийлари, ҳамма дипломатлар таҳдидли номага чаплаган сиёҳни биргина ғолиб саркарда Аспернда тўккан қонларга қиёслаш мумкинми?

Генц бу гапи билан эндиликда французларга ошкора хайрихоҳлик билдираётган кекса ва кўнгилчан шаҳзодани мот қилгандай бўлди-да, канцлернинг хонасига кириб кетди.

– Гапини кўринг! – хитоб қилди эрцгерцог. – Асперндаги ғолиб кўмондон! У Эсслингни эслатяпти-да: аммо ўша зафар барқарор бўлолдими? Кейин Ваграмда чувим чиққани-чи? Ўшанда ўзимни айбдор билиб, қиличимни қинига жойладим. Бутун Европа бир бўлиб, Францияга қўшин тортди, мен бу мамлакатга қарши ҳеч қачон қайта қурол кўтарганим йўқ. Яксара тўс-тўполон билан бошланиб, хунрезлик ва қатли ом билан хотималанувчи босқинчилик урушлари менга бегона. На чора, ўтган ишга саловот. Биз ўз бурчимизни бажаргандик-да, тўғримасми? Ўйлайманки, Францияда оз-моз ҳурматим бўлса керак...

– Француз ҳарбийлари номингизни бошларида кўтаришади, зоти олийлари.

– Жуда ошириб юбордингиз. Мени бир-бир эслаб турсалар ҳам катта гап. Хўш, маршал, Венада қанча турмоқчисиз?

– Ўзим қачонлардир жанг қилган жойларнинг барини айланиб, мемуарларим учун маълумот йиғиш ниятим бор.

– Демак, менга ўхшаб, сиз ҳам мемуарлар ёзмоққа саъй қиласизми?

– Шунақа. Бизнинг хотираларимиз тарихнинг адолатли ҳукм чиқариши ва анча-мунча хатоларни тузатишда асқотса ажаб эмас.

– Битикларимиз эски хатоларни янгисига алмаштириб қўймаса деб қўрқаман. Аслида, энг муҳими шуки, мемуар ёзиш кексайган чоғда умримиз бебағига, лаззатига айланади.

– Венада имкон қадар кўпроқ турмоқчиман, – деди Мармон мамнунлик билан, эрцгерцогнинг илтифотли ва самимий муомаласидан у яйраб кетганди, – негаки, отасининг зафарли юришларидан Наполеонзодани хабардор қилсам дейман-да.

– Хомтама бўлманг! – деди эрцгерцог. – Айтинг-чи, шунга рухсат беришарканми? Набирамни қай ҳолда улғайтиришганини билмайсиз-да. Тўғри, уни ҳарбий унвонлар билан сийлаб туришибди: капрал, сержант, зобит... Шу топда эскадрон командири даражасига етган бўлсаям ажабмас. Аммо у Шенбрун хиёбонларида шаҳдам сайр қилишдан ўзга жанговар машқни кўрмаган. Қалбини очгудай дўсти йўқ ва бўлган эмас. У тарих илмидан сабоқ олган: аммо сўнгги ўттиз йил ичида Европани Меттерних ўз сиёсати билан қутқариб қолганини билади, бошқа ҳеч гапдан хабари йўқ. Ёруғ дунёда Наполеон деган отаси борлигини, эрцгерцогиня Мария-Луиза (ҳалигача Пармада қон ютиб ётибди) исмли аёл Парижда оламга келтирганини... афсуски, герцог Рейхштадтский билиб бўлган-да. (Қанийди билмаган бўлса: бу саройимиздаги баъзилар учун тўқис бахт бўларди-я!) Боз устига аксига олиб, йигитча болагини жудаям яхши эслаб қолган. Ўн йил бурун унга дадаси вафот этганини айтиб

қўйишди: бир йил давомида аза тутиб юрди. У ҳозир ҳам мотамда, аммо мана, мотам унинг қаерида?!

Эрцгерцог қўлини кўксига босди.

– Онаси-чи? – сўради Мармон.

– Чамаси, йигитча унинг қайта турмуш қурганини ва бошқа болалари борлигини ҳам билади. Кейинги ўн етти йил ичида она-бола уч мартагина учрашган, холос. Жияним хушфёъл аёл бўлса-да, иродаси бўш ва ҳардамхаёлроқ. Герцогнинг ҳар бир қадамини кузатиб, сираям ёлғиз қўйишмайди. Гоҳо опера театрида кўриб қоламан, мураббийи Маврикий Дитрихштейн ёки Абенаус соядай эргашиб юришади, хуллас, бечоранинг мен билан гаплашишига ҳам ижозат йўқ. Инглизлар Венага Гудсон Ло уругини экишган, мана, меваси ҳам пишди. Шу топда Рим қироли аталувчи йигитни кўрсангиз, аҳволига маймунлар йиғлайди, сиз ҳам йиғлайсиз, албатта.

Меттерних Шенбрун қасрида тутқунликда сақлаётган асир ҳақида Мармон авваллари ҳам эшитган бўлса-да, рўпарасидаги ҳақиқатгўй гувоҳнинг шаҳодати унинг юрагини сирқиратиб юборганди.

– Афсус, – бош чайқади эрцгерцог, – унга жуда-жуда раҳим келади: қалби тоза йигит, томирида шердил инсоннинг қони оқмоқда. Қанийди, аргумоққа миндириб, эмин-эркин қўйиб юборсангиз: уланларимиздан¹ бир эскадронига бош бўлиб, ўзининг кимлигини обдан кўрсатарди-да!

Мармон гурур билан луқма ташлади:

– Унга биздаги гренадёрлар² эскадронидан берсак дуруст бўлмасмикан?

¹Улан (туркча ўғлон сўзидан) – енгил кавалериянинг бир тури.

²Гренадёрлар – Европа давлатлари армиясидаги пиёда қўшинлар тури. Дастлаб (1618–1648) сараланган граната отувчи қисмлар шаклида пайдо бўлган. Гренадёрлар қўшиннинг штурмчилари аввалида ёки икки қанотдан ҳужумга ташланган. (Таржимон изоҳлари.)

– Гапингизда жон бор, – маъқуллади эрцгерцог, – шундай қилсак, йигитгаям, бизгаям яхши бўларди-ку.

6. Аёлга хос дипломатия

Канцлернинг кириб келиши икки маршалнинг самимий суҳбатига нуқта қўйди. У эрцгерцогдан узр сўраб, куттириб қўйгани учун айбни императорга тўн-кади, унинг ҳузурида кўп ушланиб қолибди. Маршал Мармон билан минг йиллик қадрдонлардай кўришди. Зеро, Парижда эканида маршалнинг уйига кўп борган ва уни ҳам меҳмонга чақирган. У билан суҳбатлашишга ҳамиша иштиёқманд эди, негаки, Мармон оқил ва доно инсон сифатида уни тонг қолдирарди. Бироқ Наполеоннинг бу собиқ дўсти кейинги пайтда шаънини булғовчи гап-сўзлардан сўнг хижолатланиб қолганди.

Эрцгерцог олийжаноблик қилиб, Мармоннинг истагини Меттернихга ўзи айта қолди:

– Маршал сиёсатдан батамом воз кечишдан бурун марҳум дўстининг ўғлини бир кўриб қўймоқчи экан.

Меттерних дипломатик санъатда нечоғли устумон бўлмасин, эрцгерцогнинг бу гапи ёқмаганини яшира олмади.

– Ўйлашимча, – қўшимча қилди Мармон, – ёш герцогни бобосига қарши қўйишга уриниш мутлақо ортиқча. У энди сурати ва сийрати билан мамлакатингиз фарзанди эканини ҳам яхши биламан. У билан кўришмоқчи бўлганимнинг боиси шуки, зиммамда оғир маънавий юк турибди: ўз узримни лоақал ўғлига изҳор этиб, императорнинг руҳини рози қилмоқчиман, холос.

– Жудаям жўяли гап айтдингиз, шундай қилсангиз савоб бўлади, албатта, – деди эрцгерцог мутаасирлик билан.

– Омадингиз бор экан, маршал, – дея жавоб қайтарди Меттерних, – тилагингизни императорга етказишгаям эҳтиёж йўқ. Қолаверса, у илтимосингизни рад қилиши эҳтимолдан холи эмас. Қарангки, ҳазрати олийлари бугун герцогни ўз ҳузурига чақиртирган. Йигитча бобосидан сўнг менинг хонамга келади: унга етказиб қўйиладиган муҳим янгилик бор. Хулласи калом, императорнинг ижозати бўлмаса-да, герцог билан шу ерда, менинг ҳузуримда кўриша оласиз.

– Олийжаноб илтифотингиз учун минг-минг ташаккур, – бош эгди Мармон.

– Мен ҳам шу баҳонада набирамни бир бағримга босиб, манглайдан ўпиб оларканман, – суюнди эрцгерцог.

Шу пайт Зибер узатган қоғозни канцлер жилмайиб кўздан кечирди. «Канцлер жаноблари, Венага қайтиб келиб, остонангизда турибман, тезроқ қабул этсангиз», деб ёзарди княгиня Сариа.

– Ҳозир, ҳозир, – деди канцлер ва эрцгерцогга юзланди, – зоти олийлари, ижозатингиз билан Зичи оиласига қариндош бўлмиш княгиня Сариа хонимни қабул қилсам. Бебаҳо аёл, аммо марҳум эри Венгеридаги сўнгги тўполонларга аралашиб қолиб, ер-мулклари хатланганди. Орага тушиб, шу мусодарани бекор қилишда ёрдамим зарур экан.

– Ҳожатини чиқаринг-да, – деди эрцгерцог очиқ чеҳра билан...

Хушбичим ва энг янги урфдаги либослари ярашган княгиня Сариа ял-ял ёниб турарди.

– Салом сизга, саёҳатчи дилбаржон, – канцлер унга пешвоз чиқиб, қўлидан ўпди. – Ҳазрати олийларидан ва маршал жанобларидан миннатдорман, сиз-

ни кўрай деб юрагим гупиллаб турганига раҳмлари келди ва қабул қилмоғимга ижозат этишди.

Полина маршалга тантанавор таъзим бажо қилди ва эрцгерцогга эҳтиром билан тиз чўкди.

– Ҳазрати олийларига ташаккур, – деди княгиня ва иккала маршал бир оз четлашгач, оромкурсига ўтириб олди. – Аввало, князь жаноблари, айтинг-чи, Мелания Зичига уйланар эмишсиз, шу рост гапми?

– Рост.

– Иккинчисиз учун ҳам хурсандман. Ҳайтовур, шунча сарсон-саргардонлик билан бекорга келмабман-ку.

– Ие, саёҳатни саргардонлик деяпсизми?

– Нимасини айтасиз? Швейцария орқали келаман деб минг бир балогоа йўлиқдим. Извошим камида йигирма марта ағдарилаёзди. Иннайкейин, швейцариялик трактирчилар олдида қароқчиларни фаришта десаям бўлавераркан.

– Ҳар ҳолда соғу саломат келиб олибсиз, худога шукур лозим. Хўш, қаерда турибсиз?

– Ҳозирча меҳмонхонада. Аввало, Венага батамом кўчиб келаманми-йўқми, шуни ҳал қилиб олай-чи, кейин жой топилиб қолар.

– Ҳалиям бир қарорга келганингиз йўқми?

– Бу масала ҳукуматнинг менга муносабатига боғлиқ-да, у ўз айбини тан олишиям керак-ку.

– Қанақа айбини? Ахир эрингиз исёнчи эмасмиди?

– Йўқ.

– Бари бир, исёнчи ҳисобланарди-да.

– Бу ҳам полиция мени уч йилгача Миландан ҳеч ёққа чиқармаганига ўхшаш хато эди. Билсангиз, шаҳарда босган ҳар бир қадамимни кузатиш билан ҳам полициянинг кўнгли тўлгани йўқ: Миландан жўнашим биланоқ изимдан қувлашга тушди. Агар,

йўлни Швейцарияга солмаганимда борми, ҳозиргача аллақайси ҳибсхонада ётган бўлардим.

Полина полицияни жўрттага эслаганди: қани, Меттернихга унинг келаётгани хабарини етказишганми-йўқми? Канцлернинг юзидаги билинар-билимас ўзгаришдаёқ унинг бор гапга ақли етиб бўлганди. Дарҳақиқат, княгиня Швейцариядан ўтиб келганини айтганда, канцлер дипломатик почта ва полиция ахборотидаги маълумотни эслаганди. (Венага отланган икки аёлда герцог Рейхштадтскийга топшириладиган муҳим ҳужжатлар борлиги, герцогни қочириб юбориш режасидан иборат ушбу қоғозларни олиб келаётган хонимлар полицияни чалғитиш учун Швейцарияга қараб юргани учинчи бобда айтилгани китобхоннинг ёдидадир.)

– Ҳайтовур, – овозини кўтарди канцлер, – масалангиз ижобий ҳал этилди. Мен императорга айтдим, у «майли, ўтган ишга саловот» деди. Ваъда қиламанки, эрингизнинг ер-мулклари хатланган секвестр¹ бекор этилади.

– Ундай бўлса, сизга раҳмат айтишим қолибди, холос-да, князь жаноблари.

– Бу хизматимга раҳматнинг ўзи камлик қилади, хоним, менга маслаҳат беришингиз зарур.

– Марҳамат, қанақа маслаҳатимга муҳтожсиз?

– Йўқ, ростакамига муҳтожман: шундай бир мушкул вазиятга тушиб қолдимки, фақат сиздек оқила ва зукко аёлгина бу чоҳдан чиқишимга кўмаклаша олади.

Полина туллак дипломатга синчков назар соларкан, коса тагида ним коса борлигини ҳис этди.

¹ Секвестр – мусодара қилиш ҳақидаги расмий ҳужжат. (Таржимон изоҳи.)

– Княгиня хоним, гап шундаки, бир йигитнинг миясидаги хом хаёлларини билиб туришим зарур ва шунга восита керак. У ҳанузгача ёлғиз яшаб келганки, мабодо, ўз ҳолидан норози эмасмикан, «пирр» этиб, учиб кетишдай бузуқ нияти йўқми?

– Ким экан ўша йигит? – сўради княгиня Сариа.

– Аммо олдин сиз айтинг-чи, йигирма яшар йигитчанинг дилидан хархаша ва шон-шуҳрат орзусини қувиб солиш мумкинми, шунинг иложи борми?

– Бу жудаям осон-ку! Эшикни очинг, учиб кетсин, ўзини синаб кўргач, ҳафсаласи пир бўлади-да, яна қайтиб келади. Негаки, у олтин қафасга ўрганиб қолган ва ундан воз кечиши осонмас.

– Бу ўта хавфли-да. Бошқа бирор йўли йўқми?

– Бошқа йўлиям бор. Ўша қафасга иккинчи қушчани киритиб юборинг. Жуфтини топгач, ўзининг эрксизлигини унутиб, озодлик ҳақидаги хом хаёлларидан фориг бўлади-қолади.

Меттерних унинг юзига диққат билан зеҳн солиб, заррача сохталик аломатини илғай олмади. У мутлақо янглишганди, зеро соҳибжамол княгиня Сариа-ни можаролар ишқибози ҳисоблаш мантиқсизликдан бошқа нарсаси эмас.

– Сиз айтган қушчани қайдан топаман? – сўради канцлер.

– Қанча-қанча элчи жанобларни топиб юрган-сизки, биттагина элчи хонимни топиш нима бўпти сизга?

– Айтишга осон, ҳолва деган билан оғиз чучимайдиди-да.

– Ундай бўлса, хайрли тасодифни кутиб турасиз. Гоҳо тасодиф ҳам кимсан жаноби Меттернихдан зукороқ бўлади.

– Ўша кунгача нима қиламан? Олтинсоч йигитнинг нималарни ўйлашини билмагунимча юравераманми?

– Ие, у олтинсочмиди?

– Ёпирай, оғзимдан гуллаб қўйдим-ку. Аслида энди бари бир, ана ўзиям келиб қолди-да. Қалай, ўтган уч йилда ўзгарибдими-йўқми?

Ана шу лаҳзада хонага кириб келган йигитга княгиня Сарининг кўзи тушди-да, ҳаяжон билан деди:

– Герцог Рейхштадтский! Ҳа-да, жудаям ўзгариб кетибди.

Княгиня беихтиёр ўрнидан туриб, уни бошдан-оёқ кўздан кечирди. Хоним йигитга шунчалар диққат билан қарадики, бу қадар эътибор аёлнинг ўзига ҳам гайритабиий туюлиб кетди. Зотан, бу ҳол совуққон ва беқарор аслзода хонимларга хос эмасди.

7. Наполеонзода

Одатдагидай герцог Рейхштадтскийнинг мураббий Маврикий Дитрихштейн ҳам бирга. Йигит хонада гўё ҳеч ким йўқдай тўппа-тўғри Меттернихнинг қошига бориб, титроқ овозда сўради:

– Ҳозиргина бобом айтди, сизда менга тааллуқли фармони олий бор экан. Аммо ўша фармойишни граф Маврикийга бера қолсангиз дуруст бўларди-да. Негаки, император йўқ вақтларда Шенбрун ҳукмронлиги мураббийимга ўтади, менимча, бундай расмий қоғозларни ҳам у қабул қилиши зарур.

Шу пайт у дераза олдида Мармон билан турган эрцгерцогни кўриб қолди ва ёнига ошиқди:

– Кечирасиз, бува, сизга қарамабман.

Қария уни бағрига босаркан, йигитча шивирлади:

– Жудаям ғарибман, бахтиқароман.

– Нима бўлди, болам? Ким сени хафа қилди?

– Ёш герцогимиз ҳиссиётларга ўта берилиб кетади-да, – деди Меттерних эрцгерцог ва йигитга яқин келиб. – Масала Шенбрун қасрининг ҳукмдори ким экани устида эмас. Ҳазрати олийлари эслатиб қўйишимни буюрди, герцог, сиздай олиймақом шаҳзода таомилдаги жорий ақидаларга риоя этмоғингиз лозим.

– Наҳотки, ўша олий мақомим зиммамга юклаган қоидаларни бузган бўлсам, канцлер жаноблари?

– Йўқ, зоти олийлари, худо шоҳидки, мен ундай демадим. Отлиқ сайрлар ва дўстлар гурунгига ишқибозлик мутлақо табиий ҳол, лекин бобонгиз ундан берухсат ҳаракатларингизни хушламайди.

– Илтимос, князь, тушунтириброқ гапиринг.

– Чунончи, граф Прокеш-Остен билан гаплашганингиз-гаплашган, отдаям ўша билан сайр қилдингиз. Бобонгизнинг истаги шуки, майли, бундан кейин ҳам у билан суҳбатлашавиринг, фақат учинчи бир киши ёнингизда бўлмоғи шарт.

Герцог озурда оҳангда жавоб қайтарди:

– Эшитишимча, дўстим Прокеш Италияга кетиш ҳақида буйруқ олибди. Демак, уни ортиқ кўролмас эканман.

– Ҳеч ким уни кўрманг демоқчи эмас, бироқ...

– Сизларга мендан нима кераклигини жуда яхши биламан, фақат чақимчиларга тоб-тоқатим йўқ. Мен бобомни хафа қиладиган бирор оғиз сўз айтган эмасман. Модомики, бобомга дўстларим билан эмин-эркин сўзлашим ёқмас экан, тамом, улар билан энди кўришмайман.

– Император яна шундан хафаки, – бепарво давом этди Меттерних, – Венада юришингиз пала-пар-

тиш-да, ҳатто аёнларингиз ҳам қаёққа кетаётганингизни билолмайди.

– Бўпти, энди тушундим: уйдан чиқаётиб, қаёққа боришимни айтаман ва изимдан таъқиб қилишаверади.

– Таъқиб қилишмас, зоти олийлари, фақат сизни қўриқлаш мақсадида...

– Яхши, яхши, ҳаммасини билиб турибман... Мен учун ҳибсхона ҳисобланувчи қасрдан иложи борича жилмаслигим керак, шундайми? Менга ҳеч нимани ўйламаслик, ҳеч нарсани орзу қилмаслик, ҳатто исмим не сабаб ўзгартирилганига ҳайрон бўлмаслик буюрилади. Маъқул, жаноб канцлер, тушундим!

Эрцгерцогнинг қошлари чимирилди. Полина эса кўнглидан кечирди: «Шўрпешана йигит!»

Меттернихнинг қиёфаси ҳамон тунд ва лоқайд: аммо жиндай тин олгач, мулойим ва илтифотли оҳангда деди:

– Шу билан олампаноҳнинг зиммамдаги нохуш топширигини адо этдим, энди хушхабарга ўтаман.

Герцог канцлерга индамай қараб тураверди, аммо унинг мовий кўзлари гапирарди: «Сиздан икки дунёда хушхабар чиқмайди».

– Офтоби олам императоримиз қалбидаги сизга нисбатан жўшқин муҳаббатини амалда исботлаш учун фармон бердики, – дея давом этди Меттерних, – унга биноан Грацнинг губернатори, гренадёрлар полкининг командири ва драгунлар полкининг бошлиғи этиб тайинландингиз. Драгунлар полки энди Рейхштадтский номи билан аталади.

– Грацга қачон жўнашим керак? – ишониб-ишонқирамай сўради йигит.

– Бу фахрий лавозим, у ёққа бориб овора бўлишингизга ҳожат йўқ.

– Зўр-ку, демак, драгунлар полкининг қўмондонлигиям бемеҳнат, аскарларимнинг бари қалайи қўғирчоқ бўладими?

– Йўғ-е, чамамда, полкингизни олға бошлаб, намойишларга олиб чиқаверасиз.

– Жангларда-чи? Уруш чоғлариям аскарларимни ўзим олға бошлайманми?

– Бу ёғидан хотиржам бўлинг, зоти олийлари, зероки, биз барча халқлар билан дўстона муносабатдамиз ва ажаб эмаски, сизнинг қиличингиз ҳеч қачон қинидан суғурилмаса...

– Шунақа экан, – ранжиди герцог, – боришим шарт бўлмаган шаҳарга губернатор, душман устига ўзим бошлолмайдиган полкка командир қилиб тайинлашнинг маъниси борми?..

Эрцгерцог Карл ортиқ чидолмади: у йигитнинг елкасидан кучиб, ним овозда деди:

– Куюнма, Франц, ҳаммасини ҳал қиламан.

Кейин овозини баралла қўйди:

– Афсуски, Франц, сенга қандай полк берилганини билмайсан-да! Авваллари унинг номи Латур драгунлари эди: Ваграм остонасида улар француз суворийлари хужумидан эсанкираб қолишган эди. Аммо мен шитоб билан олға отилиб ҳайқирдим: «Бу қанақаси, ахир Латур драгунлари ўзингизми?» «Албатта, ўзимиз-да», дейишди улар ва Удино гренадёрлари устига шерларча ташландиларки, французларга чекинишдан ўзга ҳеч чора қолмаганди. Эсингиздами, маршал Мармон?

Бехос тилга олинган бу исм Меттерних қўлида тутқун бўлмиш Наполеонзоданинг қалбини ларзага солганди.

– Мармон шу ердами? – юраги ҳаприқди унинг. – Маршал Мармон сизмисиз? Сиз отамдан юз ўғирганингиз рост гапми?

– Оғзингизга қараб гапиринг! – аччиғланди эрцгерцог.

Меттернихнинг сочи тикка бўлди:

– Бу тарихни герцог қайдан била қолди?

– Тасанно! Асл Наполеонзода экан! – деб юборди Полина.

Хонага оғир ва ноқулай сукунат чўқди. Мармоннинг рангида ранг қолмаган, кўзлари қизарган: одатдагидай ўзини оқлаш учун «ахир мен Францияни императордан ортиқроқ яхши кўрардим-да» дегиси келди, лекин тили айланмасди.

Уни герцог Рейхштадтский ўзи хижолатдан қутқарди:

– Маршал, балки янглишгандирман, чунки менга тарихни жудаям саёз ўқитишган. Аммо бари бир шуни биламанки, сиз олдинлари Италияда, Испанияда, Австрияда, Франция тупроғида шерларча жанг қилгансиз. Яна шуниям яхши биламанки, сиз неча-неча йиллар бўйи отамнинг садоқатли, жон дўсти бўлгансиз: шу боис падаримнинг қўли теккан табаррук қўлингизни ушласам ўзимни бахтиёр ҳисоблайман.

Мармон ич-ичидан отилиб, томоғини бўғаетган аччиқ кўз ёшларини ютиб юборди ва йигитнинг узатилган қўлини титроқ кафтлари орасига олди. Герцог шивирлади:

– Бироқ кадрдонингиздан воз кечгач, росаям изтироб чеккансиз, албатта.

Меттерних эса Дитрихштейнни дакки бера бошлаганди:

– Нега назорат қилмайсиз? Герцогнинг миясига ноҳўя маълумотларни қўйган киши ким? Сиз ўша но-бакорни топинг!

Мармонга айтарини айтиб бўлган герцог энди Меттернихга қараб, бамайлихотир шундай деди:

– Илтимос, император бувамга ташаккуримни етказиб кўясиз. Оловқалб драгунлар полкининг мундирини жон деб кийганим бўлсин. Зеро, бу масаладан яхши хабардор эрцгерцог бувам полким ҳақида оғзидан бол томиб гапирди. Бироқ шундан умидим борки, бу лавозим мени ҳеч қачон Францияга қарши жангга йўллагасин, фақат шуни тилайман.

– Бу хушxabардан императорнинг боши кўкка етади, – жавоб қайтарди канцлер. – Зотан, сиз унинг амру фармониға мунтазирсизки, ўз сулоласи ва ватаниға содиқ сиздай шахзодаға суяна олишидан энди унинг кўнгли тўқ бўлади.

– Албатта! – деди герцог бошини тик тутиб, мағрур оҳангда. – Зеро, менинг буюк бурчим нелигини бир неча йил бурун бувамнинг ўзи қулоғимға қуйган эди. Ўша пайтлари мен жуда кичкина эдим, унинг хонасида ўйнаб юрган эдим. Тўсатдан бошимни силаб, афсус-надомат билан шундай деди: «Қанийди катта-роқ бўлсанг: Страсбург кўпригида пайдо бўлишинг биланоқ Париждаги Бурбонлар ҳукмдорлиги тутдай тўкилиб битарди-я». Башарти, бобом худди сиздай ўз бурчим ва ўз ватанимға садоқатимға амин бўлмаганда, икки дунёдаям бундай демасди.

– Тасанно! – деб юборди яйраб кетган эрцгерцог.

Меттерних бу тагдор иқрордан ўзи истаган маънони уқди ва дилидан шундай ўй кечди: «Худди айтганим, кўнглим ёмонликни сезган эди, энди отни қамчилашим зарур».

Мармон герцог билан хушлашаркан, садоқатини изҳор этиб, яна кўришмоқдан умидворлигини айтди. Меттерних маршални остонагача кузатиб қўйди.

Герцог саркарданинг ортидан қараб, кўнглидан ўтказди: «Бу инсон падарим билан қуролдош бўлган!»

Тасодифан унинг нигоҳи чарақлаб кетди: кўз олдида париваш бир гўзал намоён эди, қизиқ, уни ҳалигача пайқамабди.

– Бува, хонимни танимадим-а? У ҳалитдан бери шу ердамиди?

– Ҳа, болам. Княгиня Сариа-да.

Йигит унинг рўпарасига бориб таъзим қилди:

– Мени маъзур тутинг, княгиня хоним. Ҳузурингизда ножоиз гаплар оғзимдан чиқиб кетганига бағоят хижолатдаман.

– Зоти олийлари, – деди унга жавобан княгиня Сариа, – эзгу туйғуларнинг жунбишга келиши ўзи самимиятки, бунинг учун узрхоҳлик ортиқчадир.

Унинг овози йигитга жонон пиёланинг жарангидай ва ширин туюлиб кетди, кўзларидан эса самимият ва ҳамдардлик уфуриб турарди. Аёлнинг Меттерних идорасига ташрифининг сабабини тушунолмаган герцог сўради:

– Канцлерга яқинлигингиз борми?

– Мен бадаргадан қайтган дарбадарман, – жилмайди Полина. – Тақдирнинг менга нисбатан бу илтифоти шундан далолатки, қувғиндан бир куни қайтиш мумкин-да.

– Бунинг учун қулларча бош эгиб яшаш керакми?

– Йўқ, зоти олийлари, фақат сабр-бардош билан кутиш кифоя. Эртами-кечми, бари бир ҳақиқат қарор топади.

Герцог унга мафтун ва миннатдор тикилиб қолди.

– Қани, Франц, мен билан юр-чи, – деди эрцгерцог Карл, – сени пиллапоягача кузатиб, кейин Дитрихштейннинг ихтиёрига топшираман.

Йигитча унинг ортидан эргашди, лекин эрцгерцогнинг бирорта сўзи қулоғига кирмасди: кўз олдида, хаёлида фақат анави париваш...

Меттерних ва Полина холи қолишди. Княгиня шу топда юраги қаттиқ сиқилиб қолганини яширишга уринарди.

– Асирингиз неларни ўйлашини аниқлашнинг учинчи йўли ҳам бор эди: икковимиз буни ўзидан сўрашни унутибмиз-да.

– Хўп, таклифингизни айтинг-чи, княгиня, нима қилсам бўлади? – сўради канцлер.

– Ҳеч нарса қилмайсиз. Ишонсангиз ва эркини ўзига қайтарсангиз кифоя. Унинг қалби чашма сувидай покиза.

– Мен бари бир иккинчи йўлни маъқул кўрардим, – деди муғомбир канцлер ва хонимга синовчан тикилиб қолди.

– Менимча, князь, бу усулингиз энди ҳеч бир наф бермайди. Аммо ҳозир эрцгерцогиня Софияни кўришим зарур: сиз каби у ҳам мени асло унутиб юборган эмас.

– Эрцгерцогиня батамом тетикланиб олди, – деди Меттерних княгиняни эшиккача кузатаркан. – Дарвоқе, индинга Шенбрунда унинг ўғилчасини чўқинтириш маросими бўлади. Борасизми, княгиня?

– Боришга ҳаракат қиламан-да.

– Бўпти, Шенбрунда кўришгунча хайр.

– Императорнинг жажжи набирасига исм қўйишдими?

– Ҳа, Франц-Иосиф бўлди.

Меттерних илтифот билан княгинянинг қўлини ўпгач, иккови хайрлашдилар.

УЧИНЧИ ҚИСМ

ҚАЛГИС ҚАДАМ

1. Полиция агентининг сарсон-саргардонлиги

Галлони 26 июнь оқшомида Фабиони Милан турмасига қамагач, ҳамма томонни ўйлаб тарозига солгани тушди: ишни обдан маромига етказиш ва алалоқибат, каттароқ амалга миниш учун нима қилса бўлади? У уч пуллик вазифасида қолишни истамасди, ўз кўнглида лоақал полиция раҳнамолигида ишлаш чоғи бор.

«Нима бўлганда ҳам ўша қоғозларни топишим шарт, – дерди у ичида. – Билъакс, орзу-ниятларим барбод бўлгани устига Фабиони бесабаб авахтага солганим учун жазоланишим ҳеч гапмас. Аммо тухумни чақмасдан қуймоқ қилиш мумкинми? Лекин анави княгиня роса лақиллатди-да! Ҳужжатларни қаёққа гумдон қилдийкин? Йўқ, аҳмоқлик ўзимдан ўтди: полиция зобитининг сўзига кирмаслигим, тинтувни давом эттиришим зарур эди. Яхшиси ҳозироқ дўконга қайтиб, нима бўлаётганини кўрмасам бўлмайди, сўнг княгинянинг уйига бориб, полициячилардан посбон қўяман, унинг ҳар бир қадамига кўз-қулоқ бўлиб туради.»

У санокли дақиқаларда дўконга етиб борди, соқчилари ҳам бирга эди. Постни аввалги соқчилардан ҳозиргина қабул қилган посбонларнинг ишонтиришича, уйга ҳеч ким кирмаган ва чиқмаган. Деразадан чироқ шуъласи кўриниб турган экан, яқинда ўчибди.

Галлони ичкарида сотувчи қиз Элизадан бўлак тирик жон йўқлигидан хабарсиз эди, кўнгли тўқ бўл-

ди. У шоша-пиша Санто-Андреа кўчасига – княгиня Сарининг Casa Sorati номланувчи ота мерос уйига ошиқди. У ерда ҳам ишлар жойида бўлиб, иккинчи қаватдаги хизматкорларга тегишли айрим хоналарнинг деразасидан чироқ кўринарди. Шаҳар соатлари ярим тундан дарак бергач, Галлони изига қайтди.

У уйқуга ётиш олдидан яна иккита эҳтиёт чорасини кўриб қўйди. Дастлаб княгиня Сарининг уйига соқчиларни тайинлади, кейин почтамтга кириб, бошлиққа учради.

– Бу хонимнинг номига келган ёки у қаёққадир жўнатаётган хат-хабар зинҳор қўлдан чиқмаслиги шарт! – тайинлади у.

Аммо эрталаб билсаки... Унинг ҳафсаласи пир бўлди: чеварлар кечаси уйида тунаган эмас, княгиня Сариа иккаласини ёнига олиб, саҳарда жўнаб қолган, ҳозир улар ўтирган почта каретаси Кома йўлидан қаёққадир кетиб бормоқда. Соқчиларидан бири отга миниб, уларнинг изига тушган бўлса-да, бу камлик қиларди, албатта. Шу боис, дарҳол губернаторнинг уйига жўнади, зеро ойимчалар муҳим қоғозларни олиб қочгани аниқ эди.

Эрталабки саккиз бўлиб, мулозим губернаторни уйғотишга ҳеч-ҳеч кўнмади.

Галлони тутоқиб, махфий полициянинг агенти шаҳодатномасини рўкач қилди.

Мулозим яна оёқ тираганича тураверди:

– Полиция бошлиғига учранг, бу губернаторнинг эмас, ўшанинг иши-да.

– Мен давлат аҳамиятига молик муҳим бир масала бўйича келдим, губернатордан бошқа биров қатъий чора кўролмади.

Айтишув жуда чўзилди, охири хизматкор инсофга келди ва Галлони ҳақида хожасига хабар берди. Бироқ

губернатор соат тўққиздагина изқуварни қабул қилди, негаки жанобнинг тўшакдан туриши, ювиниши ва кийиниши узоқ давом этди.

Амалдор агентнинг гийбат-шикоятини эшитгач, мийиғида кулиб қўйди.

– Бўлиши мумкин эмас! – деди у беписанд оҳангда.
– Ахир княгиня Сариа рўмоли ерга тушиб кетса пулга олдирадиган тўрапошшаки, Венадаям калон-калон зотлар билан дўст-дугона. Шундай оқбилак ойим икки чевар билан бир адвокатни ёнига олиб, исёнга қўшиладими?

– Жаноби олийлари, менга ишонмасангиз, илтимос, граф Бальдидан сўраб кўринг: «Олтин қайчи»даги тинтув чоғи у ўша ерда эди. Княгиня Сариа иккала ҳамтовоғи билан давлатнинг пойдеворига болта урувчи хавфли ҳужжатларни олиб қочганки, бунга қарши қатъий буйруқ бермасангиз ва шахсан ўзимни дарҳол уларнинг изидан жўнатмасангиз иложи йўқ.

Гап шу ерга етганда, губернатор ортиқ пайсалга солмасдан бажонудил кўна қолди. Негаки, унинг ҳам Венага юборадиган ўғринча саломномаси бор эди. Лекин у давлат сирларига бедахл ва мутлақо шахсий бўлиб, маъшуқасига аталган номалар эдики, почтадан кўра Галлонининг киссасида етиб бориши ишончли ва бехатар, албатта. Губернатор шубҳали хонимларни таъқиб қилиш ва ҳибсга олиш ҳақидаги буйруқ ёнига яна битта хат ҳам қўшди: у тавсиянома бўлиб, Вена полициясининг бошлиғи Зедельницкий номига ёзилганди.

– Жаноби олийлари, бу ҳақда вазиргаям маълумот бериб қўйинг, албатта. Зеро, шунинг шарофати билан мен Венага боргач, биров ишимга халақит беролмайди...

Алқисса, Галлони Австрияга отланди, лекин у княгиня Сарианинг изига тушмади ва Комо тарафга юргани йўқ: тўппа-тўғри Вена йўналишидан – Бресчий, Верона ва Удине орқали ўтадиган яқин почта йўлидан кетди.

«Венага мен улардан олдинроқ етиб бораман ва у ердагилар менга ёрдам берса кифоя, – кўнглидан кечирди Галлони. – Княгиня Венада ўзини бехатар ҳис этиб, тиллога тенг ҳужжатларни яширишга уринмайдик, гафлат уйқусида қўлга оламан.»

Ҳаммаси олғир изқувар ўйлагандай бўлиб чиқди. Жандарм княгиня Сариага чегарада етиб олди: бироқ полициячилар ҳарчанд қилдан қийиқ ахтардиларки, учала аёлни ушлаб қололмадилар. Уларнинг паспорти бенуқсонлиги боис чегарадан ўтказиб юборишга мажбур бўлишди. Швейцария ҳудудида эса Австрия полициясининг қўли калталиқ қиларди.

Галлони бамайлихотир йўл босиб, Венага кириб келди, у пойтахтда айни пайтида пайдо бўлганди.

2. «Оққуш» меҳмонхонаси

Галлони Венага келибоқ биринчи галда Милан губернаторининг мактубини соҳибасига етказди. Ана ундан сўнг герцог Рейхштадтскийни жиноятга ундовчи ҳужжатларни келтирган ғаламисларни фош этишга саъй қилиб, айни масалада пойтахт полицияси билан ҳамкорлиги учун ўзига қонуний рухсатнома тўғрилади. Энг охирида эса шаҳар дарвозаси биқинидаги кўримсиз меҳмонхонага жойлашди, Тироль ва Швейцариядан келганлар худди ана шу дарвозадан киришарди.

Учинчи куни у кутган карета кўрингач, яйраб кетди: қочоқлар парвойи фалак ўтиришарди. Галлони

дарҳол уларнинг изига тушиб, учовининг Карентий кўчасидаги «Оққуш» меҳмонхонасига вақтинча жойлашганини кўрди ва ишонч ҳосил қилди.

Галлони граф Зедельницкийга ҳамма гапни оқизмай-томизмай етказди. Бошлиқ уни олдига солиб, «Оққуш»га келди, ҳатто княгиня Сариа йўқлигидан фойдаланиб, унинг хонасигача кириб кўрди. Меҳмонхона соҳибининг ўтакаси ёрилиб, исталган саволга бийрон-бийрон жавоб қайтарарди.

– Княгиня бу хонада қачондан бери туради?

– Хоним бугун эрталаб келган эди. Жаноби олийлари, уни меҳмонхонамга қўйишим ножўями, а? Буюринг, ҳозироқ чиқариб юбораман, – ялтоқланди хўжайин.

– Йўқ, – деди граф елкасини қисиб, – княгиня унча-мунча хонимлардан эмас, император саройидаги арбоблардан суянчиқлариям бор.

– Ўзим ҳам ўйловдим: уни олийнасаб хонимга ўхшатгандим-да. Иккита аёл ҳам бирга, паспортига қараганда чеварлар экан: биринчи қаватдаги мундайроқ хонани ажратиб бердим.

– Уларни танийсизми? Илгари меҳмон бўлишган эмасмиди?

– Танайман. Нима қилай, уларни чиқариб юбора қолайинми?

– Ҳожати йўқ. Бошқа мусофирлар ҳам борми?

– Парижлик бир журналист турибди. Яқинда махфий маслаҳатчи Фридрих Генцдан унга рухсатномалар келди, Вена музейларини томоша қилиши учун керак экан.

– Хўш, княгиня кун бўйи хонасида бўлгани йўқми?

– Извошнинг айтишича, саройга борган эмиш, қайтиб келиб, соат бирда ёлғиз ўзи тушлик қилди.

Соат учда эрцгерцогиня Софияни кўргани кетибди – буни мен швейцардан эшитдим: ҳали замон келиб қоларкан. Лекин кечки пайт яна қаёққадир бормоқчи.

– Тасанно! – деди полиция бошлиғи. – Меҳмонлар ҳақида ҳаммасидан хабардор экансизки, демак, бу ердаги тартиб жойида. Илтимос қиламан, меҳмонларингизга келадиган ёки улар жўнатадиган қоғоз ва хатжилдларни мен юборган кишига бериб тулинг. Гаппимга тушундингизми?

– Тушундим, жаноби олийлари, буйруғингиз княгиня Сариагаям тегишлими?

– Ҳа, ҳеч кимга истисно йўқ. Башарти, княгиня хонасига кирганимизни сезгудай бўлса, саёҳатчилар эканимизни, хона бўшагач, биз шу ерда турмоқчи бўлганимизни айтаверинг.

Граф Зедельницкий «бўшсиз» деб, хўжайинни чиқариб юборгач, Галлонидан сўради:

– Сиз унинг жойини обдан кўздан кечирдингизми?

– Албатта. Ётоқхонаси гардеробга туташ, гардеробхонанинг эса орқадаги пиллапояга чиқадиган эшиги бор. Графиня меҳмонларини қабул қиладиган хонага тўппа-тўғри асосий зинапоядан чиқилади.

– Ҳозирча уларнинг ҳар бир қадамини кузатиб туриш билангина кифояланасиз. Мазкур иш юзасидан олдинга хато қилсангиз-да, кейин устомонлик билан тузатиб ололдингиз: шубҳали хонимларни шу ергача қувиб келдингиз ва топдингиз. Лекин қулоғингизда бўлсин, Вена Милан эмас, веналиклар ҳам миланликларга ўхшамайдилар. Маҳаллий полицияга мансуб бўлмасангиз-да, майли, бу ишни якунлашни сизга топширавераман. Аммо эҳтиёт бўлинг, Милан губернаторининг тавсияномасидаги ишончни оқланг, эҳтиёт бўлинг, шошма-шошарлик қилманг.

– Лекин, жаноби олийлари, бари бир батамом бекорман: ҳужжатлар ҳозирча княгинянинг киссасида экан, ўша қоғозлар унинг чўнтагидан чиқишини кутиб тураман-да.

– Нима бўлмасин, ҳозир қалтис ҳаракат қилишингизга рухсат йўқ! – таъкидлади бошлиқ.

Галлони бош ирғади, бироқ сўзсиз бу ишоранинг маъноси нима: «хўп»ми ё «йўқ»ми?

Шу пайт эшик қия очилиб, мезбон пайдо бўлди:

– Княгиня Сариа қайтиб келди, жаноби олийлари, маъқул кўрсангиз, танишмоғингиз мумкин эди.

– Сираям ҳожати йўқ, – чўрт кесди Зедельницкий.

– Мени эса яхши танийдики, мутлақо кўриб қолмаслиги керак, – деди Галлони.

– Сизга рухсат, биз орқа эшикдан чиқиб кета қоламиз. Росаям ноқулай бўлди-ку... Аммо, Галлони, сиз фурсатдан фойдаланиб, кириш-чиқиш эшикларининг ҳаммасини билиб оласиз...

Меҳмонхона соҳиби асосий эшикдан жорияси билан кирган Полинага таъзим қилди:

– Тасарруфингиздаги хосхонага берухсат кирганим учун узримни қабул этинг, хоним афандим. Мақсадим сиз учун ҳамма нарса бажоми-йўқми – шунга ишонч ҳосил этиш ва хонани икки мусофирга кўрсатиш эди. Йўқ, истаганингизча тураверишингиз мумкин, фақат сиз бу даргоҳни тарк этгач, улар ижарага олишмоқчи.

Полинанинг қулоғи хўжайинда бўлса-да, ойнага қараб сочларини тузатаётган эди, дераза ташқарисига кўзи тушиб, титраб кетди. Кўчадаги жадал юриб бо-раётган икки ўткинчидан бири дераза томонга ўғринча қараб-қараб қўярди. Унинг заҳил, илондай совуқ ва жирканч башарасини кўрган княгиня миланлик изқуварни таниди, албатта.

– Янги меҳмонларингиз анавилар экан-да, – деди у тобора илдамлаб, кўздан ғойиб бўлаётган полициячиларга имо қилиб. – Тасанно, икковиям ҳазилакам мижозлардан эмас.

Хижолатда қолган хўжайин ғулдиради:

– Тўғриси, кўзим хирароқ, олисни яхши кўролмайман.

– Ўйлайманки, улар мен ҳақимда нимаики сўраган бўлса, ҳаммасини айтиб бергансиз. Майли, мени деб полиция билан гижиллашувингизнинг сираям кераги йўқ.

– На чора, меҳмонхонаси бор шўрликларнинг бари полициянинг муттасил назорати остида.

– Бемалол, мени ҳам асло аяб ўтирманг. Майли, олдимга ким келса, полицияга билдираверинг, ҳатто хат-патларимниям кўрсатиб қўйинг.

Таажубда қолган мезбон хитоб қилди:

– Қанақасига, жаноби олиялари, ўзингиз шунга ижозат берасизми?

– Албатта! Замон ўзи шунақа бўлгач, бунақанги кўнгилсизликларга бўйсунмай бўлармиди? Қолаверса, айбинг бўлмагач, нимадан кўрқасан? Бўпти, хайр энди. Илтимос, Лолив хонимлар ишларини бир ёқли қилгач, олдимга киришсин: бирор кишига буюрсангиз, уларни огоҳлантириб қўярди...

Ёлғиз қолган Полина вазиятни обдан тарозига солди. Энди аён бўлдики, Галлони ҳали тақдирга тан берган эмас: мана, то Венагача эргашиб келиб, улар хусусида полицияга чақиб беришга ҳам улгурибди. Унинг чангалидан халос бўлдик деган умиддаги бечора заифалар учун тузоқ ҳозирлаб бўлган. Наҳотки, Меттерних иккиюзламачилик йўлини тутиб, унга меҳмоннавозлик кўрсатса-да, кейин аёл шаънини

ерга уриб, изидан одамларини қўйиб юборса? Энди нима қилса бўлади? Яна киборлар даврасига кириб, кулиб-қувнаб яшамоқчи эди, бироқ вазият уни сиёсий машмашага йўллаб турибди. Албатта, бундай келишган ва истарали йигит учун машаққат чекишнинг ўзи ҳузур-ҳаловатдан иборат. Лекин кўзига оловдай кўринган ўша азаматни деб саъй қилгани билан қўлидан нима ҳам келарди? Бор-йўғи муштипаргина бир аёлки, шу боис полициянинг зуғумини ҳам ичига ютиб, сиёсатга аралашмасликка азм қилганди. Қолаверса, ҳеч кимдан тарихнинг хатосини тўғрилаш хусусида топшириқ олган эмас.

Аммо йигитнинг суқсурдай сиёқ-сумбати кўз олди-дан кетмасди. Унинг Мармонга нисбатан олийжаноб муносабати, кўзларидаги мунг ва дард княгинянинг шуурига ўрнашиб қолгандики, қалби ўртаниб, сассиз бир оҳ урди:

– «Уволгина йигит!»

3. Амалий режа

– Афтидан, княгиня нохуш хабар олганга ўхшайди, – деди Полинанинг ташқи хонасига аммаси билан кираётган Шарлотта, – қаранг, чехраси жудаям хафагазак.

У ним овозда гапирган бўлса-да, Полина эшитиб қолганди ва шундай жавоб қайтарди:

– Бехавотир кираверинглар, ҳеч қандай кори ҳол бўлгани йўқ. Аксинча, эски ва янги дўстларни топдимки, бир оғиз айтсак кифоя, ишларимиз ўнгидан келиб турибди-да.

– Ростданми? – яйраб кетди Шарлотта.

– Ҳозирча бировга бу ҳақда айтганим йўқ. Ўйлайманки, Миландаги дўстларимиз ўзлари билмаган

ҳолда темирни қизигида босганга ўхшайдилар. Ахир Париждаги инқилоб Наполеоннинг ўғлига истиқболнинг ҳамма эшикларини ланг очади-да!

– Шўрлик йигит!

– Мен уни кўрдим, – ҳовлиқди Полина, юрагига муҳрланиб қолган инсон ҳақида гаплашиш имкони туғилганидан суюниб. – Ниҳоятда ўзгариб кетибди. Уч йил бурун бахтсизликдан қадди букилган, рангрўйи синиққан, ғамгин бир болакай эди. Энди эса келишган, дадил, олийжаноб ва ақлли йигитга айланибди. Нигоҳи чақноқ, самимий, мулойим...

– Эсингизга тушдими, амма, Фабио ҳам уни худди шундай таърифлаганди-ку.

Полина давом этди:

– Ён-веридагилар эса шаҳзодани тушуна бошлабдиларки, энди ундан ҳайиқмоқдалар. Герцог Рейхштадтский сўзлаётган чоғи мен Меттернихдан кўз узганим йўқ ва аниқ билдимки, канцлер бу навқирон зобит сиймосида гўё унинг буюк падарини кўриб турарди. Афтидан ўша дамда марҳум Наполеоннинг овози маккор дипломатнинг қулоқлари остида жаранглаб, императорга қарши йиллаб давом этган қонли урушлар кўз олдида намоён бўлгандир. Мен учун бу жуда зўр томоша бўлди-да.

– Миландаги муаммо бўйича нега индамаганингизни тушундим, – деб қўйди Шарлотта.

– Мен индамаганим билан Меттерних ўзи барча гапдан воқиф экан-да. Ҳатто биз уч киши эканимизгача билади, махфий мактуб бизда эканини тахмин қилиши эҳтимолдан холи эмас. Аммо хавотир бўлманг, ҳаммаси ўрнига тушади.

– Маъзур тутинг, княгиня, – гапга қўшилди амма, – ўша қоғозларни ёқиб юбора қолсак-чи?

Шарлотта ҳайрат ва зарда билан қўлларини силтади.

– Нега энди ёқамиз? – сўради Полина.

– Мана шу қоғозларни келтириши лозим бўлган кишига афв сўрамоқчи бўламизки, афв этувчиларни алдаш виждондан эмас-да!

– Йўқ, аммажон. Фабио берган ҳужжатларни йўқ қилиш мумкинмас, негаки у мана шу варақлар учун жонини гаровга тиккан!

– Жуда тўғри, – қувватлади Полина.

– Бироқ икки қайиққа оёқ қўйиб бўлмайди, – ўзиникини маъқуллади Лолив хоним – ё қаллиғингни турмадан озод қилиш учун хатларни ёндириб юбориш керак ёки қоғозлар омон қолсин-да, Фабиодан афв сўрамайлик.

– Сизнингча, жиянингиз бўлғуси умр йўлдошининг шаънини булғаши, уни хиёнат эвазига озод қилиши керакми?

– Йўқ. Лекин у озод бўлса-да, биз ҳужжатларни сақлаб қолаверсак, яхшиликка ёмонлик қиламиз деб қўрқаман. Кечирасиз, княгиня, бу қалтис ишга нечоғли матонат ва қанчалар самимият билан бош қўшганингизни яхши биламан. Қолаверса, бунинг учун айбсиз айбдор бўлиб турибсизки, сиздан жудаям миннатдорман. Аммо бизни деб, ножоиз ишга қўл уришингизни, ёмонотлиқ бўлишингизни хоҳла-масдим.

– Хўп, қандай қилсак ношукурлик бўлмаслигини ўйлаб кўриб, бир қарорга келамиз, – деди Полина жилмайиб.

– Менимча, – ошиқди Шарлотта, – хатларни йўқотишдан аввал уларда нималар ёзилганини билиб қўйишимиз керак.

– Гапингиз тўғри, Шарлотта, агар, мазмуни арзи-майдиган бўлса, ўша ондаёқ шартта ўт қўямиз. Хўш,

бунисига нима дейсиз? – Лолив хонимга юзланди княгиня.

– Мен бундай беҳуда синчковликдан маъно кўрмайман, – жавоб қайтарди хоним. – Башарти, хужжатлар ўта муҳим бўлса-чи, унда нима қиламиз?

– Аммажон, беҳуда қизиқувчан эмаслигимни сизга ҳозироқ исботлайман. Икковингиз хатжилдни очасиз, мен эса нариги хонага чиқиб, биров кўриб қолмаслиги учун пойлоқчилик қиламан, – деди Шарлотта.

– Хўп, Шарлотта, – кўнди Полина.

Шарлотта хонадан илдам чиқиб, эшикни зичлаб ёпиб кетди.

– Ҳозир очаман, – деди княгиня Сариа ва чўнтагидан хужжатларни олиб, мумли муҳри бузилмаганини кўрсатди, – биргаликда ўқиймиз ва ана ундан сўнг нима қилиш ўзингизга ҳавола, Лолив хоним.

Қоғозлар саккиз варақ бўлиб, Полина дастлаб тўрт саҳифанинг таҳини ёйди.

– Ҳаммасига «шаҳзода Наполеон-Франциск-Бонапарт, герцог Рейхштадтский зоти олийларига» деб қайд этилибди, – изоҳ берди княгиня. – Тўрт мактуб тўрт кишидан, алоҳида ёзиб, алоҳида имзо чекишган: «Иосиф», «Иероним», «Ашиль Мюрат», охиргиси – «Луи-Наполеон Бонапартдан» экан.

Париж буржуазиясининг Наполеон оиласига нисбатан нафратидан кампирга ҳам юққандики, афтини бужмайтириб деди:

– Гадойлар галаси-ку!

– Тўппа-тўғри, фақат биринчисидан ташқари, чунки у жудаям бадавлат-да, – таъкидлади княгиня. – Хатнинг бешинчи ва олтинчи саҳифаси асл нусха ва унинг кўчирмаси бўлиб, Вена – Страсбург йўли-

даги от алмаштириш паккаларининг рўйхати қайд этилган. Бу Францияга олиб борувчи энг узоқ, аммо нисбатан бежавотир йўл бўлиб, улов ҳозирлашни ваъда қилган почта нозирлари, мулкдорлар ва ҳатто оддий фуқароларнинг номлари ҳам санаб ўтилибди. Шу жонсиз қоғозда чуқур мантиқ, меҳр-муҳаббат, чексиз садоқат ва сабр-тоқат мужассамлигига ҳайрон қоласиз. Йўллардаги муюлишлар ва сўқмоқларгина эмас, қай шаҳарларга яқин йўламай ўтиш кераклигигача аниқ кўрсатилган.

– Рост-рост, – хайрихоҳлик билан бош ирғади аёл.

– Кейинги варақда эса шаҳзодага ёрдам бера оладиган веналиклар ва яна шу яқин атрофдаги кўмакчилар рўйхати: Жозеф Муец (у гитцинглик барон Абенауснинг қўлида иш бошқарувчи), бельведерлик ойна кесувчи Карло Грепи, ботаник Велэ... қоғозда яна ўн кишининг номи бор. Мана, энг сўнггиси, буни ўзингиз ўқиб бера қолинг.

Лолив хоним княгинянинг қўлидан олган саҳифа йўриқнома бўлиб, у яширин ташкилот томонидан Фабиога ёзилганди. Амма ўқий бошлади:

«Ушбу жасорат учун муносиб кўрилган биродаримиз мазкур битикларни Шенбрун боғбони Франц Шуллернинг қўлига топширади. Биродаримиз шундай қилсинки, боғбон билан учрашувни бирор бегона кўрмасин. Франц Шуллер режаларимиздан огоҳ этилган тақдирда ҳам, бари бир бизни ёқламайди. У қадрдон валинеъматининг ўглини жонидан ортиқ кўради-ю, аммо унинг озодлиги йўлида исён қилишни ўйлаган эмас. Лекин бизга ойдай равшанки, у герцог Рейхштадтскийни жаллодлардан қутқариш йўлида сира иккиланмасдан ўзини қурбон қилишга қодир. (Бу эзгуликка бир гуруҳ садоқатли ёшлар бор куч-ғайра-

тини сарф этган.) Ушбу ҳужжатларни қўлга олган биродаримизга, эй дўст, унутманг, сиз хатжилднинг дахлсизлигини жондан кечиб бўлса ҳам сақлаш учун онт ичгансиз, деб мурожаат қиламиз. Энди ҳаётингизни, эркингиз ва хавфсизлигингизни батамом унутинг, балки, воз кечинг. Элларга хуррият бағишлашдай муқаддас аъмол учун ҳар неки борингиз бўлса, барини қурбон этинг. Бизга итоат қилинг!»

Хонага чўккан давомли сукунатни Полина бузди:

– Бундан чиқдики, аллақанча инсонлар ойлаб-йиллаб умрларини бу ишга бахшида этишган. Уларнинг мақсади ягона: тақдир ёвузлар чангалига гирифтор қилган, гўё давлат манфаатлари ниқоби остида жисмоний ва руҳий асирликка ташланган олийжаноб бир йигитни қутқариш. Улар ақл бовар қилмас даражадаги фидойилик кошонасини бунёд этишга улгурибдилар, аммо биз кўп йиллик матонат, меҳнат-машаққат маҳсулини ўз ҳаловатимиз йўлида вайрон қилмоқчимиз...

Қариқиз оғиз очишга улгургани йўқ эдики, шоша-пиша Шарлотта кириб келди:

– Ҳамма ёқ тинч. Айта қолинглар-чи, бирон-бир мудҳиш нарса ёзилган эканми? Икковингиз ҳам ташвишли кўринасиз.

– Аммангиз сиқилиб қолди, негаки, бу қоғозлардан қутулишнинг иложи йўқ, – кесатди Полина.

– Беҳад хурсанд бўламан, – суюнди Шарлотта.

– Нимасига хурсанд бўласан? – хитоб қилди амма.

– Модомики, бу хатлар шунчалик зўр нарса экан, биз Фабионинг афв этилишига уринолмаймиз-ку!

– Бу кўнглимдан ўтган эди. Мен ўйлаб-ўйлаб, шу фикрга келдим: биз аввало Фабионинг ўзини эмас,

унинг зиммасидаги бурчни ўйлашимиз керак. Ахир у турмада ўзи кўзлаган олий мақсад қаллиғининг қўли билан уюштирилганини эшитгудай бўлса, боши кўкка етарди-да.

– Нима? Бу ишга ҳали сен ўзинг?..

– Менинг қўлимдан ҳеч нима келмайди. Лекин биз шундай бир шафқатли, олийжаноб кишини топамизки, ана шу инсон мушкулумизни осон қила олади, – Шарлоттанинг ёлворган нигоҳи Полинада эди.

Лолив хоним бақириб юбораёзди:

– Шарлотта, алжираяпсан...

– Йўқ! Жодугарлар афсунлаган қасрдаги мудроқ шаҳзодани уйғотишга ўзим қодир эмасман. Лекин оламда хатарларни доғда қўя олувчи дарёдай сахий юраклар бор, албатта. Модомики, ўша юрак ваҳший ва ёвуз йиртқичлар орасида ҳам эзгу аъмолини қўймаган ва тўкин-сочин, хуш-хандон ҳаётидан воз кечиб, икки ғарибга мадад қўлини чўзган экан, у савобни яримта қилмаслиги ҳам муқаррар-да.

– Ҳой қиз, оғзингга келганини гапираверасанми? – аччиқланди амма. – Сен ҳали княгинянинг ҳам бошини балога қўймоқчи бўляпсанми! Сен...

Полина «жим» дегандай қўлини кўтарди, у оймқизнинг ўртанган юрагидан алангадай отилаётган ноласи бўлинишини истамасди.

– Сиёҳбахт маҳбусни зиндонбонлар чангалидан озод этиш – эзгу иш ва бу эзгу инсонга насиб этади, албатта. Ҳамонки, ўша йигитни халос қилиш хужжатлари княгиня Сарининг қўлида экан, унинг хужжатдан фойдаланмаслиги ҳам мумкинми?

– Бўлди, бас қил, Шарлотта! – деган дамдаёқ Полина амманинг сўзини бўлди:

– Мени тушуна олганингдан ғурурланиб кетяпман. Аммо, азизам, жиддийроқ гаплашиб олайлик.

Сен мени бировларни алдашга чорлаяпсан: лекин улар мени сургундан халос этишди, энди эса қўлимдан тортиб олинган мол-мулкларимниям ўзимга қайтаришмоқчи. Майли, буниям қўя турайлик, негаки уларнинг шафқатини жудаям узоқ кутдим, ўша зотларга унчалик ишонмайман ҳам. Хўш, мени сиёсий инқилобда қатнашгани чақиряпсанми?

– Қаранг, шунақа деди-да, – тасдиқлади амма.

– Сенинг сўзингга кирсам, манави қоғозларингни герцог Рейхштадтскийга оборишим, уни хуфиёна қочириб юборишим ва алалоқибат, шаҳзода ота мерос тахтини эгаллаши керак. Ие, бу давлатга қарши жиноят-ку!

– Шунга айтинг! – қувватлади Лолив хоним.

– Башарти, шу ишга журъат этсам-да, аммо билиб қолиб, мени яна қувғинга оладилар, ер-мулкимдан абадий жудо бўламан! – Полина қизариниб олди-да, оний сукунатдан сўнг шундай деди: – Йўқ, бу гап менга муносибмас. Мен муқаддас ишни бойликка тенглаб ўтирибман. Йўқ, княгиня Сариа бундай худбин аёл бўлолмади.

– Лекин, княгиня хоним, чуқур ўйлаб кўринг, герцог Рейхштадтский бу жонфидолигингизга арзийдими ўзи? – деди Шарлотта ийманиб.

– Арзийдими?.. Йўқ, энди ортиқ иккиланолмайман! Аслида иккиланган эдимми? Асло! Сен оғиз очган дамдаёқ, азизам Шарлотта, ўша қалтис қадамга ҳозир нозир бўлгандим! Венгриядаги анави ер-мулкларнинг кераги йўқ, ким олса-олсин, пишириб есин! Мен йигирма яшар йигитнинг кўзида ғам-ғусса зулматини кўрдим, бу кўзларда бахт-иқбол чироғи ёнмоғи шарт!

– Ўргилай, княгиня, княгиняжон! – хитоб қилди ойимқиз ва дарҳол унинг пойига тиз чўқди.

– Ана холос, девоналик ҳам юқумли дарди бедаво-да, – бош чайқади амма. – Қулф урилган «Олтин қайчи»нинг эгаси қаёққа гумдон бўлганини қўшниларим суриштириб қолса, жавобни кўраверасиз: «Ақлдан озган кампир Венага кетган, давлат тўнтаришида қатнашар эмиш!»

– Ташвиш чекманг, – деди Полина унинг ёнига бориб қўлларини қисаркан, – иккови дўконга қайтасиз ва Шарлотта суюклиси билан бир ёстиққа бош қўяди, албатта. Фабио ва икковингизнинг хавфсизлигингиздан бўлак ғамим йўқ. Ўзим бошлаган бу иш учун бошимдан айрилсам, бундан бировга зиён-заҳмат етмайди.

Шарлотта эътироз билдиришга чоғланди, лекин княгиня унинг оғзига кафтини босди.

– Йўқ! – деди у қатъий оҳангда. – Менинг ягона шартим шу, холос. Бу фитнада мендан бўлак ҳеч ким қатнашмайди. Аслида фитна деган ҳаракатнинг ўзи йўқ: муҳим бир хат кимга аталган бўлса, ўша одамга бериб қўйила, тамом-вассалом. Бу вазифа Фабиога топширилган, бироқ айни чоғда у шу ишни қилолмайди. Бўлди, гапни чўзавермасдан ишга ўтайлик. Аввало, Шарлотта, сиз столдаги икки хатжилдни менга олиб беринг: биттасига Бонапарт оиласининг мактубларини, иккинчисига эса Париж йўлининг йўналиши ва шаҳзодага мададкор шахслар рўйхатини соламан. Фабиога аталган кўрсатмаларга келсак, уни яна бир карра ўқиб кўраман-да, кейин ёқиб юбораман.

Княгиня қоғозларни ўз кўнглидагидай жойлагач, мамнун кулимсиради:

– Мана, иш пишди. Милтигим ўқланди, юкларни ажратиб қўйдим: зобитлардан эшитишимча, ҳал қилувчи жанг олдидан ҳамма нарсани иккига бўлиб олишаркан. Шундоқки, чекинишга тўғри келса, жадалроқ юриш ниятида биринчи бўлаги ташлаб юборилади, юкнинг иккинчи қисмидан эса аскар жони чиққачгина айрилиши мумкин. Мен ҳам худди шу йўлни тутдимки, энди жангга тайёрман. Иккала хатжилдни бир кечага ишончли қўлда қолдираман, эртдан эса амалий ишга киришаман.

– Намунча тез? – бақираёзди қариқиз.

– Шунақа! – деди Полина. – Уйқудаги шаҳзода уйғонди!

Иккови ўзларига ажратилган хонага қайтишаркан, Шарлотта аммасига шивирлади:

– Княгинянинг ўзи билан бор-йўқлигига эътибор бердингизми? Ишончим комилки, у герцог йигитни севиб қолган...

4. Полинанинг юрак сир

Чиндан ҳам княгиня уни севармиди? Наҳотки, киборлар базмининг маликаси, ҳусну жамоли камолга етган сулув, йигирма уч яшар мағрур аёл герцог бир кўришдаёқ севиб қолаверса?

Бундай савол унинг хаёлига ҳам келгани йўқ. Фабионинг ҳибсга олинишига беихтиёр шоҳид бўлгани тўғри, лекин Миландан Венага ўз мулклари қайғусида келаркан, герцог Рейхштадтский етти ухлаб тушига кирган эмас. Веналик ҳамма аслзодалар қатори у ҳам Рейхштадтскийни нодон, ақли ноқис бола ҳисоблар, муғомбир ва доғули вазирнинг чангалига ўзини топшириб қўйган заифона деб билар эди. Аммо бахтиқаро, уйқудаги шаҳзода шўрликни ўз кўзлари билан

кўргачгина тушуниб етдики, йигит мажбурий уйқуни тарк этишга ва бераҳм зиндонбонлар чангалидан халос бўлишга суратию сийрати билан интилмоқда. Полина олтинсоч тутқун бошидан не аянчли кунлар ўтганини аёл қалби билан ҳис этди. Унинг қулоғида тулки Меттернихнинг разил таклифи акс садо берди: канцлер Полинанинг гўзаллигидан бебахт асири учун қопқон ясамоқчи бўлди-я! Айни чоғда хонимнинг кўз ўнгида шунқор шахзоданинг сиймоси жонланди: у аввалига биргина сўз айтиб, отасидан юз ўтирган изтиробдаги маршални ерпарчин қилди-қўйди. Сўнг эса самимияти билан уни хиёнатнинг хижолатидан ҳам яна ўзи қутқарди. Унинг келишган қомати, юз-кўзи, табассуми – бари аёл юрагига абадул-абад жо бўлиб қолганди.

Полина энди буткул бошқа одамга айланди: фақат-фақат ўша йигитни, шўрликнинг синиққан ва маҳзун чеҳрасида қувонч қуёшини кўришни ўйларди. Қўлига мана бу қоғозларнинг тушиб қолгани оддий тасодиф эди. Шу баҳона унга фойдаси тегишига, йигит интизор кутган эрк ва бахтиёрликни ҳадея эта олишига кўнглида ишонч туғилдики, княгиня борлигини шу кори хайрга бағишлашга аҳд қилди.

Уни севадими-севмайдими? Полина бу сирни юрагидан сўрамади, буни ўйлагани ҳам йўқ. У ҳамиша яхшиликка интиладиган, бечораларга, мазлумларга қайишадиган тоза қалбининг амрига қулоқ тутди, холос. Меттерних кишанга солган тутқунни озод қилиш шарафи унга насиб этган экан, бор-будини довга тикиб, Европанинг ҳукмдори билан тенгсиз ўйинга бел боғлагани бўлсин!

ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

ИККИ ДУШМАН

1. Франц биринчими ё Франц иккинчими?

Наполеон вафот этганига тўққиз йил бўлди. Аммо собиқ Германия императори Франц Иккинчи – ҳозирда Австрия императори Франц Биринчи ҳамон уни кечиролган эмас. Негаки, ўша Бонапарт аталувчи кимса уни салтанатини ўзгартиришга, Германия императоридан Австрия императорига айланишга мажбур қилганди-да. Бу кўргилик олдида Аустерлиц ва Ваграмдаги мағлубиятлар ҳеч нарса эмасдай туюлаверарди. Ўша мағлубиятлар ҳам Францдай даҳонинг ўз қизини душманига бериб, уни куёв-ўғил қилишига монe бўлолмади. (Аслида қизига оғиз солган французнинг ўзи телба эди.) Лекин мамлакат номининг ўзгариши, императорлик рақамининг алмашиши алам қилаверарди, кеки ҳеч-ҳеч кетмасди¹. Парма герцогиняси номини олган, Наполеондан сўнг иккинчи эри – Нейпергдан ҳам бева қолган Мария-Луизанинг тождор падари ўша зўравонликни

¹ Пресбург сулҳи 1805 йил 26 декабрь куни имзоланган. Голиб Наполеон мағлуб австрияликлар олдида ўта оғир шартларни қўйди. На чора, улар қабул қилишди: аввало шуки, Австрия ўз ҳудудининг жуда катта қисмидан айрилди. Бонапарт Истрияни (Триест ва Дальмация бундан мустасно), Венецияни, Каттарони, Баварияни, Вюртемберг ва Баденни ундан тортиб олди. Бундан ташқари, Австрия Францияга қирқ миллион франк контрибуция – тоvon тўлайдиган бўлди. Пресбург битими оқибатида «Муқаддас Рим империяси» номли салтанат Европа харитасидан батамом ўчириб ташланди ва аёнки, энди унинг императори ҳам йўқ. Шунга кўра ва Наполеон Бонапартнинг талабига биноан Франц Иккинчи «Германлар императори» мақомидан 1806 йил 6 август куни воз кечиб, Австрия императори Франц Биринчига мажбуран айланган эди. (*Таржимон изоҳи.*)

ҳалигача унутолмасди. У тахтга ўтирганидан буён Габсбурглар империяси кўп талафотларга мубтало бўлди, бироқ Наполеон бошига солган ўша биргина шармисорлик юрагини эзгани-эзган. Бу маломат тамғаси шунчаликки, ҳатто Меттернихдай устмон ҳам ҳукмдори шаънидаги бу сиёсий доғни юва олмади.

Франц Биринчи Франциянинг ҳамма душманларининг бошини қовуштирди ва куёви бўлмиш ғаниминини чилпарчин қилди. Аввало, Наполеоннинг ўғлини, яъни ўз набирасини олтин қафасга солди. Иккинчидан, ўз қизи бўлмиш собиқ Франция маликасининг бузилиб кетишига оталарча «оқ фотиҳа» бериб турди. Лекин ҳарчанд чиранмасин, қўлдан кетган рутбасини бари бир қайтариб ололмади, кўкси шому саҳар ўртанганича юрибди...

Биз ҳикоя қилиб ўтган куннинг эртасига тонг чоғи эди. Франц Вена саройидаги ҳукмхонасида у ёқдан-бу ёққа юраркан, хаёлида ҳаммиша юрагини қон қилувчи ўша бедаво дард: «Тўғри, Меттернихнинг салоҳияти билан амалда Германия императори мақомига эришдим, лекин Германиянинг қонуний императори рутбасини олиш учун яна нима қилсам бўлади, а?» Муаммонинг асл моҳияти Франц Биринчининг қайтадан Франц Иккинчига айланиб олишидан иборат.

У олтимиш яшар бўйчан қария бўлиб, деярли хушқомат ва истарали киши эди. Ўзининг буюк тафаккурларга қодир эмаслигини билгани учунми, ё бўлак бирор сабаб туфайлими – соддаликка интиларди. У ҳаммиша камтарона кийиниб, аксарият ҳолларда Иосиф Иккинчига тақлидан ноҳарбий уст-бошда юришни хушларди...

Эрталаб князь Меттернихнинг ташрифидан хабар беришганди: император уни ўта илтифот билан ва айна чоғда шоҳона димоғу важоҳат билан қаршилади. Зотан, дипломат илгаритдан унинг ҳузурида ўзини хокисор тутиб, сохта итоаткорлик ниқобини кийиб олганди...

– Хўш, муҳтарам князь, – деди император, – ўйлайманки, бу гал ҳам аҳмоқона инқилоб галваларини кўтариб киргансиз ва яна давлатимиз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун қатъий чоралар кўришимиз керак, шунақами?

– Йўқ, онҳазратим, бу сафар герцог Рейхштадтский зоти олийлари масаласида кирган эдим.

– Ундай бўлса, билиб қўйишингиз лозим, жигаргўшам эрцгерцогиня Пармадан Ишлдаги шифобахш сувга бораётиб, Баденда 24 соатга тўхтаган ва мен она-боланинг кўришмоғига ижозат бердим. Герцог набирам ҳозир Медлинг йўлида от чоптириб кетаётгани ва граф Маврикий Дитрихштейн ҳам ёнида экани ҳақиқатга яқин. Бу ҳол сизнинг режангизга хилоф эмасми?

– Асло! Сиз тутган йўл ҳамиша оқилона бўладики, режангизга ўз режаларимни мувофиқ келтириш ҳам фарзим, ҳам қарзимдир! Аниқроқ айтсам, навқирон герцогга тезроқ озодлик беришни таклиф этмоқчи эдим: аввало, унинг ўз ҳарбий аъёнлари бўлсин, иккинчидан, унинг кутубхонасига кўнгли суйган китобларни олиб бериш керак.

– Жуда соз, марҳаматли князь, демак, Францдан мутлақо кўнглингиз тўлибди. Қолаверса, унинг хаёлпарастлигидан доимо норози эдингиз, мана охири, эси кириб қолибди-да.

– Аксинча, ҳазрати олийлари, у шундай ёшга етдики, бу ёшда йигит-қизлар ҳиссиётларга, орзу-умидларга осонгина асир бўлиб, куйиб-ёнаверадилар. Инчунин, хаёлимга келдики, асов тойчоқ саркашлик қилаверса, тизгинини бўш қўядилар – олам гулистон. Мен герцог йигитгаям ана шу усулни татбиқ этсакми дейман-да.

– Ҳа-а, – жилмайди император, – демак, сиз набирамни қўлга ўргатасизми?

– Қўлга ўргатишмас, олампаҳо, камолга етказиш бўларди.

– Бу фикрингиз менга жуда маъқул. Менимча, набирамни чинакам ҳарбий хизматга жалб этиш фурсати етди. Хўш, сизнингча, унинг жанговар аъёнларига ким раҳнамо бўлгани дуруст?

– Фикри ожизимча, айна лавозимга генерал Гартмандан аълороқ номзодни топиш мушкул: у бағоят ишончли ва билимли одам.

– Гартман? Жуда яхши, князь.

– Муносиб ва сиёсий жиҳатдан хавфсиз зобитлардан икки-учтасини унинг ёнига қўшиш мумкин.

– Албатта. Нега энди подполковник Прокешнинг номини тилга олмаяпсиз? Афтидан, Францнинг унга меҳри баланд кўринади.

– Офтоби олам, – Меттерних юзига сирли тус берди, – илтимос, мазкур масалада шахсий туйғуларга эрк берилмагани маъқул. Шундай қилайликки, ёш герцогнинг атрофига дилхоҳ дўстлари эмас, ўзимиз ишона оладиган адъютантларгина жамлансин. Қолаверса, Прокеш менга дипломатик жабҳада керак. Айтувдим-ку, уни Неаполга жўнатмоқчиман, ўзингиз «хўп» дегандингиз.

– Тўғри-тўғри. Майли, билганингизча иш тутаверинг, қадрли дўстим.

Императорнинг вазирига билдирадиган эътирози ҳеч вақт бундан нарига ўтмасди. Гоҳо герцог Рейхштадтскийга нисбатан боболик ҳиси жўшиб, бехосдан набирасига қалби ийиб кетарди. Бироқ бу меҳр булоғи қандай тез қайнаса, ўшандай тез босилиб, Меттернихга бефарқ ҳавола эта қоларди: асир – уники, билганини қилаверсин...

Канцлер давом этди:

– Шуниям айтиб қўймоқчиманки, маршал Мармоннинг илтимоси бор: у герцог йигитимизга ҳарбий соҳада машғулотлар ўтмоқчи. Башарти, сиз қарши бўлмасангиз, унинг илтимосини қондирсакмикан дейман.

– Нега энди қондирмаймиз? – бош ирғади император. – Ахир Наполеон иқтидорли саркарда эди, унинг жонажон адъютанти Мармон ўзи шоҳид бўлган урушлар ҳақида сабоқ беришни уддалайди, албатта. Фақат маршалга билдириб қўйинг, Наполеоннинг истеъдодини кўкларга кўтариб юбормасин. Негаки, ўша францияликни оғиз кўпиртириб мақтаганлари билан унда асл давлат арбоби учун зарур бўлган бош фазилат йўқ: у меъёр деган нарсани билган эмас.

Меттерних «бош устига» деган маънода таъзим бажо қилди ва Европадаги сиёсий вазият хусусидаги маълумотлар баёнига ўтди. Шу аснода айрим масалалар бўйича ҳукмдорнинг маслаҳатларини ҳам олди.

Санокли дақиқалардан сўнг император набира-си борлигини буткул унутди. Канцлер чиқиб кетгач эса, яна ўзининг азалий муаммоси ҳақида тафаккурга шўнғиди: нима қилса Германия императори Франц Иккинчига айланади? Қачонгача Австрия императори Франц Биринчи бўлиб юраверади, а?

2. Она ва ўғил

Бу пайт Франциянинг собиқ император хоними Мария-Луиза Бадендаги Флора чорбоғида канизаги билан сайр қилиб юрарди. (Малика кейинчалик граф Нейперг билан морганатик никоҳдан¹ ўтиб, икки фарзанд кўрган ва ундан ҳам бева қолган эди.) Аммо кайфияти бағоят ёмон: кўшалоқ шумхабар боис юрагига қил сиғмайди. Аввало, генерал Нейпергдан орттирган бир ўғли ота мерос аргумоқни сотиб юборибдики, бева хоним буни ота хотирасини таҳқирлаш ўрнида қабул қилди. Иккинчиси шуки, ўзи Пармада йўқлигида суюкли тўтиси ўлган эмиш. Нафсиламрини айтганда, у яшашдан тўйиб бўлди, дунёдан бахтиқаролигига ўтиб кетади шекилли. Мария ҳасрат дафтарини очиб, жориясига шунчалар зорланардики, оғзидан боди кириб, шоди чиқарди: шу қиёфасида ёруғ дунёда ҳеч рўшнолик кўрмаган молпараст бир хотиннинг ўзгинаси, аммо бир императорнинг қизи ва бошқа императорнинг ҳамхоби бўлган малика ҳазрати олияларига сира-сира ўхшамасди.

У новча, озгин аёл бўлиб, хиёбонда лапанглаб бораркан, тахлитидан назокат унсурлари сезилмасди. Гарчи у 39 ёшдагина бўлса-да, манглайини бежаган қатор-қатор ажинлар ва кумушранг сочлари билан эллик яшар аёлдай кўринарди.

Италияда қолган жажжи етимлари ва марҳум шунқори (хоним Нейпергни ана шундай улуғларди) тилга олингачгина хийла чехраси очилди.

¹ Морганатик никоҳ – эр-хотиннинг ҳақ-ҳуқуқи тенгсиз оила. Бунда хотин (ёки эр) эрининг (ёки аёлининг) сулолавий имтиёзларидан фойдалана олмайди. Масалан, ҳукмдор ноҳукмдор оила вакиласи билан морганатик никоҳ асосида оила курса, унинг хотини ҳам, фарзандлари ҳам отадан сўнг мамлакат тахтига ворис бўлиши мумкин эмас. (*Таржимон изоҳи.*)

Канизак унга яна ҳам тасалли берган бўлди:

– Ҳазрати олиялари, ҳозир шу ерда герцог Рейхштадтский зоти олийлари билан кўришасиз.

– Шунақа, Франц зиёратимга келаркан. Боламни кўп бери кўрмасдим. Айтишларича, кап-катта йигит бўлиб қолибди. Венада охирги учрашганимизда, у қизамиқдан эндигина бош кўтарганди, менга ҳам юқадидеб росаям кўрққанман ўшанда. Бу дард аксарият ёшлик палласи охирлаётган кишиларга юқармиш-да.

Ана шу дақиқада чорбоғ панжараси ортида суворий йигит тўхтади, ёнида отбоқари ҳам бор.

– Меҳмонлар шекилли? – сўради Мария-Луиза.

Эгнига тўқ жигаранг плаш, бошига барра чўгирма кийган бу йигит унинг ўғли...

Икки соат бурун герцог Шенбрундан бу ёққа отлар экан, граф Дитрихштейнга мурожаат қилди:

– Онам Баденга келганини ҳозиргина бувамдан эшитдим ва зоти олийлари у билан кўришмоғимга рухсат этди. Бу ҳақда сизни шунинг учун огоҳлантиряпманки, кеча канцлерга сиздан ҳеч нимани яширмасликка ваъда берганман. Лекин фақат шу гал мени ёлғиз қўйиб юборсангиз, жудаям миннатдор бўлардим-да. Отбоқарни ўзим билан олиб кетаман. Кечқурун ойим Ишлдаги шифобахш сувга йўл оларкан, шу боис ҳаялламай қайтсам керак.

Ҳар нимадан ҳадиксировчи Дитрихштейн бу гал осонгина рози бўлгани ҳайрон қолдиради. (Ҳолбуки, бир кун бурун айна муаммо бўйича канцлердан роса дакки эшитганди.) Ҳар ҳолда бу кутилмаган илтифот масаласида герцог устозидан изоҳ сўраб ўтирмади-да, отига миниб, Баден сари йўлга тушаверди.

Йигитча ҳеч қачон ўзини бугунгидай бахтиёр сезган эмас. У гўё эркин қуш: табиатнинг бунчалар зебо

ва ифорли эканини ҳам фақат ҳозир сизди. Аввалига у ҳеч нимани ўйлагани йўқ, тўйиб-тўйиб нафас олди ва ёшлик лаззатини оз бўлса-да, кишандан, азобдан холи эканини қалбан ҳис этиб борарди.

Ўша ондаёқ унинг хаёлида муайян бир ўй чарх ура бошлади: у волидасининг зиёратига бормоқда. Герцогнинг болалик хотиралари қаватида онаси эгаллайдиган ўрин йўқ ҳисоби, атиги иккитагина воқеа ёдида қолганди. Биринчиси Парижда бўлган: онаси болаҳонада Карусель майдонидаги намоёишни томоша қилмоқда, мураббийининг ёнидаги жажжи шаҳзода эса бошқа деразадан дадасига термилади, Наполеон унга қараб жилмайиб қўяди. Император маликага ҳам қўллари билан ҳавойи бўса йўлларди, бироқ кулиб-қувнаган, ял-ял ёнган аёл унга эътибор бергани йўқ. Иккинчи эсида қолган воқеа гам-гуссадан иборат: Франциядан қайтиш... Онаизорининг ранг-рўйи заъфарон, кўзда ёши шашқатор, каретанинг бир бурчида ўтирибди, ёнида лоақал ўғилчасига жой йўқ. Шаҳзода битта саволни такрорлайди: «Дадам! Дадам қаёқда?» Сўнгра Венага келиб, она-бола бир йилгина бирга яшашди: волидаси яна кулиб-қувнай бошлади, болакай уни жуда кам кўрарди. Бора-бора она меҳрига зор бўлди-қолди: ўн тўрт йил мобайнида у ўғлини тўрт мартагина кўриб кетди. Модомики, сиёсат деган нарса ва Меттерних деган одам ўғилнинг Италиядаги онаси билан яшашига изн бермас экан, нега ўша она ўзи тез-тез кела қолмайди? Унга ўз жигарбандини севиб-эркалаш ҳам тақиқланган эдими?

Бунақа азобли ўйлар унинг чарақлаб турган юрагига зулмат чўктирди, энди табиатнинг таровати ҳам татимасди. Мана, Флора чорбоғи, ана – дарвоза: у от-

нинг жиловини тортди, бари бир юраги безовта ура бошлаганди.

Орада икки қадам масофа қолгандагина Мария-Луиза ўғлини таниди:

– Франц, сенмисан, болам?

– Ҳа, менман, онажон.

У тиз чўкиб, волидасининг қўлини ўпди ва фарзандларча эҳтиром билан сўради:

– Саломат юрибсизми, ҳазрати олиялари?

– Ёқимтой йигит бўлибди, – таъкидлади Мария канизагига қараб. – Кел, болажоним, мени бир ўпиб қўйгин, азамат бўлибсан-да! Озгинроқсан, аммо мен ҳам соғ эмасман. Қалай, улар сендан хурсанд бўлишяптими?

– Билмадим, онажон. Бугун шунчалар бахтлиманки, сизни кўриб, бошим осмонга етди!

– Жигарбандим! Қалб хотираларимни уйғотдинг, Франц! Орадан минг йил ўтди-ёв!

– Ўша хотиралар ҳамиша мен билан! – деди герцог қўлини кўксига босиб.

– Албатта! Бошимга тушганлари ҳаммаси ёдимда! Хўш, ҳозир ҳарбий хизматдамисан?

– Унвонлар билан сийласалар-да, бирорта жангчини олға бошлаганим йўқ.

– Мавриди келса ҳаммаси бўлади, – уқтирди Мария-Луиза. У ўзига дахлдор бўлмаган масалага, яъни ўғлининг келажагига аралашишни истамасди, жориёга юзланди: – Бўйчанлигини қара! Орада қанча тафовут бор-а!

Мария уни бошқа болаларига таққослаганини канизак тушунди ва бекасининг она сифатидаги калтабинлигидан уялиб кетди.

Герцог онаси билан бир неча соат суҳбатда бўлди ва бу аёл ўзига бегона эканига мутлақо ишонч ҳосил қилди. Икковининг суҳбати умуман қовушмади, охири, Мария-Луиза шундай деди:

– Мени ёшлигимда даволаган кекса бир доктор бор, юр, ўшанинг олдига бориб келамиз.

Лекин йўлга тушгач, ўғли билан қўлтиқлашиб олиш ўрнига янги камергери Бембель билан ёнма-ён кетаверди. Бембель яқинда Нейпергнинг ўрнини эгаллаган эди, унинг Венага бирон-бир даъво билан келганлиги эҳтимолдан холи эмас. Герцог Рейхштадтский уларнинг орқасида ёлғиз ўзи бормоқда. Бу Бадендаги якка-ю ягона кўча бўлиб, ўткинчиларга ҳайрон боқиб қоларди.

Доктор ҳузурига киришгач, Мария-Луизанинг капалаклар коллекциясига ишқибозлиги авж олди.

– Кошки эди, менинг ўғлим ҳам мана шунақа нарсаларга астойдил қизиқса! Айт-чи, Франц, сен ҳашаротлар билан шуғулланишни истамасмидинг?

У одоб юзасидангина «маъқул» деса-да, капалакларга термилавериш меъдасига урди ва ўтли кўзларини чарақлатиб хитоб қилди:

– Энди, онажон, менга ижозат берсангиз. Шенбрунгача анча йўл, граф Маврикий менга ишониб, ёлғиз ўзимни қўйиб юборди, уни куттириб қўйишни истамасдим, – у тиз чўкиб, хонимнинг қўлини ўпди ва деди: – Хайр, ойижоним!

Она ўғлининг ўз бағридан кетиб қолишини мутлақо табиий ҳолдай қабул қилди-да, доктор та-рафга юзланиб, сиҳат-саломатлигидан шикоятини бошлади.

3. «Бу дунёда ғамгусорсиз ғарибман!»

Герцог Рейхштадтский Шенбрунга қайтар экан, туққан онаси учун узоқ қариндош мақомида эканини ҳис этди. Қарийб кун бўйи бирга бўлдилар, лекин бирор марта суюб ўпгани йўқ, қалбида оналик меҳри асло жунбишга келмади. Агар шундай тўлқин жўш уриб қолса, сиполикка чорловчи сарой одобларини ҳам писанд этмасди!

Йигитча энди чин етим эканига иқрор бўлиб, кўнгли синди. Эрцгерцог Карл буванинг доимий меҳр-шафқати ҳам, эрцгерцогиня Софиянинг туғишгандан гузора ғамхўрлиги ҳам – бари эсига келгани йўқ. Ўкинч ва армон билан такрорлади: «Бу дунёда ғамгусорсиз бир ғарибман!» Ҳа, унинг қисматига на оила ва на дўст-ёр битилган, ҳатто ўз онаизори уни таниб-танитайди, биттагина сирдошидан ҳам жудо қилишди. Унинг ҳеч кими, ҳа-ҳа, ҳеч кими йўқ!..

Бироқ... кутилмаганда кўзлари лов-лов ёна бошлади: Медлинга етай деб қолган эди, олдинроқда арава кўринди. У от биқинига хала бериб, экипажни қувиб етди ва жировни тортиб, извошдаги икки хонимга таъзим қилди.

Уларнинг бири эрцгерцогиня София ва иккинчиси – княгиня Полина Сариа эди.

– Вой шумтака, сенмидинг? – койиган бўлди София майин овозда. – Қароқчидай от чоптириб, юрагимизни ёрдинг-ку!

– Маъзур тутинг, холажон. Баденга бориб, онанинг зиёратидан қайтиб келаётган эдим, извошингизни таниб қолиб, саломлашиб қўяй дедим, холос.

– Полина, – деди эрцгерцогиня хушфёъллик билан, – сиз герцог Рейхштадтскийни танийсизми? Сенчи, Франц, дугонам княгиня Сарияни биласанми?

– Куни кеча канцлер ҳузурида бу шарафга муяссар бўлдим, – деди йигит, – ҳозир эса у кишини сиз билан бирга кўриб турганимдан янаям бахтиёрман.

Полина жилмайди, лекин индагани йўқ.

Герцог экипаж ёнида отини баробар йўрттириб, анча йўл босди ва онаси ҳақидаги ҳамма саволларга жавоб қайтарди. Шенбрунга буриладиган чорраҳага етгач, холасига эҳтиром билан таъзим қиларкан, Полина томонга назокат ва миннатдорчилик билан нигоҳ ташлади.

Шу топда у ўзини аввалгидай ғариб ва ёлғиз сезмаётган эди.

4. Мудҳиш босинқираш

Император оиласига мансуб арава кечки пайт «Оққуш» олдида тўхтаб, ундан княгиня Сариа тушганини ва извошда қолган хоним билан қуюқ хайрлашганини меҳмонхона дарвозаси ёнидаги Галлони кузатиб турарди.

Унинг саволига швейцар шундай жавоб берди:

– Ие, наҳотки танимасангиз? Ахир у киши эрцгерцогиня София, маликаларнинг гавҳари, императорнинг келини-да, яқинда жажжи эрцгерцогни дунёга келтирди. Беҳад гўзал, бениҳоя олийжаноб аёл! Зўр иш бўлди: унинг бу ерда тўхташи меҳмонхонамиз учун катта шарафки, хўжайин роса суюнади энди.

Галлони шунчалик тонг қолдики, ҳайрат долғаси унинг ақлига сигмасди. Ахир шу аёлни Миландан қувиб келган ва исёнчилар ҳамтовоғи деб Зеделъницкийга сотган бўлсин-да, бу хотин эрцгерцогиняга дугона бўлиб чиқсин! Энди нима қилсин? Полицияга янглишганини қандай айтади? Хатога йўл қўйгани эса муқаррар. Маликалар билан апоқ-чапоқ бўлиб

юрган аёлни ҳужжат ўғирлашда айблаш мумкинми? Порлоқ келажак ҳақидаги барча умидлари чиппакка чиқди-кетди. Эрцгерцогинянинг дугонаси-я! Етти ухлаб, тушингга кирмайдиган воқеа!

– Бўлиши мумкин эмас! – овозини кўтарди Галлони. – Сираям янглишганим йўқ. У ким бўлишидан қатъи назар, ҳужжатларни олгани аниқ ва қоғозларни Меттернихга топшириш учун олган эмас.

Бирдан хаёлига келди: княгиня полициянинг хуфияларидан бўлса-чи? Бундай воқеалар учраб туради. Балки чапдастлик билан қоғозларни яшириб, энди Меттернихга топширмоқчидир ёки топшириб бўлгандир ҳам. Бироқ бундай бўлиши мумкин эмас, билъакс, анави иккала машиначи аёлни эргаштириб юрармиди?..

У хаёлнинг минг бир кўчасига кириб чиқди, хулоса аниқ: ҳужжатлар шу аёлнинг қўлида ва рақибаси қудратли бўлса-да, унга қарши курашни давом эттиради, албатта. Устига-устак вақт тигиз, ҳар дам ганимат: дарҳол аёлга қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлаши зарур...

Орадан бир неча соат ўтди. «Оққуш»даги ўз хонасида ухлаётган княгиня Сарияни тушида даҳшат босиб қолди.

Гўё унинг кўз олдида заҳил юзли бир калла пайдо бўлди: кўмирдай кўзлари чақчайган, бурни сўтадай келади. Бу қиёфа унга таниш, бироқ қаерда кўрганини ҳеч эслолмайди. Ҳалиги калла хонани остин-устун қилиб, жавонларни, шкафларни, ғаладонларни – ҳамма ёқни титкилай бошлади. Полина юраги тақачининг босқонидай гурсиллаётганини пайқади, уйғонмоқчи, дод солмоқчи, қўнғироққа қўл чўзмоқчи бўлади, бироқ на оёғи, на қўли қимирларди.

Мудҳиш шарпа унинг каравотига яқин келди, ёвуз кўзлар ёнгинасида йилтиради, қандайдир бир қўл ёстиғи остига суқулди. Ва ниҳоят, аёл сапчиб турди, чинқирди, қўнғироқнинг ипини силкитаверди: унинг нолиши бутун меҳмонхонани зириллатди.

Полина ваҳима билан атрофига олазарак боққанча шамни ёқди. Хонада биров йўқ, лекин ғувиллаётган совуқ ҳаво эшик ё дераза очиқлигини билдириб турарди.

Жорияси чопиб кирди, княгиня қандайдир шовқиндан қўрқиб кетганини айтди. Ёлғиз қолгач, бўлиб ўтган ҳодиса устида чуқур фикрга чўмди. У ётоғини синчиклаб кўздан кечирди: хонани тинтиш билан ҳам кифояланмаган кимса уст-бошининг чўнтакларигача ағдариб кўрганди. Ана шундагина илон-нуса башара ким экани княгинянинг эсига тушди ва шукур қилди:

– Яхши ҳамки ҳужжатларни ишончли қўлга топширган эканман. Галлони елимдай ёпишқоқ изкувар, лекин бу гал ҳаддидан ошиб кетди. Эртагаёқ Венадан думини тугдиришга уринмасам бўлмайди.

5. Ҳарбий кўрик

Шенбрунга қайтган герцог Рейхштадтскийга граф Дитрихштейн янгиликлар билан пешвоз чиқди:

– Зоти олийлари, канцлер императорнинг фавқуллодда дилкушо ва тамоман оҳорли фармойишини етказиб қўйишимни буюрганди. Аввало, энди сизнинг ҳам барча эрцгерцоглар каби ўз ҳарбий аъёнларингиз бўлади. Иккинчидан, сиз учун аллақанча янги китобларни келтиришди ва кўнглингиз тусаган асарни талаб этишингизга рухсат берилди. Учунчидан, маршал Мармон дадангизнинг ҳарбий юришлари хусусида ўз

сабоқларини бера бошлайди. Ва ниҳоят, охирги муж- да шуки, қўл остингиздаги гренадёрлар полки эртага эрталаб Пратер майдонида саф тортади: агарда, сиз хоҳласангиз, полкни ҳарбий кўриқдан ўтказишингиз мумкин.

Герцог канцлерни қанчалик ёмон кўрмасин, шу дамда барини унутди, кўзлари фараҳли ёнарди. Унинг томирларида замоннинг буюк саркардаси бўлмиш зотнинг қони оқмоқдаки, асл ота ўғил эканини исбот- лашга ташна эди. Қолаверса, ёши йигирмага етди ва полкка қўмондонлик ҳузури қалбини ширин энтик- тирди.

– Яхши, – деди у мамнун ва қизарган қиёфада. – Эртага полкимни ҳарбий кўриқдан ўтказаман. Би- ласизми, бундоқ шарафга кимнинг хизмати билан эришмоқдаман?

Граф Дитрихштейн елкасини қисиб қўйди. Бу одамдан маънили гап чиқмаслигига ақли етган йигит индамади, ортига қайтиб, хосхонасига кириб кетди.

У ёлғиз қолгач, хаёлан машқ бошлади: жанговар сафланиш ва ҳарбий тактикалар чоғи қўмондон ай- тадиган буйруқларнинг барини такрорлаб чиқди. Ўзини имтиҳон қилиб, кўнгли тўлган йигит боққа отланди, негаки у ерда боғбон Франц интизор кутиб турган эди. Аммо у билан учрашишдан андишаси ҳам йўқ эмас, ҳатто падарининг қуролдошидан кечирим сўрашга тайёр: ахир отасига ёв бўлмиш австриялик жангчиларни жанговар кўриқдан ўтказди-да!

Герцог бу янгиликни Францга ийманиб айтаркан, овози тол япроғидай титраб кетди. Бироқ мўйсафид аскар унинг иштибоҳини дарҳол англади ва Наполе- онзодани хижолатдан қутқарди:

– Демак, кўриқни Пратерда ўтказасизми?

– Шунақа, – герцогнинг сўзида алам оҳанги бор эди.

– Жуда зўр, етиб бораман, албатта.

Уруш фахрийсининг бу жавобидан кўнгли кўтарилган йигит унга индамай кўзлари билан ташаккур айтарди.

Боғбон эса ғарибона кулбасига кириб, гулдираб кўйди:

– Эртами-кечми мана шундай тадбир бўлиши муқаррар эди. Лекин Наполеоннинг ўғли Австрия полкига қўмондонлик қилса, юраклар ўртанмасинми? Бари бир бориш, йигит бу вазифани қандай адо этишини кўриш керак-да!..

Эртаси куни тонг чоғи кекса ҳарбий Пратер майдонига шошилишч етиб борди ва томошатаблар қаторининг аввалидан жой олди. Герцог Рейхштадтский ўз полкида ўтказадиган илк ҳарбий кўрикка қизиққанлар кўп бўлиб, катта жамоат тўпланганди.

Тез орада туёқлар дупури эшитилиб, янги командир полки қошига етиб келди. У йўрға арғумоқ устида кўр тўккан, рангпар чехрасида қатъият ва мардоналик намоён. Бироқ ҳали у сафнинг аввали билан тенглашиб ҳам улгургани йўқ эдики, гренадёрларнинг жўровоз наъраси еру кўкни ларзага солди: «ура!» Ваҳоланки, ҳеч кутилмаганда янграган бу олқиш рисоладаги ҳарбий интизомга хилоф эди. Лекин на чора: командир йигитча ҳамма-ҳамма тан олган буюк саркарданинг фарзанди, уни кўрган немис аскарлари ҳам ҳаяжон хуружини жиловлай олмадилар.

Афтидан, тўсатдан бўлган хайрихоҳлик изҳори герцог Рейхштадтскийни хижолатга солганди. Лекин ўша ондаёқ қошларини чимириб, жиддий қиёфага кирди ва ҳарб санъатининг қонун-қоидаларига

мувофиқ келадиган даражада жанговар саф кўригини бошлади.

Унинг маҳорати оломонни ҳам жўштирганди:

– Офарин, герцог!

– Аскарлари ҳам уни муносиб қаршилаб қўйишди-да!

– Ёш қўмондон уларни зафарлар сари олға бошлашга қодир! Полк унга эргашади, албатта!

Кимдир Францдан сўраб қолди:

– Айтинг-чи, бу полк Ваграм жангида бўлганмиди?

– Бўлганди-да! – жавоб берди оқсоқол. – Худди шунинг учун ҳам жангчилар янги қўмондонни шафлаб қаршилашди.

6. Гермина кимнинг китобига гул қўйди?

Айни ўша куни Шенбрун қасрининг ибодатхонасида эрцгерцог Франц-Иосифни чўқинтириш маросими ўтказилди. Император шодиёна шарафига қуйи қаватдаги энг катта залда ўз яқинлари учун зиёфат берди. Асосий ошхона ва узун айвондаги столларга энг қимматбаҳо ва жимжимадор идишлар қўйилди...

Гермина Меттерних ва Флора Вирби иккови очиқмаганлари учун дастурхонга қараб ҳам қўймадилар, улар имкон топилиши билан истироҳатгоҳга чопишди.

– Кетдик, Гермина, – бошлади Флора, – дадангни Диана ҳайкали олдида кутиб турамиз.

– Жон дейман, лекин мураббийларимиз қайда қолишди?

– Қорин қайғуси билан овора, кейин бизни топиб олишар.

Қизлар ана шунақа гангир-гунгур билан анвойи гуллар орасидан ўтиб, ҳайкал пойига боришди.

– Бу ер жоннинг роҳати-да! – деди Гермина. – Ана тошсурат Диана.

– Бу хилватда хаёлпараст бўйдоқларнинг жони киради, – деди унга жавобан Флора.

Дарҳақиқат, ҳайкалнинг ёнгинасидаги ўриндиқда кимнингдир китоби ётганди, Гермина тегмасдан муқовасига назар солди: Ламартин, «Meditations poétiques».

– Сен бу китобни ўқиганмисан? – сўради Флора.

– Йўқ. Аммо шунга тегмай қўя қолайлик. Эҳтимол, уни ўқиш бизга мумкин эмасдир.

– Нега энди! – ҳайрон бўлди Флора. – Шеърлар экан-ку! Ахир шеърхонлик ҳам ибодатдай машғулот-да.

– Кимдир унутиб қолдирган бўлса-чи?

– Тўғри. Қарагин, битта варағида майсадан хатчўп турибди.

Флора китобни шоша-пиша қўлига олиб, ўша саҳифани очди ва хитоб қилди:

– Ҳа-а, шеърлар!

– Ўқийлик бўлмаса.

Очилган саҳифа аввалидаги сарлавҳа ўрнига «Бонапарт» калимаси битилганди.

Гермина ихлос ва эҳтиром билан китобчани ёпди-да, авайлаб жойига қўйди: гўё у муқаддас бир рисола қўлига олганди.

– Юр, кетайлик, – деди у Флорага.

Шу пайт уларнинг ёнида боғбон Франц пайдо бўлиб, бир даста атиргул ҳадя этди.

– Маъзур тутасиз, хонимлар – мурожаат қилди у. – Манави атиргуллар сизга! Булар жудаям камёб, биров

узгани ботинмайди ҳам, лекин атай сизлар учун олиб келдим, ёқиб қолса ажабмас.

Боғбоннинг сўзларида ҳазил ҳам йўқ эмасди: Флора эндигина 17 ёшда, Гермина Меттерних бор-йўғи 15 ёшга тўлдиди, ҳали «хоним» бўлиб улгуришганича йўқ.

– Ташаккур, марҳаматли дўст! – қиқирлади Флора ва бир жуфт гулни корсажига тақиб олди.

Лекин Гермина уятчан қиёфада сўради:

– Буларни узганингиз учун сизни уришмайдиларми?

– Йўқ. Аввало, бу ерда хўжайин ўзимман. Қолаверса, хиёбонни ҳар куни кўздан кечирувчи зот уч-тўртта гул камайиб қолганини пайқаса ҳам ҳечқиси йўқ: чунки бу гуллар сиздай ойимқизларга ёққанидан боши кўкка етади.

Гермина қолган атиргулларни қўлига олди. Франц нарироқ кетиб, Флора йўлакдан уй томон чопқиллагач, икки гулдан биттасини ҳалиги китоб устига оҳиста қўйди.

Унинг корсажида гул биттагина эканини кўриб, Флора суриштирди:

– Наригиси қани?

Гермина бир қизариб олди:

– Иккаласи корсажимга сиғмади, унисини ташлаб юбордим.

7. «Ҳарбий ҳаракатлар»нинг бошланиши

Галлони қўзғаган машмашадан қаҳри қайнаган Меттерних чўқинтириш маросимида полиция бошлиғига ўшқариб найза урди:

– Бу қанақаси, граф жаноблари, – ўшқирди у, – но-тавон агентларингиз қачонгача бошимга битган бало бўлади, а?

- Кечирасиз, жаноби олийлари...
- Нега кечирарканман? Ахир олдинроқ огоҳлан-тиргандим-ку! Агентларингизнинг тўпориларча тажовузига учраган хоним менинг ҳимоям остида ва эрцгерцогиняга дугона эканини биласизми ўзи? Энг ачинарлиси шуки, бу можарога асос йўқ-да. Асло, бу аҳмоқликни асло кечиролмайман!
- Менга ишонинг, ўша кимсага алоҳида рухсатим-сиз ҳеч нима қилмасликни буюргандим.
- Нега айтганингизни қилмайди бўлмаса?
- Афтидан, княгиня ухлаб ётганда, хонасини тинтиб кўришни истаб қолган шекилли.
- Албатта! – кесатди канцлер. – Ўша одамингиз ёстиқ остига қўлини тиқсаям аёл бечора уйғонмайди, албатта!
- Княгиня қўнғироқ чалгач, у қочиб қолган ва ҳамма уйғониб, қидириб кўришган, лекин ҳеч кимни топишолмаган, – агентининг айбини хаспўшлашга уринди бошлиқ. – Кейин бу олғир ўғрининг иши деган яқдил хулосага келишган.
- Тасанно! Полициянгизга гап йўқ! – дағдаға қилди канцлер. – Идорангиз сўтак агентларингизнинг хатосини пойтахтнинг ўғриларига тўнкашга ўтибди-да. Энди рўй-рост иқрор бўлинг-чи, полицияга ким бошлиқ ўзи: сизми ё аллақандай келгиндими?
- Аммо, жаноби олийлари, илтимос, эслаб кўринг: княгиня Сариа шахсига нисбатан шубҳамиз йўқ эмасди, ахир.
- Нима бўлганда ҳам, граф, айти кунларда княгиня фитналарга бош қўша олмаса керак деб ўйлайман. Бунга менинг етарли асосларим бор. Башарти, хато қилаётган бўлсам, у шунчалар ўткир аёлки, унақа довдир айғоқчиларингиз қўйган тузоққа тушадиган

анойилардан эмас. Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсам, ўша Галлони деганингизнинг сири очилиб бўлди. Қулоғингизга қуйиб олинг, бу воқеа ҳиқилдоғимга тиқилиб турибди, менинг режаларимни ҳам издан чиқармоқда. Учала аёлни таъқиб қилишни тўхтатинг ва жосусларингизнинг можароси билан бошимни ортиқ оғритманг.

Шунчаки расмиятчиликдангина иборат бу танбеҳ полиция бошлиғи зиммасидан жавобгарлик соқит бўлганини билдирарди, у эҳтиром билан бош эгди ва бари бир ўзиникини яна бир карра маъқуллади:

– Лекин сўнгги бор айтишни ўз бурчим деб биламан, ўша аёлларнинг Миландаги фитна-фасодга дахлдор эканига аминман. Бу гапим чинлигига, жаноби олийлари, ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз. Ана, княгиня Сарининг ўзи келмоқда, менинг устимдан арз қилсам ажаб эмас.

Дарҳақиқат, княгиня шу ёққа келаётган эди. Узоқдан уларни кўрибоқ канцлер ва бошлиқ ўртасидаги тортишув ўзи ҳақида эканига хонимнинг ақли етаётган эди. Ўша ондаёқ у бир қарорга келди: ҳимоянинг энг яхши усули – ҳужум, инчунин, дарҳол «ҳарбий ҳаракатлар»ни бошлайди!

– Шенбрунга атай сиз билан учрашиш учун келдим, – деди у истиқболига уч-тўрт қадам юриб, илтифот билан сўрашган Меттернихга. – Граф Зедельницкийнинг шу ердалиги нур устига нур бўлди, негаки масаланинг моҳияти у кишига ҳам дахлдор. Князь, сизга бир ўтинчим бор.

– Ҳозироқ ишим битди деб ҳисоблайверинг, фақат қўлимдан келса бўлгани.

– Агар ҳозир қўлингиздан келмаса, яқин орада адо этилади, шундайми? – жилмайди княгиня Сариа.

– Хуллас, миланлик бир бояқиш исёнга аралашиб қолибди...

Зедельницкий ҳайратини яшира олмасди.

– Тўғри, у чиндан-да исёнчи. Лекин бунинг сабаби бор: князь Меттернихнинг шарофати билан урушларга чек қўйилди, ёш-яланг бекорчиликдан зерикиб, тўқликка шўхлик қилади, полиция эса қамайди-қўяди. Мен айтган йигитча ҳам шундай, Миландами ё бошқа бир жойдами, авахтада ётибди.

Меттерних рақибларининг хаёлидаги гапни уқиб олишга устаси фаранг эди. У Наполеон, Талейран, Фуше, лорд Кастельрэ, Каподистрия, Нессельроде, Ришельедай арбоблар билан неча марталаб кўришган бўлса, уларнинг тили айтмаётган, аммо дилида қайнаётган ниятини кўзидан била оларди. Аммо ҳозир ҳарчанд тикилмасин, княгинянинг қароқларида самимият ва олийжанобликдан ўзга ҳеч нимани кўрмади.

– Жин урсин, – хитоб қилди у, – иш сиз ўйлагандан кўра чигалроқ. Хўп, қани айтаверинг-чи.

– Ўша гўр йигит Венага қандайдир ҳужжатларни олиб келиши керак экан. Хўш, аслида унинг ўзи нимаю, қоғози нима бўларди? Тинтув чоғи ҳужжатлар менга ўтиб қолибди денг. Ҳозир улар менинг қўлимда турибди.

Граф Зедельницкий таажжубдан бир сўз айтолмай қолганди. Сир бой бермасликка одатланган Меттерних кулимсираб сўради:

– Сизнинг қўлингизда?

– Ҳа, менда, князь жаноблари. Менинг нарсаларимга билинтирмай аралаштириб қўйибди-да. Эртаси куни топиб олдим, лекин ўша қоғозларга тузоқ қўйган қўлларга бергим келмади. Кечагина тунда

ёстигимнинг остигача кавлаб кўришди. Уни сизга илиндим, олийҳиммат ва марҳаматли вазиргина бу ҳужжатларнинг қадрига етиб, муносиб баҳолаши мумкин деб умид қилдим. Мана ўша қоғозлар, кўлингизга топширгани олиб келдим.

Княгиня икковиниям тонг қолдирганди.

Граф Зеделъницкийнинг ҳам мамнун, ҳам дилхун бўлди. Изқуварлик сезгиси алдагани йўқ, бу – тўғри, бироқ княгиня душман эмас, полициянинг ҳамтовоғи экан-да. Шубҳа йўқки, хоним доғда қолдирди, аммо графнинг шаънига путур етгани йўқ. Канцлерга келсак, у ўринбосаридан кўра олисни кўра биларди, у шундай деди:

– Ақлим етиб турибдики, княгиня, ўша йигитча афв этилиши эвазига ҳужжатларни олишни таклиф қиласиз-да, шундайми?

– Бе-е! – деди княгиня мағрур оҳангда. – Мен фақат нодон бир исёнчига гўзал чеваримни узатиш қайғусидаман ва шуни ҳам айтиб қўяйки, икковини Австрия ҳудудидан имкон қадар олисларга жўнатишни ўз зиммамга оламан. Аммо бу эзгулик учун сиздан умрбод қарздор бўлиб қолмоқчиман ва бу яхшиликнингизни сотиб олиш ниятим йўқ. Полициянгиз топа олмаган ҳужжатларни эса марҳамат, ола қолинг.

У шундай деб, Бонапартчилар оиласининг мактубларини виқор билан канцлерга узатди.

Зеделъницкий эса узрхоҳликка ўтди:

– Умидворманки, княгиня, хизматим мажбурияти боис назоратда тутганим учун мени афв этасиз. Аслида сизни эмас, ҳамроҳларингиз бўлмиш шубҳали шахсларни текширувдан ўтказгандик, холос.

– Йўғ-е! Мени полиция текширдими? Қаранг-а, буни сезганим йўқ.

– Бунисига нима дейсиз? – кесатди канцлер полиция бошлиғига. – Энди сиз учун анави доводир агентни Миланга қувиб солишдан ва княгиня қизиқаётган йигит ҳақидаги афвномани ҳузуримга олиб киришдан бўлак юмуш қолгани йўқ. Кейин афвномани княгинянинг чеварларига етказиб берасиз. Мабодо, сиз уларнинг қаерда туришини билмасангиз, – деди канцлер кинояли табассум билан давом этиб, – айта қоламан: чеварлар «Оққуш» меҳмонхонасида княгиня билан бирга турадилар.

– Йигитнинг оти нима эди, княгиня?

– Фабио Гальдони.

Зедельницкий ёзиб олди ва таъзим қилиб чиқиб кетди.

Полина ҳалигача енгил отишма бўлиб, ҳал қилувчи жанг энди бошланишини пайқаб турарди. У Меттернихнинг феълени яхши биларди ва бошқалар фаҳмламаса-да, канцлернинг манглайида ҳосил бўлган тугундан англаб бўлганди: у асосий зарбага ҳозирлик кўрмоқда...

Меттерних княгиняга бепарво қараб олди-да, боққа чиқиладиган мрамар зинапояга йўл олди. Княгиня унга эргашди. Бу хийлагина холи жой бўлиб, бировнинг халақит қилиши ёки пинҳона гап пойлаши мумкин эмасди. Бундан кўнгли тўқ Меттерних қўлидаги хатжилдга ишора қилиб сўради:

– Аслида бу саволим ортиқча: сиз бу номаларни ўқиб, танишиб чиққансиз, тўғрими?

– Албатта! Ишончингиз комил бўлсинки, агар уларнинг бирор камчилиги бўлганда, сизга бермасдим.

– Йўғ-е!

– Рост. Мен у қоғозларни йўқ қилардим ва сизга ялинмай қўя қолардим.

– Тўғри, буни сиздан кутса бўлади. Бироқ иқроор бўлинг-чи, буларни меҳмонхонада қолдириб, эҳтиётсизликка йўл қўйгансиз. Ўйлаб кўринг: ахир бу нома-лар қанчалар арзимас бўлмасин, агар полиция улар-ни сиздан топганида, бошингиз балога қоларди!

– У ёғидан ташвиш чекманг. Венага келибоқ бу хатларни ва жавоҳиротларимни эрцгерцогиняга топ-шириб, сақлаб беришини сўраганман. Ўзингизга аён-ки, Вена меҳмонхоналари хавф-хатар ўчоғи-ку! Бугун эрталаб омонатларимни ҳазрати олияларидан қайта-риб олдим ва сақлаб тургани учун раҳмат айтдим.

– Ўтқирсиз, жудаям ўтқирсиз, княгиня! – хитоб қилди тонг қолган Меттерних. – Қанийди, сиздақа дипломатларим бўлса.

Кўнглида шуни ҳам таъкидлади: «Полициячиларим ҳам сизга ўхшаса эди!»

– Демак, айтишингизча, айни хатжилдларда... – деб бошлаган канцлерни княгиня тўхтатди ва гапни бошқа ёққа бурди:

– Арзимас бачкана гаплар, холос. Бонапарт ои-ласига мансуб тўрт шаҳзоданинг мактуби бор: улар ёш қариндошларига маслаҳат бериб, Шенбрундан қочишга ва Францияга боришга даъват этишмоқда. Уларнинг бу ҳақда нималар дейиши эса сизга олдин-дан маълум.

– Тўғри айтасиз, княгиня. Мен ўша шаҳзодалар-га олдиндан жавоб ҳозирлашга саъй қилиб, сизнинг маслаҳатингизни эсладим. Кечадан бошлаб герцог Рейхштадтскийни мутлақо ўз ҳолига эркин қўйиб, тақиқланган мевадан тотинишига имкон яратдим. Ушбу масаладаги мурувватимни тасаввур қила оли-шингиз учун биргина янгиликни айтсам кифоя. Бугун эрталаб Наполеонзода ўз полкани илк бор жанговар

кўриқдан ўтказди, билгич ҳарбийларнинг айтишларича, у полкка қўмондонликни аъло даражада уддалаган. Бугун унинг кўзлари яшнаб турган экан, аминманки, ундаги шодликда сизнинг улушингиз чакана эмас.

– Наҳотки?

– Сиз мен билан очиқчасига гаплашдингиз ва мен ҳам сиздан ҳеч нимани яширмайман: менга шундай маслаҳат берганингизни ўзига айтдим-қўйдим.

Полинанинг кўз олди қоронғилашди ва канцлернинг косаси остидаги нимкосани дарров пайқади. Унинг ранги ўчиб титраркан, Меттернихга сўзсиз тикилганича гапнинг индаллосини кутарди.

– Ахир менинг ўрнимга ўзингизни қўйиб кўринг, – дея давом этди Меттерних гапнинг дангалига кўчиб, – шароит ва муомалани кутилмаганда ўзгартирганимга унинг юриш-туриши сабаб бўлган деб изоҳлолмайман-ку, тўғрими?

– Аммо у ерда мендан ўзга шоҳидлар ҳам бор эди.

– Тўғри, масалан, эрцгерцог Карл ўша жойда турганди, бироқ уни аллазамонлардан буён биладан ва унинг сўзи менга таъсир ўтказолмайди. Умуман, кунда-шунда мушовурларимнинг маслаҳатини камина жиддий қабул қилган эмасман. Йўқ, менинг кўзимни оча олгувчи шахс тамоман янги, соҳир, соҳибжамол ва доно бўлмоғи даркор эди.

– Демак, ўша шахс гўё мен бўлиб чиқдимми?

– Топдингиз. Сизнинг гулдай нафис ва мушфиқ сўзларингиз қалбимни мумдай эритганини герцогга изҳор қилдим. Башарти, вазир умрида бир марта рост сўзни айтса, бунинг нимаси ёмон? Умид қиламанки, бунинг учун мендан хафа бўлмайсиз, а?

– Бу менга нисбатан хиёнат-да, князь!

– Ҳар ҳолда исёнларда мен айбдор эмасман, зеро менинг қўлимда куч бор, куч!

Меттернихнинг сўзлари ширин ва юмшоққина эса-да, Полинага тикилган кўзлари заҳарли ниятидан аниқ дарак бериб турарди. Унинг нигоҳи огоҳ этардики, княгиня князнинг ишончидан умид қилмай қўя қолсин ва энг муҳими шуки, икки йўлдан бирини танлайди: ё гумаштаси бўлади, ё душман! Учинчи йўл йўқ!..

– Чакки айтибсиз-да, князь, – деди ноқулай аҳволга қолган Полина. – Аммо энди герцог Рейхштадтскийнинг кўзига қандай қарайман? Худо кўрсатмасин, у менга миннатдорчилик билдириб қолса-чи?

– Албатта, билдиради-да.

– Тасанно, мени боши берк кўчага тиқиб қўйибсиз! Минбаъд хуфиёна маслаҳатчи ролини ўйнарканман...

– Оғирроқ бўлсангиз-чи, қандай рол ўйнасангиз ҳам, герцог сиз ҳақингизда янглишмайди. Чўқинтириш айёмининг аввалидан охиригача сиздан кўз узгани йўқ. Ростини айтсам, бугун офтобдай чарақладингиз-да ўзиям.

Княгиня норозилиқдан титраб кетди, лекин бир амаллаб ўзини қўлга олди.

– Сиз ер тагида илон қимирласа биладиган одам-сизки, князь, инчунин, аёл қалби севишга ёки аксинча, нафратга қодирлигини ҳам, аммо даллолликни ҳам қилолмаслигини ҳам биласиз, албатта.

– Бу тўғри, хоним. Лекин сиз ҳам шуни унутмангки, камина дўстларимни қадрлашни, душманларимни эса ёмон кўришни дўндириб қўядиган арбобман!

Ана сизга гапнинг дангали! Биркесар канцлер ўзининг ультиматумини очиқ-ойдин айтди-қўйди. У княгинянинг дилидаги пинҳоний режаларни пайқа-

ганми-йўқми, бундан қатъи назар, вазирнинг шартни аниқ: агар Полинага Меттернихнинг дўстлиги керак бўлса, қулларча бош эгади, вассалом!

Сал нарида мураббияси билан қўлтиқлашган қизига кўзи тушди-да, Меттерних бир зумда боодоб ва камсукум сарой мулозими қиёфасига кирди.

– Илтифот қилинг, сизни Венага мен ўзим олиб борай, – деди у Полинага.

– Ҳожати йўқ, миннатдорман, князь. Негаки, мени эрцгерцогиня ўз извошига таклиф этганди.

– Бўпти, азизам, лорд Каули ҳузурида учрашгунча хайр. Бугун ўзингиз билган олийнасаб протеже илк бор элга қўшилади. Қаранг, бу тақдирнинг аччиқ ҳазили эмасми? Наполеоннинг ўғли Англия элчисининг зиёфатида-я! Бўпти, кўришгунча.

Полина ёлғиз қолгач, бу кайфият билан саройга қайтолмаслигини ҳис этди. Боши айланиб, чаккаси сиқа бошлаганди. Гўё уни кимдир қаттиқ ҳақоратлаб кетди, аммо ўзи унга муносиб жавоб қайтаролмай қолаверди. Полинанинг вужуди безгак тутгандай титраб олди ва ҳувиллаб ётган хиёбонлар оралаб шуурсиз тентирай бошлади. Охири ҳолдан тойиб, оёқлари ўзига бўйсунмай қўйди ва тош ўриндиққа оҳиста чўқди.

Меттернихнинг сўнгги сўзлари ҳамон қулоқларида акс садо берарди: «Камина дўстларимни қадрлашни, душманларимни эса ёмон кўришни дўндириб қўядиган арбобман.» Бу таҳдид билан унинг нима демоқчи экани аён: «Сизни шунинг учун танладимки, княгиня Сариа, йўлимга юрмаётган тиниб-тинчимас йигитчани овунтиришингиз, попугини пасайтириб беришингиз керак. Уни қўйдайд ювош қилишингизни буюраман. Уни кишандан сиз озод қилганингизни ўзига

айтганман, энди эса унинг қалбидаги миннатдорликни ишқ ришталарига айлантиришингиз лозим. Бу тахт даъвогарини жазман қилиб олсангиз бас ва мен ҳамма ножўя ишларингиздан кўз юмаман. Аммо бунақа топшириқдан жирканишингизни рўкач қилиб, истагимга қарши турсангиз, ўзингиздан ўпкалайверинг. Ҳар қандай ҳолда ҳам бу режамни тубанлик дея олмайсиз. Негаки, маслаҳат аввал бошда ўзингиздан чиққан.»

Полина ўрнидан оғир кўзгалди ва алам билан пичирлади:

– Ҳа, шундай маслаҳат берганим рост. Аммо мен ҳазиллашган эдим ва Меттернихнинг асири олийжаноб, ёрқин бир сиймо эканини ҳали билмасдим. Мана энди хижолатда қовурилиб ўтирибман, лекин ўтган ишга – саловот, энди олға қараб отни қамчилаш керак. Ғалвирни сувдан кўтарамиз. Фабионинг иши битди. Бу хусусда Меттернихнинг ваъдаси борки, лоақал айни дақиқада шу ваъдага суянишим мумкин. Шарлотта аммаси билан эртагаёқ Миланга отланади, канцлер сўзидан қайтишга улгурмасидан улар Фабиони олиб, Австрия давлат чегараларидан чиқиб олишади. Улардан кўнглим тинчигач, ёлғиз ўзим бемалол ҳаракат қилавераман. Бугун эрталаб ҳам бир фикрга келолмагандим, бироқ манави иккиюзламачилар тўдасига аралашиб, энг жирканч жиноятлар зарбоф ниқоб остида эканини билдим. Бу қабоҳатдан юрагим чилпарчин бўлди ва энди менга ойдай равшанки, энг садоқатли ҳисобланувчи шотирлари менсимаётган бу арбоб ҳеч бир эҳтиромга лойиқ эмас. Шу чоққача давлатлар тақдирига дахл қилишга ҳақли эмасман деб юрардим, энди бас, барча иштибоҳлар батамом барҳам топди. Мен разиллар разолатига ше-

рик бўлишни хоҳламайман. Князь Меттерних, менга қараб қўлқопингизни улоқтирдингиз, мен уни қабул қиламан¹. Майли, жангга кирганим бўлсин! Кўрайлик-чи, ким зўр чиқади: мендаги садоқатми, сиздаги даҳоми? Башарти, ютқазгудай бўлсам, қарздор бўлиб қолмайман.

8. Диана ҳайкали пойида

Меттерних тўғри айтганди. Чўқинтириш чоғи княгиня Сариа эрцгерцогиня Софияни қуршаган сарой хонимлари даврасида бўлиб, герцог Рейхштадтский то маросим охирлагунча ундан кўзини узолгани йўқ. Четдан юзаки кузатган киши бу «кўз машқи»ни бўйдоқ йигитчалардаги аёл гўзаллигига талпинишнинг одатий кўринишига йўйиб қўя қоларди. Бироқ ўта таъсирланиш туйғуси герцог қалбида жуда эрта (болалигида) шаклангани канцлерга аён эдики, шу топда йигитнинг юрагида нафис ҳислар гул очганини у пайқай олди.

Герцог ўзига нисбатан асирларча муносабатнинг мулойим тортиб, яхши томонга ўзгаргани учун канцлерга миннатдорчилик билдирди. Меттерних дарров темирни қизиғида босиб шама қилди:

– Менга бир киши – ақл ва одобда олийжаноб инсон шундай маслаҳат берди ва мен унга батамом ишондим.

Сўнгра у яна бир мунча тагдор жумлаларни ирод қилдики, бировнинг номини тилга олмаса-да, маслаҳатгўй олийжаноб инсон княгиня Сариа эканини фаҳмлаш қийин эмасди. Канцлер бўлгуси муҳаб-

¹ Дуэль таомилига ишора қилинмоқда: қўлқопни улоқтириш – дуэльга чақиришни, қўлқопни ердан олиш – чақириқни қабул қилишни англатади. (*Таржимон изоҳи.*)

бат қиссаси учун ошиқнинг қулогини қиздириб бўлгач, маъшуқани ҳам йўлга солишга саъй қилди.

Аввалига граф Зедельницкийнинг деганлари, ортидан Полинанинг дангалчилиги сабаб бўлди-да, Меттерних бир хавфсираб олди: танланган Далила¹ ошиқ Эгерияга қиё боқмаса-чи? Лекин у Шенбрундан қайтаркан, ўзига тасалли берди: қилган иши заргарона бўлди. Канцлер чексиз қудратига бино қўйиб, ҳамкор маъшуқани тўғри топганидан хотиржам тортди. Унинг ишончи комил эди, муҳаббат лаззати Рейхштадтскийдаги озодлик қутқусини барбод қилди, албатта...

Қош қорая бошлаганди. Полина саройга қайтишга қарор қилиб, атиги икки-уч қадам юриб-юрмасдан герцог Рейхштадтскийга рўпара келди. Йигит Диана хайкали пойида қолдирган эрталабки китобини олгани кетаётган эди. Унинг кўзлари қувончли чарақлаб, княгиня томонга отилди.

– Кўрганимдан жудаям хурсандман, – ҳовлиқди у, – сизни учратмасман деб ноумид эдим.

– Менга айтадиган муҳим гапингиз бормиди, зоти олийлари?

– Бор-да, сизга ташаккуримни изҳор этишим керак.

– Менга? Нима учун?

– Биламан, каминага шундай яхшилик қилгансизки... Шенбрунда шароитим батамом ўзгарди, бунинг учун фақат сиздан миннатдорман.

¹ Далила – Инжил афсоналарида қадимги яхудий баҳодири Самсоннинг маъшуқаси. Босқинчи филистимликлар Самсоннинг куч-қудрати гўё унинг сочида эканини аниқлашган ва Далила уларга сотилган: Самсоннинг сочини кесган ва тутиб берган. (*Таржимон изоҳи.*)

– Сиздай инсондан раҳмат эшитиш мен учун катта шараф, лекин оғзимдан чиқиб кетган биттагина тасодифий сўз бувангизнинг вазирларига бунчалар кучли таъсир қилади деб ўйлолмайман. Мен Венада узоқ вақт бўлганим йўқ, яқингинада қайтдим, сизга бир боргина кўзим тушиб, шунчаки ўз фикримни айтудим, холос.

– Мен ҳам сизни фақат бир лаҳза кўрдим-да, – йигитнинг овози титрарди. – Лекин ўша сониядан бошлаб лобар чеҳрангиз кўз олдидан кетмайди, ўша онда мен қайта туғилдим, ахир.

Сўзларнинг маъносидан ҳам кўра уларнинг изҳори ҳароратли бўлиб, герцогнинг кўксигаги пинҳоний оташни ошкор этиб бўлганди. Полина шу топда ҳам бахтиёр, ҳам хавотир эди. Йигирма ёшли йигитнинг беғубор ташаккури Меттерних ижод қилган тулкиликни аёлнинг эсига солди. У хижолат ичра жавоб қайтарди:

– Зоти олийлари, бугун ўз полкингизни саф кўригидан ўтказибсиз, жангчилар сизни бор овозлари билан олқишлашибди. Ўша дамда анча ҳаяжонланган бўлсангиз керак, албатта.

– Ҳаяжонланганим рост, аммо ҳозиргидан ортиқ эмас. Олдимда истиқбол эшиклари очилар экан, бунинг учун фақат сиздан қарздорман.

– Ҳазрати олийлари, ахир...

– Йўқ-йўқ, эътироз билдира кўрманг. Жигарларимдан, қондошларимдан ҳеч бири, улар мени суюши мумкин бўлса-да, ҳеч қачон бирон истагимни адо қилишни ўйлашган эмас. Афв этасиз, мен ўз фикрларимни чиройли изҳор қилолмайман, бироқ индамай қўя қолишимниям кечириб бўлмайди. Мен меҳр ва ҳамдардлик кўрмаганман, агар кўрсам, унга оташин муҳаббат билан пешвоз чиқаман.

Муסיқадай дилхуш ва соҳир оҳангдаги бу қайноқ сўзлар Полинанинг борлигини ларзага соларди. Лекин ихтиёрини ўғирлаётган туйғудан қўрқар ва уни рад этишга уринар эди.

– Наҳотки, ҳозиргача қалбингиз бирор самимий қалбга боғланмаган бўлса?

– Албатта, боғланган эмас-да. Мана энди ўша бахт муҳайё: биргина ҳамдард ва муродбахш нигоҳингиз юрагимни батамом занжирбанд қилди-қўйди.

– Зоти олийлари!

– Йўқ, сиз бу изҳори дил олийжаноблик билан асирларча ҳаётимга нур бағишлаганингиз учунгина деб ўйламанг. Ҳисларимни тоширган туйғу шуки, энди мен бу ёруғ дунёда ёлғиз ғариб эмасман.

– Хўш, айтинг-чи, мени илк бор Меттернихнинг хонасида учратганингиз сирли кўринмаяптими? Сарой фитналари ва беҳаё комедиянинг қурбонига айланишдан қўрқмайсизми?

Полина бу сўзларни айтишга қандай журъат топганини ўзи ҳам пайқамай қолди. Ахир бу билан йигитнинг юрагига битмас жароҳат солиб, ўз қалбида ниш ураётган покиза туйғуни ҳам топтаб ташлайди-ку! Бироқ аёл Меттернихнинг қабиҳ йўлига юрмасликни, унинг ҳамтовоғига айланиб қолмасликни муқаддас бурч биларди.

– Комедия дейсизми? – сўради герцог соддадиллик билан. – Наҳотки, сиз комедия ўйнай олсангиз? Мен сизни кўриб-билиб турибман, ҳаммаси учун олдингизда қарздорман. Мен фақат шуни биламан, шунгагина ақлим етади, бошқаси билан заррача ишим йўқ!

– Ҳазрати олийлари!

– Биламан, беҳаё фитна-фасодлар ботқоғидамиз ва кечаги жаллодларим бугун ҳам қуролини ташлаган

эмас. Лекин буларнинг бари менинг шу топдаги ҳиссиётларимга мутлақо бегона-ку!

– Ҳиссиётлардан гап очманг, герцог, ўз тақдирингизга хожа бўла олмайсиз, зеро буюк номингизнинг ва эртанги келажакнинг измидаги тарихий сиймосиз!

У княгинянинг қўлларидан тутиб, кўзларига тик боқди:

– Мен учун сиздан бўлак хожа йўқ, фақат сизнинг измингиздаман.

– Йўқ, керакмас! – Полина йигитни нари сурди.
– Мен бундай муҳаббатни орзу қилган эмасман, ўзим севиб қолганман, лекин ўзгача бир инсонни!

– Севиб қолгансиз? Ўзгача бир инсонни?

Ҳислари жўш ураётган Полина ўзини ортиқ тутолмади:

– Ҳа, худди шундай! Мен сиздай, худди ўзингизга ўхшаш йигитни жонимдан ортиқ кўраман, лекин у аёл гўзаллигинимас, ўзининг валиаҳдлик ҳаққини ўйласагина сева оламан.

Туйғулар ёлқинига дош беролмаган герцог тиз чўкиб, бош эгди.

– Йўқ, туринг, қаддингизни тик тутинг: мен суйган йигит тиз чўкмайди, аксинча, ҳаммага фармон беришга ҳақли. Менинг ҳабибим тутқунликнинг ҳақоратли занжири салгина бўшатиlsa – қувонмайди, Пратерда немис аскарларига буйруқ берганидан фахрланмайди.

– Йўқ-йўқ, сиз амр этинг, нима десангиз – ўшани адо этаман.

– Башарти, аввалгидай Меттерних қўлида тутқун бўлишга кўнсангиз, Полинадан умид узинг, у олис бир хилватда ўз орзуларига ўлгунича мотам тутиб яшайверади. Лекин Францияга қайтмоқни, сизни ку-

таётган халқни бахтиёр қилишни хоҳласангиз, қўлла-рингиздан тутиб мен ҳам ёнингизда йўлга тушаман ва сизни абадул-абад суйганим-суйган!

Герцог сўнгги лаҳзаларда тамомила бошқа бир одамга айланиб қолди, у оғиз очаркан, нурли табас-сумдан чеҳраси яшнаб кетди:

– Менинг қалбим сизнинг тилингиз билан сўзла-моқда. Во ажаб! Бу гаплар менинг кўнглимдан отилиб чиқмоқда. Аллақачонлардан бери шундай дегим ке-ларди, лекин айта олмасдим. Сизни топгунимча ёлғиз мазлум эдим, мени ёмон кўрган кимсанинг зулмидан азоб чекиб ётаверардим.

– Энди-чи? – Полина базўр нафас оларди.

– Энди эса сизнинг кўмагингиз билан кишанла-римни узиб, эгнимдаги манави бегона мундирни ечиб улоқтираман. Немисча қиндаги француз қиличи қа-чонлардир эҳромлар пойида ярақлаганки¹, яна қуёш нурида ярақлайди, албатта. Ҳатто қуролим туткун-ликдан халос бўлиб, мен каби озодликка чиқади... Айтинг, ана шунда сизни севмоғимга изн берасизми? Ахир хоки пойингиз орзусидаги ошиқ энди герцог Рейхштадтский эмас, сизга Наполеон Бонапарт бўлиб кучоқ очмоқда.

Полина ўзлигини ҳам, борлигини ҳам унутди, ақл-ли ва эҳтиёткор бўлишнинг, Меттернихнинг жосуси-га айланишдай исноднинг энди аҳамияти қолмаган-ди. У фақат муҳаббатига иқрор, икки оташ юракни боғлаган узилмас риштани тан олади, холос.

Йигит уни авайлаб бағрига босди:

– Ёрим, дилбарим, жоним!

– Агар бу ишнинг охири бахайр бўлишига ишон-масам, сизни зафарсиз якунланадиган беҳуда кураш-

¹ Наполеон Бонапартнинг Миср экспедициясига ишора қилин-моқда. (Таржимон изоҳи.)

га ундамаган бўлар эдим, зоти олийлари. Ахир не-не азаматлар сиз учун жонини тикишга тайёр, ватангингдаги сон-саноқсиз кулбалар ташрифингизга мунтазир.

– Бахтимдан ўргилай, сиз мен учун жонимдан ортиқсиз! – шивирлади шаҳзода.

Бирининг сўзи – боғдан, бошқаси – тоғдан келса-да, бу ҳол фараҳли жуфт қалбга соя сололмасди. Полина севгувчи йигит ишқ йўлида ҳаммасини унутганидан фахрланарди, шаҳзода севгувчи аёл ошиғининг улуғ келажаги учун ўз муҳаббатидан кечишга қодирлигидан бахтиёр.

Полина ахийри сўзлашга куч топди:

– Бироқ кўриб турибманки, жиддий масалада қанча гапирмайин, шу топда биттаси ҳам қулоғингизга кирмайди. Хаёлингиз бошқа ёқда: мен азиз бошингизга тож кийдирсам дейман, сиз эса оёқларимга гул қўймоқчи бўласиз...

Полина шундай дея Гермина Меттерних китоб устига ташлаб кетган гулга ишора қилди.

– Анави атиргулнинг латофатини кўринг.

– Қўяверинг, ахир унга кимнинг қўли текканини билмаймиз-ку.

– Лекин биз қалбларимизни очган онларда шу маъсума чечак гувоҳ эмасмиди?

– Йўқ-йўқ, – ошиқди йигит, – мен уни маъбуданинг пойига қўяман, сиз учун эса гулларнинг энг сарасини ҳадя қиламан.

У атиргулни Диана ҳайкали остидаги супачага қўйди-да, икки қадам олға босиб овоз берди:

– Франц, ҳой Франц!

Полинанинг қути учди:

– Нима? Нима қилмоқчисиз?

– Дўстимни чақирдим-да. Ёруғ дунёда ундан бўлак садоқатли ҳамдардим йўқ. Ўз шодлигимни ундан яшира олмайман ва бу қувончни қалбимга бахш этган азизамни у ҳам кўриб қўйишини истайман, – шаҳзода буталар орасидан мўралаган Францга мурожаат қилди:

– Дўстим, гулларнинг энг чиройлисини олиб келгин, фақат энг нафисини!

Мўйсафид боғбон хожасининг амрини адо этаркан, Полинанинг хаёлидан бир гап ўтди: «Миландан келган махфий мактублар муаллифи оғзидан бол томиб тилга олган Франц Шуллер айнан шу киши эмасмикан?»

– Нега ўйланиб қолдингиз? – герцог унинг қўллари ташналик билан ўпа кетди. – Энди ўйлашга ҳожат йўқ: тез орада Францияга отланамиз, вассалом.

– Анави содиқ маҳрамингиз хаёлимни олди, – деди княгиня қўллари оҳиста бўшатаркан. – Исминини Франц дедингиз шекилли, жуда мункайиб қолибди-да?

– Ҳеч-да, ҳалиям бировга бўш келмайдиган аскар эканини сездирмаслик учун ниқобланиб олган, холос.

«Худди ўзи», – кўнглидан кечирди Полина.

– Берироқ кел, азизим, – деди йигит, – сен бу хонимни яхшилаб таниб ол, исми княгиня Сариа. Менга қандай содиқ бўлсанг, бу аёлга ундан ҳам ортиқроқ садоқат билан хизмат қиласан. Тушундингми?

– Тушундим, хошам.

– Яхши гулни топибсан, Франц, лекин бундан ҳам ажойиблари бор эди.

– Албатта, бор, лекин Сен-Клуда, – деди қария пинагини бузмасдан. – Ижозатингиз билан сизга икки оғиз арзим бор эди.

– Айтавер. Княгинядан яширадиган сирим йўқ.
Франц сўзларини кимдир эшитиб қолмаслиги қай-
гусида атрофга азмойишкорона қараб олди, унинг
овози титроқ ва қатъий эди:

– Сиз билан хайрлашгани келдим.
– Нега?
– Бу ердан кетмоқчиман.
– Ие, бу нима деган гап? Сенга рухсат йўқ.
– Хизматингизга ярамаяпман, хошам. Энди қариб
қолдим, оёғимни узатиб ётмасам бўлмайди.

– Беҳуда гап. Ишонгим келмаяпти айтганларинг-
га. Бирон нимани яшираётган бўлмагин?

– Дарҳақиқат, яширгандим. Шенбрунда жиним
суймайдиган бир кимса пайдо бўлиб қолдики, энди
бу даргоҳда ортиқ тутолмайман. Қўрқаманки, у ҳузу-
рингизда пашшахўрда бўлаверади ва сабр косам тўла-
ди-да, ким эканини, қора қилмишини бетига шартта
айтаман-қўяман. Бироқ бундай қилишим яхшимас,
ундан кўра кетиб қутулганим аъло-да.

Герцогнинг гумонича, Полинанинг келиши Франц-
га ёқмаётгандай туюлиб, унинг сўзини бўлди:

– Хўш, жининг суймайдиган ўша меҳмон ким ўзи?
Сенингча, кимни ҳайдаб солайин, кимни қабул қи-
лайин, а?

– Менга муомалангиз галатиноқ бўлди, ҳазрати
олийлари, – деди Франц ранжиган оҳангда. – Ваҳо-
ланки, нима демоқчилигимни тушуниш қийин эмас-
ди: ахир мендай содиқ бир аскар отангизни ёвларга
сотган ўз генералини кўришга тоқат қилолмайди-да.

– Мармонни айтяпсанми?

– Бошқа кимниям айттайин? Эрталаб уни саройда
учратдим, эшитишимча, сизга муаллим бўлармиш.
Фақат ақлим етмай қолди: у нимани ўргатади? Оғир

кунда ўз ҳукмдорига хиёнат қилишдан, хоинлик илмидан сабоқ берадими?

– Франц! – ўшқирди граф Рейхштадтский.

– Албатта, сиз ўзингизга – хон, ўзингизга – бек инсонсиз, ҳазрати олийлари, унинг сотқинлигига қўл силтаб қўя қолишингиз мумкин. Аммо мен ундай қиллолмаман. Уни кўриб, илк бор уялдим, у билан бир сафда жанг қилган аскар эканимдан орим келди-да. Йўқ, унга қайтиб кўзим тушмаслиги керак.

Олийжаноб ва тозадил мулозим Полинани тонг қолдирди ва унга жавобан герцог нима дейишини қизиқиб кутарди.

Шаҳзода ўзи билмаган ҳолда марҳум отаси каби Францнинг кулоғидан чўзди ва пўписа қилди:

– Ҳеч қаерга кетмайсан, менинг амрим шу! Жим бўл ва яхшилаб эшитиб ол. Айт-чи, сарой югурдакларини либосини кийган полиция агентларини Мармоннинг сабоқларига рўпара қилсак-да, ўзимиз Францдаги интизор дўстлар қошига жўнаб қолсак, сен нима деган бўлардинг, а? Олтин қафас ичида ўтиравериш жон-жонимга тегиб бўлди, ватанимга қайтишни хоҳлайман! Хўш? Шундаям мени ташлаб кетаверасанми?

– Йўқ, бунчалар телба бўлган эмасман, – деди қувонганидан эси оғаёзган Франц ва оғзини катта очди. Агар иккала ёш тўхтатиб қолишмаганда, унинг «Яшасин император!» деб ҳайқариши ҳеч гап эмасди.

Боғбон Полинага диққат билан назар соларкан, герцогдаги кутилмаган ва дилхоҳ ўзгариш шу аёл туфайли эканини кўнгил кўзи билан кўра билди. Сўнг-ра мамнун қиёфада бош ирғади, эҳтиром билан таъзим бажо қилди. Тобора ийиб бораётган Полина ҳам эски қадрдонлардай илтифот билан қўл чўзди.

Франц бахтиёр ёшларни холи қолдириб, олислаб бораркан, ҳайкал пойидаги герцог қўйган гулга кўзи тушиб қолди ва кўнглидан ўтказди:

– Ие, мен Меттернихнинг қизига берган гулларнинг биттаси-ку! Уни нима жин уриб, бу ерга ташлаб кетибди?

Полина ҳам ҳайрон: «Ғалати-да!» – дерди у княгиня Меттерних қўлида худди шундай атиргул кўрганини эслаб...

Ёшлар яна бир муддат ёлғиз қолишгач, Полина узр сўради:

– Энди саройга қайта қолайлик, билъакс, бизни излаб, боғни ағдар-тўнтар қилиб юришмасин. Хайрлашув олдидан, зоти олийлари, ошкор айтгим келадики, ҳозирги дамлар мендан кўра сизнинг ҳаётингизда ҳал қилувчи бурилиш бўлиб қолиши мумкин. Мен сўзимдан тонмайман, сизга нисбатан кўнглим ўша-ўша. Лекин сиз ҳисларингиз тошган ўткинчи лаҳзадаги ваъдангиз занжирига банди бўлиб қолишингизни асло истамайман, ҳаммасини тарозига солиб, қайтадан ўйлаб кўришингиз керак. Мен сизнинг шон-шарафингиз учун бахт-иқболимни қурбон қилишга шай бўлсам-да, ҳаётингизда ҳеч ким эмасман ва тақдирингизда аҳамиятли аёл бўлишни даъво қилмайман. Истасангиз, менга нисбатан ҳамма ваколатни сизга бердим, менинг эса сизда ҳеч бир ҳақим бўлмайди. Ўйламасангиз иложи йўқ: герцог Рейхштадтский бўлиб қолиш ҳам, император Наполеонга айланиш ҳам ўз измингизда...

БЕШИНЧИ ҚИСМ

ҚОПҚОН

1. Чораларга қарши чоралар

– Ҳозир, шу топдаёқ Миланга қайтариб юбораман, эшитяпсизми? Менинг ижозатимсиз ўзбошимчалик қилмасликни буюрганам эсингизда йўқмиди? Сиз эса ярим кечада бостириб кириб, ғаладонларни, сандиқ ва жомадонларни титкилаб юрасиз. Аҳмоқлигингиз шу даражага бордики, қўлга тушиб ўтирибсиз.

– Мени ушлаганларича йўқ.

– Бари бир сизни кўришдими, ўғрилардай қочиб қутулдингизми, ахир? Вена полициясининг «ўткир»-лигини кўринг, ўз ландовурлигини бошқаларга тўнкаб қўя қолади.

Бу асабий суҳбат ҳам ўша кунни бўлиб ўтди, граф Зелдоницки билан Галлони ўртасидаги айтишув қуйидагича давом этди:

– Тўғри, режам пучга чиқиб қолди, айбимга тўлиқ иқрорман, ҳар қандай жазога лойиқ иш бўлди, – гулдирди изқувар. – Бироқ ўша ҳужжатлар княгиняда эканига аминман, ҳеч ким мени бу фикрдан қайтаролмайди.

– Энди унда қоғоз-поғоз қолгани йўқ, ҳаммаси менинг қўлимда. Кўриб турибсизки, бизда сизнинг хизматингизга сираям муҳтожлик йўқ.

Ана шу зарба изқуварни тириклайин ўлдирди-қўйди. Аммо у ўз хунарига мутаассибларча муккасидан кетган эди, ўзи итдай уриниб эпполмаган юмуш ким томонидан қандай уддаланганини билиб қўймаса ҳеч тинчимасди.

Бироқ граф Зедельницкий буни айтишни истамаса-да, Галлони ёлвориб-ялтоқланиб туриб олгач, шартта «ёрилди»:

– Хужжатларни канцлернинг қўлига княгиня Сариа ўзи топширди.

– Ҳа-а, – хитоб қилди Галлони, – демак, мен янглишмаган эканман. Қоғозларни бу хотин Миландан олиб келган. Шубҳаларим тўғри чиқди. Уларни канцлерга ўз қўли билан топшириш учунгина ўмарган.

– Ўмарган? Асло унақамас, қоғозлар эртасига – сиз беҳуда тинтув ўтказгач, хонимнинг буюртмалари орасидан чиққан.

– Кечириб қўядилар энди, – изқуварда бояги хижолатдан асар ҳам қолмаганди. – У дўкондан ҳеч нима олмаган.

– Сиз қаёқдан биласиз?

– Чунки у буюрган матолар ҳозир ҳам ўша дўконда ётибди. Учала аёл Миландан жўнаб кетгач, мен ўз кўзларим билан кўрганман.

– Рост гапиряпсизми?

– Рост.

– Эсингиз жойидами ўзи? Яна ўз билганингиздан қолмаяпсиз, кибор хоним, яъни Меттерних ва эрцгерцогинянинг эркатоий бўлган бир аёл бошини балога қўйиб, полиция қидираётган муҳим ҳужжатларни ўғирлаши ҳақида чўпчак айтиб ўтирибсиз.

– Чўпчакмас, фикр-мулоҳазамни айтдим.

– Истаганингизча фикрлаб, мулоҳаза қилаверинг, фақат менинг идорамда эмас. Гапимни эшитяпсизми? Вена полицияси шахсий таркибидан бўшатилингизни билдириш ва Милан полицияси бошлиғига бериладиган манави ҳужжатларни олишингиз учун ҳузуримга чақиртиргандим. Тушундингизми?

– Худо ҳаққи, мени жувонмарг қилманг, – ёлвора кетди шўрига шўрва тўкилган Галлони. – Хатоларимни хатга битган бўлсангиз, полициядан думимни ту гишади-ку! Ўзингизга аёнки, ишдан ҳайдалган мендек изқувар очликдан ўлади, холос.

– Нималар деяпсиз ўзи? Бу қоғозда сиз тўғрингизда бир оғиз сўз йўқ. Унга канцлернинг қамоқдаги Фабио Галлонини афв этиш ҳақидаги фармони ёзилган.

– Фабио озод қилинадими?

– Шундай.

Аслида бу хабар изқуварни буткул адойи тамом қилишга арзирди, аммо аксинча бўлиб унинг юзи яшнаб кетди. Ҳозиргина энг мушкул масаланинг ечимини топган математик қиёфасига кириб, бошини ғоз тутиб хитоб қилди:

– Мана энди ҳаммасини тушундим.

– Ие, яна нимани тушуна қолдингиз?

– Бу можарога тикувчи аёлларнинг нима дахли борлигига ҳеч ақлим етмаётганди, ҳозир шуни топдим. Мен хизмат юзасидан тинтув ўтказаётиб, княгиня Сариага ёқмай қолганман ва у ёш карбонарийнинг қоғозларини яширган. Йигит ҳибсга олингач, чеварлар ваҳимага тушиб қолишди ва княгиня уларга Фабиони озод қилишда ўз хизматини таклиф этган. Хоним ҳужжатларни худди ана шу муддаода канцлерга топшириб, муродига етган. Княгиня заргарона иш қилган ўзиям. Аммо у яна қандайдир қоғозларни олиб қолганийикин ёки ёндириб юборган бўлса-чи?

Граф Зедельницкийнинг жаҳли чиқди:

– Нима бало, яна жиннилик қилмоқчимисиз?

– Ҳа, жаноби олийлари. Фабиодаги ўша хатжилдда Бонапартлар оиласи герцог Рейхштадтскийга йўллаган мактубдан бўлак муҳим ҳужжатлар ҳам бўлган.

Албатта, чеварлар уларни фoш этишга йўл қўйишмасди, негаки Фабионинг жинояти очилиб, калласи кетарди-да.

– Ўша ҳужжатлар мавжудлигига аминмисиз?

– Бунга ишончим комил, жаноби олийлари.

Вена полициясининг бошлиғи ўйланиб қолди. Унинг миясида ҳозирча хомроқ бўлса-да, бир фикр тугилди: демак, княгиня Сариадан ўч олиш ва канцлер қошида полициянинг сиёсий хушёрлигини исботлаш имкони бор. Аммо бунинг учун Галлонининг хизмати зарур, аслида у жуда ўткир ва толмас изқувар, касбига содиқ шахс.

– Бўпти, – деди граф Зедельницкий. – Ҳозирча Вена полициясида қолдираман, хатоларингизни ҳам кечираман, лекин сиз уларни ювишингиз керак.

Омади яна чопган Галлони хитоб қилди:

– Ташаккур, жаноби олийлари. Ақлим етиб турибди, рақибам илоннинг ёғини ялаганлар тоифасидан. Шу боис у шохиди юрса, биз баргида юрамиз-да, ҳозирча княгиняга мутлақо тегмай турамыз.

– Унда ишни кимдан бошлаймиз, чеварларданми?

– Йўқ, улар икковиям княгинянинг қўлида-ку.

– Хўш-хўш?

– Герцог Рейхштадтскийдан бошлаган маъқул. Ижозат этсангиз, режамни айтардим.

Полиция бошлиғи рухсат бергач, Галлони гапга тушди.

2. Графиня Камерата

Венада анчадан буён қизиқ бир табиатли жувон яшарди. У Элиза Бонапарт¹ ва граф Бачьокининг қизи бўлиб, бинобарин, Наполеоннинг жияни эди. Уни

¹ Анна-Элиза (1777 – 1820) – Наполеоннинг синглиси. (Таржимон изоҳи.)

неополитанлик бадавлат зодагонлардан бирига уза-тишган ва олийжаноб куёв рафиқасининг ҳамма хур-мача қилиқларига филдай бардош қиларди. Графиня Камерата йигитларни доғда қолдирадиган чавандоз эдики, энг асов арғумоқларни ҳам қўйдай ювош қила оларди. Тўппончадан парвоздаги паррандани отиб тушираверади, умуман, атлетик машқлар орасида у уддалолмайдигани йўқ. Бироқ ўқишни, ақлини ишла-тишни ҳеч қачон суйган эмас. Тарих илми бўйича ол-ган тушунчаси биттагина: тоғаси Европанинг илгариги шоҳаншоҳи эди, тоғаваччасини эса ҳозирда Шен-брун зиндонида кишанлаб қўйишган. У фақат ана шу «билими»га асосланардики, қандай бўлмасин, герцог Рейхштадтскийни банддан озод қилиши шарт.

Бироқ унинг юз-кўзи шоҳона сирини ҳар қадамда фош этиши аниқ. Камерата тоғасига қуйиб қўйган-дай ўхшарди. Шу боис графиня Венага қадам қўй-ган кунданоқ полиция ҳар бир қадамини кузатарди. Боз устига Камератанинг оғзи полвонки, Шенбрун-даги тутқун билан учрашмоқ ниятини бировдан яширган эмас.

Кунлардан бир куни у шаҳзодани барон Обена-уснинг уйида учратиб қолди ва зинапояда тўхтатиб, қўлларидан тинмай ўпаверди. (Барон йигитга тарих-дан сабоқ берарди.) Ўшанда герцогнинг ёнидаги граф Дитрихштейн уни туртиб четга сураркан, дарғазаб Камерата айюҳаннос солди:

– Ўзимнинг тоғаваччам ва ҳукмдоримнинг ўғли билан кўришиш мумкин эмасми?!

Ўша-ўша герцог Рейхштадтский уни қайта кўрган-ни йўқ. Лекин полиция графиня Камерата шаҳзодага йўллаган икки мактубни қўлга олиб, граф Зеделъниц-кийга топширганди. Галлони ўз режасини баён қила-

ётган дамда графинянинг учинчи номаси ҳам полиция бошлигининг қўли остида эди.

– Менимча, – дея сўз бошлади изқувар, – герцогнинг кўнглига қутқу солганимиз маъқул. Яъни, унга қочиб кетиш режасини етказамиз, аммо бу таклиф биздан чиққанини билдирмаймиз. Агар янглишмасам, княгиня Сариа герцогга тегишли махфий ҳужжатларни аллақачон етказиб бўлди. Таклифга шаҳзоданинг жавобидан унинг асл мақсади аён бўлади ва энг муҳими шуки, герцогнинг истиқоматхонасида тинтув ўтказиш имконига эга бўламиз.

– Каллангизга қойил. Аммо герцогни шубҳалантирмасдан қўзғолончи сифатида унинг қўйнига кира оладиган уддабурони қайдан топамиз? Тўхтанг-чи...

Полиция бошлиғи қоғозлар орасидан графиня Камератанинг хатини топиб, изқуварга узатаркан, бу хонимча хусусидаги гапларни айтиб берди. Зедельницкий мактубни овоз чиқариб ўқиди:

«Герцог Рейхштадтскийга.

1830 йил, август.

Муҳтарам шаҳзода! Сизга учинчи бор нома ёзиб билмоқчи эдимки, илтифотингизни аямай жавоб берсангиз: Австрия эрцгерцоги бўлиб қолаверасизми ёки Франция шаҳзодаси бўлиб майдонга чиқасизми? Агар маслаҳатларимни маъқул топиб, сизни қафасга солган мамлакатни тарк этишга саъй қилгудай бўлсангиз, иродангиз қудрати ҳар қандай зовни бемалол кунпаякун эта олишига ўзингиз амин бўласиз. Ана унда сиз мен билан сўзлашмоқнинг минг бир имкони топасиз, мен эса танҳоманки, қўлимдан ҳеч бир иш келмайди. Фақат огоҳ бўлинг, худо ҳаққи, ҳеч кимга

ишонманг. Ахир Франция ва ошлангиз аъзолари сизни ўлдига чиқариб бўлишганини ўйламайсизми? Марҳум падарингиз дўзах қийногига маҳкум этилганини, сизнинг суратингизга боққанча ёруғ дунёдан кўз юмганини эсласангиз бўлмайдами? Шаҳзодам, дам ганимат, қулай фурсатдан фойдаланиб қолинг, бой бериб қўйманг. Эҳтимол мактубим чўзилиб кетгандир. Менинг тақдирим – сизнинг қўлингизда. Ушбу хатни сизга элтувчи киши жавобингизни ҳам менга келтира олади. Умид қиламанки, фурсатингизни дариг тутмайсиз.

Наполеона Камерата.»

– Бу графиняни бизга худонинг ўзи етказибди-да! – хитоб қилди Галлони Зедельницкий мактубни ўқиб тугатгач. – Шундай қилайликки, бу хатжилд герцогнинг қўлига етсин ва «почтачи» жавобиниям олиб қайтсин.

– Бунинг йўли жуда осон, – деди граф. – Аммо бировга тишингизни ёрмайсиз. Канцлерга эса режамиз мева бергачгина айтамыз.

Бошлиқ ва изқувар бу гал содиқ ҳамкорлар мисоли хайрлашдилар.

3. Икки хил жавоб мактуби

Эртаси куни тонг чоғи Франц Шенбрун боғидаги ўз юмушлари билан банд эди. Иттифоқо ёрдамчиларидан бирига кўзи тушиб қолди: у Готлиб исмли чорпахил ва бақалоқ немис бўлиб, Дитрихштейннинг камердинери билан сирли қиёфада пичирлашаётганди. Бу суҳбат бир неча дақиқа давом этиб, Готлиб оҳиста Франц қошига келди ва алланарсалар деб минғирласа-да, ҳеч гапи қовушмасди.

– Нима гап ўзи? – сўради кекса ҳарбий. – Ишларинг жойидами, нега довдирайсан?

– Тўғриси айтсам, Франц, менга шундай бир юмушни юклашдики, уни қандай адо этишга ақлим етмаяпти. Қўлимдаги хатни бировга беришим керак, лекин бу иш мендан кўра сизга ўнғайроқ эди. Менга ёрдам қилолмайсизми?

– Хатинг кимдан ва кимга аталган?

– Кимданлигини билмайман, оладиган киши эса аниқ – кичкина Наполеон.

Францнинг юраги ҳаприқса-да, бир амаллаб ўзини тутди ва бепарво қиёфада деди:

– Нега ўзинг топшира қолмайсан?

– Сизга осонроқ-да. Герцог одатда кечки сайр чоғи мана шу ерлардан ўтади. Сиз билан гаплашиб туради-да, а? Бизга эса ҳалигача бирор оғиз сўз қотганмас.

– Тўғри, у жуда камсухан, лекин ҳамишяам сукут сақлайвермайди.

– Франц, у нималарни гапиради, айтолмайсизми?

– Князь Меттерних буюк арбоблигидан, граф Дитрихштейн эса олийжаноб ва илтифотли эканидан гапиради-да, ўйлайманки, сен унга ёқиб қолардинг. Хўш, ўша қоғоз қани ўзи?

– Шу ерда. Биров билиб қолмасин-да, иннайкейин, жавобини бир йўла олиб кетишимни ҳам шипшитиб қўйиш зарур.

– Хўш, жавобига ўзинг келасанми?

– Албатта.

Герцог Рейхштадтскийга тузоқ қўйишаётганини Франц фаҳмлади ва шаҳзодани хатардан сақлашнинг яхши усули уларнинг бу ҳийласида иштирок этиш деб ўйлади!

– Ўзинг бемалол уддалайдиган ишни нега менга оширяпсан? – деди Франц ясама соддадил оҳангда. – Бўпти, лекин айтгин-чи, башарти бу хизматни адо этсам, граф Дитрихштейн мендан ранжиб қолмаслигига кафил бўла оласанми?

– Йўқ, бу ёғидан хавотир олманг, негаки мактуб унинг қўлидан ўтган. Бироқ бу ҳақда индамайсиз.

– Келишдик, анави хиёбонда нимчам ётибди, мактубингни ўшанинг устига қўяқол. Қўлларим чанг, шу боис қоғозни ололмайман. Майли, боравер, топширигингни бир амаллайман-да.

Франц Готлибнинг ортидан қараб қоларкан, кўнглидан кечирди: «Қизиқ, граф Дитрихштейн ўзи бера қолмасдан хуфиёна йўл билан юборади-да, хатнинг жавобини ҳам ўша йўл билан пинҳона олмоқчи бўлса-я. Бу ерда фитна борга ўхшайди».

Аслида сирли мактуб графиня Камератанинг дийдиёномаси бўлиб, полиция бошлиғи сарой теварагида ғужғон ўйнаётган агентларидан бири орқали Шенбрунга киритганди. Граф Дитрихштейн бу найрангдан буткул беҳабар, у хатни кўрган ҳам эмас, Готлиб ёлғон гапирганди. Полиция бошлиғи ва Меттерних шаҳзоданинг устози бўлмиш юмшоқфеъл, аммо ҳалол графнинг бу иштирокини ақлга сиғдира олмасдилар. Иккови унинг эпсизлигидан, айниқса, тўғри феълидан қўрқишарди. Австриядаги бообрў сулолардан бирига мансуб граф Дитрихштейн машхур номи ва мақоми билан Наполеонзода теварагидаги киборларнинг ҳам нуфузини ошириб турарди. Лекин у ўз обрўсидан ўзи фойдаланмагани устига ёнгинасидаги қабоҳатларни ҳам билмасди. Шундай бўлса-да, саройда югурдак, ишчи, боғбон ниқобидаги полиция агентлари тўлиб ётгани унга маълум. Зотан, улар

граф Зедельницкий билан мунтазам алоқада бўлиб, Шенбрундагиларнинг босган ҳар бир қадами ҳақида чақимчиликни канда қилмасдилар.

Франц ўша куни оқшом чоғи шубҳали мактубни герцог Рейхштадтскийга топшираркан, у ёқ-бу ёққа аланглаб олди-да, паст овозда қўшиб қўйди:

– Эҳтиёт бўлинг, бу хатда бир гап бор. Унда нима-лар ёзилганидан хабарим йўқ, лекин у шубҳали қўл-лардан ўтиб келди.

– Гапинг тўғри, – деди шаҳзода номани ўқиб чиққач, – қара, ўша қариндошимни барон Обенаус-никида бир мартагина кўрганман, холос, аммо анави аблаҳлар менга қарши унинг номини қурол қилиш-дан уялишмаяпти. Аслида бу хат унинг ўз қўли билан ёзилган бўлиши ҳам мумкин. Қолаверса, назаримда унинг хийлагина доводирлигиям борки, бунақа га-пларни шартта ёзаверадиям-да. Лекин ҳар ҳолда Мет-терних ва унинг гумашталари тубанликда бу қадар паст кетадилар деб ўйламагандим. Хўп, сен шу ерда мени кутиб тур, жавоб ёзиб, ўзим олиб келаман ва нима қилишингни ҳам айтаман.

Салдан сўнг гулзор ёқасида Готлибнинг қораси кўринди. У герцогни нарироқда кузатиб турганди.

– Шаҳзода нима деди? – сўради у.

– Ростини айтсам, бир нарсаларни норози гулди-ради-ю, тушунолганим йўқ. Аммо шу ерда туришим-ни буюрди-да, жавоб ёзгани кетди. Оқибат шу: сени деб почтачи бўлиб ўтирибман.

– Бўпти, Франц, жавобни олишга келарман.

– Хотиржам бўл, оғайни, ўзим олиб бораман, – деди Франц унинг орқасидан.

Саноқли дақиқалар ўтиб, герцог Рейхштадтский қайтди ва жавоб хатини бераётиб тайинлади:

– Манавини шубҳали «почтачи»га топширасан, эрталаб эса княгиня Сариа ҳузурига бориб, бўлган воқеани айтасан ва унинг фикрини билиб келасан.

– Бош устига, ҳазрати олийлари.

– Унга мана бу хатни ҳам берасан-да, буни ҳозирги найрангдан олдин ёзганимни ва шубҳали мактуб воқеаси туфайли қарорим яна ҳам қатъийлашганини айтасан. Бу ердан жўнаш масаласида фақат унинг мададига суянишимни қўшиб қўй, ишни тезлаштиришини истаيمان. Сен ҳам унга кўмаклашасан-да, Франц, тўғрими?

– Кўнглингиз тўқ бўлсин, зоти олийлари. Фақат иккинчи мактубни қўлимга берманг, анави буталар орасига қўйинг, ўзим оламан...

Орадан ҳеч қанча ўтмасданоқ графиня Камератага ёзилган жавоб хати ниқобланиб юрган полициячи қўлига етди. Айни хизматни адо этган ниқобдор Готлибнинг ўзи эди, албатта.

Герцог Рейхштадтскийнинг иккинчи мактубини Франц княгиня Сариага топширди, бундай ҳужжат учун граф Зедельницкий ва Галлони иккови бир ҳамён тилла нисор қилишарди.

Эртасига тонг чоғи полиция бошлиғи графиня Камератага аталган дуойи саломни қизиқиш билан ўқий бошлади ва охири тажанг қиёфада улоқтириб борди. Унга қуйидаги раддия рақам қилинганди:

«Графиня!

Хатингизни ҳозиргина олдим, лекин ҳеч гапга тушунолмадим. Уни менга хуфиёна йўллар билан олиб киришдики, минбаъд ҳеч қандай мактубни бекитиқча олишга тоқатим йўқ. Фақат муаллифнинг аёл киши экани учунгина андиша юзасидан жавоб қайтар-

моқдаман. Туйғуларингиздан, менга ҳамдардлигингиздан миннатдор бўлсам-да, бундан сўнг менга нома йўлламанг, илтимос.

Герцог Рейхштадтский».

Энди Полина олган дилхоҳ саломноманинг мазмунига ўтамиз.

«Княгиня!

Токи ўз ҳолимни ўта жиддий мушоҳада қилмагунимча, ваъда беришимга кўнганингиз йўқ. Қалбингиздаги олийжаноблик шунчаларки, ўзингизга азобни раво кўрганингиз ҳолда, менга чекинмоғим учун йўл очиб қўйдингиз: мабодо, зиммамдаги вазифа ижросига иродам ожиз қолса, ўша имтиёздан фойдаланмоғимга имкон бор эди. Мен бу имтиёзга шунинг учун рози бўлгандимки, фақат сиз каби эҳтиёткорлик ва босиқлик билангина ишқингизга муносиб бўла олардим.

Мен ҳаётим давомида кечган барча-барча воқеаларни кўз олдимдан ўтказдим. Болалигимга шохид бўлганларнинг барини руҳан чорладим ва хаёлан суҳбат қурдим. Ва ниҳоят, қалбим тўрида мангу яшаётган падаримга ёлвордим, унинг сиймоси намоён бўлди, барҳаёт кўзлари билан менга боқди. Сиз қалбимга Францияга отланиш учқунини ташлаб, буткул янги ҳаётга илҳом бердингиз. Зеро, юрагим даъватини идроким тасдиқ этдики, сиздан маслаҳат олган кунимдаги мисоли бахтиёрман, масрурман.

Алқисса, муҳтарама княгиня, сиз шоширмасангиз-да, энди ўзим ўта қатъий ваъдамни бера оламан: ҳа, мен Францияга отланаман.

Ҳисларим тугёни шунчаларки, уларнинг изҳорига тилим лол бўлгани каби қалам ва қоғоз ҳам ожиздир.

Фақат қолган умримнинг мазмунига айланувчи беш-
тагина сўзни қўшимча қилишим мумкин: мен сизни
севаман ва сиздангина умидворман.

Наполеон».

ОЛТИНЧИ ҚИСМ

ҚОЧИШ

1. Маслаҳат

Миландаги «Олтин қайчи» дўконига кирган кунидан то шаҳзоданинг кечаги мактубигача ўтган қисқа муддатда княгиня Сариа буткул бошқа аёлга айланди. Авваллари у киборлар ҳаёт тарзидаги икир-чикир ақидаларга амал қилиб яшаса-да, ўзини бундай бачканаликлардан устун қўяр ва қандайдир оҳорли, ғайриоддий ниманидир кутарди. Мана, ўша оҳорли, ғайриоддий ва ақл бовар қилмас мўъжиза ҳаётига кириб келди. Унинг ҳорғин ва мудроқ кўзлари тўсатдан чарақлаб очилди: муҳаббатига муносиблардан муносиброқ йигитнинг нурли сиймоси пайдо бўлди. У йигирма яшар азамат, суқсурдай, самимий ва ўкситилган...

Уни илк бор кўрганидаёқ кўнглининг тубидаги латиф, оташин ва мусаффо туйғуларнинг бари уйғонди. Энди унинг хаёлида ишқидан ўзга ҳеч нима йўқ, кўзлари эса ўзи суйган ва ўзини ҳам суйгувчи азизидан бўлак инсонни кўрмаяпти. Аслида, унинг ички дунёси ҳамон ўша-ўша, фақат сурати киборларнинг мажбурий ва зилдай ниқобидан халос бўлди-да, Полинанинг асл чеҳраси юз очди...

У ёрининг мактубини такрор ва такрор ўқиди, ўша йигит ҳақида, келгуси саодатлар, илк учрашув, эртанги мунаввар ва шоҳона истиқбол тўғрисида узоқ-узоқ орзуларга чўмиб, борлиқни батамом унутишга ҳозир эди. Фақат ҳеч кутилмаган чақиндай бир ўй шуурини ёритди:

– Ахир мен асирни севаманки, аввало, зиндон эшикларини очмоғим даркор!

Полина бошини кўтариб, қошида йўл-йўриқ кутиб турган Францга кўзи тушди. Оний тугён қалбини ларзага солди: у ўз интилиши ва ташна иштиёқини қондирмаса бўлмасдики, мўйсафид аскарни оғадай кўриб, қўлларидан тутди:

– Уни халос этиш йўлида бирлашайлик!

У жуздонидан харита ва рўйхат олди, унда Меттернихнинг асирига хайрихоҳ йўл кўрсатувчиларнинг номлари қайд этилганди. Аёл Францни қоғозларнинг мазмуни билан таништирди ва деди:

– Жаноб Франц, буларни олинг, энди улар сизнинг қўлингизда бўлмоғи зарур. Аслида ҳам бу ҳужжатларни сизнинг номингизга юборишганди. Манави қоғозда Милан қўмитасининг Фабиога йўллаган кўрсатмалари бор.

– Менинг номимни ва Шенбрунда истиқомат қилишимни улар қаёқдан билишади? – ҳайрон бўлди боғбон.

– Авваллари карбонарийлар билан алоқангиз бўлган эмасмиди?

– Ҳеч қачон! Аксинча, тўғриси айтсам, ҳозир ҳам уларни бадкирдор инқилобчилар деб ҳисоблайман.

– Герцог Рейхштадтскийнинг озод бўлишига хайрихоҳлар рўйхатига назар солинг-чи. Эҳтимол, сиз ҳақингизда маълумот берувчи бирор кишининг номи чиқиб қолар.

Франц қоғозга бир сидра кўз ташлади ва хитоб қилди:

– Энди тушунарли. Мана, Карл Гренини ёзишибди, уйи Бельведер яқинида, ойнарезлик қиларди. Баҳоси йўқ одам, менга ўхшаш эски жангчилардан,

императорни ҳам мендай севарди. Россия юришида Жюно қўмондонлигидаги италянларнинг 7-корпусида бўлган. Россиядан чекинаётиб, иттифоқо унинг ҳаётини сақлаб қолгандим: қарасам, бир казак зобити Карлга қилич ўқталди, лекин чопишга улгуролмади – мен ўзининг калласини узиб ташладим. Тасаввур қилингики, бу воқеа буткул хаёлимдаям йўқ: Венада юрсам, қандайдир жаноб кучоғини очди, бўйнимдан кучиб, ўзининг ойнафурушлик дўконига бошлади. Мен ҳаётини сақлаб қолганимни хотини билан қизига уқтира кетди. Кейинчалик икковимиз ҳар замонда кўришиб юрдик, якшанба кунлари у Гитцингдаги уйимгаям келарди. Албатта, ўзаро суҳбат асносида императорнинг ўғли ҳақида гапириб, улуғ отасига муносиб фарзанд бўлажagini кўп таъкидлаганман. Бироқ Грепидай эҳтиёткор ва мулоҳазали киши бу гапларимни кўтариб юриши, айниқса, карбонарий деганларига ошкор этиши етти ухлаб тушимга кирган эмасди. Ҳайтовур, ёлгон қўшмабди: дарҳақиқат хатда тўғри айтилган, мен шаҳзода учун жонимдан кечишгаям тайёрман!

– Ўша Грепига ишонганингиздан афсус чекманг, жаноб Франц, – тасалли берди Полина. – Агарда унга герцог ҳақида гапирмаганингизда, Миланда номингизни биров билармиди? Ана унда сиз беҳад суйган шахсни кутқариш ҳақида икковимиз маслаҳатлашиб ўтирмасдик-да.

– Тўғри айтасиз. Грепига қойил, бизга беихтиёр катта хизмат кўрсатди.

– Унинг яна фойдаси тегиб қолиши мумкин. Айтинг-чи, у пулдор одамми, ҳеч кимда шубҳа туғдирмай извош ёллашга қурби етармикан?

– Билмайман, – деди Франц мўйловини бураб, – аммо суриштириб кўраман. Умуман, бу хусусда ташвиш чекманг, биз бу юмушни уддалай оламиз.

Полина энди ўз режасини баён этди: иш экипаж ёллашдан бошланади ва Миландаги мўлжал бўйича герцогнинг Францияга етиши билан якунланади. Режанинг ижросига дарҳол киришса бўларди, лекин бунга монелик қилувчи биттагина сабаб шуки, Фабиони озод этиш ҳақида ҳалигача граф Зедельницкийдан буйруқ келгани йўқ. Полина эса то чеварларни жўнатмагунча Меттернихнинг гашига тегадиган иш қилмоқчи эмас.

– Шошманг-чи, – деди у, – ҳозир иккала хонимни чақиртираман, биргаликда хайрли бир хулосага келамиз.

Оқсоч уларни айтиб келгунча, Полина чеварларнинг қиссасини Францга мухтасар айтиб берди ва қўшиб қўйди:

– Икковининг ҳамма гапдан хабари бор, улардан хавфсираб юрманг.

Шу пайт Шарлотта ва аммаси хонага кириб келишди, княгиня Сариа Франц Шуллерни уларга таништирди.

– Во-ой, – дейишди иккиси қарсак уриб, – шу киши эканлар-да!

Франц қизаринди: у ўзининг бунчалар машҳурлигига сабаб тополмасди.

– Шуллер жаноблари, – деди Шарлотта унга яқин келиб, – қаллигим Фабио Гальдони Шенбрунга бориб, сизни топиши ва герцог Рейхштадтскийни озод қилиш хусусида сиз билан гаплашиши лозим эди. Лекин Фабиони қамаб қўйишган, унинг зиммасидаги вазифани княгиня адо этмоқда, инчунин, Полина

хонимнинг қадри биз учун осмон қадарлигини ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсиз.

– Тўппа-тўғри, – қўшиб қўйди амма, – биз уни қанчалик севсак, шунчалик иззатлаймиз.

Полина эътироз билдирмоқчи эди, Шарлотта уни гапиргани қўймади:

– Ҳозирда бизни шу нарса ташвишга солмоқда, княгиня аввал бизни Фабиони афв этувчи буйруқ билан жўнатмоқчи ва шуни деб герцогни озод қилишни кечиктирмоқда. Тўғри гапирдимми, княгиня?

– Тўғри, шунга шартлашгандик-да.

Шарлотта қатъий оҳангда шартта кесди:

– Бундай бўлишига энди розимасман, княгиня, биз ҳақимизда ўйламанг-да, ҳозироқ Шенбрундаги шўрликнинг гамини енг. Қанчалар зудлик билан ҳаракат қилсангиз, шунчалар кўп имкон қўлингизда бўлади. Ишончим комилки, Фабиога ҳам ўзини афв этишларидан кўра герцогнинг озод бўлиши қувончлироқ.

Франц ҳаяжон билан хитоб қилди:

– Сизнинг француз аёли эканингиздан қалбим ифтихорга тўлиб бормоқда.

Полина маъқуллаб бош ирғади:

– Бўпти, модомики, сиз шуни хоҳлар экансиз, майли, мен розиман. Бироқ бунда ҳам Фабиони озод қилиш хусусидаги буйруқни тезлаштиришга уринавераман. Демак, Франц, гап бундоқ: сиз извош ва почта отларини тайёрлаб, эртага кечки соат ўнга Бельведердаги Карлнинг уйига етказасиз.

2. Наполеондан қолган извош

Венага туташ кўҳна Леопольдштат мавзеси 1830 йилда ҳозиргидан бутунлай бошқача эди. Расмий шаҳар ва гавжум даҳалардан Дунай ажратиб туради-

ган Леопольдштат хилват бир қишлоққа ўхшардики, веналик қай бир калон зотнинг бу ёққа бирор эҳтиёж билан келиши ҳатто ақлга сиғмасди.

Аммо ўша куни извошга муҳтож Франц билан Карл Грепи худди шу даҳага келишди ва асосий кўчанинг охиридаги катта ҳовли рўпарасида тўхтадилар. Бу ерда шу фаолиятга расмий рухсатнома бўлмаса-да, экипаж ва отларни ижарага беришарди. Пешлавҳадан тортиб, уй ва саройларгача – ҳаммаси камсуқум бўлиб, извошлар теварагидаги уймалашган қишлоқлар орасида махсус нишон таққан почтачилар мутлақо кўринмасди.

Грепи изоҳ берди:

– Бу даргоҳнинг соҳибини Мано дейишади. У венгериялик бўлиб, австрияликларни ёмон кўради ва ўзича ватанпарварлик йўриғини тутати. Императорнинг бошқа фуқароларига қараганда ўз ватандошларини, асосан майда савдогарлар ва мусофирларни қўллаб туради, яъни энг яхши отлар билан ишончли извошчиларни ўшаларга арзон баҳода ижарага беради. Биз ўзимизга керакли нарсани худди шу ердан топамиз.

Улар катта хонага кириб боришди. Стол теварагидаги венгер ишчиларининг ҳаммаси бир хилда кийинган: узун қўнжли этик, кенг шим, катта рангдор куртка ва ихчам фуражка. Ҳар бирининг олдидаги стакан ёнида калта сопли узун қамчи ётарди.

Икковига хўжайин – оқсоч ва ўрта бўй қария пешвоз чиқди:

– Хўш, хизмат?

– Экипаж олмоқчимиз, аммо аравакашнинг ҳожати йўқ, – жавоб қайтарди Грепи.

– Йўлингиз олисми? – сўради Мано.

– Жуда олис.

- Унақа бўлса, извошни сотиб ола қолинг-да.
- Балки шундай қилармиз.
- Отларнинг қанақаси маъкул?
- Ювошроғи.
- Учқурлариям бор.
- Керакмас. Бизга ювоши дуруст.
- От нечта бўлсин?
- Бир жуфт.
- Қаерларда от алмаштирилади?
- Бу – менинг ишим.
- Мениям ишим-да, – тик боқди Мано, – ахир тулпорларимни адои тамом қилишингизга йўл қўймайман-ку.
- Бир гап бўлса, пулини олаверасиз!
- Хўп, аммо қаердан оламан?
- Мен Виденда тураман, уйимда пул нақд. Эртасигаёқ қайтиб келаман.
- Кафолат қолдирасизми?
- Масалан, қанақа?
- Веналикларни кўрарга кўзим йўқ. Лекин сиз билан келишишим мумкин: экипаж ва отларим не мақсад учун кераклигини айтсангиз кифоя. Хуфиёна ишларни жиним суймайди.
- Ҳеч қанақа хуфиёна ишимиз йўқ, иннайкейин, экипаж ўзимизгамас, шеригимизга ёлланади. Албатта, унинг исми сизга айтилмайди. Дафтарингизга мени ёзинг-да, суриштириб кўринг, ўзимга тўқ эканим аён бўлади-қолади. Хотиржам бўлишингиз учун айтиб қўймоқчиманки, ажнабийларни биз ҳам ёмон кўрамиз. Кўнглингизни тўқ қилинг, биз қизларни ўғирлашга ёки кимнидир ўлдиришга бормаймиз. Аслида, бу гапларнинг нима кераги бор? Вазифангиз пул олиш ва экипаж бериш-ку, бошқасининг сизга дахли йўқ-да, тўғрими?

– Албатта, – ҳалитдан бери икки дўстга ишонқирамай қараётган хўжайиннинг чеҳраси очилиб, уларни ҳовлига бошлади. Саройларда йигирмага яқин экипаж бўлиб, оддий арава ёки усти ёпиқ кабриолетдан тортиб, то карета ва араваларгача бор эди.

– Йўловчингиз аёл кишими? – сўради хўжайин.

Шундагина Франц илк бор гапга аралашди:

– Йўқ, лекин бизга бари бир ёпиқ экипаж керак.

Хўжайин уларга икки кишилик шинам каретани таклиф этди. Бироқ мижозларга саройнинг тўридаги қадимий арава ёқиб қолганди чоғи, яқин орада ундан ҳеч ким фойдаланган эмасди.

– Бизга анавиниси маъқул, – деб ўша тарафга имо қилишди Франц ва Грепи.

– Сизга ёққани билан уни сотолмайман, ижарагаям беролмайман.

– Нима учун?

– Бу император юрган извош-да.

– Қайси император?

– Наполеон.

Кекса солдатлар бир-бирларига тантанавор боқиб қолдилар: тақдирни қаранг, ўғлига экипаж ахтариб, отасининг аравасини топишса-я!

– Мабодо, у менинг қўлимга қандай тушганига қизиқсангиз, айта қоламан: жудаям оддий. Уни Шенбрунда сотиб олганимга ўн беш йил бўлди. Чамаси извошдан қандай қутулишни билмай туришган экан: ахир ғолиб Наполеон Венани томошалаган экипажда император Франц юришини хоҳламайди-да. Ўша ўша шу ерда ётибди.

– Сотмайсизми? – сўради Грепи.

– Йўқ.

– У бизга сув ва ҳаводай зарур, – таъкидлади Франц.

Тарихий ёдгорлик бўлмиш экипажга ишқи тушган галати харидорларга бошдан-оёқ зеҳн солиб, хўжайин бир зум хаёлга чўмди ва жилмайган кўйи сўради:

– Қаёққа борасизлар ўзи?

– Страсбург томонга, – жавоб берди Франц.

– Унақа бўлса, ола қолинглар.

Франц ва Грепи арава устида савдолашар эканлар, Галлони зимдан кузатиб тургани хаёлларига ҳам келмасди.

Қиёфасини парик ва кўзойнак билан ниқоблаб, ўзини ҳеч кимга танитмаётган доғули исковуч аслида эрталабдаёқ иш бошлаганди. Аввалига «Оққуш» меҳмонхонасини олисдан кузатаркан, княгиня Сариа кекса аскарни ўз хонасида қабул қилганини кўрди. Бу ўта шубҳали эдики, Францнинг изига тушиб, аввал Грепининг ойнарезлик дўконига, кейин Леопольдштатгача кўздан қочирмай келди. Франц ва Грепи экипаж ёллаш учун ҳовлига киришгач, у эҳтиёткорлик билан кўчада, ҳатто хийла узоқроқда қолди.

Изқувар гумондорлар чиққунча кутди, лекин улар қайтишда анчагина ҳушёр тортиб, чор тарафга сергак боқишарди. Шу боис, Галлони иккови йўлга тушгач, дарровда эргашмади ва оқибатда оралиқ олислаб, чорраҳалардан бирида Франц ва Грепини батамом кўздан қочирди. Бироқ бу ҳолдан ҳафсаласи пир бўлгани йўқ. Зотан, Галлони ўзини муҳим бир сирнинг тубига етган ҳисоблардики, айна хусусда граф Зелдоницкийга ахборот берди-да, қидирувни яна давом эттираверди.

3. Лорд Каулининг зиёфати

Ўшанда эндигина тахтга ўтирган Англия қироли Вильгельм Тўртинчига бир масалада тан берадиган: қудрати зўр иттифоқчи сифатида Меттернихнинг Англия олдидаги хизматларини ниҳоятда қадрлашини ҳамиша билдириб қўйишга у ҳар томонлама уриниб турарди-да. Дарҳақиқат, иккала ҳукумат орасидаги дўстлик ришталари шунчалар қуюқлашгандики, ҳар икки мамлакатнинг асл фарзандлари ўз ватандошларининг номуносиб қилиғи учун ҳатто уялиб кетардилар. Шундай англияликлар бор эдики, Гудсон-Лони зиндонбонликни ошириб юборишда айблашарди ва Шенбрунни Лонгвуднинг давомига айлантирган Меттернихдан норози австрияликлар ҳам йўқ эмасди.

Бари бир Англия вазирлари билан Австрия канцлерининг ҳамон тили бир бўлиб, уларни боғлаб турувчи занжирнинг муҳим ҳалқаси лорд Каули эса Венадаги эркатой элчи эди. Инчунин, Меттерних ўз асирининг киборлар даврасига илк ташрифи учун айнан инглиз элчисининг уйини танлаган экан, бундан ҳайрон бўлишга ҳожат йўқ. Англия Наполеоннинг ашаддий душмани бўлгандики, унинг ўғлини худди шу мамлакат вакилининг зиёфатида аркони миллатга тақдим этиш ҳам ғирром дипломатик найранг эди. Бу билан Наполеонзоданинг фақат Австрия герцоги экани, бошқа ҳеч ким эмаслиги исботланади, айти чогда бонапартчиларнинг умидлари ерпарчин қилинади.

Вена шаҳрининг ҳамма номдор ва расмий арбоблари жамулжам, зеро шаҳзода иштирокидаги илк тадбирда қатнашиш барча-барчага қизиқ томоша эди.

Элчининг ҳовлисидаги заллар ва боғлар шунчалар чароғонки, минг-минг гулхан ва чироқлар афсонавий манзара касб этарди.

Ёш-яланг рақс билан андармон, кексалар эса император ва набирасини кутиб, ўзаро гапга тушишган.

Улар орасида франциялик мухбир Пьер Лефран ва унга Венанинг гўзал гўшаларини томошалатган Фридрих Генц ҳам бор. Журналист билан остонада турган Генц унга сиёсат арбобларини ва таниқли саркардаларни бирма-бир кўрсатиб, уларга мухтасар тавсиф ҳам берарди. Махфий маслаҳатчи ўз юртини фақат мақтардики, бу ҳол ҳаммадан камчилик топиб ўрганган Генцнинг одатига хилоф бўлиб, афтидан бу гал у ажнабий меҳмонга ватанини гўзал кўрсатишгагина жазм қилганга ўхшарди.

– Эрцгерцогиня Софияни қаранг: шунчалар латофатлики, пари пайкарга ўхшайди-я. Императорнинг келини Мария-Анна-чи: шундай махлиқони ҳеч кўрганмисиз?

– Ҳозир сиз тилга олган иккала эрцгерцогиня билан бир хоним гаплашиб турибди, у ким ўзи? – сўради Лефран.

– Улар билан графиня Шпигель ва баронесса Кинская гаплашишяпти, сиз қайсинисини сўраяпсиз?

– Уларнинг ёнидаги учинчи аёлни.

– Ҳа-а, у княгиня Сариа-да.

– Княгиня дейсизми? Мабодо, ғайритабиийроқ аёлмасми? Қизиқ-да, у билан битта меҳмонхонада турамиз, полиция эса ҳар бир қадамини кузатмоқда.

– Янглишмаяпсизми? Ахир княгиня Сариа канцлер ва эрцгерцогиня Софиянинг энг яқин дўсти-ку!

– Янглишишим мумкин эмас! Шу бугуннинг ўзидаги гапни айта қоламан: княгиня билан бирга кел-

ган икки аёл Италияга қайтиб кетишди. Улар ўтирган экипаж ҳали кўздан олис бўлмасиданоқ шундай тўполон бошландики, икковининг кетиши ҳақида хабар бермагани учун меҳмонхона соҳиби полициядан балога қолди. Умуман, меҳмонхонадаги вазиятнинг ўзи ғалати-да: сиз музейларни кўришим учун юборган рухсатномаларни бермай анча қийнашди, негаки, уларни аввал полиция кўздан кечириши керак эмиш. Тушунмадим, ё Венадаги тартиб шунақами ўзи?

Хижолатда қолган Генц саволга жўялироқ жавоб айтолмай анча довдиради:

– На чора, Австрия ҳукумати фуқароларимизга ва хорижий меҳмонларга малол келса-да, тартиб-интизомни, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш учунгина шундай қилишга мажбур бўлмоқда.

Бу суҳбатнинг сабабкори княгиня Сариа шу топда мутлақо хотиржам эмасди. Кундузи у граф Зедельницкий ҳузурига кириб, ўз латофати ва ширинтиллигини ишга солиб, уни шундай аврадики, полиция бошлиғи Фабионинг афв этилгани ҳақидаги буйруқни ёзиб берди. Канцлер билан бошланган қалтис ўйинда ҳал қилувчи қадам қўйишга чоғланаётган аёлнинг ҳозир атрофидагилар билан заррача иши йўқ.

– Лорд Каули бизни Тальбергнинг ижроси ва Пастанинг қўшиқлари билан сийлайди шекилли, – деди баронесса Кинская.

Графиня Шпигель лабини бурди:

– Ўлай агар, шу хотиннинг чийилдоқ овозига сира-сира ҳушим йўқ-да.

Уларнинг ёнидаги қиз ийманган кўйи луқма ташлади:

– Мен Пастани яхши хонанда деб юрардим.

– Тўғри, айримларнинг наздида у жуда зўр, аммо аслида у куйламайди, чийиллайди, холос. Актриса-

лик ҳам қўлидан келмайди, фақат усти – ялтироқ, ичи – қалтироқ, аёлмас, муздай ҳайкал деяверинг.

Эрцгерцогиня София кулги билан «узиб» олди:

– Мунчалар заҳар бўлмасангиз, графиня!

– Бу гапларингизни ҳаммаям маъқуллайвермайди, – деди баронесса Кинская, – негаки, операнинг директори унинг элликта чиқишига ўн минг флорин тўлаётган экан, шунча пулни бекорга совурмайди-да.

– Баронесса жуда тўғри айтадилар, – деди эрцгерцогиня ва яқинроқда турган папанинг легати¹ Альбанига мурожаат қилди: – Берироқ келинг, кардинал, биз муҳаббат хусусида насроний амри маъруфга эҳтиёжманд бўлиб қолдик-да.

– Афву этгайсиз, ҳазрати олиялари, – таъзим қилди устомон кардинал, – ўзингиз насроний ишқ тимсолисиз-ку. Аммо ҳозир билишимча, суҳбатингиз актриса ҳақида шекилли.

– Тўппа-тўғри.

– Ундай бўлса, мен аралашолмайман, – доғули руҳоний шундай деб, ўзини бир четга олди.

Бу гап қулоғига тушган эрцгерцог Карл ёнидаги генерал Бельярга шипшиди:

– Бу тақсир афтидан легатгина эмас, айни чоғда папанинг элчиси ҳам эканини унутган кўринади. Зеро, дипломатлар саҳнада бўлмаса-да, бари бир сиёсат майдонида артистлик қилишади-ку. Қолаверса, шу топда тақводор ва парҳезкор таъбини намойиш қилишнинг мутлақо мавриди эмас, чунки ўзи даҳрий дипломатнинг меҳмони бўлиб ўтирибди-да².

¹ Легат (лотинча *legatus* – элчи) – Рим папаси йўллаган дипломатик вакилларнинг олий даражасини англатувчи унвон. Бу унвон энг йирик прелатларга (католик аробларга) папанинг фармони билан берилади.

² Мезбон Англия элчиси эканига, Рим папаси томонидан англикан черкови даҳрий деб эълон қилинганига ишора. (*Таржимон изоҳи.*)

Альбани эса бу аснода Меттернихнинг ёнига келиб, салом-алиқдан сўнг муддаога кўчди:

– Сизни кўрганимдан беҳад бахтиёрман, жаноби олийлари, зиммамдаги шарафли вазифани адо этмоқчиман. Папа ҳазратлари марҳамат қилдилар ва у кишининг амри билан ҳозир сизга кардиналлик қалпоғини топшираман.

Канцлер бу «марҳамат»дан бағоят ҳайрон эди:

– Сўзларингизга тушунолмадим, тақсир.

– Нега ҳайрон бўласиз? Қизил рангни жудаям хуш кўришингизни ўз оғзингиздан эшитгандим. Бу хусусда кечиктирмасдан папа ҳазратимга айтиб бердим ва у киши сизни кардиналлар қаторида кўришдан мамнун бўлажагини изҳор этди.

– Маъзур тутасиз, жаноби прелат, – жилмайди Меттерних, – аммо мен диншунос эмасман ва кардиналликни уддалай олмайман.

– Ҳечқиси йўқ. Диний ирфонсиз ҳам кардинал бўлиш жоиз амал ҳисобланади.

– Тўғриси айтсам, ҳали уни ҳали бунни кийиб, муттасил ниқобланиб юролмайман. Ўзи шундоғам Пресбург сеймига борсам, албатта, венгер гусарлари мундирида бўлишим керак. Мана энди сиз кардиналлар қалпоғиниям кийдирмоқчисиз, боз устига, ўзингиз эшитгандирсизки, тез кунларда уйланмоқчиман.

– Унинг бунга дахли йўқ, – оёқ тиради легат, – папа ҳазратларини ранжитиб қўймасак бўлгани.

Меттерних ҳамма гапни эшитиб турган эрцгерцог Карлга ёрдам сўрагандай сўз қотди:

– Айтинг-чи, зоти олийлари, жудаям кулгили кардинал бўлсам керак, тўғрими?

– Асло унақамас, – мийиғида кулди фельдмаршал ва генерал Бельяр билан четроққа ўтаркан, овозини

пасайтириб таъкидлади: – Худди сизга айтганим-да: Альбани ўзи актрисалар ҳақида ҳатто гапиришним истамайди, аммо канцлерга шундай кийим алмаштиришни таклиф этяптики, бунақаси театр пардозхонасида кам учрайди. Италиянлар дипломатия соҳасида илоннинг ёғини ялаган-да, ҳозир хаёлимга келдики, сиз французлар биз билан урушиб бўлгансиз, лекин италянларни деб яна урушаверсангиз керак...

– Италия Ватиканда эмас, – танбеҳомуз уқтирди Бельяр.

– Тўғри, Ватикан Италияда жойлашган...

Шунинг устига кираверишда икки ёққа сурилган издиҳом кимгадир йўл очди.

Эрцгерцогиня София Полинага юзланди:

– Томоша залига ўтайлик-чи, афтидан император ташриф буюрди шекилли, княгиня.

– Кечирадилар, зоти олиялари, – дер экан, княгиня Сариянинг овози титраб чиқди, – императормас, герцог Рейхштадтский кириб келди.

Бу исмни эшитган ёш қизалоқлардан бири эшик тарафга қараркан, оҳиста сўзланди:

– Рангида ранг қолмабди-я!

Бу Гермина Меттернихнинг овози эди.

4. Шаҳзода киборлар даврасида

Герцогнинг бундай калон зотлар издиҳомида биринчи бор пайдо бўлиши ҳаммани қизиқтирарди. Лекин у кириб келгач, кўпчилик беҳад ҳайратга тушди: шаҳзода қоп-қора либосда бўлиб, кўксига биронта нишон тақмаганди. Заррин мундир кийганлар орасида унинг юзи ҳар қачонгидан рангпар кўринарди. Тўр ёқасига бриллиант қадалмаган, бўйинбоғи оппоқ эди.

Эгнидаги тор ва узун фрак, калта шим ва шоҳи чулки унинг озгин жуссасини янада хипчароқ кўрсатарди. Белига қилич тақмаган, лента боғламаган, юзида табассумдан ном-нишон йўқ: шу сиёқида у сўзсиз исён ва гина-кудурат тимсоли эди. Буни ҳамма англаб турарди, хайрихоҳлар чехрасида эҳтиром ифодаси балқди, бефарқлар эса норози бўлдилар.

– Жудаям нобоп кийинибди-да, – пўнғиллади Меттерних эрцгерцог Карлга паст овозда. – Сизнингча, набирангиз бу қиёфаси билан гўё бугуннинг ўзидаёқ давлатни ағдар-тўнтар қилиб юборадиганга ўхшамаяптими?

Фельдмаршал канцлернинг жиддий норозилигини ҳазилга бурмоқчи бўлди:

– Нега энди? Ахир бугун 18 брюмер¹ эмас-ку?

Янги адъютантларидан бири капитан фан Моль ҳамроҳлигидаги герцог мезбонга рўпара бўлди ва бодоб оҳангда шундай деди:

– Бугун илк бор киборлар дунёсига қадам қўймоқдаманки, бундай «таваллуд дояси» бўлмоқ машаққатини зиммангизга олганингиз учун ташаккур.

– Камина эса, – деди лорд Каули овозини хийла меъёрдан ошириб, – зоти олийлари, ушбу «таваллуд айёми» учун айнан менинг хонадонимни танлаганингизга сиздан беҳад миннатдорман.

– Бобом менга тегишли масалаларни ўзи ҳал қилиб турибдики, бу ерни ҳам у киши танлаган ва бунинг учун унга раҳмат...

¹ Брюмер – Франция республикачилар тақвимидаги иккинчи ой. Бу тақвим Буюк француз инқилоби ғалабасидан сўнг жорий этилиб, 1793 йил 5 октябрдан 1806 йил 1 январигача қўлланган. Республикачилар тақвимини Париж коммуналари (1871, 18 март – 28 май) тиклашган. Фельдмаршал Карл айни ўринда VIII йил 18 брюмер (1799 йил 10 ноябрь) куни Наполеон содир этган давлат тўнтаришига ишора қилмоқда. (*Таржимон изоҳи.*)

Наполеонзода бу даҳанаки жангга дарҳол чек қўйди-да, аввал эрцгерцогиня хонимлар билан қўлларини ўпиб сўрашди, сўнгра Меттернихни топиб, бир-икки оғиз гаплашгач, эрцгерцог Карлга таъзим қилди:

– Ассалому алайкум, бобожон.

– Намунча ғалати кийиниб олдинг, ўғлим?

Йигитнинг жавоби ҳам оддий, ҳам дангал эди:

– Мундирим Австрияники бўлса-да, ҳатто шуниям қизил мундирларга тегиб кетишини хоҳламайман.

Эрцгерцог жилмайиб деди:

– Ёмонсан, луаралик шумтака!

Меттерних герцог Рейхштадтскийни обрўсизлантириш ёки ақалли дипломатик коса тагидаги нимкосани намойиш этиш учун бир «томоша» ўйлаб қўйганди. Канцлер лорд Каулига нимадир деганди, у дарҳол Франциянинг янги қиролидан вакил бўлиб келган генерал Бельярга мурожаат қилди:

– Сиз герцог Рейхштадтскийни билсангиз керак, хоҳласангиз у билан таништириб қўярдим.

Бельяр дувва қизарди:

– Жуда яхши, бироқ...

Лекин у гапини тугатиб улгургани йўқ, лорд меҳмондўст мезбон ролини қиёмига етказиб генерални йигитга таништирди:

– Зоти олийлари, бу киши генерал Бельяр жаноблари, Венадаги Франция қиролининг...

– Муҳтарам лорд, – унинг гапини бўлди герцог, – генерал мен учун фақат отамнинг мўйсафид қуролдошидирки, у кишининг табаррук қўлини қисисдан бахтиёрман.

Шаҳзода шундай деб, Бельярнинг титроқ қўлини кафтига олиб, маҳкам сиқди. Генерал довдиради:

– Зоти олийлари, ҳозир биз ҳаммамиз бошқа салатанат хизматида бўлсак-да...

– Бунинг асло аҳамияти йўқ. Мен бари бир сизнинг тимсолингизда зафарлар замонининг баҳодирини кўриб турибман ва менинг шууримда шундайлигингизча қоласиз. Венада анча турасизми?

– Йўқ, бу ерга Франциянинг элчиси бўлиб маршал Мезон келади.

– Франциянинг элчиси! Жуда зўр-ку! Илтимос, маршалга етказиб қўйсангиз, башарти, мен у кишини зиёрат қила олмасам, лоақал бувамнинг ҳузурида шонли француз саркардаси билан учрашмоқ шарафига муяссар бўлсам ажаб эмас.

– Албатта айтаман, зоти олийлари.

– Ҳозир қачонлардир Жемапда жанг қилганингизга биров ишонмайди-да.

– Йўғ-е! Сиз ўша жангни биласизми?

– Албатта. Бошқа яна кўп-кўп гаплардан хабарим бор. Мисрда ҳалокат ёқасида қолган француз армиясини қутқарганингиз ва Францияга қайтариб келганингизни ҳам биламан. Отамнинг илк ғалабаларида сафдош бўлганингизча, то қора кунларига қадар садоқат билан хизмат қилганингизни-да биламан. Кошкийди, сиз кўрган ўша зафарларни мен ҳам кўролсам, умрим баҳорида турсам-да, оппоқ сочларингиз ҳавасида ёнмоқдаман, генерал жаноблари!

Бельярнинг кўнгли бузилди, кўз ўнгидаги борлиқ остин-устин бўлиб, қулоғи шанғиллай бошлаганди. У ҳатто йигитнинг қўлини қисиб, нарироқ кетганини ҳам сезмай қолди. Эрцгерцог Карл билан бошқа залга ўтиб бораркан, Бельяр ўзича гапирарди:

– Ажойиб бола! Қанчалар бебаҳо азамат!

– Қалай, набирам Парижда ҳазилакам «олампаноҳ» бўлмайди-а?

– Зоти олийлари, дипломатик хизматда ношуд бир аскарни бир йўла деворга қисиб қўя қоласизми дейман-да, – деди Бельяр. – Иқрорманки, агар бу ерда бунчалар азамат шаҳзодани учратиб қолишимни билолганимда...

– Бошқа бир олампаноҳдан вакил бўлиб келмасдингиз, – дея генералнинг жумласини якунлади эрцгерцог. – Кўнглингизда борини бемалол айтаверинг, иккимиздан бўлак ҳеч ким эшитмаяпти.

Лорд Каули Меттерних ўйлаб қўйган «саҳна»ни чиппакка чиқариб бўлганди, канцлер яқинлашиб келаётган элчини норози қиёфада ва ғазабнок нигоҳ билан қаршилади.

– Аммо сиз ҳам бугун ёшлигингизга бир қайтишингиз керак, – дея гап отди элчи.

– Нега энди?

– Негаки, қачонлардир ўзингиз мана шундай «томоша»да иштирок этган экансиз. Шаҳзода йигитчанинг отаси Тюльери ва Сен-Клу қасрларида ўз генералларини кўкларга кўтарган чоғи дипломатлар мумтишлаб қолганларини эшитдим-да.

– Тўғри, бу бош нималарни кўрмаган дейсиз, лекин шу топда унақа «томошалар»ни эслаб, ёшликка қайтишнинг мавриди эмас. Ишонаверинг, ҳурматли лорд, ҳардамхаёл йигитчангизнинг хотирасини қайчилаб қўйишга қодирман.

Дадаси билан ёнма-ён ўтирган Герминанинг кўнглидан: «Отам шаҳзодани ёмон кўради-да, ахир у жудаям хушфъеллигини намойиш қилди-ку», деган хаёл ўтди.

Меттерних сўзини давом эттирди:

– Мен тутқун боланинг ниятини аниқлаш учун бугунги синовга рози бўлган эдим. Мана энди, минбаъд чордевордан бўлак нарсани кўрсатмайман, ётоғида қамалиб ётаверади.

– Лондонга шундай хабар бераверайми?

– Албатта. Мен ҳеч қачон иккита гапирган эмасман, лорд жаноблари.

Герминанинг ранги бўзариб, эгнидаги оппоқ кўйлагининг тусини олди: «Аммо шаҳзоданинг юраги иккита-да!»

– Ташаккур, жаноби олийлари, – деди лорд Каули ва ҳозиргина етиб келган императорнинг истиқболига ошиқди.

Гермина отасининг қўлидан тутиб, кўзларига илтижо билан боқди:

– Ҳозир ҳам тутқунлар борми, дадажон?

– Ие, ҳали гап пойлаётган эдингми? Ҳа, унақалар бор. Агар ҳаддидан ошгудай бўлса...

– Ҳаддидан ошса, нима бўлади?

Меттернихнинг жавоби қатъий эди:

– Чор девор ичидан чиқарилмайди, вассалом...

Ана шу аснода Полина сабр билан кутарди ва герцог Рейхштадтский қошига келишига сўзсиз ишонарди. Лекин йигит у билан узоқ саломлашгани йўқ. Аёл ҳатто суюниб кетди, герцог ганимлари ҳар қадамига қўйган пистирмаларни доғда қолдириб, ҳатто ёвларининг ўзини тузоққа сола билди.

Шаҳзода унинг олдида бир зум тўхтаб, эҳтиром билан бош эгди:

– Камина айна лаҳзаларни кун бўйи сабрсизлик билан кутган эдим.

– Мен ҳам кун бўйи уриндим ва эртанинг ғамини эдим. Франц барини сизга айтиб бергандир?

– Айтди. Мен тайёрман.
– Демак, сиз бу ердан...
– Ҳа, мен бу ердан адъютантимни бошлаб, графиня Кларанинг маскарадига бораман. Бу дайдилигимга капитан Моль осонгина кўна қолди. Домино¹ ва ниқоблар каретамда, манави сим-сиёҳ либосда мени ҳеч ким таний олмайди.

– Бу ердан иложи борича тезроқ кетинг, энг муҳими шуки, графиня Кларанинг уйидан бир ўзингиз чиқишингиз керак.

– Албатта. Тўппа-тўғри, Францнинг олдига бораман ва сизниям ўша ерда кўраман.

– Маъқул. Лекин извошчидан ҳадиксираманг, исми Карл Грепи, сизни графинянинг уйи олдида кутиб туради, унга бемалол ишонаверинг.

– Жуда соз. Бир соатдан сўнг мен Шенбрун йўлида бўламан, икки соат ўтгач эса сиз билан хатардан холи манзилга етиб оламиз.

– Франц ҳам биз билан кетадими?

– Ҳа.

Полина пичирлади:

– Аммо ҳазир бўлинг-да. Меттерних биздан кўзини узмаяпти. Афтидан, у бугун сиздан норози бўлиб қолди.

– Нега? Нотўғри ҳаракат қилдимми?

– Йўқ, сиз ҳаммага ёқиб қолдингиз.

– Сизга-чи? – сўради шаҳзода.

– Бугун ўз кўнглимдаги маҳбубимни кўрдим.

Йигит таъзим бажо қилиб, хайрлашган лаҳзаларда оловли кўзларда акс этган икки юрак бири-бирига сингиб кетганди.

¹ Домино (лотинча dominus – жаноб) – узун плаш шаклидаги энгли ва қалпоқли маскарад либоси. Шунингдек, ана шу либосдаги кишини ҳам «домино» дейдилар. (Таржимон изоҳи.)

5. Пистирма

Бир неча дақиқадан сўнг император оиласи ич-каридаги қўлбола сахна тарафга шу меҳмонхонадан ўтди. Франц Биринчи графиня Каулини қўлтиқлаб олган, малика зоти олиялари эса мезбоннинг қўлидан тутди. Уларнинг ортидан эрцгерцогиня, сарой аъёнлари, генералитет ва барча меҳмонлар боғ томон йўлга тушдилар.

– Сиз концертга бормаисизми, княгиня хоним? – сўраб қолди графиня Шпигель Полинадан.

– Йўқ. Эрцгерцогинядан рухсат олдим, уйга кетаман.

– Бахтли экансиз-да. Хайр-маъзур.

– Хайр, графиня хоним.

Сариа пиллапоя томонга йўл олди.

Эрцгерцог Карл шу аснода герцог Рейхштадтский-ни тўхтатиб, саволга тутди:

– Томошагоҳга ўтасанми?

– Йўқ, буважон. Сизга ростини айта қоламан: капитан Моль иккимиз ими-жимиди бу ердан «куён» бўламиз, бельведерлик графиня Кларанинг маскара-дига боришимиз керак.

Шу гапнинг устига Гермина Меттерних ва Флора Вирбна икков уларнинг ёнидан ўтиб қолишди.

– Эшитдингми? – деди Флора. – Герцог маскара-радга бораркан. Афтидан, бугун унинг чехраси очилди-ёв, тўғрими?

Гермина «тўғри» деди-ю, дадасининг гапини эслаб маънос тортди ва иккови концерт кўргани ўтишди.

Эрцгерцог йигитнинг елкасига қўл ташлади:

– Шўхликни яхши ўйлабсан, сенинг ёшингда шўхлик ҳам зарур.

– Ҳали-ҳозиргача ўйин-кулги нималигини билган эмасдим, меҳрибон буважоним. Дейликки, умримда илк бор маскарадга отланиб турибман. Агар капитан Моль бирга боришга кўнмаганида, маскарад завқидан бугун ҳам маҳрум қилишарди. Ҳатто шундай шодиёнада иштирок этишим мумкинлиги ўзи менга ғалати кўринмоқда.

– Нега яна хафагазакка ўхшайсан, кечагина сендан бахтли одам йўқ эди-ку?

– Бугун ундан ҳам бахтлироқман...

– Ҳа-да, шунчалар «бахтлисанки», юзингда бахт деган нарсанинг зиғирдай унсури йўқ. Ўғлим, мени тошюрак деб ҳисобламаслигингни истардим. Сен ҳақингдаги шов-шувлардан, ҳали бошингда не кунлар борлигидан хабарим йўқ. Аммо шуни қулоғингга қуйиб олгинки, мен сени жудаям яхши кўраман ва ҳар қачон ёрдамимга зориқиб қолсанг, ўша ондаёқ жоним билан ҳозир у нозирман. Энди эса юр мен билан, қўшни айвонга ўтайлик: маскарадга ҳали барвақтроқ...

Худди ана шу лаҳзада қўққисдан меҳмонхонадаги киборлар даврасига буткул бегона бир шахс пайдо бўлди. Галлони исми бу кимса Меттерних қўлидаги хизматкорларнинг уқали либосини кийиб олганди. Англия элчихонаси ходими унга эргашиб кириб келди ва чақирилмаган меҳмон бир парча қоғоз узатди:

– Буни канцлернинг ўз қўлига берасиз, давлат аҳамиятига молик жиддий масала...

Ҳеч қанча ўтмасдан шошқин қадам товушлари эшитилиб, остонада канцлер кўринди ва нотаниш одамга ўшқирди:

– Кимсиз, хизматкорларимга хос уст-бошни нега кийиб олдингиз?

– Ўзим Ломбардия полициясининг агентиман, вақтинча Венага сафарбар этишган, – жавоб қайтарди Галлони. – Ҳузурингизга граф Зедельницкийнинг шошилич топшириғи билан келдим. Мана шунақа кийиниб ичкарига кириб олмасам, халқаро дипломатик можаро содир бўлиши ҳеч гап эмас.

Хатни ўқигач, канцлер илжайиб олди:

– Графнинг ёзишича, фитнани фош этувчи барча далиллар қўлида экан, лекин ҳамма гапни сиз оғзаки айтиб бераркансиз. Хўш, нега ўзи кела қолмади?

– У фармойишининг ижросини шахсан назорат қилгани кетди.

– Хўп, қулоғим сизда.

– Княгиня Сариа икки от қўшиладиган аравани извошсиз ижарага олди. Экипаж шу тунга шай бўлиши лозим.

– Кимдан олди?

– Леопольдштатлик шубҳали шахсан, исми – Мано, миллати – венгер.

– Бу гапларнинг нимаси исбот? Ахир княгинянинг ер-мулклари Венгереяда-ку, аҳтимол ўшаларни кўздан кечиришга чоғланаётгандир.

Галлони жавоб бермасдан давом этди:

– Бугун эрталаб Шенбрун қасрининг боғбони «Оққуш» меҳмонхонасига кириб, княгиня ҳузурида бўлди. У бир кун аввал ҳам келганди...

Меттерних ўйга чўмди. Сўнгра қўл қовуштириб турган хизматкорга буюрди:

– Театрдан қизимни бу ёққа чақириб чиқинг. Мен муҳим маълумот олганимни, ҳозироқ уйга қайтишимиз кераклигини айтинг.

Хизматкор олислагач, канцлер Галлонига юзланди:

– Хўш, бошлиқ икковингиз энди нима қилмоқчисиз?

– Тахминимча, княгиня Сариа боғбон билан тил бириктириб, герцог Рейхштадтскийни қочириб юбориш режасини тузган. Аёл ҳозиргина бу ердан чиқиб кетди, чамамда у белгиланган учрашув жойига борса керак. Лекин биз ҳали улгура оламиз, чунки герцог ҳозирча шу ерда, – изқувар шундай деб айвон томонга имо қилди: уч киши орасида шахзоданинг қора фраки кўриниб турарди.

Шунинг устига Гермина маъюс ва жонсарак қиёфада кириб келди. Меттерних уни кўрмади-да, Галлони билан суҳбатлашаверди:

– «Сайёҳлар»ни экипаж қаерда қаршилаши керак?

– Бельведерда.

– Герцог Рейхштадтскийни кўздан қочирманг. Каретани шайланг-да, имкон қадар озроқ одам олинг. Шовқин-сурон, уруш-жанжал бўлмасин. Лекин мени кутасизлар, Бельведерда менга йўлни кўрсатадиган бирор киши бўлсин.

Ортига бехос қайрилган канцлер қизини кўрди: Гермина ҳамма гапни эшитиб, герцогнинг бошида қандайдир кўргилик борлигини пайқаб турарди.

– Мени чақиртирдингизми, дада? – сўради қизча.

– Ҳа, қизим, ҳозироқ йўлга тушамиз, йўл-йўлакай сени уйга ташлаб ўтаман. Менинг зарур бир ишим чиқиб қолди, бормасам иложи йўқ.

У Галлонига яна бир нималарни буюриб, уни эшиккача кузатиб қўйди. Шу аснода герцог Рейхштадтский, эрцгерцог Карл ва капитан Моль меҳмонхона тарафга юришди.

6. Меттерних маслаҳат беради

Императорнинг иниси беғубор оҳангда сўради:

– Демак, ҳозир бу ердан кетасанми?

– Ҳа, буважон, кеч бўлиб қолди. Тўғрими, капитан?

Моль бош ирғади ва экипаж тараддудида ташқарига чиқиб кетди.

– Бўпти, яхши бор, болам.

– Алвидо, буважон!

Гермина ўзича мудҳиш туш кўриб, гўё босинқирарди: ахир нималар бўляпти?.. Герцог нега «Алвидо, буважон!» деди? Унинг бошида ўлим хавфи бормикан? Қизчанинг юраги пора-пора бўлиб, ёрилгудай дукурларди. Ана, герцог эшик томонга юрмоқда, яна бир дақиқадан сўнг кўздан ғойиб бўлади. Герминанинг бардоши тугади, у ўзи билан ўзи бундан ортиқ кураша олмасди: эрцгерцог сари отилиб, унинг қўлларига ёпишди:

– Унинг кетишига йўл қўйманг!

– Қанақасига? Сизга нима бўлди, қизалоғим?

– Қўрқиб кетяпман.

– Ие, титраяпсиз-ку, юринг очиқ ҳавога чиқайлик-чи. Қўлингизни менга бера қолинг.

У қизчани етаклаб, боққа чиқиладиган йўлакда тўхтади.

– Хўш, нима гап? Энди гапиринг-чи, нега қўрқиб кетяпсиз?

Қизча фельдмаршалга юрагини кенг очди: нимаики эшитган бўлса, кўнглидан кечган бўлса – барини тўкиб солди.

Худди ана шу дамда Меттерних ва герцог Рейхштадтский юзма-юз туришарди. Йигит сўзсиз

таъзим қилиб ўтиб кетмоқчи эди, лекин канцлер унинг йўлини тўсди:

– Зоти олийлари, ўша маскарадга борманг.

Герцог қаддини мағрур тутиб, тик боқди:

– Демак, менинг озодлигимга нуқта қўйилдими?

– Йўқ, ихтиёрингиз мутлақо ўз қўлингизда. Сиз билан вазир, канцлер, ҳазилкашлар наздидаги вице-император эмас, бобонгизнинг содиқ дўсти сўзлашмоқда. Ана шу мақомимдан фойдаланиб, маслаҳат бераман, маскарадга борманг.

Меттерних ўта босиқ, ҳатто мулойим оҳангда гапирса-да, йигит бу суҳбат ҳаёт-мамот жангига баробарлигини ҳис этиб турарди.

– Айни самимиятингиздан ҳам мутаассир, ҳам ҳайрон бўлмоқдаман. Айтинг-чи, манави расмий маросимда мен камроқ ўтирдимми?

– Дарвоқе, очиқ айтганим учун айбга буюрмайсиз, бугун сиз кийган уст-бош на шоҳона мақомингизга ва на ҳарбий унвонингизга мутлақо муносиб бўлди.

– Менимча, Наполеоннинг ўғли Англия элчисининг ҳузурига отланар экан, мотам либосидан бошқасини кийиши мумкин ҳам эмасди. Айни хусусда князь Меттерних менга ҳамфикр бўлмаётганидан ҳайрон қолдим.

Бунчалар дангал ва мантиқли эътироздан лол бўлган канцлер айёрлик йўлига ўтди:

– Тўғри айтдингиз, майли, энди бу мавзуда оғиз очмайман, лекин такрор айтаман, шу ерда қолинг.

Йигит мийиғида истехзоли жилмайди:

– Князь, ўзингизча мени ёлғиз кетяпти деб хавотирсиз-да, а? Йўқ, капитан Моль кузатиб боради. Модомики, у менга ҳамроҳлик қилар экан, адашиб қолмасман, ахир.

– Ундай бўлса, зоти олийлари, адъютантингиз ёнидан бирор қадам олисламасликка ваъда бера оласизми?

– Қуюшқондан чиқиб кетганингиз йўқми? – хитоб қилди хўрлик жонидан ўтган йигит. – Хоҳласангиз, буйруқ беринг, кулоқ қоқмай бўйсунаман. Бу ҳолда ҳақоратингиз унчалик оғир ботмайди. Яқингинадаги янги буйруқ аслида аҳамиятсиз эканлигига ақлим етганди, майли, полк қўмондонлигидан кечаман, аъёнларимни тарқатиб юбораман ва илгаригидай маҳбуслигимга қайтаман-қўяман, аввалгидан ҳам ортиқроқ чекланиб яшайвераман. Аммо лоақал ўшанда менинг ўй-хаёлларимга хўжайин бўлолмайсиз-ку... Ёки аксинча, ихтиёр ўзимда бўлса, агар озод инсон бўлсам, мен билан жиқиллашмаслигингиз зарур ва мен ҳозир маскарадга бораман.

Меттерних унинг йўлини тўсди, лекин дағдага қилмай, ёлвориш оҳангида сўради:

– Сизни кутиб турганларнинг дўст эканига ишоняпсизми?

– Нима демоқчисиз, князь, ҳатто дўстларим бўлишигаям қаршимисиз?

– Йўқ, мен эҳтиётсизлигингизга қаршиман, сизни ўзгалардан эмас, шахсан ўзингиздан ҳимоя қилмоқчиман.

– Сиз мени ўн етти йилдан буён ҳимоялайсиз.

– Тўғри. Камина шунча йилдан бери ўз бурчимни адо этмоқдаман. Мен урушлар даҳосига қарши узоқ курашдим, унинг сиртмоғига тушмаслик учун Европанинг ҳамма куч-қудратини оёққа қўйдим. Ва ниҳоят, бунга эриша олдик ва ўн етти йилдирки, қўлимиздаги жонли қурбонликсиз, сабаби – сиз унга фарзанд эдингиз. Аммо сиз тарих чархи терс айлан-

ганида, ўзингининг ким бўлишингини ўйлаб изтироб чекар экансиз, наҳотки, биз бу армон ва аламини сезмасак? Йўқ, зоти олийлари, сиздаги бу руҳий азоб ва қалб қийноқларини олдиндан кўра билгандим. Модомики, мен сизни ўша азоб-уқубатлардан халос этолмаган эканман, шу туфайлигина сиз ва биз янада катта кулфатдан сақлана олдик-да. Башарти, номи абадий шухратга йўғрилган падарингиз айна сўзларимни эшитса, мен давлат арбобига хос ўз бурчимни адо этганимни сизга уқтирарди.

Герцог унинг кўзларига ўқдай тикилди:

– Дадам мени Римга қирол қилиб тайинлаган.

– Таассуфки, зоти олийлари, бундай фахрий салтанат бувангизда ҳам бор: у киши Қуддуснинг қиролидирки, бу рутба ҳатто қомусга ҳам рақам қилинган.

– Мен буюк империянинг қонуний валиаҳдиман.

– У тож-тахтга аллақачон барҳам берилган.

– Мабодо, халқим мени чорлаётган бўлса-чи?

– Ишқилиб, Бельведерга чорлашаётгани йўқми? Франция номидан ким сизга вакил бўла қолди? Йўқ, зоти олийлари, халқингиз сиз ҳақингизда ортиқ ўйламай қўйган.

– Наҳотки, сиз мени номи ва асл наслини йўқотган деб ўйлайсиз? Менинг қайтишимга мунтазир холис ва содиқ шахсларни писанд қилмаяпсизми?

– Мен ўша шахслар рўйхатини жон деб кўрсатган бўлар эдим, лекин уларнинг саноқли эканидан ўзингиз хижолат тортасиз-да. Менга ишонаверинг, қалтис қадам сизга сираям муносиб эмас.

Герцог эътирозга қатъият билан оғиз жуфтлаётганини сезган канцлер ҳал қилувчи зарбага ўтди:

– Сиреналарнинг¹ соҳир ва дилхуш навоси йигирма яшар йигитнинг дил дардига ҳузурбахш малҳам эканини жуда яхши тушунаман. Бироқ бу ҳийлагар оҳанг гўр шунқорни ҳалокат чоҳига судрар экан, мен унинг маккорона садосини ўчирмоққа мажбурман.

– Хўш, бу билан нима демоқчисиз? – тик боқди шаҳзода.

– Демоқчиманки, муштарак икки қалбдаги туйғулар беғубор бўлса, ҳар қанча ҳурматга лойиқ. Аммо гоҳо бу ҳислар ниқоби остида ғараз ва фитналар яширинган бўладики, у эс-ҳуши бор одамга шубҳали кўринади.

– Хўп, сизнингча, туйғулар икки тоифа экан, мен учун улардан қай бири мумкин, қай бирини тақиқлайсиз?

Йигит саволни кўндаланг қўйиб, канцлернинг кўзларига киприк қоқмасдан тикилиб турарди, ортиқ сўзга асло ўрин қолмаганди.

– Сизга бошқа гапим йўқ, – деди Меттерних. – Мен зиммамдаги бурчим тақозо қилгани учунгина огоҳлантирмоқчи бўлган эдим. Агар сўзимга кирсангиз, ҳақ эканимни 24 соат ичидаёқ исботлайман, ана унда сизни қалтис қадам ва хатодан айни пайтида сақлаб қолганим учун ўзингиз раҳмат айтасиз. Бироқ,

¹ Сиреналар – Гомернинг «Одиссея» достонида ҳикоя қилинишича, денгизда кўп кўргиликларни бошидан кечирган Одиссей ҳамроҳлари билан Сиреналар оролига бориб қолади. Парилар наслидан бўлган парранда жуссали одамбош бу маккоралар шунчалик ёқимли куйлардиларки, уларнинг оҳанрабо қўшиғига ҳар қандай одам шайдо бўлиб, инон-ихтиёридан айриларди ва оролда абадий қолиб, сиреналар қўлида ўлиб кетарди. Одиссей шерикларини уларнинг макридан сақлаш учун қулоқларига мум қуяди, ўзини эса мачтага боғлаб қўйишни буюради ва шу тариқа кемани жадал ҳайдаб, сиреналар домидан бехатар ўтиб оладилар...

Кўчма маънода эса йигитларни ғараз билан ўзига оғдирувчи аёллар сиреналар деб сифатланади. (*Таржимон изоҳи.*)

зоти олийлари, сиз озод инсонсиз, ихтиёр ўзингизда. Хоҳласангиз, боринг ўша маскарадга, бораверинг.

– Албатта бораман-да, – деди герцог Рейхштадтский ва эшик сари мағрур қадам ташлади.

7. Ота билан қиз

– Ё Парвардигори олам! Ахир у кетяпти-ку!

Бу Гермина Меттернихнинг қонга тўлган юрагидан отилган армон нидоси эди. У бир тўлғонди-да, вужудини титроқ босиб, ерга қулай бошлади. Эрцгерцог яқинда бўлгани учун базур тутиб қолди, Меттерних қизи томонга отилди:

– Гермина! Сенга нима бўлди, Гермина?

Эрцгерцог уни диванга ётқизди, қизча анча вақт-гача карахт бўлиб ётаверди: кўзлари юмуқ, чеҳраси мурданикидай бўзариб кетган.

– Княгиня концертдан мазаси қочиб қайтди ва уни очиқ ҳавога бошлаб чиқдим. Хийла енгиллагандай бўлди, лекин манави хонага киргач, яна...

Эрцгерцог Карл гапини тугатмасидан қизча кўзларини очди ва иккала ёноғидан дувва ёш қуйилди.

– Меҳрибоним дадажон, – ёлворди у, – ўша йигитга зиён-заҳмат етказманг. Менга ваъда беринг, унинг бошига хатар булути соя солмасин. Боя сиз билан гаплашган нотаниш киши жуда разил экан. Сиз-чи, отажон, ҳамиша раҳмдил одам эдингиз, бугун эса га-забдасиз, нега, нима учун?

– Бу қанақаси бўлди? – хитоб қилди Меттерних. – Сиз айтолмайсизми, зоти олийлари?

– Қулоқ солинг, князь, – деди унга жавобан олийжаноб қария, – гоҳо катталарнинг ақлу ҳушигаям

кирмайдиган ўт-олов орзулар ёш қалблар оромини ўғирлайди. Бола кўнгли шундоқ тилсимки, ундаги сир-синоатларни англашга қилни қирққа ёрувчи донишмандлар ҳам ожиз қоладилар. Қошингиздаги чашмадай пок, беғубор хилқатга шафқат қилинг, князь.

Меттерних ҳаммасини тушуниб бўлганди. У дарҳол эслади: қизи герцог Рейхштадтский тўғрисида куйиниб гапирган эди, асирлар ҳақидаги чапини эшитиб, йигитга жуда ачинганди, изқувар билан суҳбатлашганида эса бечора хавотирга тушиб қолганди. Энди шуниси аниқки, Меттернихнинг қизи Наполеоннинг ўғлини яхши кўради. Жондан азиз дилбанди душманига кўнгил қўйса-я!

Аслида Меттерних чинакам рисоладаги оталардан бўлиб, қизини жонидан ортиқ севарди. Шу боис, кўксини чақиндай ёритган илк фикр ижобий эди: иккала ёш бир-бирига узукка кўз қўйгандай муносиб. Бироқ бу қанчалар заргарона бўлмасин, асло иложи йўқ... У дийдагирён қизига маъюс назар солди-да, қатъий қарорга келди: қизнинг ушалмас орзусига барҳам бериш керак.

– Бу ердан қизчани тезроқ олиб кетинг, князь, – деди кекса эрцгерцог. – Билъакс, кириб-чиқаётганлар унинг кўз ёшларини кўради.

– Миннатдорман, зоти олийлари, сизга ташаккур, – бош ирғади Меттерних. – Зиммамдаги бурч ўзим ўйлаганимдан ҳам мушкулроқ экан, аммо бари бир ўша бурчни адо этишим зурур. Кетдик, қизалоғим, қани юрақол-чи...

Ота-бола чиқиб кетишгач, пиллапояда кузатиб қолган эрцгерцог ўйга ботди. Герминанинг сўзлари қулоқлари остида акс садо берди, герцог йигитнинг

жонсарак чехраси, маҳзун хайрлашув онлари кўз олдида намоён бўлди ва бир нохушликни аниқ сизди. «Нима бўлгандаям қочиб кетишга уринмаса керак деб ўйлайман. Агар шундай қилгудай бўлса, полиция осонгина топиб олади: ахир у Бельведерга кетди-ку. Мен ҳам ўша ерга бораман. Шоядки, бахтиқаро болакайни қутқариб қололсам.»

Эрцгерцог Карл йўлга чоғланаркан, элчихона ходимлари шинелини узатиб, экипаж чақирмоқчи бўлишди, лекин у бир сидра мундир билан яёв йўлга тушди.

ЕТТИНЧИ ҚИСМ

АЛВИДО, ОРЗУЛАР!

1. Йўлга тўкилган кўз ёшлар

Отаси билан уйга қайтаркан, Гермина йўл бўйи унсиз йиглаб кетди. Дадасини чексиз ҳурматлаш, унинг буюклигидан фахрланиш қизнинг қон-қонига сингиб кетгандики, шундай инсонни шафқатсизликда айблаш ақлига сиғмасди. Аксинча, у ўз феълидан ҳайратда: ахир нега бировни севишга журъат этди ва бу ҳақда бегона бир кишига, яъни кимсан эрцгерцог ҳазрати олийларига иқрор бўлишнинг нима кераги бор эди? Герминанинг ёноқлари уялганидан аноргули тусига кирди.

Меттерних эса қизидаги ҳолат ўткинчи ҳиссиётларнинг оний хуружи бўлиб чиқишидан ҳали ҳам умидвор.

– Ҳадеб йиғлайверасанми, қизалоғим? Бунчалар қайғуга ботмасанг? Нима гап ўзи? Наҳотки, отангни ўйламасанг? Ахир унинг сендан бўлак дилбанди, умид нишонаси, умр қувончи йўқлигини ўзинг билардинг-ку! Айт-чи, мен ношуд отаманми? Кўнглинг нима тиласа, барини муҳайё қилганим йўқми, эси йўқ қиз? Ичингда борини менга тўкиб сол, она қизим, мендан яширма, ахир.

– ...

– Нега индамайсан? Ўз падаринг билан сўзлашгинг ҳам келмай қолдимми? Бундай туришинг яхшимас. Ишонмаслигингга муносиб ота эмасман, Гермина.

Охири қизалоқ йиғини бас қилди ва ёлвора бошлади:

– Мени кечиринг, дада, лекин қалбим қаршисида ожиз қолдим-да. Сиз уни ёмон кўришингизни билгач, юрагим пора-пора бўлиб кетди. Анавиларга ўша йигитга қарши буйруқ берганингизда эса мен учун ёруғ оламини зулмат босди. Ҳатто ажал ҳам мени бунчалик даҳшатга сололмасди деб ўйлайман.

– Болажоним, – деди Меттерних мулойим оҳангда ва қизининг қўлларидан тутди, – қанақасига ўша кимсага боғланиб қоласан? Бир оғиз мендан...

– Билмайман...

– У сен билан ҳеч ёлғиз гаплашган эдимми?

– Ҳеч қачон.

– Уни қаерда кўргандинг?

– Биринчи марта сизнинг кабинетингизда... Кейин Шенбрунда... ва бугун...

У яна ҳиқиллаб, нафас ололмай қолди.

– Йиглайвермагин-да. Ҳозир уйга кирамиз, кўз ёшларингни хизматкорлар кўрсинми?

Гермина «хўп» деб мижжасини артиб олди:

– Сиз кирмайсизми, дада?

– Айтдим-ку, кетаман, ишим бор.

– Бояги одам билан тагин кўришасизми?

– Эҳтимол кўришарман. Лекин сен бу ҳақда ўйлама. Бунақа ишлар ёш қизларга сираям алоқадор эмас, – канцлер шундай деб, оталарча жилмайди.

– Кулманг, дада, менинг ўтакам ёрилай деяптики, ишқилиб сиз...

– Яна ўша гапни қўзғамоқдасан-да... Мен билан ҳеч қачон бу мавзуда сўз очмаслигинг керак! Эшитдингми? Ҳеч қачон!

– Майли, отажон, гапирмасам гапирмасман, лекин ўзимга у ҳақда ўйлашни ман этолмайман-ку.

– Йўқ, ҳатто ўйламайсан, вассалом! Мен ўйлашинг-
ниям истамайман!

Гермина ёшли кўзлари билан кўкка боқаркан,
чуқур хўрсинди-да, қайтиб оғиз очгани йўқ.

2. Бельведер богидаги ғалати воқеа

Вена бўсағасидаги Бельведер истироҳатгоҳи им-
ператор қароргоҳи бўлган замонлар аллақачон ўтиб
кетган. Унинг қўргони ичидаги XVIII аср меъморий
услубида қурилган иккала қаср сўнгги соҳиби Евге-
ний Савойскийдан¹ кейин фақат музей бўлиб, экспо-
натлар тарихий ва бадиий буюмлардан иборат эди.
Аммо бу сўлим боғ теварагига австриялик калон зот-
лар ҳашаматли уйларни қатор-қатор қуриб олишган.
Лорд Каули зиёфат берган оқшомда шу ерда яшовчи
графиня Клара маскарад ташкил этганди.

Кўчанинг шу бўлаги экипажлар билан тирбанд
бўлиб, хожасини кутаётган извош ва хизматкорлар
ғийбатлашиш билан овора. Улардан анча нарида бит-
та арава ёлғиз ўзи ажралиб, панжара ёнида алоҳида
турарди. Аксарият извошларда қизиқиш уйғотган бу
аравакаш маскарадга ҳеч кимни олиб келмаганди ва
ҳеч қандай саволга бирор оғиз жавоб қайтармасди.

Қўққисдан қандайдир ўтқинчилар ана шу ёлғиз из-
вошни қуршаб олишди, афтидан улар ниқобланган
полициячилар эди. Бу шубҳали кимсалар пайдо бўл-
гач, гап-сўзлар сув сепгандай тинчиб, ҳамма нигоҳлар
сирли экипаж томонга қадалди.

Худди шу дамда кўнгилсиз бир воқеа содир бўла-
дигандай эди. Дарҳақиқат, ҳалигилардан иккитаси
«эшак» устидаги кучерни тортиб олмоқчи бўлди, ак-

¹ Евгений Савойский (1663–1736) – шаҳзода, Австрия саркардаси
ва давлат арбоби, фельдмаршал (1693) ва генералиссимус (1697).

синча, у икковиниям тош терилган кўчага улоқтириб юборди.

– Қойил, азамат! – хитоб қилишди извошлар.

Энди ҳужумчилар тўрт киши бўлиб, извошни ерга ағдаришди ва оёқ-қўлини боғлаб, қаёққадир олиб кетишди. Ўрнига эса бошқа аравакашни ўтирғизиб, эгнига унинг уст-боши ва шляпасини кийдириб қўйдилар. Бекорхўжа извошчилар қизиқиб сўрашди, отларнинг тизгинини тутиб турган киши калондимоглик билан шундай деди:

– Ҳеч гап йўқ. Аравакаш ниқобида яшириниб юрган ашаддий жиноятчини қўлга олдик.

Якка извош сал олдинроққа жилди ва янги извош аввалгидай кимнидир кутаверди. Шубҳали зўравонлар эса ими-жимида ғойиб бўлишди.

Маскарад роса авжига етган дақиқаларда ёритилган йўлакдан қора домино кийган ниқобдор бир йигит чиқиб келди. У йўлни кесиб ўтиб, аравага ўтирди ва извошга нимадир дегач, экипаж Гитцинг тарафга йўл олди.

3. Маломат қайғуси

Ярим тун. Шенбрун яқинидаги Гитцинг қишлоғи: Франц Шуллер кираверишдаги камтарона уйида княгиня Сарианинг йўлини пойлаб ўтирибди. Кундузи жияни Маргаритани олис йўлга кузатган бўлса-да, боғбоннинг кайфияти жуда хушҳол эди. (Қизалоқ кекса аскарга халақит қилмаслиги учун чевар аёллар уни Миланга олиб кетишганди.) Францнинг юраги шодликни сиғдиrolмасди: у – оддий бир аскар Наполеоннинг ўғлини Францияга олиб боради-да! Кейин нималар бўлиши унга буткул қоронғи. Лекин французлар ҳали шон-шухрат замонини унутмаганлари-

дан ва уларнинг қалби Наполеонзоданинг даъватига жавобан «лаббай» дейишларидан умидвор эди.

Аслида, Франц амалий ишлар учун яралган бўлиб, бундай тарихий дамларда чуқур тафаккур ва хаёлий орзулар унинг феълига хос эмас эди, икки йўлхалтадаги юкларни жойлаштиришга зўр бераверди. Битта халтадаги нарсалар асосан герцогнинг шахсий буюмлари ва бир жуфт тўппончадан иборат.

– Аёллардай юмшоқ кўнгил-да, – гулдираб қўйди Франц. – Тўппончалар тугунда нима қилади? Қурол дегани ҳамиша қўл етадиган жойда бўлиши керак...

Иккинчи кичикроқ халтадан оз-моз мол-мулк жой олди. Жуздондаги пул ва хат-қоғозлар қўлда кетаверади, албатта.

Княгиня белгиланган пайтда кириб келди ва йўл бўйи кимдир таъқиб қилиб, сўнгги муюлишдагина даф бўлганини айтиб берди. Франц ўша лаҳзадаёқ кўчага отилди ва кутиб ўтирган извошга хилват йўллардан Венага қайтишни тайинлади. (Экипаж ва аравакашни Грепи жўнатганди.)

Боғбон қўрқиб қолган Полинанинг олдига тез қайтди ва чироқни ўчириб, деразадан кўчага мўралади. Аввал тарақлаганича княгинянинг экипажи йўлга тушди, салдан сўнг ўқдай учиб етиб келди: извошчининг ёнида бир киши ўтирарди, афтидан, кийимини ўзгартирган полиция агенти бўлса керак. Ҳар икки извошнинг шовқини тингач, Франц шамни ёқди ва далда берди:

– Хотиржам бўлинг. Сизни таъқиб қилаётган тентак ҳали-бери экипажингизга етолмайди, етганда ҳам йўқлигингизни кўради, холос. Яхшики шаҳзоданинг жўнаб кетишини қолдирмаган эканмиз. Агар шундай

қилганимизда, режамиз барбод бўларди-да. Сизнинг ҳар бир қадамингизни кузатишяпти.

– Аммо герцогни изма-из қувлашса-чи?

– Бўлиши мумкин. Бироқ уни тутиб олиш осон эмас? Манонинг арғумоқлари шамолдай елади. Ҳар дақиқа ганимат, у келиши билан йўлга тушамиз.

Княгиня зиёфатдан меҳмонхонага қайтмади, оқсо-чи Шарлотта олдинроқ келиб, унинг сафар либосларини, ихчам жомадон билан зийнатқутисини Францга бериб кетганди.

– Франц, кийимларимни алмаштирмай туриб, бир маслаҳат сўрасам сиздан. Сиз олийжаноб ва тўғри инсонсиз, менинг эса кўнглимда бир иштибоҳ уйғонди. Нима қилсам бўларкин? Ҳозиргина герцог зиёфатда мендан гап сўраб, учовлон бирга кетиш-кетмаслигимизни аниқламоқчи бўлди. «Ҳа, кетаман» дедим ва икрорманки, мен учун бундан аълороқ саодат йўқ. Бироқ ўшандан бери ҳеч ўйлаб-ўйимга етолмайман, кўнглим ғаш. Негаки, менинг ҳамроҳлигим герцогнинг оёғига тушов бўлиши, ҳатто ишни чигаллаштириши мумкин. Энг катта муаммо шундаки, уни аёл киши олиб қочган бўлиб тарихга кирмайдими?

Францнинг боши қотиб қолди. Ўзига қолса, княгинянинг мулоҳазаси жўяли эди, лекин фикрини дангал айтишга ийманарди.

– Сиз уни севасиз, – дея ахийри тилга кирди у, – қандай йўл тутишни қалбингиз ўзи айтиб беради.

– Сиз-чи, Франц, сиз айтолмайсизми? Сизнингча, герцог Рейхштадтскийни Франциягача кузатиб борсам тўғри бўладими? Мен заифа аёлман-ку, ахир!

– Йўқ, асло йўқ! – қатъий бош чайқади жангчи.

– Ана шунақа дейсиз-да.

– Мени кечирасиз, хоним, аммо азаматлигингизни таъкидлаб қўймасам бўлмайди. Аниқ биламанки, герцог ўзи ҳеч қачон бундай қарорга келолмасди. Мен йиллаб тушунтиролмаган ҳақиқатни сиз бир мартадаёқ миясига жо қилолган аёлсиз. Сиз Францияга хуфиёна сафаримизни шундай ташкил этгансизки, бундай режани унча-мунча полициячи ақлига сиғдиролмайди. Бироқ нима бўлгандаям аёл номингиз бор... Ҳар ҳолда мен хаёлимга келтиролмайманки, кимсан Наполеонзода аёл киши етовида...

– Аммо, тушунсангиз-чи, сизларга сираям зиёним тегмасди, – Полина шундай деб қўйди-да, энди Францининг «майли» дейишидан юрагини ҳовучлаб қолди. – Мен зарурат туғилиши биланоқ ғойиб бўлардим. Шаҳзода ҳузурига эса у ўз тож-тахтини қайтариб олиб, мени йўқлатган чоғи шаънига ва нафсониятига қил юқтирмасдан кириб борардим.

– Ие, модомики, биз билан кетсангиз, у сизни аллақайда қолдиришга рози бўлади дейсизми? Бу масалани унинг йўғида келишиб олишимиз зарур ва ишонтириб айтаманки, хотин кишининг раҳнамолигида тахтга ўтириш унчалик эп келмайди-да. Маломат тошлари...

– Жуда тўғри айтасиз, – деди Полина. – Бу билан мени тириклайин ўлдираётган эсангиз-да, кўриб турибманки, самимиятдан ўзга айбингиз йўқ. Ақлли маслаҳатингиз учун раҳмат, тамом, бормай қўйвераман.

Франц беҳад хижолатда қолганди.

– Мени кечирасиз-да, княгиня. Биламанки, ҳозир дилингизни оғритиб қўйдим, лекин бу менинг айбим эмас. Шунисиям борки, ростини айтсам, биз билан бирга кетсангиз, менга жудаям яхши бўларди. Чун-

ки йўлдаги муаммоларни ёлғиз ўзим кўнгилдагидай бартараф этолмайман. Ҳали сиздан жудолик шаҳзодага нечоғли оғир бўлишини айтаётганим йўқ.

Полина «жим» деган ишора қилиб, ташқарига қулоқ сола бошлади: олисроқда извошнинг тарақлаши эшитиларди.

– Герцог келаётганга ўхшайди, – деди княгиня, – мен нариги хонага ўтиб тураман, сиз эса маслаҳатимиздан уни огоҳ қиласиз. Ташвишланманг, қайтиб кираман, фақат сал ўзимни босиб олайин. Кейин сиз юкларни экипажга олиб чиқасиз, мен эса у билан хайрлашаман. Сизлар жўнаб кетгач ҳам мен эрталабгача шу ерда қолавераман.

У қўшни хонага ўтиши билан ташқи эшикдан герцог Рейхштадтский кириб келди.

4. Ҳижрон

– Ёлғиз ўзингмисан? – ҳайрон бўлди йигит.

– Йўқ, княгиня ҳам шу ерда. Қўшни хонага ўтиб кетган эди, ҳозир қайтиб киради.

Зиммасидаги вазифанинг залворидан Францнинг тилига гўё кишан урилди. Аммо айтмасликнинг ҳам иложи йўқ, у Полинани Венада қолдириш маъқуллигини, йўлдаги эҳтимоли бор хавф-хатарлардан княгиня холи бўлишини бир амаллаб тушунтирди. Сафар якунига етиб, режалар амалга ошгач, аёлни Францияга чақиртириш мумкинлигини ҳам унутгани йўқ.

Йигит ҳайрон эди. Франц бунақа гапларни ўзича айтавермаслигини биларди. Демак, Полина бормоқчи эмас. Герцогнинг ишончи комилки, княгиняга қўрқув бегона. Бундан чиқди, у йигитнинг ёлғиз кетишини маъқул деб билади. Аммо ундан айрилиш азоби-чи? Шаҳзода аёлнинг бундай фидойилигига йўл қўя ол-

масди. У эътирозини баралла айтишга шайланган дамда мясида бир фикр ялт этди: агар бирга кетишса, Полина ўзини ҳалокатга гирифтор этиши мумкин!

– Бу гапингни княгиня биладими?

– Албатта, – бу остона ҳатлаган Полинанинг жавоби эди.

Унинг эгнидаги башанг пальто ҳам қарорини айтиб турарди: ҳа, княгиня шаҳзодага йўлдош бўлмайди. Франц икковини холи қолдириш учун юкларини олиб, шоша-пиша чиқиб кетди.

– Зоти олийлари, – давом этди Полина титроқ овозда, – оғзига кучи етмаган душманларингиз мен туфайли сизга маломат тошлари отишларини истамайман. Франц ҳам шунга рози.

– Сизни жонимдан ортиқ севаман, – кўзлари жиққа ёш йигит шугина сўзни айтолди, холос.

– Мен-чи? – хитоб қилди княгиня. – Хавфу хатар чоғи ҳамдамнингиз бўлолмаслик хаёлининг ўзи қалбимни шундай доғламоқдаки... Бирга кетиш мен учун улуг бахт эди! Мен гап-сўзлардан қўрқаётганим йўқ, бундай деб ўйламанг. Лекин шаънингизга заррача доғ тушишига тоқат қилолмайман-да. Ўзингиз отланаверинг, жоним, – у йигитнинг қўлларидан тутди, – тез, тезроқ йўлга тушинг, ҳукмдорим! Полинанингиз сизни ҳеч қачон тарк этмайди ва руҳан ҳамиша ёнингизда бўлади. Эртагаёқ изингиздан йўлга чиқаман, гадой-топмас сўқмоқлардан юриб, илк имконият туғилиши билан қошингизда ҳозирман. Онт ичаманки, доимо сизни севиб, суюб яшайман. Мени эса... сиз учун бахтини ва умрини бахшида этган аёл сифатида ёдга олсангиз кифоя...

Эшик очилиб, Франц кўринди:

– Ҳамма нарса тахт. Бахтга қарши Грепи ўзи келолмасдан бир ватандошини юборибди.

Герцог унга парво ҳам қилгани йўқ, индамай Полинанинг оғушига отилди. Уларнинг дил сўзлари, юраклар ноласи, лабларнинг қовушгани – бу ошиқларнинг махфий сири. Бундай лаҳзаларда бўсалар шоирдан бурророқ сўзласа, сўзлар бўсадан тотлироқ бўлади.

– Йўлга! – беҳол пичирлади Полина. – Йўлга отланинг, олампаҳо!

Остонада яна Франц пайдо бўлди. Княгиня қўллари чўзди, герцог тиз чўкиб, аёлнинг кафтини ихлос билан манглайига босди.

Бир дақиқадан сўнг Полина хонада ёлғиз қолди. Кўчадаги экипаж овози тобора олислаб борарди. Аёлнинг вужуди ларзага келди, титроқ лабларидан тантана ва алам нидоси учди:

– Ва ниҳоят! Хайрият!

У курсига чўкиб ўкраб юборди ва салдан сўнг бир оз ўзига келди:

– Аммо нега йиғлашим керак? Энг муҳими, у озод бўлди-ку, менинг эса... умуман, мен ҳеч ким эмасман, ўйлашгаям арзимаيمان.

Эшик томондан қадам товушлари эшитила бошлади. Ие, бу қанақа овоз?

5. Юзма-юз

Ташқаридаги эшикнинг очиқ қолгани аёлнинг эсига тушди, ёпмоқчи эди, бироқ худди шу дақиқада ўртадаги эшик очилиб, у шоша-пиша Маргаританинг хонасига яширинди.

Княгиняга эшитилиб турарди: кимдир кирди, юрди, ўтирди ва буюрди:

– Одамларимиз етиб келса, менга айтинг.

Меттернихнинг овози! Юраги ўйнаб қолаётган Полина нима қилишни билмай гаранг. Демак, князь қочиш режасидан воқиф, лекин герцог қўлга тушганми-йўқми? Бу савол юрагига наштардай санчилди-да, шартта қўзғолиб, кушандасининг олдига чиқиб борди.

– Ие, княгиня хоним, шу ерда эдингизми? – Меттерних ҳайрон эди. – Шенбрун боғи теварагидаги томошадан барвақт қайтибсизми?

Францнинг «ҳарбий ҳийласи» иш бериб, полиция агентлари Сариа Гитцингдан кетганига ишонишгани аён. Бироқ герцогга бир нима бўлмадимикан? Унинг изига тушган бўлсалар-чи?..

Полина гўё ўзи чиққан хонани тўсгандай остонада туриб олди ва босиқ оҳангда жавоб қайтарди:

– Кўриб турганингиздек, шу ердан, князь.

Меттерних унга жавобан пинагини бузмади:

– Хоним, ичкарида кимдир яширинганига мени ишонтиролмайсиз, бунга беҳуда овора бўласиз, холос. Аниқ биламанки, у ёқда ҳеч ким йўқ. Сиз билан хайрлашиб кетган кимсани эса ҳозиргина йўлда кўрдим. Менинг хатойим шуки, ўйлашимча, сиз олдин кетишингиз керак эди.

– Йўқ, сизнинг хатойингиз шундаки, мана шу уйдан чиқиб кетаётган бошқа бировни кўргансиз.

– Хўш, Леопольдштатда ёлланган экипаждаги одам герцог Рейхштадтский эмасми?

– Ахир у герцог бўлганида, сиз унинг қочиб кетишига йўл қўярмидингиз?

– Қочиб кетиш деганингиз нимаси? Менимча, ўша йигит бугунги бесаранжом кунда хийла чарчади, ором олиш учун Шенбрун боғига қайтган-да.

– Башарти, сиз уни кўриб қолсангиз, Шенбрунга қайтарди, албатта.

– Кўрдим. Сизни қандай кўраётган бўлсам, уни ҳам шундай кўрдим. Мен ҳатто сизни танқид қилмоқчиман, ахир зиёфатдан қайтишга почта отларини чақиртирдингиз-да. Нега десангиз, Венада пулни исроф қилишмайди-ку. – Канцлернинг мулоийим овози дағаллашиб, таҳдид оҳангига ўтди: – Балки, амрингизга кўра извошчи келиб, сизни Италиягами ё узоқ бир жойгами олиб бориб ташлар, а?

– Ҳа-а, – барчаси барбод бўлганини англаган Полина бир хўрсиниб олди. – Сиз ютдингиз. Аммо илтимос, мени мазахламанг, рўй-рост айтинг-чи, герцог ҳозир қаерда ва менинг бошимга не кунларни солмоқчисиз?

– Энди ўзингизга келяпсиз. Очиқчасига гаплашганимиз маъқул. Герцог ҳозир Шенбрунга етиб боргандир: сизнинг кучерингиз ўрнига ўз одамимни ўтирғизиб, қаттиқ тайинлагандим-да. Ўша Грепи ландовур аравакаш экан, бундай кимсага шахзоданинг ҳаётини ишониб бўладими? Миланга отланган анави иккала хонимчангизниям тутиб келишларини буюргандим. Граф Зедельницкий Венадан сал нарида уларни қўлга олди, извошнинг ғилдираги синиб қолган экан. Қаранг, худо ҳам менга мададкор бўлмоқда.

Полина унга қаҳр билан тикилди:

– Шунчалик мададкорки, ваъдангиздан тонишга, Фабиони афв қилмаслигингизга ҳам ёрдам беради.

– Оғзингизга келганини бўғзингизга ютмай, айтадиганингизни айтаверинг, энди менинг парвойимгаям келмайди. Режаларингиз кунпаякун бўлди, афт-ангорингиз қанчалар фош бўлганини ҳали тушуниб етганингизча йўқ. Аслида, бу гаплар беҳуда. Сиз

мени анчадан буён биласиз, таассуфки, сизни мен шу бугун танидим.

– Ундай бўлса, князь, айтинг-чи, энди мени нима қилмоқчисиз?

– Ошиқманг. Қани, давлатга қарши жиноятда княгиня Сарианинг ҳамтовоғи бўлмиш боғбон қайтиб келсин-чи! Миландаги ва Венадаги каттаю кичик исёнчиларнинг бари кимлигидан қатъи назар, шафқатсиз жазога тортилади. Ўша сиз ўғирлаб олган қоғозлар Франц Шуллерингизнинг киссасидан чиқадди ва унинг шарофати билан ҳамма шерикларингизнинг номини билиб оламан.

Ана шу жумла Полинани тамоман ерпарчин этди. Ахир у нафақат ўзига, балки ўша хатда исми шарифи қайд этилган инсонларнинг ҳаётига ҳам зомин бўлаётган эди-да. Аёлнинг ранги бўзариб, тили калимага келмай қолди.

– Сиз эса, княгиня хоним, – деди Меттерних батамом голибона қиёфада, – беҳуда кучаниб, мен тиклаган иморатни бузаман деб юрибсиз. Овора бўласиз: у метиндай мустаҳкам. Тўғри, сиз устакорлик ва абжирлик билан тараддуд кўриб, ғаразингиз кўзлаган остонага етаёзган эдингиз... Бўлар иш бўлди, аммо минбаъд бундай ҳол такрорланмаслиги ва бошқаларгаям сабоқ бўлиши учун фитнани илдизи билан қўпориб ташлайман.

– Ўша илдиз сизнинг бераҳм эканингизда, – деди Полина тап тортмасдан. – Ўшани қўпориб ташланг, бошқа йўл йўқ.

– Маслаҳатларингиз ўзингизга сийлов, хоним, энди улар менга даркор эмас.

Полина иш тамом қўлдан кетганига иқрор бўлгани ҳолда лоақал гап билан чимдилаб олиш, Меттернихни

обдан «тузлаш» истагида ёнарди. Герцог Рейхштадтскийнинг китоби устидаги атиргул, уни қўйган киши канцлернинг қизи экани эсига тушди-да, хужумга ўтди:

– Сиз менга шармисорлик ролини ҳозирлагандингиз, мен амрингизни адо этмадим ва ўша ролни ўйнаганим йўқ. Ҳозир чангалингиздаги бир тутқунманки, ҳақоратлашингиз, ҳатто қатл этишингиз мумкин. Менинг аъмолим севиш ва севилишдан, сизники эса бир шўрлик йигитнинг бахтини қаро қилишдангина иборат. Аммо тавба денг, худо ҳақни ноҳақ қилмайди, зеро сизни меҳрибон ота сифатида қаттиқ жазолаб қўяди.

Энди Меттернихнинг ранги бўзариб олди. Оиланинг пинҳоний сирини Полина қайдан била қолганига канцлернинг ҳеч-ҳеч ақли етмасди.

– Тушунолмадим, нима демоқчи бўласиз ўзи? – у қатъият билан сўзлашга ҳарчанд урингани билан овози титраб кетди. – На мен ва на оилам пўписаларингиздан қўрқамиз!

– Ҳар иш худодан, аммо бу қасосли дунё. Агар бировларни азоб-уқубатга гирифтор этаркансиз, ўзингиз ҳам албатта жазосиз қолмайсиз-да. Аслида ҳозир, ҳозирнинг ўзидаёқ бошингиз ғам-ғурбатда турибди.

Меттерних мутлақо эсанкираб қолганди, аммо гилдираklar шовқини жонига оро кирди:

– Ва ниҳоят, – писанда қилди у, – мана энди сиз билан узил-кесил ҳисоблашиб оламиз, – канцлер олға босиб, эшикни катта очди ва буюрди: – Киринг!..

6. Хоин яхудага 30 кумуш танга¹

Герцог Рейхштадтскийни аравага жойлагач, Франц извошнинг олд тарафидаги «эшак»ка чиқди, лекин бу ташриф у ерда ўтирган извошга хуш келмагани кўри-ниб турарди.

– Ҳечқиси йўқ, йигит, – деди кекса аскар. – Юрак-ни кенг қилсанг, икковимизгаям жой топилади. Мен очиқ ҳавода бемалол тамакимни тутатиб кетмоқчи бўлдим-да. Қани, бос қамчингни, ўқдай учайлик. Гоблицгача тоғли йўллардан бориб, ўша ерда биринчи марта отларни алмаштирамиз.

– Тўғри, йўлимиз тоғлардан ўтади.

– Отларни аямай ҳайдайверасан! Менинг холам жудаям шошиб турибди.

Извошчи қулоқ қоқмай йўлга тушган эса-да, салдан сўнг аввалгидай дарё ёқалаб кетавериш ўрнига жиловни кўприк тарафга бурди.

– Қаёққа ҳайдаяпсан ўзи? – қичқирди Франц.

– Нариги қирғоқдаги йўл яхшироқ, ошна.

– Унақа бўлса майли.

Экипаж равон юриб бораркан, боғбон ҳузурланиб тамакисини тутатди, герцог эса армон тўла эзгин ўйларга чўмди. Шу топда бу қалтис сафардан кўзлаган мақсадини эсига ҳам олмасди, аксинча, ёлғиз кетаётганига ва Полинанинг бир ўзини канцлернинг қаҳрига рўпара қилганига афсус чекарди, холос. Аёл боши билан хавф-хатарда қолган маҳбубасининг ташвиши буткул тинчини олиб, Гитцингга қайтишга ва куч

¹ Хоин Яхудага 30 кумуш танга – Инжил ривоятига кўра Яхуда Искариот Исо Алайҳиссаломнинг шогирди, 12 ҳаворийнинг бири бўлиб, хиёнат йўлини тутган ва хожасини 30 кумуш танга эвазига сотган. Кейин афсусланиб, ўзини осиб кўйган. Яхуда Искариот образи бадий адабиётда хоинлик тимсоли сифатида алоҳида ўрин эгаллайди. (Таржимон изоҳи.)

ишлатиб бўлса-да, княгиняни ўзи билан олиб кетишга қарор қилганди. Лекин шу пайт Франц билан кучер ўртасида даҳанаки жанг бошланди. Кекса ҳарбий ҳайқириб юборди:

– Сўлга, жин ургур, сўлга бур жиловни! Кўзинг қаёқда, олдимиздаги қасрни кўрмаяпсанми?

– Халақит берма, қайга юришни ўзим яхши биламан.

– Ҳали шунақами? Тўхта, керагинг йўқ, туш аравадан!

Франц извошчининг гирибонига чанг солди-да, ерга улоқтириб юборди. Бироқ Галлони (ҳа, бу изқувар эди) қонга бўялганича ирғиб ўрнидан турди-да, ёрдам сўраб айюҳаннос солаверди. Франц ўқдай учиб, уни таппа босди ва пешонасига тўппончасини тиради. Агар герцог яшин тезлигида аравадан тушиб, унинг қўлидан ушлаб қолмаганда, полиция агенти итдай отилиб ўларди.

– Қон тўкишнинг кераги йўқ, Франц, мен бунни истамайман. Ҳаммаси барбод бўлди. Қаршилик бефойда: анавиларга бир қарагин.

Францнинг кўзи тушди: дарҳақиқат, экипаж томонга бир тўда одам қурол ўқталиб келарди.

– Қўйвор уни! – буюрди герцог. – Мен уни кечирдим. Бир неча дақиқагина хаёлан император бўлганимнинг ўзи ҳам шараф. Сен эса, Яҳуда Искарриот, манавини олгин-да, кўзимдан йўқол!

У шундай деб, пул тўла картмонини полициячининг оёқларига улоқтирди.

Шу пайт граф Дитрихштейн пайдо бўлди, хийла орқароқда хизматкорлардан уч-тўрттаси эргашиб келарди.

– Зоти олийлари, – мурожаат қилди граф эзгин қиёфада, – қасрга яёв қайта қолсак, нима дейсиз?

– Бажонудил, аммо анавилар менга дум бўлмаслиги керак!

Дитрихштейн хизматкорларга бошқа йўлдан кетишни буюраркан, йигит Франц билан хайрлашгани орқасига ўгирилди ва донг қотиб қолди. Унинг кўзи тушган кори ҳол қабоҳатнинг ўзгинаси бўлиб, мўйсафид аскарни ерга босиб, қўл-оёғини боғлаб извошга юклашди.

Шаҳзода газаб туғенидан ўзини босолмай қолди:

– Бу киши менинг буйруғимни бажарган, холос. Меттернихга айтиб қўйинглар, башарти, унинг бошидан бирор дона сочи тўкилса, бир соат ўтмасданоқ менинг ўлигимни топасизлар. Не учун ўз жонимга қасд қилганим сабаби эса бутун Европага фош бўлади.

– Хоҳишингиз албатта бажо қилинади, бу гапни канцлерга мен ўзим етказаман, – деди Дитрихштейн титроқ овозда, – аммо ҳозир сизга ёлвораман, юринг, кета қолайлик. Энди сал ўзингизга келиб олишингиз зарур, жон ўғлим.

Саноқли дақиқалардан сўнг Меттернихнинг тутқуни ўз жойига қайтди ва Шенбрун боғининг залворли дарвозаси зичлаб ёпилди.

7. Мўйсафид жангчининг иқрори

Полиция агентлари Францни ўз кулбасига олиб киришди. У граф Зедельницкий, князь Меттернихдай калон зотлар «меҳмонга» келишганидан ўзини тўхта-толмай кулиб олди. Бироқ у княгиня Сариадан бошқа ҳеч кимга таъзим қилгани йўқ.

– Сиз немис эмасмисиз? – сўради канцлер.

Франц бошини адл кўтариб, дасти дароз арбобнинг кўзларига тик боқди:

– Ўзингиз кўриб турибсиз-ку.

– Олифтагарчиликни йигиштиринг. Кимсиз ўзи?

– Соверндан Франц Шуллерман, миллатим – француз, – деди аскар қария. – Аммо эслашга беҳуда уринманг. Негаки, Соверн Германияда эмас, Эльзасда жойлашган. Башарти, бу сизни қизиқтирса, шуниям кўшимча қиламанки, гвардиячи егерларнинг учинчи батальонида сержант эдим. Ҳозир извошда қолдирилган халтага Фахрий легион орденини¹ яшириб қўйгандим: у билан мени Аустерлицдаги жанглار учун тақдирлашган, хоҳласангиз кўрсатишим мумкин.

– Сурбет! – тўнғиллади канцлер.

Эшик олдидаги полициячилар тўдаси ортидан кимдир луқма ташлади:

– Азамат экан-да!

– Шенбрунга келиб қолишимнинг сабаби шуки, – давом этди Франц, – синглимнинг эри шу ерда боғбон бўлиб ишларди, ундан ўша иш ва норасида қизи менга қолди, гулларни парваришлайман, пайванд қиламан. Қачонлардир ҳозирги тутқун йигит гўдак чоғлари мен унинг тансоқчиси эдим.

– Шунчалар меҳмондўстлик эвазига сотқинлик қилдингизми? – узиб олди канцлер.

– Бу ҳар кимнинг нуқтаи назарига боғлиқ, канцлер жаноблари: агар эзгу гоё учун жонингни гаровга қўйсанг, менимча, сотқинликмас, фидойилик бўларди. Бироқ сиз мендан ўқимишлироқ одамсиз ва мен сиз билан баҳслашолмайман. Фақат шуни аниқ айта

¹ Фахрий легион ордени Наполеон Бонапарт биринчи консул бўлган даврда – 1802 йил 19 май куни таъсис этилган. У ҳозир ҳам Франция Республикасининг энг юксак мукофоти саналади. (*Таржимон изоҳи.*)

оламанки, шаҳзода йигитни жонимдан ортиқ яхши кўраман. Сизлар негадир герцог Рейхштадтский дейсизлар, аслида у Наполеон-ку! Уни бунчалар севишим табиий ҳол, негаки, шаҳзода Тюльери қасрида атак-чечак бўлган кезде каминани унга қўриқчи қилиб қўйишганди. Дарвоқе, муҳтарам князь, сиз унинг волидасини олиб борганингизда ҳам соқчиликда ўзим турган эдим-да. Эсингиздами?

Канцлер гижиниб елкасини қисди.

– Менинг номаи аъмолим ана шулардан иборат. Энди шаҳзодани халос этишга келадиган бўлсак, бунини мен ташкил қилдим, амалга ошиши учун бир киши кўмак бериб...

– Ошкора айтаверинг, Франц, – хитоб қилди ўзини тутолмасдан княгиня Сариа. – Ҳеч нарсани яширманг. Сизга шерик ва ёрдамчи бўлганимдан ғурурланаман.

– Режамиз пухта эдики, мен беҳад ҳурматлайдиган мана шу олийжаноб ва матонатли аёл билан уни удалардик, албатта. Агар, шаҳзода халал бермаганида эди, сиз извошга ўтқизиб қўйган хоинни итдай отиб ташлардим. Зоти олийлари ҳали жуда ёш ва ўта раҳмдилки, ўзи учун бошқа бировнинг ўлишига йўл қўймади. Ана ўзи қаршингизда турибди, – Франц кичанли қўллари билан Галлони тарафга ишора қилди, – унга сотқинлиги учун ҳақ тўлайдиган чоғда унутиб қўйманг, бўнакни аввалдан олган: менинг шаҳзодам ҳаётига қўшиб, тилла тўла картмониниям ҳадея этганди. Менинг бор гапим шу, йўқ, яна икки оғизгина қолди. Жияним Маргаритага аталган пулим бор эди, ўшани олиб бориб берадиган бирор кимса борми ораларингда? (Мен бу пулларни пешана терим билан топганман, шаҳзодани озод қилишдаги хизматим учун беришмаган.) Душман бўлиш мумкин, лекин бу

бир етимчанинг ҳақини еб кетишга ва уни қонуний меросдан маҳрум қилишга баҳона бўлмасин-да.

– Ўша пул қаёқдалигини айтавер, мен уни тўлиғича эгасининг қўлига топшираман, – хайқирди Францни «азамат» деган бояги овоз.

Бу эрцгерцог Карл эди.

8. Эрцгерцог ва канцлер

Китобхоннинг эсидадирки, эрцгерцог Карлни элчининг уйидан отланиб чиққан жойида қолдиргандик.

У шаҳзодани Бельведердан топишга улгуролмаслигини ўйлаб иккиланарди. Қолаверса, Меттерних шаҳарнинг ўртасида ошкора можаро кўтаришга ботинмасди ҳам. Герцог ўз тахминидаги машмаша Шенбрунда юз бериши мумкинлигини ўйлади-да, бир киракаш извошчини тўхтатиб, ўша ёққа жўнади.

– Меттерних Гитцингдаги бирор хонадонда бўлса керак, – деди Шенбрунда герцог Рейхштадтскийнинг қайтишини кутаётган граф Дитрихштейн.

Эрцгерцог айтилган уйга яқинлашганда, унинг остонасида қандайдир арава тўхтади ва ундан қўли боғлиқ бировни тушириб олишди. «Набираммикан?!» Хаёлидаги ана шу биргина савол қалбини ўртаган қария олға отилди ва остонадаги полициячилар орасига кириб қолиб, олдинги бобда тасвирланган ҳамма воқеага шоҳид бўлди. Франц айбу гуноҳларига ўз оғзи билан очиқ-ойдин иқрор бўлгач, унинг жиянига тегишли омонатни беҳиёнат олиб бориб беришга ваъда қиларкан, кекса қўмондон эски қуролдошининг (ҳатто у душман қўшинидан бўлса-да) мардлиги ва матонатидан мутаассир эди.

– Ие, сизмидингиз, ҳазрати олийлари, – деди Меттерних ҳайратангиз оҳангда.

– Маршал жаноблари, мени афву этинг, қўлим чаккамга бормайди, чунки боғлаб қўйишган.

Эрцгерцог Францга бир қараб олди-да, қўмондонларча буйруқ берди:

– Жангчининг қўлларини ечинг! У ҳеч қаёққа қочиб кетмайди. – Сўнгра Меттернихга юзланди: – Майлими, князь?

Канцлер хоҳламаса-да, ноилож кўнди.

Полиция агентлари қўлидаги чилвирни кесишгач, Франц аввал ғоз турди, кейин чап қўлини оёғига қадаб, ўнг қўлини чаккасига тегизди. Ҳазрати олийларига ҳарбий эҳтиром қоидасини адо этган мўйсафид аскар сўз бошлади:

– Мурожаат қилишга рухсат этинг, маршал жаноблари.

– Рухсат, гапираверинг, қулоғим сизда, аскар.

– Ёнимда неларки бўлса, сизга бажонудил топшираман. Мана иккала тўппончам, манави жилднинг ичида эса пул ва ҳужжатларим бор.

Бу жумладан ҳамма ҳушёр тортди. Полинанинг кўнглидан: «Тамом, дўстларнинг бари ўлдим деяверсин!» деган гап ўтди. Галлони ва граф Зедельницкий жуда хурсанд эди: «Хайрият-ей, излайвериб оёқларимиз тўзиган қоғозлар ахийри қўлимизга тушди-я!» Меттернихнинг бақириб юборишига бир баҳя қолди: «Бу одамни ҳибсга олиш билан ҳамма исёнчиларнинг рўйхатига эга бўлдим».

– Бу фитначиларни фош этишда сиз ҳазрати олийлари ҳамкор бўлаётганингиз қандай олийжаноблик! – деди канцлер Францнинг жуздонини ушлаб турган

эрцгерцогнинг ёнига келиб. – Сиздаги ҳужжатлар билан энди ҳаммасининг тагига етаман.

– Қайси ҳужжатларни айтяпсиз?

– Қўлингиздагиларни-да, зоти олийлари.

– Модомики, менинг қўлимга тушган экан, князь, энди ўша ҳужжатлар мутлақо йўқ деган сўз. Патерлар гуноҳларни қандай афв этсалар, мен ҳам қўлимда турган нарсадан ўшандай кечиб юборавераман. Салтанатдаги олий рутбам берган ягона имтиёз шу, бу имтиёзнинг қадрига етмаслигим мумкинми? Худо ҳақи, адолат юзасидан рўй-рост айтинг-чи, бу қоғозлар туфайли қанча-қанча одамнинг умри қамоқда чиришини била туриб, уларни сизга бераманми? Агарда шундай қилсам, ўта кетган разилга айланмайманми, мен бу тубанликка қўл урганим учун ҳатто ўзингиз ҳам уялмасидингиз?

– Аммо ҳазрати олийлари, масала нозик, гап давлат хавфсизлигига бориб тақалади, – деди Меттерних, у норози бўлса-да, императорнинг укасига қаттиқ гапиришга ботинолмаётган эди.

Эрцгерцог Францнинг буюмларини киссасига жойларкан, ўзаро гапларни атрофдагилар эшитмасин учун овозини пастлатиб мурожаат қилди:

– Қулоқ солинг, князь, биласизки, мен ҳам давлатимиз хавфсизлиги ва император манфаатлари борасида сиздан кам қайғурмайман. Бугинамас, иккимиз қўлма-қўл ҳимоя қилган ватаннинг шарафига дахлдор сизнинг шаънингиз борки, у мен учун ҳам беҳад қадрли. Мана бу можаро орқасида қанча кўз ёшлар тўкилди ва гувоҳлар ҳам кўпайиб кетди, менга хўп денг-да, шов-шувни бундан ортиқ газак олдираверманг. Менинг киссамга тушган қоғозлардан эса кўнглингиз тўқ бўлсин, минбаъд улардан ҳеч ким фойда-

лана олмайди. Набирамни Шенбрунга қамаб бўлишди, сизга яна нима керак? Йигитчани халос этишга бош қўшган уч-тўртта муштипарни фош этиб, жазолашга орзумандамисиз? Ахир бу билан болаларча нодонликка ваҳимали исён тусини бериб қўясиз-ку! Йўқ, сизнинг манави ҳаракатингиздан сўнг бировга зиён-заҳмат етказолмайдиган ҳолдаги бечораларга газаб қилмай қўя қолинг энди. Бундай йўлни тутиш сизга осон демайман, лекин ана шундагина сиз буюк Меттернихга муносиб ва оқилона иш қилган бўласиз. Шуниям унутмангки, – у овозини яна ҳам пастлатди, – бахтга муносиб бўла туриб, бахти қарога айлантирилган кишининг хайрихоҳлари янаям кўпайиб кетиши мумкин. Ва ниҳоят, қизингиз бояқишнинг кўз ёшларини тўхтатмоқ қайғусида экансиз, ўзгаларга шафқат қилишни дариг тутманг-да, князь.

Меттернихнинг қалбида ҳаёт-мамот кураши бошланиб кетди. Бир тарафдан, яқингинада қизалоғига эрцгерцог оталарча меҳр кўрсатгани кўз олдидан кетгани йўқ, шундай инсоннинг талабини рад этиб бўлмасди. Иккинчи тарафдан, ўзини доғда қўйган шахсларни, алалхусус, Франц ва Полинанинг гуноҳини шартта кечириб юбориш ўта қийинлигидан боши қотди.

– Бўпти, ҳазрати олийлари, модомики, сиз талаб қиларкансиз...

– Мен талабмас, илтимос қилдим.

– Агар сиз шуни истасангиз, фақат фитначиларга ёрдам беришга уринганларнинг гуноҳидан ўтишга розиман. Майли, миланлик аёлларни озод қилишга ҳам буйруқ бераман.

– Бу ишда уларнинг ҳам қўли борми?

– Бор-да. Аммо анави қари аскар билан княгиня Сариа ҳамма ишнинг бошида туриб, императорнинг набирасига ҳам доғ туширишди. Шу икковининг касрига шаҳзодамиз бетайин сиёсий фитнанинг ва аҳмоқона муҳаббат можаросининг жабрдийдасига айланаёзди. Буни қандай кечирish мумкин?

– Қўйсангиз-чи, хўп, улар айбдор, лекин бундай айбга нисбатан режанинг барбод бўлишидан ортиқ жазо борми? Ҳар нима бўлганда ҳам мени ана шу кекса аскар беҳад қизиқтириб қолди. Қаранг, орадан йигирма йил ўтди, у ҳамон ўша даврда – ватанининг афсонавий шон-шарафли замонида яшамоқда. Шу инсонни менга топшира қолмайсизми? Онт ичаманки, сиз ҳеч қачон уни кўрмайсиз, номини ҳам эшитмайсиз.

– Амрингиз вожиб, ҳазрати олийлари, – Меттерних оғринибгина эрцгерцогга бўйсунди.

– Миннатдорман. Энди княгиня Сариага келсак, мен уни яхши билмайман. Ўйлайманки, розилигини олмасдан ҳимоячиси бўлишимдан ранжимас. Ижозат этсангиз, у билан икки оғиз гаплашиб олсам.

– Бу ерда сизгина фармон бера оласиз, зоти олийлари.

Полина бу суҳбатни эшитмаса-да, эрцгерцог канцлерни фитначиларга нисбатан инсофга чақираётганини фаҳмлаб турарди. У кўз олдидаги олийжаноб шафеликнинг хайрли якунидан умидвор эди, албатта.

– Княгиня, – деди Полинага таъзим билан яқин борган эрцгерцог, – манави можарога дахлингиз нечоғли эканини билмайман ва билишни ҳам хоҳламайман. Хайриятки, вазият тақозосига кўра сизга тааллуқли бу сир ошкор этилмайди ва алоқадор шахсларнинг баридан жавобгарлик соқит қилинади. Аммо бунинг қатъий шарти бор: сиз ҳамма айбга

иқрор бўлишингиз ва Австрия ҳудудидан чиқиб кетишингиз керак. Бундан ташқари, император ҳазрати олийларига қарши ҳеч қачон бош кўтармасликка ваъда берасиз. Башарти, шундай мажбуриятни зиммангизга олмас экансиз, мен бу ишга аралашолмайман.

– Францни ҳам қўйиб юборишадими? – Полина шунчалар яшнаган ва ёлворган қиёфада сўрадики, эрцгерцог унга ҳамдард ва хайрихоҳ нигоҳ солишдан ўзини тия олмади.

– Ҳамма, жумладан, Франц ҳам афв этилади. Буни менинг жангчи ва эрцгерцог сифатидаги ваъдам деб қабул қилаверинг.

– Ташаккур, ҳазрати олийлари, – овозини кўтарди Полина. – Сиз менга ҳаётдан кўзлаган ягона бахтимни ҳадя этдингиз. Мени шармисорликдан сақладингиз, энди одамларнинг кўзига яна тик боқа оламан. Сиз талаб қилган мажбуриятни эса зиммамга оламан.

У канцлернинг олдидаги стол томонга икки қадам ташлаб, ранги ўчган ҳолда, аммо дадиллик билан сўз бошлади:

– Мен ҳар қандай жазога лойиқман, негаки, князь Меттернихга панд бердим. Герцог Рейхштадтскийни озод қилолмадим, энди унинг кўзига кўринишга ҳаққим йўқ. Ҳазрати олийлари, биласизки, у севилишга лойиқ йигит ва қачондир мавриди бўлиб қолса, муҳаббатим ва садоқатим оташин эканини Наполеонзодага айтолсангиз эди. Энди ҳеч қачон унинг манфатига алоқадор бирор қалтис ишга қўл урмайман. Бутунлай ғойиб бўламан, башарти, озодлик ва тож-тахт бахти унинг тақдирида бўлса ҳам, мен бунга шерикчилик даъво қилмайман.

Гўё аёлнинг тинка-мадори қуриётгандай бир-икки тўхталиб олди. Бир оздан сўнг ўзини қўлга олиб, давом этди:

– Алвидо, азиз оғам, Франц Шуллер, хайр дўстим. Сиз ўз ватанингизга қайтасиз, ўтган кунларни хотирлаб, хотиржам яшайсиз энди. Гоҳо Полина Сариани – сиз ўз ўглингиздай суйган йигитнинг ҳаётида чақиндай ўтган бахти қаро аёлни ҳам бир-бир эслаб қўйинг. Лекин унга ачинманг, зеро у оз бўлса-да, жонфидолик лаззатини тотиб кўрди, ҳузурланди. Сизга сўнгги сўзим шуки, Меттерних жаноблари, наздингизда жинойт саналган уринишимни жирканч ҳаракатга йўйманг. Ахир мен бунга ўз фойдамни кўзлаб эмас, қалбимнинг амри билан саъй қилдим, холос. Бу «жинойтим» сизнинг кечиршингизга муҳтожмас, нега десангиз, бунга мен пушаймон бўлаётганим йўқ. Алвидо, князь. Агар ёдингизга тушиб қолсам, ўзингизга тасалли беринг: пок юрак ҳамиша ҳур ва озод бўлади.

У қўлини кўксига босди ва туйқусдан бўғиқ ўқ товуши эшитилди: тўр ва кашталар орасида нимадир ялт этиб, княгиняни кўкимтир дуд қуршовга олди.

Франц йиқилаётган Полинани базўр тутиб қолди. Меттерних эса корсаж остидан жажжи тўппончани тортиб олди-да, бақириб юборди:

– Бадбахт хотин!

– Йўқ, – деди ажал остонасидаги Полина кўзини очиб, – мен бахтли аёлман, ахир у мени севади!

Княгинянинг кўзлари яна юмилди ва салдан сўнг юраги уришдан тўхтади. Полина ўз аҳдининг урдасидан чиқди: «ютқазгудай бўлсам – қарздор бўлиб қолмайман» деган эди, мана, довга тикилган ҳаётдан воз кечди. Франц марҳуманинг пойига тиз чўкиб, герцог Рейхштадтскийнинг бу айрилиқдан мотамзада чеҳрасини кўз олдига келтирди-да, йиғлаб юборди:

– Маҳбубанг олис ва қайтмас гулзорга мангу йўл олди, болам!

ХОТИМА

1. Икки дўст

1832 йил 18 июнь оқшоми, Вена шаҳри. Грeпининг Видендаги ойнасозлик дўконига олтмиш ёшлардаги бир киши кириб келди, у тик ёқали мовий сюртук кийиб, петлицасига қирмизи лента тақиб олганди. Дўкондор ҳаяжоннинг зўридан ирғиб ўрнидан турди ва хитоб қилди:

- Ие, ўзингизми? Наҳотки сиз бўлсангиз?
- Ҳа, менман, дўстим Грeпи. Онтимни буздим ва яна қайтиб келдим. Аммо билиб турганингиздек, бировдан яширинаётганим йўқ, эртага эса эрцгерцог ҳузурига кириб, бор гапни очиқ айтаман.
- Сизни кўриб, теримга сигмаяпман, азизим Франц, қани-қани, ўтириб олинг-чи. Ҳозир қизимни ва онасини чақираман.
- Ҳожати йўқ. Вақтим жуда тигиз, ўзингизга айтадиган зарур гапим бор.
- Сиз бу ёққа уни деб...
- Бўлмаса-чи, уни дебгина келдим-да.
- Шўрлик оғир, жуда оғир хаста.
- Билдим. Аммо сиз барини батафсил айтиб беролмайсизми?
- Фақат шаҳардаги узунқулоқ гапларнигина айтишим мумкин. Ўша кечаси полициячилар мени қўйиб юбориши билан Мано тарафга ўқдай учдим: отлар ва извош ўғирланганини айтиб қўймасам бўлмасди-да.

Кейин «Оққуш» меҳмонхонасига бориб билдимки, чевар хотинлар хотиржам Милан сафарига отланишаётган экан. Княгиня Сариа фожиасини ҳам ўша ердагилардан эшитдим. Машъум тундаёқ Гитцингдаги уйингиздан унинг мурдасини олиб, Венгеридаги мулкларига жўнатибдилар. Буларнинг барини улар энг ичида амаллаб, княгинянинг қаёққадир кетгани тўғрисида овоза тарқатишган.

– Бундан чиқди, шаҳзода ҳали унинг ўлганидан беҳабар?

– Шунақа бўлса керак. Бу ҳақда унга ким ҳам айтарди? Эрцгерцог ҳақиқатни яширмайдиган ягона одам эди, бироқ у ҳамма нарсадан қўл ювиб, кошонасига қамалиб олган, бир-икки кунгина бурун Венада пайдо бўлди. Афтидан, бола бечора княгиня Италияга қайтган ва ўзини унутиб бўлган, деб ўйласа керак-да.

– Йўқ, унақамас, у бундай хаёлга бормайди. Мен икковини холи ҳолда кўрган одамман: улар бир-бири учун жонидан ҳам кечишга тайёр эди.

– Унақа бўлса, шаҳзода аёлни қамаб қўйишган деган фикрдадир. Нима бўлсаям, ўша фожиадан бери у ғам-андухга ботган, тобора руҳи тушиб бормоқда. Миш-мишларга қараганда, жуда ҳолдан тойиб қолган эмиш. Икки ойгача Шенбрундан бир қадам ташқарига чиқаришмаган. Кейинроқ Пратерда кўринибди, полкининг олдига чиққан экан, аммо чўпдай озгин, эту устихон дейишди. Ичидаги оташ кулга айлантириб бўлган эса-да, полкни бир неча бор жанговар кўриктан ўтказган, команда берган, бироқ овози беҳол, кўзлари сўник, ёноқлари сўлгин. Ахийри бир куни шу ишгаям ярамай қолган, лаблари бўзариб, ҳатто гапи-

ролмасди, дейишди-да. Уни яна ташқарига чиқармай қўйибдилар. Апрель ойида Дунайда тошқин юз бериб, талафот катта бўлди: йигит жабрланганлар ҳолидан хабар олган, уларга ёрдам берган, сираям чарчамаган. У ана шундай ташрифлардан бирида уйига қайтаётган маҳал от ёмон олиб қочган, шаҳзода извошдан сакрашга мажбур бўлиб, кўкраги оғир шикастланган. Шўрлик сил касалига мубтало экан, шамдай сўниб, адоий тамом бўлмоқда.

– Уни Италияда даволатиш ҳеч кимнинг хаёлига келмагандир. Бечора ўша ёқларда бир оз ором оларди-да.

Грепи жиндай сукутга чўмди ва қўшиб қўйди:

– Эшитишимча, шу кунларда унинг онасини чақиртиришган эмиш.

– Ўша аёл она эканми? – гижинди Франц. – У ўғли учун бу ёқларга ҳеч қачон келмайди.

– Йўқ, келармиш-да, уни кутиб туришибди.

– Демак, шаҳзоданинг касали пишиб қолган. Менгаям ҳар бир дақиқа ғанимат экан. Эрцгерцогни топиб, унинг ёрдамида Шенбрунга киришим, агар бунинг иложи бўлмаса, Маршаннинг хатини герцогга бериб қўйишни илтимос қилишим керак. Биласизки, дўстим Грепи, Маршан Наполеоннинг камердинери эди ва император худди шу одамнинг қўлида жон берган. Маршаннинг Европага қайтганига ўн йил бўлди: шунча йиллар давомида герцог Рейхштадтский билан бир мартагина учрашиш учун императорга, Меттернихга, Мария-Луизага неча бор ёлворди, лекин беҳуда. Иложи қолмагач, у Наполеоннинг сўнгги дамлари ҳақида нима билса, барини қоғозга туширди ва мен бу васиятномани Наполеон-

зодага етказишга ваъда бердим. Мабодо, эрцгерцогнинг ёрдами тегмаса, ўзим ҳаракат қилиб кўраман. Дўстим Грепи, башарти, менга бир гап бўлса, жияним Маргаритага хабар бериб қўя оласизми, шунга ишонайинми?

– Аввало сизни худо асрасин, аммо менга ишонаверинг, дўстим...

2. Ажал шароби – муқаррар насиба

Бахтга қарши Франц Шенбрунга кира олмади. Маршаннинг мактубини эрцгерцог олиб, агар жиян-неварасининг омонат жони омон бўлиб, иккови холи қолсалар, топшириб қўйишига ишонтирди.

Грепи ҳақ гапни айтди, чиндан ҳам Меттерних домидаги тутқуннинг саноқлигина кунлари қолган. Докторлар ҳали унинг анча умри борлигини айтсалар-да, беморнинг пишиб бўлгани яққол кўриниб турарди. Боз устига, шу рамақижон ҳолида у яна бир синовдан ҳам ўтиши керак. Бу саройдаги диний таомил бўлиб, оғир бемор муқаддас сирли неъматдан, яъни нон ва шаробдан сўнгги бор тотиниши, ўтмиш гуноҳларига тавба ва бўлғуси раҳматлар умидида тазарру-тавалло қилиши зарур.

Насронийлар эътиқодидаги бу покланиш маросими 19 июнга белгиланди ва Шенбрун саройидаги ибодатхонада ўтадиган бўлди.

Тадбир барвақт ташкил этилгани устига, одатга хилоф равишда уйдамас, черковда издиҳом иштирокида ўтказиларди. Бунинг сабаби иккита: биринчиси шуки, император сафарга отланган ва набираси жон беришини пойлаб, Венада ўтиролмади. Иккинчи-

дан, ҳамиша раҳмдил эрцгерцогиня Софиянинг бемор бояқишга раҳми келиб, маросим йигитга малол келмаслигига, енгилроқ ўтказилишига уринганди.

– Азизим, Франц, – деди у шаҳзодага, – шу топда иккаламиз ҳам дардлимиз. Худога шукурки, ҳаётинг хавф остида эмас, лекин энди турли-туман машғулотлар ва ҳузур-ҳаловатдан тийилиб турасан. Менинг эса кўзим ёрийдиган, негадир ваҳима босяпти. Кела қол, икковлон биргаликда тазарру-тавалло қилиб, худонинг раҳматини сўрайлик: мен сенга шифойи комил тилайман, сен эса менинг эсон-омон қутулиб олишим учун муножот қиласан.

Герцог миннатдорона табассум билан бош ирғади. Афтидан, у тозадил ва мушфиқ аёлнинг эзгу «ҳийласи»ни пайқаб турарди.

Хуллас, 1832 йилнинг ўша 19 июнь кунида Шенбрун қасридаги кичик ибодатхонага император оиласи ва аркони давлатдан иборат катта жамоат йиғилди.

Герцог Рейхштадтский покланиш маросимига эрцгерцогиня София билан қўлтиқлашиб кириб борди: у рангпар, ўта озгин бўлиб, зўр-базўр қадам босар ва ҳеч кимга қиё боқмас эди. Шаҳзода ўзи учун қўйилган оромкурсига бир амаллаб ўтириб олди. Олийжаноб холаси ёнида тиз чўкиб ибодатга машғул экан, тинка-мадори қуриган йигит икки ойдан бери қалбини тарк этмаётган оғир ўйлар уммонига ғарқ бўлди. Лекин муқаддас нон ва шароб кўтариб, ўзи томонга келаётган патерни кўргач, ҳуши ўзига қайтиб, кўзлари чарақлаб очилди. Йигитнинг ёноқларига гўё ранг киргандай эди, у қўли билан табаррук тотиниш онларини сал кечиктиришга имо қилди.

Патер тушунолмасдан тўхтаб қолди, эрцгерцогиня эса жиянига саволомуз боқди.

– Холажон, мен сиз ва туғилажак дилбандингиз учун дуо қиламан, бироқ маъзур тутинг, муштипар дугонангиз княгиня Сариа ҳаққиға ҳам тавалло қилсам дейман. Шу топда худонинг уйида турибмизки, бу ерда ёлғон сўзлаб бўлмайди: рост айтинг, у ҳаётми, ё?..

Йигитнинг жони лиқиллаб турган бўлса-да, қилдай риштанинг узилиш-узилмаслигини эрцгерцогинянинг жавоби ҳал қиларди. Аёл шу муқаддас лаҳзаларда алдашга қодир эмасди, лекин тили айланмади-да, мовий кўзларидан марварид томчилар тўкилаверди.

Герцог Рейхштадтский ҳаммасини тушунди... Унга ҳатто азиз ёри учун йиғламоқни ҳам нораво билибдилар-да! Уни тириклардангина эмас, марҳумларнинг руҳидан ҳам жудо қилишса-я! Йигитнинг кўз олди қоронғилашди, оёқлари ортиқ дош бера олмади: башарти граф Дитрихштейн чапдастлик қилмаганда, у ерга юзтубан ағдариларди.

Бир дақиқадан сўнг патер яқин келиб, ҳаёт нишонаси сезилмаётган йигитнинг кўкарган лабларига масиҳий неъматни тутди.

Ҳа, унинг паймонаси тўлиб бўлди. Наполеонзонанинг тупроқ бағридан мангу жой олишиға ҳеч қанча қолгани йўқ. Сал нарида ибодатга машғул аркони давлат орасидаги князь Меттерних ёш рафиқасига хушнуд кулиб боқарди...

Эртасига – 20 июнда император Триестга жўнаб кетди. Беш кун ўтгач, Мария-Луиза Пармадан Венага етиб келди.

Бир ойдан сўнг Шенбрун асири фоний дунё уқубатларидан қутулди – Наполеоннинг ўғли боқий дунёга йўл олди.

Гермина Меттерних дунёдан танҳо ўтиб, бир неча йил бурун Вена шаҳридаги Савойя аёллар монастирининг сарроҳибаси сифатида қазо қилди. Ана ўша кундан бери герцог Рейхштадтскийнинг қабри қирмизи гулларга зор-интизор. Сарроҳиба она ҳаёт чоғи эса эллик йил мобайнида бу қабр бирор кун ҳам гулсиз қолган эмас..

МУНДАРИЖА

Жувонмарг валиаҳд фожиаси.....	3
--------------------------------	---

БИРИНЧИ ҚИСМ

МАХФИЙ ҲУЖЖАТЛАР

1. «Олтин қайчи».....	16
2. Паспорт	20
3. Амма.....	23
4. Княгиня Сариа	27
5. Галлони	35
6. Сафар зарурати	43

ИККИНЧИ ҚИСМ

ТУТҚУН

1. Герцог ва боғбон.....	48
2. Меттернихнинг маҳкамасида.....	60
3. Европанинг ҳукмдори.....	67
4. 1830 йилдаги интервью	74
5. Икки маршал	76
6. Аёлга хос дипломатия.....	81
7. Наполеонзода.....	86

УЧИНЧИ ҚИСМ

ҚАЛТИС ҚАДАМ

1. Полиция агентининг сарсон-саргардонлиги	94
2. «Оққуш» меҳмонхонаси	97
3. Амалий режа.....	102
4. Полинанинг юрак сири.....	III

ТҮҮРТИНЧИ ҚИСМ

ИККИ ДУШМАН

1. Франц биринчими ё Франц иккинчими?	113
2. Она ва ўғил	118
3. «Бу дунёда ғамгусорсиз ғарибман!»	123
4. Мудҳиш босинқираш	124
5. Ҳарбий кўрик	126
6. Гермина кимнинг китобига гул қўйди?	129
7. «Ҳарбий ҳаракатлар»нинг бошланиши	131
8. Диана ҳайкали пойида	142

БЕШИНЧИ ҚИСМ

ҚОПҚОН

1. Чораларга қарши чоралар	153
2. Графиня Камерата	156
3. Икки хил жавоб мактуби	159

ОЛТИНЧИ ҚИСМ

ҚОЧИШ

1. Маслаҳат	166
2. Наполеондан қолган извош	170
3. Лорд Каулининг зиёфати	175
4. Шаҳзода киборлар даврасида	180
5. Пистирма	187
6. Меттерних маслаҳат беради	191
7. Ота билан қиз	196

ЕТТИНЧИ ҚИСМ

АЛВИДО, ОРЗУЛАР!

1. Йўлга тўкилган кўз ёшлар	199
2. Бельведер боғидаги ғалати воқеа	201
3. Маломат қайғуси	202
4. Ҳижрон	206
5. Юзма-юз	208

6. Хоин яхудага 30 кумуш танга	213
7. Мўйсафид жангчининг иқрори.....	215
8. Эрцгерцог ва канцлер.....	218

ХОТИМА

1. Икки дўст.....	225
2. Ажал шароби – муқаррар насиба.....	228

Адабий-бадиий нашр

**ШАРЛЬ ЛОРАН
НАПОЛЕОНЗОДА**

Муҳаррир
Муҳайё РИХСИБЕКОВА

Мусаҳҳиҳ
Мадина МАҲМУДОВА

Бадиий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Саҳифаловчи
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник муҳаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АІ № 252. 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 01.07.2016 й.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 7,5. Шартли босма тобоғи 12,6.

Гарнитура «Constantia». Офсет қоғоз.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 135.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.

10013. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 147-00-14, 129-09-72.

Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-37. факс – 273-00-14;

[e-mail: yangiasravlodi@mail.ru](mailto:yangiasravlodi@mail.ru)